



**ИСЛОМ КАРИМОВ**

**ЎЗБЕКИСТОН  
МУСТАҚИЛЛИККА  
ЭРИШИШ  
ОСТОНАСИДА**

ISBN 978-9943-01-727-6

Тошкент  
«Ўзбекистон»  
2011

## СЎЗБОШИ ЎРНИДА

Хурматли китобхон!

Нашриётимиз томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизнинг ўз давлат мустақиллигини қўлга киритиш арафасида ва ундан кейинги дастлабки ойларда олиб борган жўшқин ва серкирра сиёсий-ижтимоий фаолиятини акс эттирадиган, «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» деб номланган янги китоб тайёрланиб, эътиборингизга ҳавола этилмокда.

Бу китобдан давлатимиз раҳбарининг айни шу мураккаб тарихий даврда сўзлаган маъруза ва нутқлари, сухбат, мақола ва интервьюлари ўрин олган.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, бу чиқишлиар китоб ҳолида илк марта чоп этилмокда. Уларнинг ижтимоий моҳияти, илмий-назарий қиммати ва аҳамияти нақадар бекиёс экани бугун, вақт ўтиб, Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллик санаси ни-шонланаётган шу кунларда, айниқса, яққол намоён бўлмокда. Ҳеч муболағасиз, бу тўпламдан жой олган ҳар бир чиқишини мухим сиёсий воқеа, юритимизни миллий истиқлолга олиб келган машақкатли ва шарафли кураш тарихининг ўчмас саҳифаси, деб аташ мумкин.

Албатта, бу китобда ана нгу даврда юз берган барча воқеа-ходисаларни ва муаллифнинг уларга бўлган муносабатини хронологик тарзда тўла ва батафсил акс эттириш мақсад қилиб қўйилмаган. Асосий мақсад — совет давлати ҳали ўзининг хукмронлик кучи-ни йўқотмаган, унинг репрессив сиёсати давом этажётган, «пахта иши» деган туҳмат билан қанча-қанча одамлар ноҳақ қамалган, тазиқ ва таъқибларга учраган, халқ ўртасида тушкунлик, эртанги кунга ишонч-сизлик кайфияти, қўрқув ва ваҳима кенг тарқалган бир пайтда Ўзбекистон раҳбари сифатида иш бошлаган Ислом Каримовнинг мустақилликка эришиш ма-саласини кун тартибига қатъий қилиб қўйганини аниқ тарихий ҳужжатлар орқали кўрсатиш, бу йўлда қан-дай улкан ишлар амалга оширилгани ҳақида ўкувчиларга маълумот етказишдан иборат.

Шунинг учун ҳам ушбу китобда Юртбошимизнинг ўша даврдаги барча чикишлари тўлиқ берил-масдан, асосан ҳалқимизнинг асрий орзуси бўлган миллий истиқлол мавзусига оид фикр ва қарашлари атрофлича ўз ифодасини топган. Бошқача айтганда, мустақиллик гояси, мустақиллик мавзуси мазкур тўпламга киритилган барча нутқ ва маъruzаларда ба-мисоли «қизил ип» бўлиб ўтади.

Айни вақтда ушбу китобда юртимиздаги ғоят қал-тис ва носоғлом вазият, озгина учкун чиқса бутун республика ловуллаб ёниб кетадиган, тўғри йўлни топиш ўта мураккаб ва хатарли бўлган бир шароитда инқироздан чиқиш, Ўзбекистоннинг тақдири ва келажагини ҳал этадиган энг муҳим масалалар бўйи-ча улкан донишмандлик ва жасорат билан баён этилган концептуал ёндашувлар, амалий фикр-мулоха-залар, хулоса ва таклифларга алоҳида эътибор қаратилган.

Маълумки, Ислом Каримов республикамиз рах-бари сифатида иш бошлаган пайтда (1989 йил 23 июнь) ўлкамизда узок йиллар давомида ҳукм сурган коммунистик мафкура ва фақат ҳом ашё етка-зеб беришга асосланган бир ёқлама иқтисодий сиё-сат ҳар бир соҳада ўзининг ҳалокатли салбий таъ-сирини кенг миқёсда кўрсата бошлаган эди.

Бу даврнинг оғир ва аянчли ижтимоий-сиёсий манзарасига Ислом Каримов шундай баҳо беради:

**«Шу нарса шак-шубҳасиз ва очик-ойдиндирки, республика барча асосий иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича Иттифоқдаги ўртacha дара-жадан ҳам анча орқада бўлиб, мамлакатда охирги ўринлардан бирида турибди. Биз бу рақамларни илгари ҳам неча марталаб айтганмиз, аммо бугун уларни яна бир бор идрок этмоқ керак. Ўзбекис-тон ҳар киши бошига ялпи ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича мамлакатда 12-ўринда ту-рибди, ахоли жон бошига миллий даромад ишлаб чиқариш бўйича кўрсаткич эса Иттифоқдаги ўрта-ча даражадан икки ҳисса паст.**

Саноатдаги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан рес-публика мамлакатдан 40 фоиз, қишлоқ хўжалиги-даги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан эса икки баробар орқада қолмокда. Республикада ахоли жон бошига ҳалқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ўртacha Иттифоқ даражасининг атиги 40 фоизини

ташкил этади. Биз даромад даражаси, асосий тур-даги маҳсулотларни истеъмол қилиш жиҳатидан иттифоқдош республикалар орасида энг охирги Ўринлардан бирида турибмиз.

Ўзбекистон аҳолиси ўрта ҳисобда гўшт маҳсу-лотларини, сут ва сут маҳсулотларини, тухумни, Умуман мамлакат аҳолисига нисбатан икки баро-бар кам истеъмол қилмоқда. Ойига ўрта ҳисобда '5 сўмдан камроқ ялпи даромад оладиган аҳоли нинг улуши мамлакатда 12 фоиздан сал кўпроқ бўлса, бизнинг республикамизда 45 фоизга боради. Бир миллионга яқин киши ижтимоий ишлаб чиқа-ришда ўзининг қўлидан келадиган ишни топа ол-маяпти.

Ижтимоий инфраструктура тармоқлари: соғ-лиқни сақлаш, халқ таълими, мактабгача болалар муассасалари жуда оғир аҳволга тушиб қолган. Мактаб ва касалхоналарнинг 60 фоизи нобоп биноларда жойлаштирилганини айтишнинг ўзи кифоя. Жуда ўткир иқтисодий ва ижтимоий муаммолар рўйхатини яна давом эттириш мум-кин. Буни аввало шундан кўрса бўладики, инсоннинг хар томонлама уйғун камол топиши, унинг шахс сифатида маънавий ривожланиши у ёқда турсин, кўпинча яшаш учун керак бўлган энг од-дий нарсалар ҳам етишмаяпти.

Бундай аҳвол вужудга келганининг боиси нимада?

Шу қадар катта бойликларга, ишлаб чиқариш ва фантехника имкониятларига, қулай табиий-икклим шароитларига эга бўлган республикамиз асосий иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича мамлакатда охирги ўринлардан бирига - хақли равишда инқироз ҳолати, деб аталган аҳвол-га тушиб қолганининг сабаби нимада?

Республиканинг тақдири, унинг келажаги учун қайғураётган, ёш авлод тақдири учун куюнаётган соғлом фикрли хар бир киши ҳозир ўзига ўзи шу саволни бермоқда.

Назаримда, бунинг жавоби шундай бўлмоғи керак: 30-йилларнинг бошларида иқтисодиётга раҳбарлик қилишининг маъмуриятичилик, буйруқ-бозлик усуллари ғалаба қозониб, Ўзбекистонни,

унинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожланти-ришга яроқсиз ёндашувлар тобора қарор топиб борди. Хўш, бу иллатлар нималарда намоён бўлди? Аввало шундаки, бизнинг

**республикамиз асосан хом ашё базаси, саноат министрлари ва идо-раларининг мўмай хом ашё манбаи деб ҳисобла-нар эди. Ўлканинг маҳаллий, ижтимоий-иктисодий хусусиятларига баъзан етарлича, баъзан мут-лақо баҳо берилмади, баъзан эса бу хусусиятлар писанд ҳам қилинмади. Иктиносидий ва ижтимоий соҳани комплекс, жадал ривожлантиришнинг, умумиттифоқ меҳнат тақсимиотида Ўзбекистон ССРнинг мавқеи ва ўрнини ўзгартиришнинг му-кобил йўллари эътиборга олинмади» (Ўзбекистон Компартиясининг 1990 йил 4 июнда бўлиб ўтган XXII съездидаги сўзланган нутқдан).**

Албатта, неча йиллар давомида ҳал этилмаган, халқнинг сабр косасини тўлдирган бундай муаммолар охир-оқибатда ижтимоий ларзага олиб келиши муқаррар эди.

Шундай бўлди ҳам.

1989 йилнинг май ойида Фарғона вилоятида буз-ғунчи кучлар томонидан ташкил этилган оммавий тартибсизликлар июннинг охирига келиб ниҳоятда авж олиб кетди.

Кечагина республикамиз раҳбари этиб сайланган Ислом Каримов ишга киришган куннинг эртасига ёқ, яъни 24 июнь куни Ўзбекистон ССР Министрлар Со-ветида катта мажлис ўтказди ва унда нутқ сўзлади. Бу нутқ моҳият эътиборига кўра Ислом Каримовнинг Ўзбекистон раҳбари сифатидаги биринчи нутқи экани билан ҳам алоҳида тарихий ҳамиятга эгадир. Ушбу чиқишида Ислом Каримовнинг сиёсий етакчига хос барча фазилатлари яққол намоён бўлади.

Ўзининг кескин танқидий ва амалий руҳи би-лан ажralиб турадиган мазкур нутқда республика раҳбари Ўзбекистонда вужудга келган ўта му-ракқаб ижтимоий-иктисодий вазият ва унинг сабабларини чукур таҳлил қилиб, аччик ва ҳаққоний бир холосага келади. «**Биз бундан бўён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди**», деб янги лавозимга қандай улуғ мақсад ва масъулият билан киришашётгани, ўз фао-лиятида ислоҳотчилик, эл-юртнинг дарду ташвишлари энг олий мезон бўлиб қолишини очик баён қиласида. «Сен — менга тегма, мен — сенга тегмай-ман» қабилида ишлашга ўрганиб қолган қўпчилик залда ўтирган расмий шахслар учун бундай ўткир сўзлар бамисоли булутли осмонда чақмоқ чакнагандек таъсир этади. Янги раҳбарнинг мавжуд

аҳволни ижобий томонга ўзгартириш, республи-кани чуқур инқироз ҳолатидан олиб чиқиш бора-сидаги азму қарори нақадар жиддий ва қатъий эка-ни уларнинг ўртасида катта безовталик ва бесаранжомликка сабаб бўлади.

25 июнь куни эса Ислом Каримов жанжал-тўпо-лонлар алангаси ичиди колиб кетган Фарғонага йўл олади. Ловиллаб ёнаётган уйлар, таҳлика ва сароси-мага тушган шаҳар ва қишлоқлар, қаҳр-ғазабга тўлган одамларнинг ичига дадил кириб боради. Улар билан чин дилдан, ҳеч нарсани яширмасдан очиқ гап-лашади. Бу инсонларнинг шу вақтга қадар ҳеч ким эшитмаган оху нолаларини тинглаб, ўзининг юракдан чиқсан самимий ва ҳаққоний сўзлари билан бамисоли уларнинг қалбидаги жароҳатларга малҳам қўйгандек бўлади, кўнгилларда сўнган умид учқунларини уйғотади. Тартиб-интизомни тиклаш, қон тўкилишининг олдини олиш бўйича бутун масъулиятни ўз зиммасига олиб, аниқ чора-тадбирлар кўради.

Албатта, Ислом Каримов республика раҳбари сифатида Фарғона воқеаларининг сабаб ва оқибатлари ҳақидаги маълумотлар билан ўз кабинетида ўтирибҳам танишиши, керакли қарорларни қабул қилиши мумкин эди. Аммо ўша пайтдаги аксарият партия арбобларига хос бўлган бундай хонанишинлик, кабинетдан чиқмай иш юритиш принципи Ислом Каримов

учун мутлақо бегона эди. У ҳаётнинг қайноқ нафасини бевосита хис қилиш, яхши-ёмон кунларда халқ билан бирга бўлиш, эл-юртнинг дарду қувончига доимо шерик бўлишни ўзининг ҳаётий маслаги, олий инсоний бурч деб билади.

Агар ўша йиллар тарихига эътибор берадиган бўлсак, Фарғона воқеалари ҳақида шов-шув кўтарганлар, шундай конли фожия ҳисобидан обрў топиш, ўзининг ғаразли манфаатларига эришишга, халқимиз-ни бадном қилишга уринган кимсалар кўп бўлган. Ислом Каримов бу борада куйиб-ёниб, асл ҳақиқат-ни катта дард ва жасорат билан баён қиласди, фожия оқибатларини бартараф этишнинг амалий ечимлари-ни ишлаб чиқади ва изчил амалга оширади.

Жумладан, Юртбошимиз Тошкентда ва Моск-вада бўлиб ўтган катта анжууманларда, шунингдек, матбуотдаги чиқишлиарида бу масалада қатъий по-зицияда туриб, қуидаги фикрларни алоҳида таъкидлайди:

**«Ўзбек халқининг виждони пок. Фарғона воқеалари ўзбек**

халқининг иродаси билан содир бўлмади. Бу воқеаларга тутуруксиз ва ғаразли мақсадларни кўзлаб, ким қандай бўёқ бермасин, тарих албатта, ўзинингadolatli ҳукмини чиқаради. Бай-налмилалчилик, меҳмондўстлик, яхшилик, қалб саховати ҳамиша ўзбек халқига хос фазилат бўлиб келди. Халқимиз хеч қачон бошқа халқларга нисбатан душманлик кайфиятида бўлмаган. Бу қади-мий ва ҳозирги тарихимиздан олинган кўпгина ми-соллар билан исбот қилинган» (Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1989 йил 19 августдаги XVI пленумида сўзланган нутқдан).

Бундай ҳаққоний ва ҳароратли сўзлар эл-юрти-мизнинг дардига дармон бўдди, унинг тухмат ва ма-ломатлардан эгилган руҳини кўтарди.

Ана пгундай тарихий мисоллар асосида айтиш мум-кинки, Ислом Каримовнинг барча муаммолар ҳақи-да — улар қанчалик оғир ва ноҳуш бўлмасин — очиқ гапириши, ҳамиша ҳақиқатнинг кўзига тик караши унга нисбатан халқимизнинг эътирофи ва эҳтироми-ни уйғотди.

Ўзидан илгари республика раҳбари бўлиб ишлаган, сиёсий калтабинлиги ва журъатсизлиги билан эл-юрт ўртасида обрўсини йўқотган И. Усмонхўжаев ва Р. Нишонов каби ўтмишдошларидан фарқли ра-вишда, Ислом Каримов Ўзбекистон етакчиси сифа-тида узоқ вақтлар давомида ечилмасдан, газак одди-рилган камчилик ва нуқсонлар, ўткир ижтимоий му-аммоларнинг иддизини очиб ташлайди, мавжуд аянчли ахволни тузатиш бўйича Марказ раҳбарияти оддига катъий талабларни принципial тарзда қайта-қайта қўйишдан чўчимайди. Ушбу китобдан ўрин олган кўплаб чиқишлиарда буни яққол кўриш мумкин.

Мавжуд сиёсий бекарорлик, бошбошдоқлик ва бе-додлик шароитида, нақадар оғир ва қалтис бўлма-син, ўша машъум кунларда собиқ Марказдаги кучлар ва уларнинг ўзимиздаги малайлари юртимиз раҳ-бариға ҳар қадамда миллатчилик ёрлигини ёпиш-тириш, унинг шахсига нисбатан тухмат ва маломатлар

ёғдиришга қанчалик уринмасин, қандай оғир сиёсий ва маънавий-рухий босим таъсири остида иш олиб боришга тўғри келмасин, Ислом Каримов Ва-танимизнинг том маънода мустакилликни қўлга ки-ритишига эришишдек олий максад иўлидан

хеч қачон қайтмаганини ушбу китобдан ўрин олган хужжатлар яна бир бор исботлаб, тасдиқлаб беради.

Таъкидлаш жоизки, ушбу чиқишлар халқимиз, жа-миятимиз босиб ўтган тарихий тараққиёт йўлини акс эттириши билангина эмас, аввало, бу йўлдаги оғир қийинчиллик ва синовларни, ғов-тўсиқларни барта-раф этишга қаратилгани, мустақилликка эришиш жараёнлари биз учун нақадар машаққатли, ўта дра-матик ва ҳаяжонли воқеаларга бой бўлганини ёрқин акс эттириши билан ҳам алоҳида эътиборлидир.

Яна бир ўта муҳим жиҳат шундаки, мамлакатимиз-да хуқукий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида аввалбошданоқ асосий устувор йўналишларга айланган масалалар — тинчлик ва бар-қарорликни саклаш, миллатлараро ҳамжиҳатликни асраш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, иқтисо-диётни тубдан ислоҳ этиш, миллий армияни шакллан-тириш, суд-хуқуқ тизимини янги асосда барпо этиш, инсон манфаати, хуқуқ ва эркинликларини таъмин-лаш, ижтимоий-сиёсий ҳаётни эркинлаштириш, аҳоли саломатлиги, илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва спорт жабхаларига эътибор қаратиш, жаҳон ҳамжа-миятидан муносиб ўрин эгаллаш каби кўпдан-кўп дол-зарб вазифалар мустакиллигимизнинг пойдевори кўйи-лаётган ўша даврда Юртбошимизнинг чиқишларида ҳар томонлама ўз ифодасини топа бошлаган эди.

Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда «тараққи-ётнинг ўзбек модели» деб ном олган ривожланиш йўлимизнинг асосий принциплари, умуммиллий шиорга айланиб кетган **«Ўзбекистон - келажаги буюк давлат», «Мустақиллик - бу аввало ху-куқдир», «Янги уй қурмасдан туриб, эскисини бузманг», «Ислоҳот - ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун», «Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди», «Биздан озод ва обод Ватан қол-син»** каби машҳур иборалар сокин кабинетларда эмас, аксинча, ана шундай шиддатли курашлар, ти-нимсиз баҳс ва мунозаралар, аччиқ ҳаётий тажри-баларда туғилганини англашда ушбу китоб фоят му-ҳим манба вазифасини бажаради.

Ўлкамиздаги вазиятни чинакамига ўнглаш, юрт-дошларимизнинг ҳаётга қарашини, бугунги ва эр-танги кунга ишончини мустаҳкамлаш учун аввало, уларнинг иқтисодий, моддий аҳволини яхшилаш заруратини чуқур англаган республикамиз раҳбари аҳоли учун ҳал килувчи аҳамиятга эга бўлган жуда катта бир масалани — одамларга

томурқа ер бе-риш масаласини кун тартибига қўяди.

1989 йил 17 августда Ислом Каримов бошчилигида республика хукуматининг Тошкентда бўлиб ўтган кен-

гайтирилган йиғилишида аҳолига томорқа ва шахсий участкалар ажратиш масаласи муҳокама қилинади ва

«Қишлоқда яшовчи хар бир оилани томорқа билан таъминлаш, уларга якка тартибда уй-жой қуриш учун

барча шарт-шароитларни яратиб бериш ҳақида» қарор қабул қилинади. Ушбу тарихий хужжатда қишлоқда

яшовчи хар бир кишига ўртача 25 сотихдан ер ажратиб бериш ва томорқа майдонларини қарийб 4,5 баробар кўпайтириш кўзда тутилган эди.

Бу борадаги амалий ишлар натижасида 1989—1990 йилларда бир яirim миллиондан кўпроқ оиласга қўшимча ер ажратилди, 700 минг оиласга янги томорқа ерлари берилди.

Бугун тўла ишонч билан айтиш мумкинки, бу му-раккаб масалага ана шундай оқилона ёндашув ту-файли Ўзбекистон бўйича минг-минглаб одамлар уй-ясойли, ишли бўлди, бозорларда маҳсулот кўпайиб, нарх-наво арzonлашди, энг муҳими, ижтимоий кес-кинликнинг олдини олишга эришилди.

Бундан ташқари, юз минглаб гектар суғорила-диган ер техник экинлар оборотидан чиқарилди, пахта етиштириш плани 700 минг тоннага камайти-тдилди. Бу — пахта яккахокимлигини бартараф этиш йўлилаги дастлабки, аммо ўта муҳим амалий қадам

эди.

Маълумки, ўша пайтда Ўзбекистонимиз СССР деб аталган дунёдаги энг қудратли империяга қарам рес-публика эди. Уни на Бирлашган Миллатлар Ташкило-ти, на бошқа ҳалқаро ташкилотлар, на жаҳон ҳамжа-мияти танир, тан олар эди. Яъни, мустакиллик йўлидаги харакатларимизда бизни қўллаб-қувватлайлигиган, биз таянадиган бирон-бир ташки омил, нажоткор куч йўқ эди. Шундай бир шароитда юқорида тилга олинган адоксиз муаммоларни ҳал қилиш учун республика раҳбари кимга, нимага ишониб харакат қилди, деган савол туғилиши табиий, албатта.

Бу саволларнинг жавобини биз «Ўзбекистон мус-тақиилликка эришиш остонасида» китобига кирган, муаллифнинг қалб нидоси каби янграган оташин нутқдардан топамиз. Унинг «факат ўз

кучимиз, ўз салохиятимизга таяниб иш кўришимиз керак», «ўзимиз ҳаракат қилмасак, четдан келиб бирор бизга ёрдам бермайди» деган, деярли ҳар бир ом-мавий чиқишининг маънозамзунига сингиб кетган даъваткор сўзларини ўқир эканмиз, Яратган қайси элни тўғри йўлга бошламоқчи бўлса, аввало, унга донишманд, мард ва азму шижоатли инсонни йўл-бошчи қилиб қўяди, деган ҳикматнинг нақадар тўғри эканига яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз.

Бутун, орадан йиллар ўтиб, кўп нарсалар ойдин-лашганидан сўнг яна бир ҳақиқатни алоҳида эъти-роф этиш ҳар томонлама ўринли бўлади.

1990 йил 24 март куни ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг биринчи сес-сиясида иттифокдош республикалар орасида бирин-чи бўлиб Ўзбекистонда республика Президенти лавозими жорий этилди. Бу ўринда шуни айтиш жо-изки, бундан бир неча кун олдин, яъни 14 март куни СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи съездидаги СССР Президенти лавозимини таъсис этиш тўғрисидаги қонун қабул қилиниб, М. Горбачев бу вазифага сайланган эди.

Бепоён Иттифоқ ҳудудида иккинчи бир Прези-дентнинг пайдо бўлишини Марказ ва унинг раҳба-рияти қандай қаҳр-ғазаб ва ичиқоралик билан қабул қилганини тасаввур қилиш қийин эмас, албатта.

Бинобарин, ўлкамизда Президентлик институтининг жорий этилиши Юртбошимиз томонидан Ўзбекистоннинг давлат суверенитети ва мустақиллигига эришиш йўлида қўйилган нафакат тарихий қадам, балки чина-кам сиёсий ва маънавий жасорат намунаси бўлганини изоҳлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак.

Ислом Каримов ана шу сессияда сўзлаган сермаз-мун нутқида юртимиз ҳаётидаги бундай катта ўзга-риш Ўзбекистоннинг сиёсий мустақиллигини мустаҳ-камлаш, уни янги ва ҳаётий мазмун билан бойитиш, республиканинг иқтисодий мустақиллигини, ўзини ўзи идора этиш, ўзини ўзи молиявий таъминлашга ўти-шига эришиш, аҳоли барча табақаларининг фаровон-лигини ошириш, одамларнинг талаб-эҳтиёжларини қондириш, ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш,

^дқни маънавий юксалтириш, демократияни, ҳуқуққа асосланган давлат қурилишини ривожлантириш, мил-дий тараккиёт йўлида барча

соғлом күчларни бир-лаштириш каби ўта муҳим мақсадларни амалга оши-ришга қаратилганини чуқур таҳлил асосида ҳар то-монлама исботлаб беради.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган китобдан ўрин олган чиқишиларнинг аҳамиятга лойиқ ғоят муҳим жиҳати шундаки, уларда муаллиф доимо ўз олдига юксак мақсаддар қўйиб, мэррани баланд олиб фоа-лият юритгани алоҳида кўзга ташланади. Юртимиз-даги мавжуд ҳолатни шунчаки номига эмас, аксин-ча, тубдан ўзгартириш, Ўзбекистонни нафакат иқти-содий, балки том маънодаги суверен ва мустақил, келажаги буюк давлатга айлантириш, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига тўлақонли аъзо бўлиб, дунё ҳамжамиятидан мустахкам ўрин эгаллаш, халқимиз учун дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт шароитлари яратишдек бугунги кунда реал воқеликка ай-ланган улуғ мақсадларни бу мард ва жасур инсон ўша йиллардаёқ кўнглига жо этиб, шу йўлда бутун борлиғи билан интилиб яшаганини ана шу чиқишилар исботлаб турибди.

Президент Ислом Каримовнинг раҳбарлик фоа-лиятига хос бўлган ғоят эътиборли ва ибратли яна бир фазилат борки, у ҳам бўлса, сўз ва иш бирлиги-Дир. Афсуски, халққа етакчилик қилиш даъвоси би-лан майдонга чиқадиган аксарият сиёсий арбоблар мана пгундай ноёб хусусиятдан бебахра бўлиб, кўпинча таги пуч, ёлғон ваъдалар билан одамларни чалғитиб, сохта обрў орттириш пайида бўлишлари ҳам сир эмас.

Агарки, яқин тарихимизга — ўтган асрнинг сурон-4и 90-йилларига назар соладиган бўлсанқ, Ислом Кдимовнинг ўша оғир йилларда кескин муаммолар гирдобида туриб, Ўзбекистоннинг келажагини аник тасаввур килган ҳолла илгари сурган ғоя ва ластурлари унинг Ватанимизнинг ёруғ истиқболига кандай буюк ишонч билан қараганилан яккол да-лолат беради.

Бу ўринда гап бугунги кунда жаҳон жамоатчили-ги томонидан кенг эътироф этилган, дунёда ўхшаши кам бўлган Ўзбекистоннинг Кадрлар тайёрлаш мил-лий дастури ҳақида бормоқда.

Шуниси ҳайратланарлики, бу ноёб дастурнинг мазмун-моҳияти, асосий мақсад ва вазифалари, ус-тувор йўналишлари ҳақида Юртбошимиз 1990 йил-да — республикамизда илм-фан ва таълим соҳасининг моддий-техник базаси, кадрлар таркиби ачи-нарли ахволга тушиб қолган, бу соҳалар «қолдик» принципи асосида

молиялаштирилаётган, жумладан, 1700 та мактаб биноси авария холатида бўлган бир вазиятда, узоқ ва давомли мақсадларни кўзлаб катта ишонч билан фикр билдиради.

Шу борада эътиборингизни кичик бир иқтибосга қаратмоқчимиз:

**«... Бизга кадрлар тайёрлашнинг маҳсус миллий дастури керак.**

**Бу дастур:**

- умумий таълим мактабларида дарс бериш си-фатини ошириш (ўқитувчиларни, методистларни қўшимча равиша моддий рағбатлантириш, маҳ-сус синфоналар барпо этиш, олий ўқув юртларининг мактабларни оталиққа олишини йўлга қўйиш ва шу кабилар)ни;

- энг истеъоддли болалар учун мактаблар очиш-ни;

- корхоналар билан мактаблар ўртасида сифат жиҳатидан янги муносабатларни жорий этишни;

- ҳунар-техника билим юртларида хўжалик ҳисобини жорий этишни ва шу асосда оммавий касб кадрларини тайёрлаш сифатини кескин оширишни;

- олий ўқув юртларида мутахассислар тайёрлаш системасини қайта қуришни, бу соҳага кадрлар тайёрлашнинг буюртма бериш усулинини жо-рий этишни;

- республиканинг юқори малакали миллий мутахассисларини тайёрлаш учун Иттифоқдаги ва чет эллардаги энг яхши марказларга ёшларни юбориш системасини ўз ичига олиши керак.

Дарвоқе, бу соҳада хозирнинг ўзидаёқ бирмунча иш қилинмоқда. Яқинда Фарғона давлат Н-дорилфунунини, Бухоро медицина институтини,

**^ Нукус педагогика институтини ва шу кабиларини ташкил этиш ҳақида қарорлар қабул қилин-**

**ди...»** (КПСС XXVIII съездининг якунлари ва Ўзбекистон Компартияси фаолиятининг асосий йўна-

лишлари тўғрисидаги маърузадан, 1990 йил 4 август).

Ана шу эзгу гоя биринчи бор кун тартибига қўйилганига, мана, бугун 21 йил тўлди. Ўтган давр мобай-нида Президент Ислом Каримовнинг бевосита та-шаббуси ва раҳбарлигида ишлаб чиқилиб, 1997 йили қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва

унинг узвий, мантиқий давоми бўлган, 2004 йили қабул қилингандан Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш на-тижасида 1600 га яқин академик лицей ва касб-хунар коллежи, қарийб 10 мингта умумтаълим мактабининг, 200 га яқин болалар мусиқа ва санъат макта-бининг янгитдан барпо этилгани ва реконструкция қилингани, 1200 тадан зиёд болалар спорт иншооти

қуриб фойдаланишга топширилгани ва замонавий асосда жиҳозлангани, ҳеч шубҳасиз, юкорида тилга олинган сўз ва иш бирлигининг амалдаги ёрқин на-моёнидир, десак, асло муболага бўлмайди.

Бундай мисолларни бошқа соҳа ва тармоқлардан ҳам кўплаб келтириш мумкин.

Яна бир диккатга сазовор томони шундаки, шўро мафкураси чуқур илдиз отган ўша сиёсий мухитда ҳам Юртбошимизнинг хар бир сўзида, хар бир чи-кишида ўз халқининг тарихи ва маданиятига, ўз она заминига, миллий қадриятларига улкан муҳаббат туйғуси ёрқин сезилиб туради. Бу ҳақда гапиргандা, қуйидаги биргина мисол билан кифояланиш мум-кин.

**«Қайси бир китобда ғоят ибратли ривоятни ўқиган эдим. Эмишки, Амир Темур ярим жаҳонни забт этиб, олис ўрмон қабилаларига бориб етибди, хуллас, уларни ҳам ўзига бўйсундирибди. Қай-сар ва жангари, озод ва самимий бу қабила бош-лиғи чорасизлик туфайли Темурга қуролларини топширас экан, қуйидаги гапларни айтибди: «Эй, Темур! Сен бизни қурол кучи билан енга олдинг. Бироқ сенга айтадиган шартларимиз бор. Агар сен қассоб бўлсанг, бизни сўйиб ташла, агар сен савдогар бўлсанг, сотиб юбор, агар подшо бўлиб келган бўлсанг - бизга баҳт ато эт!»**

Бу ривоятнинг синфий, тарихий йўналиши айни чоғда бизни қизиқтираётгани йўқ. Бу ҳикоятда ажойиб бир ҳикмат барқ уриб турибди. Яъни, элга пешвоман деб, ўртага чиқдингми, унинг ишончини қозондингми - бу ишончни энди асл виждан билан, покиза фаолият билан оқламоқ керак бўлади. Бу талабни эскичасига айтсами, янгичасигами - барибир, моҳияти бир хил бўлиб колаверади. Яъни, халқ вакили халқининг посбо-ни, халқ раҳбари бўлиб, халқининг иссиқ-совуғидан хабардор бўлғувчи сирдошига айланиши шарт» (1990 йил, 24 февраль куни Тошкентда

СССР, ўзбекистон ССР, маҳаллий советларнинг халқ де-путатлари ва жамоатчилик вакиллари иштироқида ўтган кенгашда сўзланган маърузадан).

Тарихга муносабат масаласида коммунистик қараш, синфиий ёндашув ҳали ўз таъсирини йўқот-маган бир шароитда советларнинг юкори минбаридан туриб Соҳибқирон бобомиз номини тилга олиш, мана шундай тарихий қиёслашлар асосида фикр юритиш раҳбар одамдан чинакам жасорат, айни пайт-да улкан тафаккур ва донишмандлик фазилатлари-ни талаб этишини англаш қийин эмас.

Ушбу китобдаги тарихий материалларнинг катта-гина қисми бевосита миллий тикланиш, миллий ўзликни англаш, маънавият масалаларига бағишиланган.

Халқимизнинг қадимий тарихи, бой маданий ме-роси, урф-одат ва анъаналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, мустабид тузум даврида тақиқлаб қўйилган Наврўз байрами, Рамазон ва Курбон ҳайитларини нишонлаш, динга ҳурмат билан муносабатда бўлишни қарор топтириш, Имом Бухорий, Имом Тер-мизий, Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқа азиз-ав-лиёларимиз, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Бобур сингари улуғ аждодларимиз хотирасига нис-батан тарихий адолатни тиклаш ҳақидаги фикр-му-лоҳазалар, қарор ва фармонлар шулар жумласидан-Дир.

Айни вактда маърифатпарвар боболаримиз — жа-ДИдчилик ҳаракати намояндаларининг ҳаёти ва ижо-Дига муносабат масаласида кўп йиллардан бўён давом этаётган баҳсларга оқилона чек қўииб, уларнинг меросини халқимизга қайтариш йўлидаги амалий, принципиал фикрлар ҳам айнан ўша пайтларда илга-ри сурилгани шу борада муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Шу билан бирга, «пахта иши» билан айбланиб, ноҳақ қамалган юзлаб инсонлар, жумладан, кўп йиллар республика раҳбари бўлиб ишлаган Шароф Ра-шидов номининг оқлангани жамоатчилик томонидан мамнуният билан кутиб олинди.

Маълумки, дунёдаги бебаҳо бойлик бўлган тинч-лик ва осойишталикни сақлаш, уни кўз қорачиғи-дек асраш масаласи мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг фаолиятида доимо энг муҳим, энг ус-тувор йўналиш бўлиб келмокда.

Буни ҳар хил бузғунчи кучлар, диний ва дунёвий ниқобдаги радикал оқимлар бош кўтарган ўша но-тинч даврда Ислом

Каримовнинг чуқур изтироб би-лан ўртаниб, халққа қилган мурожаатидаги бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган ушбу сўзлар яққол тас-диқлайди:

**«Азиз дўстлар!**

**Нима керак бўлса, айтинг, ҳаммасини қилиб бе-рамиз. Лекин, азиз оналар, опа-сингиллар, отахонлар, дўстлар, укажонлар, мен Президент бўлсан ҳам сиздан тиз чўкиб сўрайман, илтимос қиласман: шу масалада ёрдам қилинг!**

**Ахир, Қуръони карим ҳам дўстликка, биродар-ликка чақиради, низо чиқаришни қоралайди.**

**Жанжал чиққан юртнинг худоси ҳам ундан юз ўгирап экан. Шу сабаб барака ҳам, ризқ-рўз ҳам насия бўлиб қоларкан.**

**Бу йўлда - тинчлик, тотувлик йўлида бизни Оллоҳ таолонинг ўзи қўлласин, мададкор бўлсин!»** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг тўққизинчи сессиясида 1992 йил 4 январь куни сўзланган маърузадан).

Халқ қалбининг туб-тубида йиллар давомида ар-мон бўлиб ётган дард ва изтироблар, орзу-инти-лишларнинг ўзига хос ифодаси бўлган ушбу нутқ ва маърузалар ўша даврда фаолият юритган акса-рият раҳбарларнинг чиқишиларида кузатиладиган коммунистик риторика ва демагогиядан, аравани қуруқ олиб қочишилардан мутлақо холи экани, ота-шин руҳи ва самимияти билан кескин ажралиб туради. Айнан шу фазилатлари билан бу чиқишилар, мана, орадан йигирма йилдан зиёд вакт ўтса ҳамки, беихтиёр одамни ҳайратга солади.

Ислом Каримовнинг вазиятга реал баҳо бериш, ностандарт қарорлар қабул қилиш борасидаги қоби-лияти, халқимизнинг азму шижаоти, қатъий иро-даси, бағрикенглиги, бунёдкорлик кучига бўлган чексиз ишончи унинг ҳар бир нутқ ва маъруzasида аниқ-равшан сезилиб туради. Улар билан танишар эканмиз, бир пайтнинг ўзида чуқур таҳлилий ва ха-ризматик қобилиятга эга бўлган мана шундай шахсларгина тарих тақозо этганда бутун масъулият ва жавобгарликнинг залворли юкини ўз зиммасига олишга қодир бўлиши, ҳар томонлама теран ўйлаб, узоқни кўзлаб иш кўрган ҳолда, давлат ва жамият тараққиётida ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган стратегик қарорлар қабул кила олишига амин бўла-миз.

Бунинг тасдиғини ўша таҳликали йилларда рўй берган Фарғона, Гулистон, Бўка, Ўш, Наманган во-Ҷеаларига, тарихда «ГКЧП» деб

ном олган, СССР Давлатининг сўнгги кунларида бир гурух империя-параст кучлар томонидан амалга оширилган сиёсий фитнага нисбатан Ислом Каримовнинг қатъий позицияси ифодаси бўлган чиқишларда кўриш мумкин.

Хусусан, 1991 йилнинг 18 августида ўзини Давлат фавқулодда ҳолат қўмитаси — ГКЧП деб атаган бир гурух сиёсий авантюристлар давлат тўнтиришини содир этишга уриниши муносабати билан Ислом Каримов раҳбарлигига Ўзбекистон ўзининг қатъий позициясида тургани мамлакатимиз ва халқимизнинг мустақилликка эришишида қандай ҳал қилувчи ўрин тутгани мазкур китоблан ўрин олган хужжатларла аниқ намоён бўлади.

Маълумки, ГКЧПнинг асосий мақсади — эски, тоталитар совет тузумини қандай қилиб бўлса-да, асло ўзгартирмасдан сақлаб қолишдан иборат эди. СССР вице-президенти Г. Янаев, Министрлар Со-ветининг раиси В. Павлов, КГБ раиси В. Крючков, Мудофаа вазири Д. Язов, Ички ишлар вазири Б. Пу-го ва бошқа юксак лавозимдаги масъул партия ва давлат арбоблари М. Горбачев бошчилигидаги қону-ний ҳокимиятни ағдариб, бутун Иттифоқ худудида ГКЧПнинг фармойиш ва кўрсатмалари амал қилиши хақида қарорлар қабул этиб, барча республикалар, вилоят ва туманларда уларнинг сўзсиз ижро этилишини талаб қилиши.

Айни шу пайтда, яъни, 1991 йилнинг 17—19 август кунлари Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Ка-римов Ҳиндистонга расмий ташриф билан борган эди. Айтиш керакки, бу ташриф Ўзбекистон Президен-тининг хорижга қилган биринчи мустақил — тари-хий ташрифи эди.

Фавқулодда давлат қўмитасининг мурожаати Юртбошимиз Ҳиндистонда бўлган бир пайтда — 19 август куни эълон қилинди.

Афсуски, Ўзбекистон раҳбарининг сафарда эка-иidaР-Ф^йдаланиб, ГКЧПнинг ноконуний қарорла-рцини ^г^млаб-кувватлайдиган раҳбарлар юртимизда хамлшШМИ- Тарих буни яхши эслайди. 1991 йил 19 август куни Ўзбекистон ССР вице-президенти Ш. Мирсаидов ва Ўзбекистон Компартияси Марка-зий қўмитасининг иккинчи котиби А. Ефимовнинг имзоси билан Ўзбекистон ССРнинг барча вилоятла-ри ва Қорақалпогистон АССРга, Ўзбекистон ССР худудида СССРда Фавқулодда ҳолат давлат қўмита-си фаолиятини қўллаб-кувватлаш тўғрисида кўрсатма юборилади.

Президент Ислом Каримов ГКЧП эълон қилинга-нини Аграда эшитиб, 19 август куни зудлик билан Тошкентга қайтади. Тошкент аэропортида Юртбоши-мизни расмий кишилардан ташқари, Туркистон ҳар-бий округи бош қўмондони ҳамда Марказдан келган З нафар генерал кутиб олади. Бу ўша пайтдаги мав-жуд расмий протокол қоидаларига мутлақо зид бўлиб, тагдор сиёсий маънога эга эди.

Ислом Каримов аэропортдан тўғри хукумат би-носига келиб, кечқурун хукумат аъзолари билан уч-рашли ҳамла Ўзбекистон ССР худудида ГКЧПнинг қонунга зид қарорларини бекор килиш ҳакида курсатма берди. Шу тарика, ГКЧП гумашталари Узбекистон хукумати номидан қабул қилган барча хужжатларни бекор қилди.

1991 йил 20 август куни Ўзбекистон ССР Олий Кенгashi раёсати, Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпо-ғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри раҳбарлари иштирокида қўшма мажлис ўтказилди. Мажлиса сўзга чиқсан Президент Ислом Каримов ^ССРда юзага келган вазиятга, Фавқулодда холат Давлат қўмитаси ва унинг раҳбарлари қабул қилган қарорларга Ўзбекистон раҳбариятининг муносаба-тини аник-равшан баён этди.

Ўша куни ёқ Ўзбекистон ССР Президентининг республика аҳолисига мурожаати эълон қилинди. Унда, жумладан, шундай сўзлар алоҳида таъкидла-нади: «**Ҳар биримиз оғир ва вазмин бўлишимиз керак. Бошимизга тушган бу синовлар, ноаниқ давр ва шароитдан авваламбор ақл ва идроки мизни бир жойга йиғишириб, инсоф ва виждон-ни йўқотмасдан, саросимага тушмасдан чиқиши-миз керак...**

**Ўзбекистон жумхурияти, унинг раҳбарияти қайта қуриш даврида ҳам ҳеч қачон бирорвонинг гапига кириб иш тутган эмас. Марказдан, бошқа баъзи бир жумхуриятлардан қандай қарорлар чиқмасин, ваъдалар берилмасин, ҳар қандай ча-қириқлар, даъватлар, йўл-йўриқ кўрсатишга ҳара-катлар бўлмасин, биз ўзимиз танлаган йўлимиздан ва белгилаб олган мақсадимиздан қайтгани-миз йўқ».**

1991 йил 21 август куни Ўзбекистон ССР Президен-ти Ислом Каримов маҳсус фармонга имзо чекади.

Мазкур Фармонга биноан:

**«Ўзбекистон худудида хокимият ва бошқарув идоралари,**

корхоналар, ташкилот ҳамда муассса-саларнинг қабул қилган барча қарори ва уларнинг ижроси ССР ва Ўзбекистон ССР конституцияси-га ва қонунларига, Ўзбекистон ССР Президентининг фармонлари, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши билан Ўзбекистон Президенти хузуридаги Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига сўзсиз мос келиши керак. ССРда Фавқулодда ҳолат давлат комитетининг ССР конституцияси ҳамда қонунларига зид келадиган қонунлари

ҳамда фармонлари ҳақиқий эмас, деб ҳисоблансин».

<sup>^</sup>РОЧийл 27 август куни оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон ССР Президентининг мамлака-тимизнинг тўла мустақиллиги йўлида тамал тошини қўйган яна бир муҳим фармони эълон қилинади. фармонда жумладан, шундай дейилади:

«Мамлакатда вужудга келган аҳволни эътибор-га олиб ва республика манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Республика Ички ишлар вазир-лиги ва Давлат хавфсизлиги комитети Ўзбекистон ССРнинг қонуний тасарруфига олинсин. Республика худудида жойлашган ССР Ички ишлар ва-зирлигининг ички қўшинлари бевосита Ўзбекистон ССР Президентига бўйсундирилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши раёсатига жуда қисқа муддатда Республиkanинг давлат мустақил-лиги тўғрисидаги қонун лойиҳасини тайёрлаш ва уни Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси муҳокамасига тақдим этиш таклиф қилинсин».

Вужудга келган ўта оғир шароит, сиёсий, иқти-садий, ижтимоий қийинчиликларга, турли тўсиқларга қарамасдан, ҳалқимиз Ислом Каримов бошчилигига ўзининг асрий орзуси — Ўзбекистоннинг давлат су-веренитети ва мустақиллиги сари қатъият билан ҳаракат қилишда давом этди.

Ниҳоят, орзиқиб кутилган қутлуғ сана — 1991 йил-ШШГ 31 август тсути етиб келди. Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг олтинчи сессиясида Ислом Каримов тантанали равишда Ўзбекистон Республикаси мус-тақиллигини эълон қилди. У ўзининг том маънодаги тарихий нутқида қуйидаги фикрларни алоҳида таъкидлади: «**Мамлакат катта фалокат ёқасига, жар ёқасига келиб қолганини кўриб турибмиз. Халқ ўзининг эртанги кунига**

ишончини кундан-кунга йўқотяп-ти. Одамлар ўзларининг, оиласининг, бола-чақа-сининг тинчлигига кафолат истайди. Тўқис, хотир-жам хаёт талаб қиляпти. Бу истаклар, бу талаблар сафсатабозлик ва ваддабозлик остида кўмилиб кетяпти.

Бизнинг халқимиз сабр-бардош, яхшилик, осойишталик, бошқа халқларга нисбатан хайри-хоҳлик руҳида тарбияланган. Бу халқ бугун биздан ҳимоя талаб қиляпти, тинч-тотув хаёт, оғир меҳнатига яраша турмуш шароитларини талаб қиляпти. Бу - ҳаққоний талабдир.

Ўзбекистон раҳбарияти ҳеч қачон, қандай итти-фоқ бўлмасин, ким билан иттифоқ бўлмасин, қан-дай шароит бўлмасин, иккинчи даражали ролга рози бўлмайди, бунга йўл ҳам кўймайди».

Энг муҳими, Президент Ислом Каримов ўз нут-қида «**Мустақил Ўзбекистон давлатининг сиёсати инсонийлик ва эзгулик тамойилларига асослана-ди**» деган дастурий ғояни бутун дунёга баён қилди ва мана, йигирма йилдирки, давлатимиз ана шу сиё-сий принципга оғишмасдан, қатъий амал қилиб кел-моқда.

Халқимиз, Ватанимиз тарихига олтин ҳарфлар билан ёзиладиган ўша унутилмас кунларга назар таш-лайдиган бўлсак, айни ўша пайтда ёш, мустақил Ўзбекистон давлати раҳбари томонидан мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий, маънавий тараққиёти учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган кўплаб ўта муҳим хужжатлар қабул қилинганини кўрамиз. Мисол учун, 31 август қуни қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида»ги қонун, 5 сентябрда имзоланган Тошкент шах-оидаги В.И. Ленин номидаги майдонни Мустақил-лик майдони деб қайта номлаш тўғрисидаги, 6 сен-тябрь қуни имзоланган «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигини тузиш тўғрисида»ги Президент фармонлари ва бошқа сиёсий хужжатлар шулар жумласидандир.

Мамлакатимиз мустақиллигининг эълон қилини-ши, турган гапки, собиқ Марказдаги империяпараст кучлар ва уларнинг юртимиздаги тарафдорлари то-монидан ички норозилик билан кутиб олинди. Улар Ўзбекистоннинг истиқдол йўлидаги қатъий ҳаракатларини қандай қилиб бўлмасин йўққа чиқариш учун уринар, бунинг учун қулай фурсат пойлаб юришар эди.

Мамлакатимиз мустақиллигидан сўнг бир ой ўтар-ўтмас бу аламзада кучлар очиқчасига бош кўтариб, ўзларининг ёвуз мақсадларини амалга оширишга ҳаракат қилишди. Аввал Аан пухта тайёрланиб, айни ана шу бузгунчи кучларнинг номилан иш кўрган бир гурӯх лепутатлар 1991 йилнинг 30 сентябрь куни ўн иккинчи чакирик Ўзбекистон Олий Кенгашининг навбатдан ташқари еттинчи сессиясида Президент Ислом Каримовга қарши зимлан уюштирилган кабих Фитнани амалга ошириш ниятида сиёсий жанжал қузғашади.

Агар ўша пайтда хали янги Конституциямиз ва тегишли қонунларимиз қабул қилинмагани, мустақил давлатимизнинг ҳарбий ва фуқаролик тузилмалари тўла шаклланиб улгурмаганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу фитначилар Ватанимиз истиқлонининг асосий ташаббускори, мамлакатимиз мустақил-лиги ва суверенитетининг фидоийси ва кафолати бўлган инсонни раҳбарликдан четлатиш, унинг қанотини қайриш орқали халқимиз эндиғина эришган тинч-осуда, озод ва эркин ҳаётга, фарзандларимизнинг келажагига чанг солишдек разил мақсадни кўзлаганини тушуниш қийин эмас, албаттга.

Шу маънода, Президентимизнинг озодликка эришган дастлабки қунларимизда «**Ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимиз - бу гул билан қопланган йўл эмас, бу тоталитаризм меросидан халос бўлиш ва покланиш, мафкуравийлик иллати ет-казган зиён-захматларни бартараф этишининг қийин, узоқ давом этадиган йўлидир**», деб айтган сўzlари замирида қанчалик чукур ҳаётий маъно борлигини яна бир бор англаймиз.

Факат давлатимиз раҳбарининг катъий позицияси, оғир-босиклик билан бутун халқимиз манфаа-тига мос ҳаётий лалиллар. чукур таҳлиллар асосида депутатларни таги ПУЧ даъватлар. соҳта баёнотларга учмасликка, тарих берган ноёб имкониятни кўлдан бой бермасдан, мустақиллик ғояси атрофида жипс-лашиб, бир ёқалан бош чиқариб ҳаракат килишга ишонтира олгани бу масалада хал килувчи роль ўйна-ддъ

Айтиш керакки, қарамлика асосланган мустақил тузумдан янги бир тарихий даврга ўтиш — мус-такил давлат барпо этиш йўлидаги оғир синовлар шу билан якун топгани йўқ. 1991 йилнинг 9 лекаб-рида Наманган шаҳрида бир гурӯх кўпорувчи кучлар вилоят ижроия кўмитаси биносини эгаллаб олиб, Ўзбекистонни ислом лавлатига айлантиришни даъ-во килиб чикишди ва республика раҳбари билан

учрашув талаб килиши. Ислом Каримов эртаси куни тонгда Наманганга етиб келди ва акидапараст-лик ғоялари билан онги захарланган, жазавага ту-шиб, кора кучга айланган жохил оломон орасига хамрохларсиз, бир ўзи хеч бир иккиланмай шижаот ва шиддат билан кириб борди. Бу драматик холат видео тасмасида тасодифан мухрланиб колган.

Шуни айтиш керакки, Ислом Каримовнинг ана шундай қатъияти ва жасорати бинони бошига кўта-риб бакир-чақир қилиб ётган минглаб энг ашаддий экстремистларни хам довдиратиб, саросимага солиб қўйди. Мамлакатимиз раҳбари хаяжонга берилмас-лдн. вазминлик билан улар талаб қилаётган йўл конунга мутлако зид экани ва хеч қачон яхшиликка олиб келмаслигини уқтириди, Ўзининг салобати ва иродаси билан гувиллаб ётган оломоннинг шаштини гўндиришга, бехуда қон тўкилишининг олдини олиш-га муваффак бўлли.

1992 йил 16 январда Тошкент шахридаги Тала-балар шахарчасида аламзада, экстремистик кучлар томонидан яна жанжал чиқарилди. Хали онгу тафаккури шаклланиб улгурмаган, хаётий тажри-бага эга бўлмаган талаба ёшларлан фойдаланиб, бир гурух манфаатпараст, амалпараст кимсалар юрти-мизлаги вазиятни издан чиқаришга ва шу тарика дунё хамжамиятидан ўз ўрнини топишга интилаётган ёш Ўзбекистоннинг обрўсига путур етказишга, уни уз танлаган йўлидан кайтаришга уринишиди.

Ана шу ва шу каби бошқа қалтис вазиятларла Дрезидентимизнинг халқимиз ироАасига, конунла-Шмизга таянган холда олиб борган вазмин сиёсати, уз вактила қатъият билан кўрган чора-тадбирлари туфайли бундай хавф-хатарлар бартараф этилгани, Шодлигимия, хурриятимиз саклаб колингани, ха-ғИҚатан хам. истиклол йўлининг биз учун нақадар Мураккаб, оғир ва машакқатли бўлганидан далолат ёғ^ади. Ушбу китобдаги яна бир дикқатга молик жиҳат шундаки, бутун Иттифоқ бўйлаб йиғилиш ва маж-лисларда рус тилида, коммунистик сафсатабозлик руҳида сўзлаш қоидага айланиб қолган бир шаро-итда республика раҳбари Ислом Каримовнинг ак-сарият нутқ ва маърузалари (Москвада ўтказилган йиғилишлардаги чиқишлиридан ташқари) асо-сан ўзбек тилида, халқимизнинг барча қатламлари учун тушунарли бўлган содда ва равон, жозибали, таъсирчан услубда жаранглагани она тилимизнинг макомини жойига

кўйиш, эл-юртимизнинг руҳи-ни қўтаришга хизмат қилгани шубҳасиз. Миллий кадриятларимизнинг асосий устунларилан бири бўлган она тилимизга ана шундай юксак эътибор туфайли 1989 йилнинг 21 октябрь куни кизғин баҳс ва тортишувларлан сўнг сиёсий-маънавий хаёти-миздаги унутилмас ходиса амалга оширилгани — ўзбек тилига давлат тили макоми берилгани ис-тиклол тарихининг яна бир ёрkin сахифасини таш-кил этади.

Бу китобдаги барча чиқишиларни ўзаро бирлашти-риб турадиган энг муҳим фазилат — бу Ватанимиз истиклолига фидойилик, шу замин, шу ҳалқнинг ёруғ келажаги, фаровонлиги, баҳту саодати учун ҳар қан-дай синов ва машакқатларга тайёр туриш туйғуси, шу улуғ мақсадларга борлигини бағишилаган инсоннинг бе-зовта ва бедор қалби, кенг тафаккури, мустаҳкам иродга ва эътиқодидир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, тўпламга кири-тилган ҳар бир чиқиши мутолаа қилиш жараёнида биз янги тарихимизнинг ўзимиз билмаган, англамаган яна қўплаб қирраларини янгитдан кашф этамиз, истиклол моҳиятини, «тарихий бурилиш палласида ҳалқ дарди, миллат қайғуси буюк шахсларни яратиши»ни янада чуқурроқ англаймиз. Озодлик. гўст ИА<sup>лик</sup>- буғунги тинч-осула хаёт ўз-ўзидан кел-т. 1агак! ^-У<sup>ла</sup>Р<sup>нинг</sup> барчаси қандай тинимсиз курашдао ёЛЙF<sup>чилик</sup> ва йўқотишлиар, уйкусиз тұнлар, му-нозаря<sup>^а</sup> мухокамалар, изланиш ва яратишлиар, баъ-оанўтд изтиробли, баъзида кувончли интилишлиар ^дудгdi эканини қалбимиздан, юрагимиздан ўтка-23МН-3. Эл-юртимиз ўзбекистон деб аталган бу бе-таяурпр<sup>ва</sup> озол диёр, мустакил давлатни ҳакикатан ҳам уз меҳнати, ўз ақлзаковати ва салоҳияти, иро-даси билан барпо этганидан кўнглимиз тогдек кўта-рилади.

Президент Ислом Каримовнинг ҳалқимизнинг сиёсий тафаккур хазинасига бебаҳо ҳисса бўлиб қўшиладиган «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоби истиқлол туфайли асл илдизла-римизга қайтиб, ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш ҳуқуқига эга бўлганимизни, авлодд<sup>Р<sup>га</sup></sup> ибрат ва на-муна бўладиган буюк ишларни амалга оширганимиз-ни яна бир бор ғуур-ифтихор билан таъкидлашга асос беради, деб ишонамиз.

## **БИЗ БУНДАН БУЁН ЭСКИЧА ЯШОЛМАЙМИЗ ВА БУНДАЙ ЯШАШГА ЗАМОННИНГ ЎЗИ ЙЎЛ ҚЎЙМАЙДИ**

Хурматли ўртоқлар!

Аввало, мени маъзур тутасизлар-у, лекин бугун мана шундай жиддий масала муҳокамасида ишти-рок этар эканман, беихтиёр аввалги мажлисларни эслашга тўғри келмоқда. Яхши эслайман, бундан уч йил оддин ҳам мана шу задда катта масалаларни муҳокама килган эдик. Лекин, афсуски, бугунги му-ҳокамадаги ёндашув ва усууллар бу ерда ўтирган ва ўша масалалар учун жавобгар бўлган одамларнинг масъулияти ўзгармасдан қолганини кўрсатмоқда.

Мен табиий равишда шундай холосага келмоқда-ман. Чунки биз бугунги куннинг масъулияти ўта жид-дийлиги, бутун мамлакат ўзгаришлар босқичида тургани, унинг ғоят оғир ахволга тушиб қолгани ҳақида гапирияпмиз. Агар Фарғона воқеаларидан кейин Ўзбекистонда вужудга келган вазият ҳақида гапирадиган бўлсак, шуни айтишим керакки, биз аввало ўзимиздан, мансабда ўтирган раҳбарлардан бутунлай бош-қача ёндашувларни, энг асосийси, бошқача жавоб-гарликни кутишга ҳақлимиз.

Биз бутун муҳокама қилаётган барча масалалар-ни ўзимизнинг ишга бўлган муносабатимизни тубдан ўзгартирмасдан туриб ҳал қилиб бўлмайди — гап шу ҳақда бормоқда.

Албатта, бу ерда ўтирганларнинг барчаси мени яхши билади ва чамаси, ўзича менга қандайдир баҳо берәётган бўлса ҳам ажабмас. Лекин, шуни айти-шим керакки, ҳамонки мени республика раҳбари этиб сайлашган экан, ишга бундай муносабатни ўзгартириш учун қўйлимдан келган барча ишни қила-ман. Ишга бўлган, ўзимизга топширилган вазифага нисбатан муносабатни, дунёқарашимизни ва уму-ман, масъулиятимизни ўзгартира олсаккина ишла-римиз йўлга тушиб кетади. Акс ҳолда, вазиятни издан чиқаришга интиладиган кучлар ё мени четга су-риб қўяди ёки жуда кўп раҳбарларни ўзгартиришга тўғри келади.

Мен, албатта, ўзимнинг биринчи чиқишимни ай-нан шу сўзлардан бошламоқчи эмас эдим, аммо, так-рор айтаманки, ҳаммамиз ишга бўлган муносабати-мизни кескин ўзгартиришимиз керак...

... **Хозирги кунда кўпгина одамлар Фарғона воқеаларининг сабабларини турлича изоҳлашмоқ-да.** Мен ҳам бугун барча сабабларни санаб ўтмоқчи ёки уларнинг энг асосийларини кайд

этмоқчи эмас-ман. Лекин шу нарса аёнки, барча воқеаларнинг илдизи - **Фарғона водийсида яшаётган аҳолининг оғир ижтимоий-иктисодий ахволи билан боғлиқ**, десам, **ўйлайманки, кўпчилик бу фикрга қўшилади**.

Шу ўринда бошқа масала ҳам ўртага чиқади -**Фарғонада содир бўлган воқеалар Ўзбекистоннинг бошқа бир жойида юз бериши мумкинмиди?** Бу са-волга ҳам очиқ жавоб бераман: ҳа, мумкин эди. Чун-ки, менинг тушунишимча, одамларнинг таъмино-ти, даромади, уларнинг яшashi учун зарур бўлган **“Ундалик маҳсулотларнинг энг кам миқдори, ортиқча ишчи кучини нима билан банд этиш ва бу масалани қандай ечиш нуқтаи назаридан қараган-да, Андижон областидаги хозирги мавжуд ахвол Фарғона областидагидан ҳам ёмонроқдир.**

... Биз бир саволга аниқ жавоб топишимиз зарур — **Фарғонада юз берган фожиали воқеалардан ке-йин бизнинг бу борадаги ёндашувларимиз қанчалик ўзгарди?** Афсуски, бугунги муҳокамалар бизда ҳеч нарса ўзгармаганини кўрсатмоқда. Мен сизлар би-лан кўп йиллар бирга ишлаган инсонман, бу залда ўтирганларнинг деярли барчасини танийман. Биз бир-биримизни яхши биламиз.

Мен сизлардан сўрамоқчиман: ана шу фожиали воқеалардан кейин **Фарғона водийси обастлари бугунги мажлисга юборган раҳбарларнинг психоло-гиясида нима ўзгарди?** Мен бу саволга ўзингиз жа-воб топишингизни истайман. Бугунги мажлисда **Фарғона обласси ижроия комитети раисининг ўринбо-сари Ю. Калимуллин, Наманган обласси ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари А. Богус-ловский, Андижон обласси ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари В. Бабенконинг ҳисобо-тини эшитдик.** Албатта, улар тажрибали мутахассислар эканини биламиз. Афсуски, бу одамлар ҳам бугунги мажлисга тайёрланмасдан келиби.

Мен бугун нимани кутган эдим? Мен ҳар бир об-ласть бўйича аниқ дастурлар ҳакида, ички резервлар ҳисобидан ишни тўғри ташкил этиш, ишлаб чи-қариш қувватларини реконструкция қилиш, қанча миқдорда, ким ва қачон қўшимча ҳом ашё ажрати-ши эвазига ахволни яхшилаш имкониятлари тўғри-сида амалий гаплар бўлади, деб ўйлаган эдим...

**Умуман, бугун биз масалани кенгроқ қўйиши-миз, одамларни қандай боқиши, Фарғона водийси-да яшаётган аҳолининг моддий**

**фаровонлигини қандай қилиб яхшилаш ҳақида сўз юритишимиз рур.** Масалани айнан шундай қўйиш ҳар томон-лама тўғри бўлган бўлур эди. Биз иш ўринлари ҳақида гапирганимизда, шуни ўзимизга тасаввур қилишимиз керакки, Фаргона областидаги барча ер майдонлари шу қадар ишдан чиқсан, ернинг жони шунчалик сўриб олинганки, агар биз меҳнатни таш-кил этишнинг янги усуллари бўлмиш оиласвий пудрат ва бошқа хўжалик юритиш шаклларини, ери дех-қонлар ихтиёрига берадиган ана шундай кўплаб тад-бирларни жорий этган тақдиримизда ҳам у ерда яша-ётган одамларга тўғри келадиган қўшимча даромад микдорини ўзгартириш жуда қийин. Мен буни Қаш-қадарё области мисолида яхши биламан. Аҳолини Қарши чўлларига ташкилий равишда кўчиришнинг бутун даври мобайнида у ерга 600 та оила кўчиб борган, холос. Бугунги кунга қадар улардан 40 та оила яшаб қолган...

Шундай экан, савол туғилади: Фаргона области-даги ортиқча ишчи кучини қандай банд қилиш, одамларни қандай боқиш керак?

Бунинг ҳозирча факат битта чораси бор — иш ўринлари яратиш лозим. Бунинг учун ишлаб чиқа-риш таркибини шундай қайта қуриш зарурки, одамлар ўзлари яшаётган жойдан узоққа кетмасдан, са-марали меҳнати ҳисобидан керакли даромадга эга бўлсин. Мен бу ерда ўтирган кўпчилик раҳбарларга эслатмоқчиман, агар Хитойни оладиган бўлсак, у ерда саноат маҳсулотларининг 40 фоизи қишлоқ жойларда ишлаб чиқарилмоқда. Бу мамлакатда йирик корхо-налар қуришмайди, одамлар эса бир вақтнинг ўзида Шахсий хўжалик билан шуғулланиб, яшаш жойидан узоқ бўлмаган ерда қўшимча даромад манбаига Ҳам эга бўлади. Бугун буни кўпчилик кўрмокда, матбуот сахифаларидан ўқиб, бу ҳақда хабардор бўд~ моқда.

Айтиш керакки, Хитойда аҳолининг сони бизда-гига қараганда бир неча баробар кўп. Лекин Хитой қандайдир йўлларни топиб бу муаммоларни муваф-фақиятли ҳал этмоқда. Ўзингиз эътибор беринг, бу-гунги кунда Хитой қандай суръатлар билан ривож-ланмоқда, халқининг ҳаёт даражаси қанчалик ўсиб бормоқда. **Агар Фарғона водийси ҳақида сўз юри-тадиган бўлсак, биз ҳал этмоқчи бўлган масала бит-та - қандай қилиб ишчи ўринларини яратиш, бунинг учун нима қилишимиз керак?..**

... Айрим тармоқларда, айниқса, енгил саноатда бўш иш ўринлари жуда кўп бўлишига қарамасдан, одамларни ишга жойлаштира

олмасдан овора бўлаётгани-миз кишини ҳайрон қолдиради. Бундай жумбоқни ҳеч ким Тошкентдан туриб ҳал қилиб беролмайди. Бу масалалар фақат жойларда ҳал этилади. Бу борада ушбу тармоқлар учун бевосита жавобгар бўлган, лекин бу масалаларни кимдир четдан келиб ҳал қилиб беради, деган хомхаёл билан юрган одамларнинг масъулият-сизлиги ҳам сезилмоқда...

... Мен Фарғонада тўпланиб қолган муаммоларни ечиш учун Тошкентда, айни мана шу залда зудлик билан малакали, кўп нарсани тушунадиган, ишнинг негизини биладиган одамлардан иборат бир гуруҲ ташкил этишимиз керак, деб ҳисоблайман. Бу гуруҲ водийга бориб, белгиланган муддат мобайнида ҳамма шаҳар ва қишлоқлар, айниқса, инқироз холати се-зилаётган барча жойларни айланаб чиқиб, ҳар бир худуд бўйича амалий таклиф ва хулосалар тайёрла-ши лозим. Бунда жойларда ташкил этиладиган кор-хоналарни курадиган пудрат ташкилотлари, молия-вий манбалар, хусусан, у ерда ишлаб чиқариладиган

"" ГУЛОТ билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш зарур.

Бу комиссия ана шундай таклиф ва хулосаларйилан қайтиб келганидан сўнг, биз мана шу залда барча манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда бу масалаларни яна атрофлича кўриб чиқамиз...

Бу ишларни ҳал қилишда ҳар бир раҳбар ўз жойи-да масъулиятни ўзига олиб, бу масалаларнинг ечи-мини топмас экан, мен хавотирдаманки, биз 1990 йилда ҳам ҳеч нарсага эриша олмаймиз...

Шунинг учун яна бир бор илтимос қиласман, бугун мана шундай комиссияни тузишмиз, унинг тарки-бига биринчи навбатда Давлат план комитети, Давлат меҳнат комитети ходимларини, жойларда қурилиш би-лан шуғулланадиган тегишли тармоқлар вакиллари ва қурувчиларни, шунингдек, Министрлар Совети ходимларини киритиш зарур. Токи улар жойларга бориб, Фарғона обласи бўйича белгиланган режалар, қури-лиши бошланган, реконструкция қилинаётган объектларни топшириш муддатини белгилаши лозим. Бундан ташқари, бутун облостъ фаоллари, аввало, лавозимда ўтирган, шу ишлар учун жавобгар бўлганрайком сек-ретарлари, райижроком вакилларини бу ишларга кенг жалб этиш керак...

... Июль ойининг бошига қадар Фарғона обласи аҳолисининг ҳаёт даражасини ва ишга яроқли аҳолининг бандлигини ошириш бўйича дастурни ишлаб чиқиш зарур. Маҳаллий органлар раҳбарла-

рининг жон бошига қанча даромад тўғри келиши ва умуман, одамларнинг қандай ҳаёт кечираётгани, °Ундан кейин шундай паст даромадлар билан яшаш ^умкин эмаслигини билмаслиги, масалан, мен учун уят ҳисобланади. Агарда биз шуни билмасак, ижтимоий соҳадаги бундан кейинги прогнозларни қан<sup>и</sup> ишлаб чиқиш мумкинлигини мен ўзимга та

Бугунги кунда халқнинг сиёсий онги шунчалик юксалиб кетганки, у ён-атрофда содир бўлаётган во-қеаларнинг ҳаммасига сиёсий баҳо беради. **Аҳолининг соддалиги ва ҳеч нарсани тушунмаслигига умид қиласиган замонлар ўтиб кетди.** Буни қаранг-ки, қишлоқдан келган одамларни шахарда ишга олмайди, лекин республиканизмнинг ташқарисидан келганларни эса ишга олади. Сизлар эртага бизда ҳам худди шундай қайфият, яъни одамларни би-ринчи ва иккинчи сортга бўлиш қайфияти туғи-лишини истайсизми?..

Область партия комитети буни нима учун сезма-ди? Буни қандай изоҳлаш мумкин? Барчангиз қабул қиласиган хужжатларингизни бир қараб кўринг, балки шунга ўхшаш яна қандайдир номаъкул ишлар чиқиб қолиши мумкин...

**Нима учун маҳаллий миллатга мансуб кишилар ўртасида муҳандис-техник ходимлар йўқ?** Мен бу савол ҳаққоний савол, деб ҳисоблайман. **Бу муаммо устида ҳаммамиз бош қотиришимиз ке-рак.** Мен бошқа мисоллар келтириб ўтирмайман, лекин шунинг ўзи ҳам барчамизни хушёр торгти-риши зарур. Биз ёш кадрларни тарбиялаш, уларга илғор меҳнат ва тафаккур усусларини сингдириш учун нима қилмоқдамиз? Тан олиш керакки, деярли ҳеч иш қилаётганимиз йўқ.

Мен сизларга қандайдир кўрсатма бериш ёки хулосалар қилиш ниятидан йироқман, лекин бизнинг молия министримиз талантли ёшлар учун маҳ-сус стипендиялар белгилаш, уларни мамлакатимизнинг етакчи минтақаларига республикамиз ажратадиган ана шу стипендия ёки ёрдам ҳисобидан билим олишга юбориш ҳақида ўйлаб кўриши керакдир. На-заримда, бугун ана шу ишнинг фурсати етди. Агар хукумат захирасидан бир неча миллион сўмни айнан шу мақсадларга йўналтиrsак, ўйлайманки, бу айни муддао бўлади. Бу ёшлар икки-уч йилдан сўнг юртимизга қайтиб, сўнгги техник янгиликлар асо-сида барпо этилган энг илғор корхоналарни

дадил бошқаришга қодир бўлади. Ишонаман, бу масалада бизни ёшларимиз ҳам, халқимиз ҳам қўллаб-қув-ватлайди.

Бугунги кунда ёшлар шунчаки нодонлик туфайли шовкин кўтараётгани ёки қандайдир бошқа сабабларга кўра бебошлиқ қилаётгани йўқ, десам, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз. Айтишим керакки, ёшлар ва уларни ишга жойлаштириш масаласидаги сиёсат бизда жиддий ўйлаб кўрилмаган...

Қаранглар, қанчадан-қанча ёшларимиз бугунги кунда ўз кучини қаерга сарфлашни билмай юрибди. Фурсатдан фойдаланиб, сизлар билан бир фикрни ўртоқлашмоқчиман. Яқинда, бу ерда — Тошкентда партия пленуми бўлган вактда биздан сиз Қашқа-дарё раҳбари бўлганингиз учун ушбу воҳадан келиб ўқиётган ёшлар билан бир сухбат ўтказсангиз, деб илтимос қилишди. Қашқадарёлик студентлар қизиқ-қонлик қилишмоқда, дейишди. Нимагадир Тошкентда энг қизиқкон ёшлар — бу қашқадарёлик ва сурхон-дарёлик студентлар, деб ҳисоблашади.

Биз сухбат ўтказган залда Қашқадарёдан келиб таълим олаётган ёшлардан тахминан бир ярим минг нафари тўпланди. У ерда сўзга чиқиш учун маҳсус тайёрлаб қўйилган кишилар ҳам бор эди. Улар қал-тис, одамни чалғитадиган саволлар бериш орқали ма-салани бошқа томонга буриб юборишмоқчи эди. Ай-тишим керакки, сухбат пайтида қарсақбозликлар ҳам, ер тепиб шовкин кўтаришлар ҳам бўлди. Сухбати-миз тутаганидан сўнг, мен шуни тушуниб етдимки, биз бормаган жойда, жумладан, ана шундай ёшлар орасида бошқалар пайдо бўлиб, ўз ишини битирар экан. Шу тариқа биз фарзандларимизни бошқаларнинг қўлига бериб қўяяпмиз.

Биз сухбатдан сўнг бир гуруҳ ёшлар билан гап-лашганимизда уларнинг ақлу хуши жойида бўлган болалар эканини, уларни Қашқадарёнинг, умуман республикамизнинг келажаги, пахта яккаҳокимлиги билан боғлиқ масалалар қизиқтириши, уларнинг барча қатори соғлом фикрлашга қодир экани аён бўлди.

Аслида, пахта яккаҳокимлиги деган нарсани, унинг нима учун яккаҳоким бўлиб қолганини кўпчилик мут-лақо тушунмайди. Бугун мана шу залдаги имкониятдан фойдаланиб айтмоқчиман, пахта яккаҳокимлиги масаласида биз ўзимиз айбормиз. Биз бу ишга берилиб кетдик, бу масала зимдан амалга оширилган ху-шомадгўйликка айланиб колди ва у барчамиз учун ҳалокатга айланди. Агар

Қашқадарё бўйича яна бир мисол келтирадиган бўлсам, эртага Ислом Каримов фақат Қашқадарёни билади, деган гап-сўз тарқалиб кетиши мумкин.

Албатта, ишга тўлиқ киришиб кетганимдан сўнг мен бошқа областлардан ҳам мисол келтираман, ле-кин ҳозирча яна Қашқадарёга мурожаат қилишга тўғри келади. Бизга мева-сабзавот экинлари учун 235 минг гектар ер лимити белгиланган эди. Лекин биз бу кўрсаткичдан 7 минг гектар кўпроқ ерга ана шу экинларни экдик. Ҳолбуки, мутасадди раҳбарлар барча райком ва район ижроия комитетларига дўқ қилиб, агар белгиланганидан сал оширадиган бўлсанг, ўзингдан кўр, партбилетингни топширишингга тўғри келади, деб қаттиқ талаб қўйган эди. Шунга қара-масдан, барибир ўз билганидан қолмасдан, кўпроқ майдонларга мева-сабзавот экинларини экадиган бригадирлар ва совхоз директорлари олдида райком секретарлари заиф бўлиб қолишиди. Мен бугун ай-тишим керакки, совхоз директорлари, бригадирлар-ни юкоридан туриб бир гапга кўндириш осон эмас, чунки уларнинг ўзлари нимадан қандай даромад олиш, хўжалик аъзоларини қандай боқишни яхши билишади.

Шу маънода, пахта яккаҳокимлиги ҳақида далада умуман ишлаб кўрмаган, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига мутлақо алоқаси бўлмаган одамларнинг сафсата сотиши мени хайрон қолдиради. Бу одамлар пахта яккаҳокимлиги ҳақида гапириб, аввало, ўзининг ишга яроқсизлигини никобламоқчи бўлади. Шунинг учун ҳам бу борада масалалар кўп. Лекин улар ҳақида Министрлар Совети келгуси йил режаларини аниқлаштирадиган пайтда алоҳида гаплашиб олиш мумкин.

**Ўйлайманки, бу борада кичик бир тажриба ўтка-зиш, яъни қанча майдонга қайси экинни қанча миқдорда экиш масаласини колхоз ва совхозларнинг ўз ихтиёрига қолдириш керак. Биз ана шундан сўнг эришилган натижаларни бир жойга тўплаб, ўзаро фикрлашиб олишимиз мумкин.** Балки биз республика бўйича ҳеч қандай зўрлаш, мажбур-лаш ҳолатларига йўл қўймасдан, 5 миллион тонна пахта хом ашёси етиштиришга эришармиз. **Келинглар, шуни бир тажриба қилиб кўрайлик,** барча ишни далада ишлаётган одамларга ишониб топ-

**ширайлик...**

**Сўзимнинг бошида айтган гапларимга қайтиб таъкидламоқчиман, агарки биз Фарғонада содир бўлган воқеалардан зарур сабоқ чиқариб олмасак, агарки биз халқимизга воқеалар жиловини кўлга олганимизни ва биз бу масалаларни ҳал этишга**

**ҳаракат қилаётганимизни кўрсатмасак, агарки одамлар бу борада бизга инонмаса, ишонинглар, хар қандай дақиқада ва хар қандай жойда ижти-моий портлаш юз бериши мумкин. Биз одамлар-ни ташвишга солаётган масалаларни ҳал қилиш-га киришганимизни улар амалда хис қилиши ло-зим. Бугунги мажлис шу йўлдаги биринчи қадам бўлиб хизмат қилиши керак.**

Агар истиқбол ҳақида гапирадиган бўлсак, кўпчи-лик ўртокдар сайловчилар, ҳалқ билан учрашганла-рида оғир саволларга жавоб берар экан, бизда 1995 йилга қадар мўлжалланган дастур бор ва у ҳамма масалаларни ечиб беради, деб гапиришга ўрганиб қолишган. Гўёки бу дастур бизни ҳамма бало-қазолардан ҳолос этадигандек. Ҳолбуки, ундай эмас. Бу-гунги кунда бу дастур қанақадир жонсиз нарсага айланиб қолган. Бу дастур факат биз учун қандай-дир марралар, қандайдир мақсадларга эришиш им-конини берадиган асосий йўналишларни, баъзи тар-кибий ўзгаришларни кўрсатиб беради, ҳолос. Биз — бутун партия аппарати бугун бу дастурдан ниқоб сифатида фойдаланмоқдамиз. У, бугун бизда аҳвол ёмон, бу тўғри, лекин бизда дастур бор, демак, эрта-га яхши бўлади, деган баҳона учун хизмат қилмок-да. Лекин бу дастурни амалий ҳаётга яқинлашти-риш учун, мен билмадим, қанча ҳаракат қилиш ке-рак бўлади.

Шунинг учун, менинг назаримда, баъзи тармоқларни устувор ривожлантириш ҳақида биз жиддий ўйлаб кўришимиз зарур...

Албатта, республикамиздаги минерал ҳом ашё, энергетика, ер-сув ресурслари борган сари камайиб боради. Шу нуқтаи назардан караганда, эски ёнда-шуввлардан чора излаган билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Бутун фавқулодда ғайриоддий йўлларни топиб, тараққиётимиз истиқболини тўғри белгилаб олишимиз зарур. Табиийки, бунда энг катта масъу-лият, аввало, билимдон ва малакали, фидойи кадрлар зиммасига тушади...

Бунинг учун янги шароит талаблари асосида ўз ишимизни жиддий қайта ташкил этишимиз зарур. Муайян тармоқ учун жавоб берадиган одамларнинг масъулиятини ошириш лозим.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг  
Фарғона водийси облас滩арини ижтимоий-иктисодий  
ривожлантиришини жадаллаштириши масалаларига бағиш-  
ланган Кенгашида сўзланган нутқдан (стенограмма)  
материаллари асосида тайёрланди)  
1989 йил 24 июнь, Тошкент шаҳри

## **ЖАМИЯТНИ ЯНГИЛАШ УЧУН КУРАШАЁТГАН БАРЧА СӨГЛОН КУЧЛАРНИ БИРЛАШТИРИШ ЗАРУР**

Мамлакат кескин ва қийин даврни бошидан ке-чирмоқда. СССР халқ депутатларининг биринчи съездиде, СССР Олий Советининг мажлисларида, мамлакатнинг турли минтақаларида меҳнаткашларнинг оммавий чиқишлирида бу, айниқса, яққол на-мөён бўлди.

Ҳозир шундай вазият вужудга келдики, у жамиятни янгилаш учун курашаётган барча кучларни бирлаштиришни талаб қилмоқда. Одамлар асло кечик-тириб бўлмайдиган муаммолар — озиқ-овқат, транс-порт, савдо, соғлиқни саклаш, уй-жой курилиши, меҳнат режими ва унга ҳақ тўлаш, дам олиш шароитлари каби муаммоларнинг ҳал этилишини кутмоқ-далар.

Кейинги вақтларда иктисадда пайдо бўлган бир қанча салбий тенденциялар вазиятни жиддий равишда чигаллаштиrmокда. Кўпгина халқ истеъмоли молла-рининг тақчиллиги сезиларли равишда кўпайди. Пул тобора қадрсизланиб бормоқда. Давлат бюджетининг камомади ўсиб бормоқда. Ишлаб чиқариш ва меҳнат интизоми анча пасайиб кетди.

Ана шуларнинг ҳаммаси социал кескинликнинг кучайишига олиб келмоқда.

Миллий масала ҳамон ўткирлигича қолмоқда. Ар-манистон, Озарбайжон, Грузияда, Болтиқбўйи ҳамда бошқа республикаларда можаролар давом этмоқда. Мана шу ва бошқа зиддиятлар, қийинчиликлар бизнинг республикамизни ҳам четлаб ўтмади. Айни вақтда Ўзбекистондаги ишларнинг ахволи республиканинг ўзигагина хос бўлган бир қанча муаммоларнинг намоён бўлиши билан чигаллашмоқда.

Принципиал аҳамиятга эга бўлган баъзи энг жид-дий муаммоларга тўхталиб ўтишимга ижозат бер-гайсиз.

**Биринчидан,** республикада демографик вазиятнинг мураккаблигидир. Кейинги рўйхат маълумотларига кўра, сўнгги ўн йил мобайнода аҳолимиз 4,5 миллион кишига ёки 30 фоиз кўпайди ва ҳозир 20 миллион кишини ташкил этади. Республикада аҳолининг ўсиш суръатлари умумиттифоқ суръатларига қараганда уч баробардан зиёд юкоридир.

Шуни очиқ эътироф этиш керакки, аҳолининг бундай ўсиши кўп йиллардан буён саноатда ва ҳалқ хўжалигининг бошқа тармоқларида иш жойларини кўпайтириш ҳамда аҳолининг хаёт таъминоти учун зарур шарт-шароитларни яратиш билан мустаҳкам-ланмаяпти.

Одамлар турмуши тобора беҳаловат бўлиб бора-ётганлиги, ижтимоий-фойдали меҳнат соҳасида банд бўлмаган кишилар, оддий қилиб айтганда ишсизлар кўпаяётганлиги, ижтимоий меҳнат унумдорлиги ва аҳолининг даромадлари камайиб, пировард натижада ҳалқ фаровонлиги пасайиб кетаётганлиги мана шундандир. **Статистиканинг кўрсатишича, ҳозир Узбекистонда аҳоли жон бошига ҳисоблаганда да-ромади 75 сўмдан ошмайдиган 8 миллион 800 минг-га яқин киши яшаб турибди, бу эса аҳолининг 45 фоизини ташкил этади.** Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, кун кечириш учун камида ҳозирги кунда 85 сўм зарурлигини эътиборга оладиган бўлсақ, ана шунда одамлар қандай қийинчилик билан, учма-уч яшаб келаётганига ўзингиз баҳо бе-ришингиз мумкин.

Иккинчидан, республика ҳалқ хўжалиги бирёқ-лама, айтиш мумкинки, ҳаддан ташқари номақ-бул ихтисослаштирилган. Натижада шундай аҳвол вужудга келдики, қишлоқ хўжалиги билан бир қаторда саноатда ҳам асосан хом ашёни бирлам-чи қайта ишлаш тармоқлари устунлик қилмоқда, тайёр маҳсулот, биринчи навбатда ҳалқ истеъмо-ли моллари ишлаб чиқарувчи тармоқлар эса ар-зимас салмоққа эга. Ҳозир қишлоқ хўжалиги хом ашёсининг талайгина ҳажми (пахта толаси, хом ипак ва бошқа кўпгина хом ашё маҳсулотлари) республикадан олиб кетилмоқда, айни вақтда эса аҳолининг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжини қон-дириш учун 8-9 миллиард сўмликка яқин тайёр маҳсулот олиб келинмоқда.

Ўзбекистонда электроника, асбобсозлик, радио-техника, мураккаб рўзгор техникаси ишлаб чиқа-риш каби ва бошқа кўпгина илғор тармоқлар мут-лақо қониқарсиз ривожлантирилди. Агар бу тармоқлар республикада ривожлантирилганда эди, улар меҳнат ресурслари ошиб-тошиб ётган аҳолини иш билан таъминлай олган бўлур эди. Аксинча, республикада сув кўп сарфланадиган ва заарли ишлаб чиқаришлар асоссиз равишда ривожлантирилди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида аввало тармоқларнинг

сердаромадлиги ва меҳнат сарфини, ернинг табиий имкониятидан самарали фойдаланишни ҳисобга олиб, унинг структурасини тубдан қайта кўриб чиқиш ке-рак. **Республика пахтачилигидаги ишларнинг аҳво-лига:** пахтанинг нархи, пахта яккаҳокимлигини тугатиш масалаларига ғоят зудлик билан э\*таб»Р бе-риш зарур, албатта. Нарх-наво ислоҳогн Й>шқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳамда чорвачиШ<sup>max</sup> сулотларига ҳам татбиқ қилиниши лозвм

**Учинчидан,** ишлаб чиқарувчи кучлар ва, авало, саноат обьектлари асосан стихияли равиида.яик-роғи, ҳар хил ўзбошимчалик, буйруқбозлик ШР°Р~ лари асосида, кўпинча илм-фан вакилларя, б»и<sup>мли</sup> ва обрўли мутахассисларнинг тавсиялари мффлақо эътиборга олинмай жойлаштирилди. **Республ^а са-ноат салоҳиятининг 50 фоизга яқини хой^ши-рилган Тошкент ва Тошкент области шақарлари, Фарғона, Андижон, Қўқон, Навоий қшқарлари ҳамда республиканинг бошқа бир қанча ми&тақалари мисолида ҳозир ана шундай жойАашифиш, айниқса салбий таъсир ўтказаётганинн қўриш мумкин.**

Бундай жойлаштириш республиканинг эквяоми-касига ва аҳоли пунктларининг экологияси» ғ<sup>о</sup>ят катта зиён етказганига ҳозир баҳо бериширин, энг асосийси эса, бу ҳозир аҳолининг даёт йъми-нотига, одамларнинг яшashi ва уйғун кам»<sup>топи</sup> ши учун зарур шароитларни яратишга таъсирF<sup>тказ-</sup>моқда.

**Тўртинчи** ва айтиш мумкинки, энг муди»маса-ла - республикадаги социал ахволнинг, о^мларнинг социал таъминоти ва уларни ижтити<sup>Лю<sup>мои</sup></sup> қилишининг мутлақо қониқарсизлигидир. Қишлоқ аҳолисининг атиги 5 фоизи каналгоация & водо-провод билан, салкам 50 фоизи - ичимликеу<sup>8</sup> би-лан, 17 фоизи табиий газ билан таъмиялавганини нормал ахвол, деб ҳисоблаш мумкин змас Шуни эътироф этиш керакки, кўрилаётган барчачоралар-га қарамай, аҳолини уй-жой, соғликни сақл\*Шг маданият, майший хизмат обьектлари, мактаблар, бо-лалар боғчалари ва ҳоказолар билан таъминлашда ҳозирча сезиларли силжишларга эришилгани йўқ.

**Қишлоқни социал жиҳатдан қайта қуриш учун бирон иш қилинмаяпти, ваҳоланки, аҳолининг асо-сий қўпчилиги қишлоқда яшайди.**

Одамларнинг турмуш даражасига, фаровонлиги ва кайфиятига

бевосита таъсир ўтказадиган ана шу бар-ча нихоятда мураккаб муаммоларни ҳал этиш учун ишлаб чиқилган, аммо бир-бири билан дуруст боғ-ланмаган турли программалар ва тадбирлар мутлақо қониқарсиз рўёбга чиқарилаётганлиги бизни айник-са, ташвишлантирмоқда. Республиkaning айrim мин-тақаларини социал-иктисодий ривожлантириш со-хасида йўл қўйилган хатоларни тузатиш учун амал-да бирон-бир иш қилинаётгани йўқ.

Сизларга маълумки, биз 1991 йилдан бошлаб хўжалик ҳисобига ўтамиз. Бироқ республика бюд-жети катта камомад билан якунланаётган ва бундай камомад камайиш ўрнига ўсиб бораётган экан, қан-дай хўжалик ҳисоби тўғрисида гап бориши мумкин?

Молиявий ахволнинг мураккаблиги яна шу би-лан кескинлашмокдаки, харажатлар республика бюд-жетининг ҳам, маҳаллий бюджетларнинг ҳам даро-мад қисмининг заиф базаси билан чекланиб қол-моқда. Ҳамма жойда нарх-наво ошиб бораётганлиги кузатилмоқда. Буларнинг барчаси одамларнинг ҳаққоний норозилигига сабаб бўлиб, ҳокимият органларига нисбатан муносабатда танқидий кайфи-ятларнинг кучайишига олиб келмоқда.

Биз вужудга келган ахволдан чиқиши йўлини ни-мада деб биламиз? Ҳозирги пайтда одат бўлиб қолганидек, ҳаммани ва ҳамма нарсани танқид қилиш, айборларни топишга уриниш каби хатти-харакатлар барчасидан осонроқ, албатта. Менинг назарим-да, химоясиз ўтмишни танқид қилиш билан обрў орттиришга уринаётган кишилар ўзларини муносиб тутмаяптилар. **Шу нарса мутлақо равшанки, қийин ахволдан чиқишнинг йўли, энг аввало, ишларнинг ахволига холис баҳо бериш, республикадаги вазиятни соғломлаштиришнинг конкрет ва аниқ-пух-та программасини ишлаб чиқишдан иборат.** Бизнингча, мазкур программанинг асосий мазмуни ва моҳияти — энг аввало, ҳалқимиз турмуши ва фаро-вонлигини тубдан ва кескин яхшилаш мақсадида барча соғлом кучларнинг бирлашиши ва ҳамкорлик қилишини кўзда тутади. Айни пайтда мазкур вази-фани ҳал этишни келгуси беш йиллик охирига ёки 2000 йилгача қолдирмай, унинг натижаларини одамлар яқин вактлар ичida ҳис этишлари керак.

**Ишни биринчи галда ҳаётимизнинг барча соҳаларида қатъий тартиб ва интизом ўрнатишдан, раҳ-бар кадрларни жой-жойига тўғри қўйишдан, улар-га нисбатан талабчанликни оширишдан**

**бошлаш лозим.**

Кучларни бирлаштириш тўғрисида гапирап экан-миз, Ўзбекистоннинг ҳозирги куни ва келажагига бефарқ карамаётган, ҳозир биз бошдан кечираётган оғир ахволдан чиқишга ўз ҳиссасини кўшишга ин-тилаётган барча кишилар билан ҳамкорлик қилишга ва мулокот олиб боришга тайёр бўлишимиз зарур. **Ҳар бир киши ўз жойида ўзига топширилган ишни вижданан ва ҳалол бажариб, ташаббус кўрсати-ши бугунги кунда ғоят муҳимдир. Олға томон бо-ришимизнинг асосий шарти мана шундадир.**

Фарғона областидаги фожиали воқеаларнинг оқибатлари натижасида ҳам республикадаги вазият кескинлашмоқда. Бу нарса ҳозир ҳам сезилиб турибди, ўзининг оғир таъсирини ўтказмоқда. Шуни рўйирост айтаманки, республикада вужудга келган ижтимоий-сиёсий ва социал-психологик вазият биз-ни жуда ташвишлантирумокда.

Фарғона воқеалари тўғрисида гапирап эканман, шу нарсани яна бир бор таъкидлашни истардимки, айрим оммавий ахборот воситалари ва баъзи ман-фаатдор масъул раҳбарларнинг ана шу воқеаларга берган баҳолари улар фожианинг чукур сабабла-рини билмасликларидан далолат беради. Гўё рес-публикада сиёсий ҳокимиятни қўлга олиш мақса-дини ўз олдига қўйган қандайдир миллатчи мар-казлар мавжудлиги тўғрисидаги асоссиз даъволар билан вазиятни билмасликларини, халқдан ажра-либ қолганликларини, етилган муаммоларни ҳал эта олмасликларини ва пировард натижада ўзларининг фаолиятсизлиги ва муаммоларни ҳал этишга қодир эмасликларини яширишга уримоқчи бўладилар.

Мана шу барча уринишлар замирида ўз лавози-мини, идоравий ва гурӯхбозлик манфаатларини ҳимоя қилишга, турли миллат кишилари ўртасида атай ишончсизлик туғдиришга ва республикада ва-зиятни издан чиқарувчи кескинликнинг доимий ман-байнини вужудга келтиришга интилиш сезилиб турибди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбе-қистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекис-тон ССР Министрлар Советининг Мурожаатнома-сидан куйидаги сўзларни яна бир бор такрорлашга тўғри келади: **ўзбек халқининг вижданони пок, Фарғона воқеалари ўзбек халқининг иродаси билан содир бўлмади. Бу воқеаларга тутуруқсиз ва ғаразли мақсадларни кўзлаб ким қандай бўёқ берма-син, тарих**

**албатта ўзининг адолатли хукмини чи-қаради. Байналмилалчилик, меҳмондўстлик, яхшилик, қалб саховати ҳамиша ўзбек ҳалқига хос фа-зилатлар бўлиб келди. Ҳалқимиз ҳеч қачон бош-қа ҳалқларга нисбатан душманлик кайфиятида бўлмаган. Бу қадимий ва ҳозирги тарихимиздан олинган кўпгина мисоллар билан исботланган.**

Айни пайтда шуни ҳам айтиш керакки, ана шу фожианинг айборларини ҳимоя қилишга уринишлар ҳам асоссиздир. Ким бўлишидан, қайси миллат-га мансублигидан қатъи назар, ваҳшийлик ва одам ўлдиришда, ўт қўйиш ва тўс-тўполон чиқаришда айбор бўлган шахслар жазога тортилиши зарур ва жазога тортиладилар, токи ўзбек ҳалқининг пок но-мига доғ туширилишига йўл қўйилмасин.

Бугунги кунда ҳалқ ўртасида ишончни мустаҳ-камлаш сиёсий ислоҳот билан чамбарчас боғланган. Бу — ҳаёт тақозосидир...

Аҳолимиз кўпаймокда. Уни боқиш, кийинтириш, уй-жой билан таъминлаш лозим. Биз эса кам қуряп-миз. Курилиш суръатлари кескин пасайиб кетмоқ-да. Ярим йиллик давомида социал-маданий, майший обьектларни ишга тушириш йиллик плани атиги 44 фоиз бажарилди. Бу ахволда биз йиллик план бажа-рилишини қандай таъминлаймиз? Бу қандай план-лаштириш, бунинг учун ким жавоб беради?

Уй-жой программаси қандай бажарилаётганли-гига бир назар ташланг. Ҳар бир областда, ҳар бир шаҳарда биз фақат аҳолининг ўсиб бораётган қис-минигина зўр-базўр уй-жой билан таъминлашга ул-гуряпмиз. Аҳвол мураккаблигича қолмоқда, аҳоли-ни уй-жой билан таъминлаш аввалги даражада ту-рибди. Уй-жойлар эскириб, яроқсиз бўлиб қолмоқда. Мактаб бинолари ҳам яроқсиз бўлиб қолмоқда, минг-лаб мактаблар ва бошқа социал, маданий, майший обьектлар авария ҳолатидадир. Энди бунга тоқат қилиб бўлмайди. Капитал курилишдаги ишларнинг ахволи ҳар бир районда, шаҳар ва областда конкрет кўриб чиқилиши, айборлар жавобгарликка тортилиши зарур.

Ижро интизоми тўғрисидаги масала бевосита шу билан боғлиқдир. Ҳалқ хўжалиги тармоқларидаги ишларнинг ахволи яхши эмаслиги, одамлар кайфи-ятининг кескин ёмонлашаётганлиги интизомнинг сусайганлиги билан бевосита боғлиқдир. Кўпгина

раҳбарлар ишни моҳирлик билан ташкил этиш ўрнига мажлисбозлик ва қофозбозлик билан шуғулланмок-да.

Аслида ижрони, ишни ташкил этишни, одамлар-ни сафарбар қилишни, қийин муаммоларни ҳал этиш йўлларини қидириб топишни ва ниҳоят, қарорларнинг оқибати учун жавобгарлик ва маълум дараҷа-даги журъатни кимдир ўз зиммасига олиши керак эмасми?

Рақамларга назар ташлаймиз: кейинги бир ярим йил ичida республика Министрлар Советида 1484 та фармойиш ва қарор, яъни ҳар куни уч-тўрттадан хужжат қабул қилинди. Зарур контрол йўклиги са-бабли уларнинг кўпи бажарилмаяпти. Агар ана шу хужжатлар бажарилишини ҳеч ким назорат қилмас экан, уларнинг нима кераги бор?

Бугунги кунда раҳбар кадрларнинг ишга муносабатини тубдан ўзгаришиш, топширилган соҳа учун уларнинг масъулиятини ошириш даркор.

**Бизда шундай бўлмоқдаки, биз ҳамма нарса учун жавоб берамиз, айни пайтда эса ҳеч ким ҳеч нарса учун конкрет жавобгар бўлмайди. Бу, эҳти-мол, ҳозирги кунда биздаги асосий иллатдир.** Бун-дай ёндашув туфайли ишларимиз ёмон бораётганлигидан ажабланмаса ҳам бўлади. Бу борада, наза-

римда, ғоят муҳим жиҳатни қайд этиш лозим: ўзини аямасдан, бор кучини сарфлаб ишлаётганлар ҳам, нари-бери ишлаётганлар ҳам бир хил баҳоланмоқ-да. Энг аввало, ташаббускор, фикрлайдиган раҳбарни кўра билиш, унинг самарали ишлаши учун барча шартшароитларни яратиб бериш муҳимдир. Уни бошқалардан ажрата билиш, маънавий ва мод-дий жиҳатдан рағбатлантириш лозим. Бизда эса ҳамма бараварлаштирилади. Яхши ходимга ҳам ёмон ходим сингари баҳо берилади. Биз ёмон ходимга нисбатан талабчан бўлишдан, яхши ходимни эса бошқалардан ажратиб кўрсатишдан чўчиймиз, чунки унисида ҳам, бунисида ҳам жавобгарликни ўз зиммамизга олишимиз керак.

Шунга аминманки, одам биргина яхши сўз ту-файли, мажозий қилиб айтганда, тоғни талкон қили-ши мумкин. Афсуски, биз кейинги вақтда одамларга бундай муносабатда бўлишни деярли унтиб қўйдик. Чунки, одамга ишонч уни улуғлайди, унга ўз кучига ишонч бағишлиади. Бошқа томондан, ишончсизлик, холисона муносабатда

бўлмаслик одамларнинг ҳаф-саласини пир қилади ва шу туфайли биз қанчадан-канча истеъдодли кадрларни бой бермоқдамиз.

Биз, барча раҳбарлар халқимиз бутунги кунда тан-бех, панд-насиҳат ва қўпинча ўринсиз жазодан кўра яхши, самимий сўзга муҳтоҷлигини тушуниб ети-шимиз керак. Бунинг сабаблари ҳаммангизга маъ-лум: узоқ вақт бизнинг халқ билан муносабатларимизда унга вазминлик ва ҳурмат билан ёндашув етишмади.

Республикада кадрлар ишини жиддий қайта қуриш зарур. Кадрларни танлаш чоғида, энг аввало, уларнинг сиёсий, ишчанлик, профессионал, ташкилот-чилик фазилатларига, ташаббускорлигига, масъулиятни ўз зиммасига ола билишига асосий эътиборни қаратиш керак. Биз Ўзбекистонда етарли бўлган ис-теъдодли, истиқболли кишиларни топа билишимиз, уларни тарбиялашимиз ва уларга масъулиятли со-ҳаларни ишониб топширишимиз лозим.

Республикадаги вазиятни, урф-одатларни ва халқ анъаналарини яхши биладиган ёш, истиқболли ма-ҳаллий кадрларни лавозимларга кўтаришни тўғри изга солиш ғоят муҳимдир. Бундай кадрларни кенг кўламда, истиқболни кўзлаб тайёрлаш керак. Айни вақтда кадрлар давомийлигини таъминлаш, фаол раҳбарлар рўйхатидан адолатсиз равишда ўчирилган кишилар-ни ва бугунги кунда аҳоли орасида обрў-эътибор ва ҳурмат қозонган кишиларни фаол ишга қайтариш даркор. Мана пгу ишончнинг ўзи уларнинг руҳини кўтаради ва аминманки, улар ўзларига қайтарилган ишончни оклаш учун янада зўр ғайрат билан, хеч нарсадан чўчимай, вижданан меҳнат қиласидар.

Буларнинг ҳаммаси бугун муҳокама қилинаётган Андижон, Хоразм областларида қишлоқда шахсий ёрдамчи хўжаликларни ва якка тартиbdаги уй-жой қурилишини ривожлантиришни таъминлаш юзасидан олиб бораётган ишлари тўғрисидаги масалага бевосита алоқадордир. Жойларда шу масалаларнинг ўрганилиши ҳозирча хисоботлар амалий ишларга қараганда кўп бўлаётганини кўрсатди.

Мен область, район бўғинидаги барча раҳбарларга мурожаат этиб, яна бир бор таъкидламоқчиман: ҳозир бу вазифа принципиал, муҳим сиёсий вазифа бўлиб, бу билан ҳар куни шуғулланиш керак, йўлда учраган қийинчиликлардан кўрқмаслик ва уларни бартараф этиш лозим.

Бугунги кунда ана шу нарса олдимизда турган му-аммоларни ҳал этишнинг энг оддий, энг тез бажариладиган йўлидир. Фикримни

тушунтириб бериш-га харакат қиласан. Қаранг, бугунги кунда қишлоқларимизда 240 минг оиланинг ери йўқ. 1,8 миллиондан кўпроқ ҳовли эса уй-жой қурилиши ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун кенгай-тиришга жуда муҳтож бўлиб турибди. Шаҳарлар, район марказлари ва шаҳар типидаги посёлкаларда ер йўқдиги сабабли меҳнаткашларнинг якка тар-тибда уй-жой қуришга, коллектив равишда боғдор-чилик қилиш ва полизчилик билан шуғулланишга им-кониятлари йўқ. Фақат Тошкент шахрида 92 минг оила ер участкаси олиш учун навбатда турибди.

Бизда мазкур масала юзасидан жуда қўплаб қарорлар қабул қилинган, лекин, афсуски, амалда силжиш йўқ ва шу боисдан буларнинг ҳаммаси одамларда адолатли равишда норозилик тугдирмок-да, улар сиз билан бизни — раҳбарларни қаттиқ танқид қилишмоқда.

Биз ер улушини кенгайтириш орқали қандай ма-салаларни ҳал этишни хоҳлаймиз?

**Биринчидан,** Озиқ-овқат программасини бажар-моқчимиз. **Шахсий хўжаликдаги ернинг бир гек-тари жамоат секторидагига нисбатан тўрт баро-бар кўп самара беради.** Шахсий ёрдамчи хўжаликнинг бир гектаридан олинаётган самара 12,5 минг сўмни, ижтимоий секторда эса атиги салкам уч минг сўмни ташкил этади.

Республикада хайдаладиган ерларнинг атиги 5 фо-изи шахсий ёрдамчи хўжаликларга берилган, улар қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг тўртдан бир қисмини ишлаб чиқаришмоқда. Етиштирилаётган сабзавот, полиз экинлари, гўштнинг ярмидан кўпроғи ва сутнинг учдан икки қисми улар ҳиссасига тўғри келади. Бу борадаги мавжуд муаммоларни ҳал этсак ва эҳтиёжи бўлган барча кишиларни ер участкалари билан таъминласак-чи? Агар мазкур масалаларни ҳал этишда барча кераксиз тўсиқларни олиб ташласак, одамлар ўзларини қанчалик енгил хис этар эдилар. **Мана шунинг учун ҳам бу масалаларни зудлик би-лан ечишга киришишимиз, ер участкаларини қан-дай изчиллик билан, қанча ва қайси муддатларда ажратишни ижтимоий адолат нуқтаи назаридан кўриб чиқишимиз керак.** Биз шу максадда жойларда тузилган комиссиялар бу масалаларнинг ҳам-масини холис ва тезда кўриб чиқишлирага умид қиласиз.

**Иккинчидан**, бу Уй-жой программасини ҳал этишни жиддий тарзда олдинга силжитади. Якка тар-тибда уй-жой қуриш ўз салмоғига кўра Уй-жой про-граммасида 60 фоиздан кўпроқни ташкил этади, хозир эса ана шу кўрсаткич 89 — 90 фоиз атрофида бажарилмокда. Ер участкалари, пул ссудалари ва зарур қурилиш материаллари ажратиб бериш бу йўлдаги асосий ғовдир. Биз масалани ҳал этишни жадаллаштиришимиз, одамларга ер беришимиз, уларни ссуда, қурилиш материаллари билан таъмин-лашимиз, хонадонларга сув, канализация, газ туши-ришимиз керак.

Хозир эса кишилар бунга машаққат ва азият че-киб эришмокдалар. Ахоли бюрократик аппаратнинг барча тўсиқларидан ўтишга мажбур. Уларнинг йўлида қанчадан-қанча амалдорлар ва тўралар учрайпти! Бу ерда порахўрлик ҳам, қонунсизлик ҳам, мазкур ма-саланинг сиёсий аҳамиятини батамом тушунмаслик ҳам мавжуд. Партия ва совет органлари эса шу ахвол-га кўникиб қолишган. Марказий Комитетга шу ху-сусда кўплаб хатлар келмокда, уларда одамларнинг арз-додлари битилган. Одамлар ер участкалари ажратиб берилаётганида пора бериш ва пора олиш расм бўлиб қолганини, жойларда эса хеч ким ҳаддидан ошиб кетган амалдорларга зарба бермаётганини айтмоқдалар.

Бу борада батамом бошқача ёндашув зарур. Йўли-мизга ғов бўлаётган барча нарсаларга қарши, биз билан ҳалқ ўртасига рахна солаётганларга қарши ҳақиқий жанг бошлиш керак. Биз ана шу фактларнинг ҳаммасини принципиаллик билан ўрганиб чи-кишимиз, буларга сиёсий баҳо беришимиз, одамларни бюрократик аппаратнинг ўзбошимчалигидан ижтимоий жихатдан муҳофаза этишни таъминлаши-миз керак. Ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари, прокуратура, суд инсоннинг қонуний ҳукуқлари, ижтимоий адолатни химоя қилишга отланишлари керак. Ҳалқ биздан шуни талаб қилмоқда.

**Учинчидан**. Бу ерда ишсизлик муаммоси ҳам ҳал этилмоқда. Масалан, Фарғона облатини олайлик, бу ерда 149 та колхоз ва совхоз бор. Агар ҳар бир хўжа-ликда 50 — 60 кишилик қурилиш бригадаси тузиб, улар қурилиш материаллари билан таъминланса, бундай бригадалар ахоли билан шартнома асосида уй-жой қуришлари мумкин бўлур эди. Фақат шунинг эвазига 7,5 минг кишини иш билан таъминлаш мумкин бўларди. Хўжаликларда ғишт, дурадгорлик

буюмлари ва бошқа нарсалар тайёрлайдиган ёрдам-чи корхоналар бунёд этишга киришилса-чи. Маса-лан, Хоразм обlastida шундай иш тутиш қурилиш материаллари тақчиллигини бартараф этиш билан бирга уч йил мобайнида ишлаб чиқаришга қўшимча тарзда 2,5 минг кишини жалб этиш имконини берди. Бу одамларни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этишнинг тўғридан-тўғри йўлидир. Уларга меҳнат дафтарчалари бериш, пенсия билан таъминлаш мумканинг ахволи, айниқса, ташвиш туғдирмоқда. Биз бу ҳаракатга комсомолимиз бошчилик қилишини истар эдик, аммо афсус билан шуни қайд этишга мажбурмизки, комсомол кўп жиҳатдан етакчилик позициясидан маҳрум бўлиб қолмоқда. Кўпгина комсомол ходимлари бюрократик тўсиқлар орқа-сида қолиб кетишган, қофозбозлик билан шуғуллашишмоқда, жойлардаги ахволни дуруст билишмайди. Ҳеч қачон, ҳеч каерда бўшлиқ бўлмайди. Биз бўлмаган жойда бизнинг ўрнимизга ёшлар ва халқ билан бошқалар шуғулланади. Буни унутмаслик керак.

Ёшларимизни бегоналарнинг кўлига ўз ихтиёри-миз билан топширмаслигимиз керак. Ёшлар учун, улар чин инсон, ўз диёрининг, ўз мамлакатининг чинакам ватанпарварлари бўлиб ўсишлари учун фаол курашмоғимиз лозим.

Бугунги кескин ва мураккаб вазиятдан тегишли хulosалар чиқариб олиш керак. Авангард бўла ола-диган ёшларнинг сиёсий ташкилотини қайтадан тик-лаш зарур, ёшларнинг майда-чуйда ишларига ара-лашишдан дўстона ҳамкорлик қилишга ўтиш дар-кор. Ҳаммамиз ёшлар орасидаги вазиятни ўрганишимиз ва билишимиз, улар ўртасида чинакам етакчиларни тайёрлашимиз, ижтимоий муаммолар-ни ҳал қилишда, чинакам ватанпарвар ва байналми-лалчи инсонларни тайёрлашда уларга ёрдам бери-шимиз лозим.

Пахтачилик муаммоларига ҳамда ҳозирги пайтда пахта далаларидағи ахволга алоҳида тўхталиб ўтмоқ-чиман. Пахтага ажратилган майдонларнинг тўртдан бир қисмida ҳар туп ғўзада биттадан тўрттагача кўсак бор, яъни планни бажариш учун зарур бўлган ҳосилнинг ярми тўпланган.

Сўнгги кунларда далаларда иш жуда бўшаштириб юборидди- Fўза парваришига масъулиятсизлик би-лан қаралаётганини кўрсатувчи мисоллар кўп. Fўзани чанқатиб қўйиб, қишлоқ хўжалик зааркунданда-рига қарши вактида чора кўрмай, ҳатто, тўпланган ҳосилни хам бой бериб қўймоқдамиз.

Сув жуда танқис бўлмоқда. Шунга қарамай, су-горишни ташкил этишда катта камчиликлар бор. Кўпинча сув исроф қилинмоқда, экинни бостириб суғориш, қайта-қайта суғориш ҳоллари содир бўляпти. Сувнинг этишмаслиги ўрнини экинни кўшимча парвариш қилиш билан тўлдириш керак.

Пахта ҳосилини машинада теришга ҳамма жой-да ҳам пухта тайёргарлик кўрилмаяпти. Йифим-те-рим техникасини тайёрлаш муддатлари чўзилиб кет-мокда. Ҳали тўрт мингга яқин пахта териш маши-наси ишга тайёр қилинган эмас. Ўзга баргини тўқтириш учун ерда ишлатиладиган аппаратлар ҳам тайёр эмас.

Бу камчиликларнинг ҳаммаси жойларда ташки-лотчилик ишлари бўшаштириб юборилганинг на-тижасидир. Кўп кишиларда хотиржамлик ва лоқайд-лик пайдо бўлаётганлиги бизни, айниқса, ташвишга солмоқда. Ишимиздаги нуқсонларни баҳордаги совук билан яшириб кетамиз, деган кишилар хато қиласидилар...

Йифим-терим мавсумига қадар қолган 15 — 20 кун ичida ҳаммамиз зўр бериб меҳнат қилишимиз, план-ни бажариш учун зарур миқдорда ҳосил тўплаши-миз лозим.

Ўзга парваришини кучайтириш билан бир вақтда дехкончилик ва чорвачиликнинг бошқа соҳалари-даги ишларни ҳам бўшаштирмаслик лозим. Бизда дағал ҳашак тайёрлаш қониқарсиз бормоқда. Хўжаликлар ўтган йилдагидан 25 — 30 фоиз кам пичан тайёрлашди. Ем-ҳашакнинг сифати ҳам яхши эмас. Буларнинг ҳаммаси планларнинг бажарилишини хавф остида қолдиради. Ҳар бир хўжаликдаги ишни текшириб, ахволни ўнглаш керак.

Энди шу ерда ўтирган одамларнинг ҳаммасини ҳам, республиканинг барча аҳолисини ҳам ҳаяжонга solaётган нарсалар тўғрисида қисқача гапирмок-чиман. Гап келгуси йилда пахта этиштириш ҳажми тўғрисида боряпти. 1990 йилда 1988 йилдаги 1710 минг тонна ўрнига 1500 минг тонна пахта толаси харид қилиш режалаштирилмоқда, яъни тола 210 минг тонна кам планлаштирилмоқда. Ҳар бир кол-хоз ва совхоз этиштириладиган пахта ҳажмини, аввало, ўзининг иқтисодий манфаатларидан, ўз даромадларидан келиб чиқиб, хуллас, иқтисодий жи-хатдан мақсадга мувофиқлигини ҳисобга олиб, пахта толаси юзасидан белгиланадиган топшириқка асос-ланиб ўзи белгилайди.

Яна бир мухим масала — пахта нархи масаласи-дир. Биз 1990 йил

плани лойиҳаси билан Иттифоқ органлариға икки марта учрашдик. Бутун масъули-ятни зиммамга олиб, ҳозир шуни айта оламанки, пахта нархи масаласи яқин ойлар ичида кўриб чи-қилади. Бу муаммони ҳал қилишимиз учун, хисоб-китобларга кўра, камида 1,5 миллиард сўм талаб қилинади. Республикализнинг деярли бутун аҳоли-си манфаатлари ва фаровонлиги ана шу муаммони ҳал қилиш билан боғлиқ.

Ҳозир очигини айтиш керак, биз бу ҳакда жуда кўп гапирдик ва ҳали ҳам гапиряпмиз, аммо, минг афсуски, масалани далил-исботлар билан асослаб тўғри қўя олмаяпмиз. Биз, раҳбарлар, бу масалаларни катъият билан, билимдонлик билан ўртага

қўйишимиз, уларнинг ҳал этилишига изчиллик би-лан эришишимиз, ҳар қандай ҳолда ҳам айбни би-ровларга тўнкамай ва бирорларнинг орқасига яши-ринмай, масъулиятни ўз зиммамизга олишимиз керак.

Олдинда бизни жуда катта ишлар кутмокда. Биз интизомни, яна бир карра интизомни мустаҳкам-лаш учун ҳамма ишни қилишимиз, кадрлар масъу-лиягини оширишимиз, ғайрат билан, ташаббускор-лик билан ҳаракат қилиб, одамларимизнинг турму-шини яхшилашга эришишимиз керак.

*Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI  
plenumiда сўзланган нутқдан  
1989 йил 19 август*

## ТИЛ ЭЛНИ БИРЛАШТИРИШ ЛОЗИМ

Азиз ўртоқлар!

Аввало, тил тўғрисидаги Қонуннинг кечадан буён муҳокама қилинаётган лойиҳасини тайёрлаш усти-да бекиёс катта иш олиб борган мутахассисларга, тилшунос олимлар, ёзувчиларга, ўз хатлари ва так-лифлари билан Ўзбекистонда яшаётган аҳолининг тақдирини, келажагини белгилайдиган, ўзбек тилининг нуфузини оширадиган мана шу олижаноб ишга ҳисса қўшган ҳамда ушбу катта сиёсий хужжатни тайёрлашда иштирок этган бошқа ҳамма ўртоқларга миннатдорчилик билдиришга рухсат бергайсизлар.

Холисона айтганда, матбуотда илк бор эълон қилинган лойиҳа кўпчиликни қониктирумagan эди. Шуни очиқ айтишимиз керакки, Қонуннинг бирин-чи лойиҳасини бугунги сессиямиз муҳокамасига қўядиган бўлсак, кўпчилик халқимизнинг талабини оёқ ости қилгандек бўлардик.

Шуни эътиборга олиб, бугун муҳокамага қўйилган янги лойиҳани тайёрлашга қарор қилдик. Ик-кинчи лойиҳани тайёрлашда миллионлар қатнашди, десак ҳам бўлади. Аҳолининг кўпчилиги иккинчи лойиҳани маъқул топди. Бундай хулоса ҳаммамизга бугун аён. Ҳақиқатан ҳам, у ҳамманинг талабига жавоб беради, қолаверса, барча халқлар манфаати-га ҳам тўғри келади.

Очиғи, ушбу иккинчи лойиҳадан ҳам норози бўлганлар топилди. Буни тушуниш мумкин, албатта. Ҳамма жиҳатдан мукаммал битта лойиҳани тузиб, ҳаммага баб-баравар манзур қилиш қийин, бу ҳеч кутилмаган фавқулодда бир ҳол хисобланади.

Шу ўринда бир масалага аниқлик киритиб кети-шимиз керак. Бу ҳам бўлса, ўзбек тилини қарор топ-тириш ва ривожлантириш ҳақидаги шиорлар остига яширинган ҳолда маҳаллий аҳолини рус тилида га-пирадиган аҳолига нисбатан қарши қўяётган, шуни ўзларига мақсад қилиб олган кимсаларнинг ҳара-катлари тўғрисида гаплашиб олишдан иборатдир. Бундай ҳаракатларга, энг аввало, сиёсий калтабин, айтишим керакки, очикдан-очиқ худбинлик йўлига ўтиб олган кишилар қўл урмоқдалар. Улар халқлар ўртасига нифоқ солиб, ўзларининг нопок ниятлари-га эришмоқчи бўляптилар.

Хуллас, улар ҳар бир халқда ҳозир энг тарангла-шиб турган дил торларини, яъни осонгина қўзғатиш мумкин бўлган торларни

чертишга ҳаракат қиляп-тилар. Буни очиқдан-очиқ айтиш керак. Бу торлар хаммага маълум: миллий ғуур тушунчаси, ор-но-мус тушунчаси, қайси бир миллатга мансублигидан қатъи назар, ҳар бир инсоннинг кадр-киммати ту-шунчаларидан иборат.

Агар ишларимиз шу тарзда давом этаверса, бу-нақа аҳмоқчилик, бунака зўравонлик эртага нимага олиб келишини шу залда ўтирганлар, бизнинг фаолларимиз аниқ тасаввур этишлари ва ҳозирги аҳволнинг кескинлашиши қандай оқибатларга олиб ке-лишини очиқдан-очиқ айтишлари лозим. Кейинги йилларда, бусиз ҳам ўзбек ҳалқининг бошига, ҳам-мангизга маълумки, не мусибатлар, не тухматлар ёғилмади, дейсиз. Бизларни порахўр ҳам дейишди, тўғри ҳам дейишди, бизлар зўравон деган ном ҳам олдик. Энди эртага ҳаммамиз миллатчи деб ҳам ата-лишимиз керакми?

Менинг фикримча, бу гапларнинг илдизини кир-қишиш керак. Буларни ташкил қиласиган, уюштира-диган одамларни топиш керак. Ҳозирги аҳволнинг кескинлашишида майдонларга чиқиб намойиш ўтка-задиган ёшларимизнинг айби йўқ. Бунга, аввало, бу болаларни, бу йигитларимизни тарбиясига, уларнинг аҳволига эътибор бермаганимиз, уларни кўп вақтларда алдаб юрганимиз, кўп жойда уларнинг онгига баъзи нопок одамлар таъсир этаётганинг салбий оқибатларини сезмаганимиз сабабчидир.

Айрим кишилар бу хилдаги ножӯя хатти-ҳара-катларда «Бирлик» уюшмасининг қўли бор, деган фикрда бўлишди. Ушбу сессиямизда «Бирлик» ва-киллари ҳам иштирок этишяпти. Шу масала бўйича мен яна такроран қуидаги гапларни айтишни ло-зим деб топаман. Уларнинг орасида ҳалқимизнинг тақдирига бефарқ қарамайдиган, келажагимиз учун курашадиган, жонкуяр, ақлли йигитларимиз, ёшларимиз кўп. Шу йигитлар билан ҳамкорликка, бирга-лашиб ишлашга ҳаммамиз тайёрмиз. Лекин бу ҳара-кат байроби остига баъзи бир нопок, тубан ният-ли кимсалар ҳам йифилганки, ёш йигитларни майдонга чиқариш, «уларни ур» деган шиорлар би-лан бошқаларга қарши қўтараётган бундай одамларга нисбатан биз қандай муносабатда бўлишимиз ке-рак? Бунақа ҳаракат нимага олиб келади? Очиғини айтганда, бу бизга, Ўзбекистонда яшаётган ҳалқлар-га тўғри келмайдиган нарса эмасми?

Ўзбек ҳалқининг яхши ҳикматлари борки, қайси оилада бир кун жанжал бўлса, кирқ кун баракаси қочади, дейилади. Тўғри эмасми?

Мана, қаранг, менимча, кейинги йилларда биздан барака қоча бошладики, бу баракани энди қачон оиласаримизга ки-ритамиз?

Демокчиманки, олдимизда иккита йўл турибди. Агар баъзи нопок ниятда юрган одамларнинг гапига кириб жанжал кўтариб, кўчаларга чиқиб намойиш уюштирсак, ишни ўзибўларчиликка ташлаб қўйсак — бу ҳам битта йўл. Агар бирон-бир ўртоқ шу йўлга чақирадиган бўлса, шунга интиладиган бўлса, у та-момила адашади.

Биз иккинчи йўлдан борамиз. Шунга кўра ўз ақли-мизга иш буюриб, камчиликларимизни тўғри тушу-ниб, ишларимизни холисона таҳлил қилиб, бўлажак сайловларда ҳалқ тақдирини ўйлайдиган, ҳалқ би-лан бирга қадам ташлайдиган, унга ҳамдард ва ҳам-нафас бўладиган ўртоқларни сайлаб олайлик. Имо-ним комилки, улар ишончимизни оқлайди, кўзлаган марра сари йўлимизда муваффақият қозонишимиз осонрок бўлади. Мана шу йўл билан борсак, мен ўйлайманки, тарих олдида юзимиз шувут бўлмайди.

Тил ҳақидаги баъзи мулоҳазалар билан ўртоқлаш-моқчиман. Биринчи навбатда шуни айтмоқчиманки, ўзбек тилига давлат мақомининг берилиши ҳеч кимда ҳеч қандай шубҳа туғдирмаса керак. Бу аллақачон юз бериши лозим бўлган ҳодиса эдики, аҳолимиз кўпчилигининг қонуний талаби ҳам шундай эди.

**Бинобарин, ўз она тилини билмаган одам ўзининг шажарасини, ўзининг илдизини билмайдиган, келажаги йўқ одам, киши тилини билмайдиган унинг дилини ҳам билмайди, деб жуда тўғри айтишади.**

Лекин она тилимизни билиш йўлидаги интилишларимизни, ҳаракатларимизни рус тилига қарама-Қарши қўйиш, русийзабон биродарларимиз билан алоқани бузиш мутлақо нотўғри бўлур эди. Бир-би-римиз билан ахил ва дўст бўлиб яшаётган бир пайт-да ҳалқларни бир-бираига қарама-қарши қўйиб, улар орасига нифоқ солишга уринишлар яхшиликка олиб келмайди. **Ҳар қайси миллат, катта ё кичиклигидан қатъи назар, ўз она тилини хурмат қилади.** Ўзбеклар ўзбек тилини хурмат қилса, тоҷиклар то-жик тилини, қозоқлар қозоқ тилини, айтайлик, бо-шқа миллат вакили, катта ё кичик бўлишига қара-май, ўз тилини хурмат қилади. Лекин ана шу ҳалқларнинг ҳаммасини бирлаштириш учун, уларнинг бир оила аъзолари каби иноқ ва ҳамжиҳат бўлишларида рус тили муҳим восита хисобланади. Бу тил бошқа бирор миллат тилининг нуфузини

камситмаган, ўша миллат ғурурига тегмаган ҳолда ягона оиласа бирлашган халқлар тараққиётига, турли миллатларга мансуб кишилар ўртасидаги алоқаларни кучайтириш-га, қўйилган мақсадларга эришишга бебаҳо ёрдам бериши мумкин. **Умуман, ўртоқлар, агар рус мил-латига мансуб киши ўзбек тилини билса, ўзбек эса рус тилини билса, бунинг устига ҳозирги ёшли-римиз яна учинчи тилни ҳам билсалар, нур усти-га аъло нур бўлмасмиди?**

Тил тўғрисида гапираканман, яна битта нарсага эътиборингизни жалб қилишни истардим. Агар, иқтисодиётимиз бақувват бўлса, яхши ривож топса, бундан маданиятимиз ҳам мадад олади, ривож топади. Агар эртанги кунимизни ўйлаб иш қилмоқчи бўлсак, келажакда ишимизни давом эттирадиган бу-гунги ёшларимизга шароит яратиб, унинг ҳаёти ҳақида қайғурадиган бўлсак, аввало, маҳаллий ёшларни тарбиялаш ишига муносабатимизни мутлако ўзгартиришимиз керак. Мумкин қадар кўпроқ икти-дорли ёшларимизни Иттифоқнинг энг илфор корхоналарига, шу жумладан, ҳатто, хорижий мамлакатларга, керак бўлса, янги технология, янгича иш таш-кил қилишни ўрганиш учун Япония, Америкага ҳамда бошқа жойларга юбориб, уларнинг ўкишига, таж-риба орттиришига имконият яратиш лозим. Иқтисодиётимизни, ҳаётимизни ўзгартириш ана шуларга боғлиқ бўлади. Агар шуни қилмасак, бу юришда катта йўлга чиқишимиз қийин бўлади.

Айтиш керакки, кадрларни пухта қилиб тайёрла-масдан, уларнинг қадрига етмасдан, уларга ишон-масдан ва қўллаб-кувватламасдан, ўйлайманки, би-рон-бир соҳада аҳволни ҳеч қанақа тарзда ўзгартириб бўлмайди.

Кадрларимизнинг аксарияти юксак талаблар да-ражасида ишляяпти. Улар ўзбек халқи бошидан ке-чирган оғир синовлардан поклиги ва ҳалол меҳнати билан ўз шаънига гард юқтирамай чиқдилар. Бундай кишиларга ишонч катта. Улар бундан кейин ҳам ана шундай ишлашади, деб умид билдиromoқчиман. Ишо-наманки, ҳозир мухокама қилинаётган масала бўйича ҳам ҳурматли депутатларимиз тўғри, оқилона қарорга келади, албатта...

Ўзбекистон ССР Олий Советининг  
ўн биринчи сессиясида  
сўзланган нутқдан  
1989 йил 25 октябр.

## **ИЛМ-ФАН ИМКОНИЯТЛАРИДАН ТЎЛАРОҚ ФОЙДАЛАНАЙЛИК**

Хурматли ўртоқлар!

Бизнинг учрашувимиз мамлакатдаги ва респуб-ликадаги туб ислохотлар, дунёдаги истиқболли, ялпи ўзгаришлар шароитида ўтмоқда. Бу эса рўй берәётган жараёнлар ва ҳодисаларнинг рухи, моҳияти ва келажагини илмий идрок этиш жуда зарурлигини таъкидлайди.

Республикамиз экономикасидаги, ижтимоий ва маънавий соҳалардаги ишларнинг мушкул ахволи му-носабати билан буни биз жуда яхши хис этиб ту-рибмиз. Ўзбекистон Компартияси Марказий Коми-тетининг яқинда бўлиб ўтган XVIII пленумида, Ўзбе-кистон ССР Олий Совети сессиясида бу соҳада йиғилиб қолган ва тубдан ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳақида бафуржа гаплашиб олинди. Шу жиҳатдан бугунги учрашувимизни республика так-дири учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган бу ҳаётий муҳим муаммолар илмий муҳокамасининг бевосита давоми ва чуқурлашуви деб билмоқ керак.

Келинглар, бугун республика олдида турган энг муҳим бош муаммоларни жуда умумлашма ҳолда, лўнда тарзда кўриб чиқайлик, бу муаммоларни ҳал этишда илм-фаннинг ролини белгилаб олайлик.

Бу соҳадаги энг муҳим омиллар нималардан ибо-рат, ҳам давлат ва хўжалик идоралари, ҳам илм-фан ахли ўз куч-га! ратларини асосан нималарга қаратишлари керак!

**Биринчидан**, меҳнатга лаёқатли аҳолини иш би-лан оқилона ташинлаш ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромалдарни ошириш муаммолари. Мен сизларга ҳеч бир янгиликни очмоқчи эмасман. Аммо, келинглар, янабяр бор фикрлашиб кўрайлик, асо-сий масалаларю ажратиб олайлик. Ҳозир респуб-ликада ижтимий ишлаб чиқаришда фойдаланилма-ётган меҳнатгалаёқатли 1 миллион киши ва ойига 75 сўмгача даромад қилаётган салкам 9 миллион киши бор. Бу юблағ ҳаётий эҳтиёжларни, албатта,

кондира олмавдй.

Бу борада ахволни бирмунча енгиллаштириш, кес-кинликни юмиатиш учун янгича, дадил чора-тад-бирлар кўрилабошлигани сизларга маълум. Томор-қа участкаларшӣ кўпайтириш бир неча муаммони бир-бири билан боғлаб ҳал этиш: анчагина одамларни

мәхнат билан банд қилиш, оилаларнинг ўзини ўзи озиқ-овқат билан таъминлашни яхшилаш, кол-хоз бозорларши тўлдириш, аёлларнинг ижтимоий мавқенини яхшилаш имконини беради, деб ўйлаймиз. Бу эса республисадаги вазиятни барқарорлаштиришнинг муҳим оидига айланди.

Бирок бу чора юқорида айтиб ўтилган ҳамма му-аммоларни, айниқса узоқ истиқболда ҳал эта олади-ми? Менимча ҳал эта олмайди, десам, фикримга қўшиласизлар, Ахоли тез кўпайиб бораётганлиги ва ер-сув ресурсрининг чекланганлиги бизга илм-фан асосида ишлаб^иган ва кўп мәхнат талаб қиласидиган ишлаб чиқаришларни ривожлантиришдан, туб мил-лат ёшлари ҳисобига саноатдаги ишчилар синфини ва инженер-техник ходимлар сафини жадал кенгай-тиришдан боиқа йўл қолдирмаяпти. Саноатни

ривожлантирмай туриб, миллий ва ижтимоий тарақ-қиётга эришиб бўлмайди. Бу масалаларда илм-фан аниқ тавсиялар бериши керак.

**Иккинчидан.** Кейинги вактларда ер ва сувни ху-сусий фойдаланиш учун тўла-тўқис тақсимлаб бе-риш тўғрисидаги таклифлар айтилмокда. Бинобарин, ССР Олий Советида мулкчилик, ер, ижара тўғри-сидаги ва бошқа қонунлар қабул этилмоқда.

Келинглар, бу соҳадаги вазиятни ҳам холисона таҳлил этайлик. Маълумки, ҳозир республикада қишлоқ хўжалигида банд бўлган бир кишига норма-тивдаги 5 — 6 гектар ўрнига ўрта ҳисобда 1,3 гектар сугориладиган ер, Фарғона водийси областларида эса бундан ҳам камрок ер тўғри келади. Айниқса, қишлоқ жойларда ахоли тез кўпаймокда, янги ерларни ўзлаштириш эса кескин қисқартирилганлиги маълум. Мана шундай шароитда ерларни тақсимлаб бериш тўғрисида қандай қилиб гапириб бўлади?

Демак, биз республикада ердан хусусий тарзда фойдаланишга, дехқон хўжаликларига, ижара ва шу кабиларга қайси шаклларда ва қай даражада йўл кўйиш мумкинлигини илмий жиҳатдан пухта ишлаб чиқишимиз керак.

Шу муносабат билан яна бир масала кўндаланг бўлиб турибди. Республика бундан буён ерларни ўзлаштирмасдан, сув имкониятларини тўлдирмасдан кун кўра оладими? Ахир, 2000 йилга бориб респуб-лика аҳолиси 25 миллион кишидан ошиб кетиши кутилмокда. Шу сабабли сув тежаш технологияла-рини жорий қилиш

хисобига нималарни тежай оли-шимиизни ва бошқа территориялардан қанча сув оли-шимиз зарурлигини илмий негизда ҳисоблаб чиқиш ва атрофлича асослаб бериш бениҳоя муҳимдир. Биз бу масалани ёпиб қўй олмаймиз, уни тубдан ҳал этмай туриб, республика ривожланиш истиқболи у ёқда турсин, ҳатто кўпайиб бораётган аҳолининг ҳаётини бундан буён таъминлаш имкониятига ҳам эга бўлмай қолади.

**Учинчидан.** Пахта яккаҳокимлигига қатъиян чек қўйиш кераклиги шубҳасиз. Бу йўлда аниқ-рав-шан катта тадбирлар кўрилаётганлиги маълум. Пахта толаси етиштиришни 1,5 миллион тонна билан чек-ланганлиги натижасида агротехник жиҳатдан ил-мий асосланган алмашлаб экишга келгуси йилда-ноқ ўтиш учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқ-да. Бироқ пахта етиштиришни бундан буён ҳам кескин камайтириш тўғрисидаги талабга қўшилиб бўладими? Хрзирча иқтисодиётимизнинг, одамларни иш ҳақи билан таъминлашнинг негизи бўлган пах-тачиликнинг ўрнини боса оладиган иқтисодий жи-ҳатдан асосланган бошқа биронта йўл борми? Йўқ. Ҳозир ҳам пахта хўжаликлар даромадларининг ва қишлоқ меҳнатчилари иш ҳақининг асосий қисми-ни бериб турибди. Пахтага ва бошқа қишлоқ хўжа-лик маҳсулотларига белгиланган нархларни унга сарфланган меҳнат билан мувофиқлаштиришга, су-ғориладиган ҳар гектар ернинг самарадорлигини оширишга интилиш эса бошқа гап...

Далаларимиздан пахтани қувиб чиқармай, балки чигит экиладиган ерларни агротехника нормаларига мувофиқдаштириб бориш, тўқимачилик, тикувчилик ва бошқа саноат тармоқларида уни қайта ишлайдиган саноат инфраструктурасини жадал ривожлан-тириш орқали аҳолимизни иш билан ҳам, маош би-лан ҳам таъминлаш, республиканинг иқтисодий мус-такиллигига ҳам эришиш мумкин.

**Тўртинчидан.** Ўзбекистон ихтиёрида фойдаланил-маётган жуда катта имкониятлар, беҳисоб минерал ҳом ашё ресурслари, қишлоқ хўжалик ҳом ашёлари, энг аввало, пахтадек бебаҳо бойлик бор, пахтанинг асосий қисми (90 фоизга яқини) ҳом ашё тариқаси-да республикадан ташқарига жўнатилмоқда. Тўғри, ҳозир шундай бўлмоқда ва биз бу ҳақда ишлаб чи-қариш кучларини комплекс ривожлантиришда йўл қўйилган қўпол ҳатоларнинг бири сифатида, рес-публика иқтисодиётининг тинка-мадори қуриганлиги ва аҳоли турмуш даражаси пастлигининг асосий са-బабларидан бири сифатида

гапирмоқдамиз.

Республика бойликларини кўтарасига ва чакана-сиға сотиб юборавериш аҳволдан чикишнинг йўли эмас, мен ҳаммамиз ана шуояни, ана шу фикрни уқиб олишимизни истар эдим. Бу ўринда асосий ва-зиға — ишлаб чиқарилаётган ва қазиб олинаётган хом ашёни комплекс қайта ишлашда, айтиш мумкин-ки, чиқиндисиз қайта ишлашда, республиканинг ўзида уни тайёр маҳсулотга айлантиришдадир. Бошқача айтганда, республикада замонавий техника ва техно-логия билан жихозланган кудратли қайта ишлаш саноатини бунёд этиш ва пгундай қилиб, узлуксиз ўсиб бораётган меҳнат ресурсларини иш билан таъмин-лаш, республика миллий даромадининг юқори суръ-атларда ўсишига эришиш ҳамда мамлакатимиздаги ҳар жиҳатдан уйғун ривожланган республикалар да-ражасига етиб олишдир. Агар республикаларо ялпи товар айирбошлишда республикамизга товарлар, уму-ман саноат маҳсулоти олиб келиш пгундай товарлар-ни чиқаришдан қарийб 4 миллиард сўм кўплигини назарда тутадиган бўлсак, бу муаммони бутунлай ва иложи борича тезроқ ҳал этишимиз керак.

Ана шу ва бошқа худди шу сингари барча дол-зарб муаммоларни ҳал этишда илм-фан ўзининг сал-моқли хиссасини қўшиши керак. Ҳозир республика ҳар қачонгидан ҳам кўра илгарилаб кетиши, ўсиши, янги сифат босқичига кўтарилиши жуда зарур. Бунинг учун, аввало, илм-фанда ҳам, техникада ҳам, технологияда ҳам, ишлаб чиқаришни ташкил этиш-да ҳам шитоб билан ишлаш, шунга яраша одамлар онгода, дунёқарашида ҳам ўзгаришлар бўлиши керак.

Бу борада ихтиёrimизда қандай имкониятлар бор ва қандай самарага умид боғлашимиз мумкин?

Ўзбекистон фани салмоқли куч-куваттга эга. Ҳозир республикамизда 185 та илмий-тадқиқот муассасаси, конструкторлик бюоролари ва илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари бор. Моддий ишлаб чиқариш тармоқларининг ўзидагина 500 дан кўпроқ завод конструкторлик бюоролари, лабораториялар, механизациялаш ва автоматлаштириш бўлимлари ва шу кабилар ишламоқда.

Илм-фан соҳасида, жумладан, олий ўқув юртла-рида 17 мингдан кўпроқ фан докторлари ва фан ном-зодлари хизмат қилишмоқда.

Шу катта имкониятдан тўғри фойдаланиш, кучларни самарали тарзда жой-жойига қўйиш, фунда-ментал тадқиқотлар билан амалий

тадқиқотлар ўрта-сида энг мақбул мутаносибликни топиш учун нималар қилиш керак? Бу энг аввало республика илм-фанининг кароргохи — академиямизга боғлик-Дир.

Бунга академиянинг қурби етади. Ҳозир акаде-мия институтлари Иттифоқ академияси ўтказаётган 16 та фундаментал тадқиқотлар программасини ба-жаришда қатнашмоқда, ушбу программалар замонавий фаннинг энг муҳим йўналишларини қамраб олган. Улар 27 та умумиттифоқ ва 15 та республика илмий-техникавий ва ижтимоий-иктисодий программаларини бажармокда. Академия олимлари мамлакатда бир қанча нуфузли йўналишлар бўйича етак-чилик килмоқдалар.

Олимларимиз анъанавий йўналишлар билан бир қаторда сўнгги даврда радиация ва гелиоматериал-шунослиги, физика ва квант электроникиаси, лазер техникаси, нурланиш касаллигига йўлиқканларни да-волашда қўлланиладиган дори-дармонларни яратиш, иншоотларнинг зилзилабардошлиги, ўсимлик мод-далари химияси соҳалари ва бошқа соҳаларда катта обрў қозондилар.

Математика соҳасидаги ва фаннинг бошқа тар-мокларидаги тадқиқотлар ва ечимлар ҳаммага маълум.

Биохимия институти колективи тадқиқотчилар-ни омилкорлик билан ташкил этиш, ишга ижодий ёндашувнинг намунаси бўла олади. Институтда сўнгги йилларда эришилган натижалар бутун жа-хонда тан олинди. Бу ерда нуфузли йўналишлар тез суръатлар билан ривожланмоқда, институтда иш-лаб чиқилган препаратлар эса мамлакатимизда ҳам, чет элларда ҳам сотилмоқда. Коллективда юзага келган соғлом муҳит кадрларнинг ижодий ўсишига ёрдам беряпти.

Ўсимликлар экспериментал биологияси институти колективи фан ва ишлаб чиқаришни интеграция-лашнинг ўзини оқлаган шаклларидан унумли фой-даламоқда. Шу институтда ғўзанинг этиштирилган янги навлари 700 минг гектардан кўпроқ майдонда районлаштирилди ва фақат тола сифати ошганлиги эвазигагина 200 миллион сўмликдан кўпроқ иқти-содий самара олинди.

Ўсимлик моддалари химияси институти олимла-ри 29 та дори-дармон яратдилар, шулардан бир қанчаси, масалан, алапинин худди шундай таъсир эта-диган жаҳондаги энг яхши дори-дармонлардан қолишмаслиги маълум.

Ўзбекистоннинг геология ва энергетика фани, бошқа илмий

йўналишлар ўз мавқеларини мустаҳ-камламокда.

Олимларимиз ижодкорлик билан, аниқ мақсад-ни кўзлаб ишлаётганликларига оид бошқа мисолларни ҳам айтиб ўтиш мумкин бўлур эди, албатта. Аммо бугунги реал воқелик хотиржам бўлиб қолиш учун асос бермайди.

Хўш, бугун биз илм-фандан нималарни кутяпмиз, бизнинг фикримизча, унинг куч-ғайратларини қайси йўналишларда жамлаш керак бўлади?

Рўйирост айтадиган бўлсак, республиканинг фун-даментал фани ҳали фан-техника тараққиётининг қудратли двигателига айланишига анча бор, бу фан ишлаб чиқаришда инқилобий ўзгаришлар ясайдиган ечимларни амалга оширгани йўқ.

Шуни таъкидлаш кифояки, жорий этилган ечимларнинг ярми қўлланмалар ва тавсияларни, факат учдан бир қисми эса янги технологияларни ташкил қиласди. Шунинг оқибатида, фан-техника тараққиётига кетадиган харажатлар ҳамиша ўсиб бораётга-нига қарамай, ҳалқ хўжалигида жиддий технологик силжишларга эришилаётгани йўқ. Республикада са-ноат маҳсулоти тайёрлашда илм-фан ютуқдаридан фойдаланиш ўртacha умумиттифоқ даражасидан анча орқада қолмоқда. Айни вақтда маҳсулот тайёрлаш учун материал ва энергия сарфи салбий ҳолат си-фатида кўпайиб бормоқда. Маҳсулот сифатининг пастлиги ҳам, нархининг баландлиги ҳам, ходимлар малакаси ва улар иш ҳақининг бунга ярашалиги ҳам шундан келиб чикади. Республика ҳаётининг барча соҳаларида илм-фан мавқеини принцип эътибори билан янги сифат да-ражасига кўтариш республика Фанлар академиясининг асосий вазифасидир, деб ўйлаймиз. Илм-фан ахлига буйруқ бериш, қуруқ маъмуриятчилик, олимларга аппарат ходимлари кабинетларида пайдо бўлган «Ижтимоий буюртма»ни рўбарў қилиш даври ўтиб кетди. Бундай иш тутиш самарасиз эканлиги, айни вақтда «лисенкочилик»ни тиклашда муайян шарт-шароит яратиши ва унинг оқибатлари бизга маълум.

Илм-фан ходимлари ҳам ўз масъулиятларини тўла тушуниб олишлари керак. Олимлар ишламай роҳат-да яшайдиган, факат маъмурий-буйруқбозлик сис-темаси тайёрлаган қарорларга назарий пардоз бе-радиган вақтлар ўтиб кетди.

Эндиликда илм-фан янги йўллар очиши, сифат жиҳатидан янги технологияларни жадаллик билан яратиши, жамиятнинг янги ҳолатга

ўтишини таъмин-лаши лозим. Илмий тадқиқотларнинг йўналишлари-ни фақатгина республика ишлаб чиқарувчи кучла-рини ривожлантиришга боғлиқ бўлган муаммолар доираси билан чеклаб қўймай, Фанлар академиясининг илмий тадқиқот муассасалари илмий изланишлари республика ҳал этаётган муаммоларни бир қадар акс эттириши лозимлигини таъкидлаб ўтишни хоҳлардим. Ижодий изланишларнинг натижаларини қамраб олган Фанлар академияси олимларининг асарлари ва тавсиялари республика тараққиётининг истиқболини белгилайдиган келажакдаги хисоб-ки-тоблар ва сиёсатнинг пойдевори бўлиши даркор. Менинг фикримча, бунга етарлича баҳо бермаслик жуда кимматга тушади ва бъязан катта талафотлар-'га олиб келадики, буни кўпчилик академикларимиз яхши биладилар ва яхши эслайдилар.

Илм-фан аҳли иш юритиши учун шундай тартиб яратиш керакки, агар ҳозир фанда жуда урф бўлиб кетган атамани тилга оладиган бўлсак, фан ижтимо-ий жараёнларга фаол таъсир этадиган, бизга, яъни амалиёт ходимларига ишимиз мазмуни ва характери-ни белгилаб берадиган, ўзини ўзи созлаб турадиган ва ўзини ўзи бошқарадиган системага айланиши керак.

Ҳозирча бу ғоят долзарб вазифа қониқарсиз ҳал қилинмоқда. Сўнгги уч йил ичидаги саноат учун жа-хон даражасидагидан зўрроқ ва Ватанимиздаги энг яхши ишланмаларга teng келадиган ишланмаларнинг улуши умумий бажарилган ишлар микдорининг бир фоизидан ошмайди. Ҳар йили машина ва ускуналарнинг 50 хил янги намуналари яратилмокда, аф-суски, уларнинг 42 — 43 таси кечаги кун техникаси-дир. Фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқаларининг илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси каби илғор шак-ли республикада кенг оммалашмаётганлиги алоҳида ташвиш уйғотмокда. Бизда пахта териш машиналари бўйича тузилган тармокдарапо илмий-техника-вий марказлар, «Ўзгелиотехника», «Дефолиант», «Мотор» инженерлик маркази ҳозирча сезиларли натижа бермаяпти.

Ғўзанинг юқори самара берадиган навларини жо-рий этиш ва пахта териш машиналарининг янги турларини яратиш, сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, экология жихатидан соғ дефолиантлар ва пестицидларнинг янги турларини ишлаб чи-киш каби республикамиз учун жуда муҳим хисоб-ланган муаммолар, регионал хўжалик хисоби ва мех-нат ресурсларидан фойдаланиш,

ищчилар синфи миллий отрядини барпо этиш муаммолари ниҳоят Ҳал этилиши керак. Ана шу ва бошқа муаммоларни ҳал қилмай туриб, республикани тангликтар яқинла-шиб қолган ҳолатдан қутқарип бўлмайди.

Фан самарадорлигини сифат жиҳатидан оши-ришга қуруқ дъевватлар билангина эришиш мум-кин эмас. Илмий кадрларга муносабатни ҳам тубдан ўзгартириш, уларнинг ижтимоий мақомини катъиян ошириш, чукур структура ўзгаришлари қилиш зарур.

Ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси фан учун хеч нарсани аямаётган мамлакат гуллаб-яшна-ётганлигини ва бундай давлат ҳамма яхши нарсаларни — одамларнинг куч-ғайратларини ҳам, мод-дий-техника ресурсларини ҳам ўзида жамлаётган-лигини яққол кўрсатмоқда.

Фанни малакали кадрлар билан таъминлаш, хо-димларнинг профессионал билимдонлиги даражасини ошириш, уларнинг қобилиятларини рӯёбга чиқариш учун барча шароитларни яратиш илмий жараённи жадаллаштиришнинг асосий омилидир.

Академиянинг оёққа туриб олиши ва ривожланишига бебаҳо ҳисса қўшган ва ҳали ҳам ҳисса қўшаётган фан ветеранларининг кадр-қимматига заррача ҳам путур етказмаган холда шуни айтиш керакки, илмий кадрлар корпусининг кексайиш тенденцияси ташвиш уйғотмоқда.

Республикада олий малакали мутахассислар — фан докторлари жуда-жуда етишмаётганлиги сезилмоқ-да. Чунончи, академиянинг муассасаларида фан док-торлари 7,3 фоизни, олий ўқув юртларида эса бор-йўғи 2,6 фоизни ташкил этади. Академиядаги фан докторлари ишлشпи лозим бўлган 458 лавозимдан атиги 217 тасида докторлар ишламоқда. Олий ўқув юртларида асосий кафедралар мудирларининг ати-ги 22 фоизи фан докторларидир.

Марказий Комитет фан докторлари тайёрлашнинг таркиб топган практикаси институтларни олий ма-лакали кадрлар билан таъминлашга, фан-техника та-ракқиётидаги қолоқликни тугатишга қодир эмас, деб хисоблади. Шу сабабли қисқа муддат ичida истиқболли ёш илмий ходимларни аниқлаш, уларни мам-лакатимиз ва чет элларнинг етакчи илмий марказларига стажировкага юбориш чораларини кўриш зарур.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, фан соҳасида рес-публика ҳозир ўзини ўзи таъминлай олмайди ва бун-дай бўлиши мумкин ҳам эмас. Фақат бошқа минта-қаларнинг, бошқа мамлакатларнинг олимлари билан ўзаро наф келтирадиган хилма-хил алоқалар ҳозир-ги талаблар даражасида бўлишга имкон беради.

Фан соҳасидаги кадрларни жадал қўпайтириш ва ёшартириш учун, Ўзбекистон интеллектуал имкони-ятларини кескин даражада ошириш учун республи-ка раҳбарияти ҳозир зарур маблағларни, жумладан, валюта маблағларини ажратишга, тегишли ташки-лий масалаларни ҳал қилишга тайёр.

Хусусан, республика раҳбарияти келгуси йилдан бошлаб мамлакат ва чет эллардаги катта илмий мар-казлар докторантураларидан ва стажировка ўташ учун ёш олимларимизга юзта ўрин ажратиш маса-ласини СССР Фан ва техника давлат комитети ол-дига қўйди. Ўзбекистондан Иттифоқдош республикаларнинг энг яхши олий ўкув юртларига жўнати-ладиган аспирантлар ва олий ўкув юртларини битирганлар сонини қўпайтириш масаласи ҳам ижо-бий ҳал қилинмоқда. Бу ўринда гап биотехнология, молекуляр генетика, робототехника системаси, машинасозлик технологиялари, нуфус (демография) иқтисодиёти каби соҳаларда, фан-техника тараққиёти, аппаратлар жуда кам, уларни янгилаш суръатла-ри ҳам суст.

Шу билан бир вактда, ажабланарли жойи шунда-ки, академия ва олий ўкув юртлари илмий бўлинмаларидаги мавжуд ускуналардан оқилона фойдаланил-маяпти. Масалан, Тошкент политехника институти-да 400 минг сўмлик илмий ишлар учун зарур асбоб-ускуналардан фойдаланилмаяпти, улар бекор турибди, шу асбоб-ускуналар орасида чет элдан кел-тирилганлари ҳам оз эмас. Фанлар академияси сис-темасидаги институтларда 1,3 миллион сўмдан ҳам кўпроқ турадиган ускуналар ўрнатилмаган.

Энг замонавий, энг юксак жаҳон стандартларига мос келадиган асбоб-ускуналар билан жиҳозланган республика марказини барпо этишни бу вазиятдан қутулишнинг йўли деб биламиз. Ана шу технология маркази республиканинг бутун фанига хўжалик ҳисоби асосида хизмат қилиши лозим.

Фанни маблағ билан таъминлаш муаммолари ҳам пухта ишлаб чиқиши талаб қиласди. Янги институтлар ташкил этиш, мавжуд

институтларни ўзгартириш тўғрисида Марказий Комитетга ва Министрлар Сове-тига жуда кўп таклифлар тушмокда. Илмий комплекснинг структураси ўзгармас, қотиб қолган бўлиши мум-кин эмас, албатта. У ижтимоий-иктисодий тараққиётнинг реалликларига, ҳаёт талабларига мувофиқ равишда янгиланиб ва мукаммаллашиб бориши керак. Чамаси биз машинасозлик институти, сув муаммола-ри ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш институти ва бошқа бир қанча институтларни тузишимиз зарур. Ле-кин гап мавжуд институтларни шунчаки қайта ташкил этиш ва янги бўғинларни яратишда эмас.

Менимча, истиқбол — республика тадқиқот про-граммаларини Ўзбекистон фанини ривожлантириш ягона фондидан аниқ мақсаддарни кўзлаб молия-вий таъминлашга ўтишдадир. Бошқача айтганда, маблағни у ёки бу институтга эмас, балки муаммо-ни ҳал қилишга ажратиш керак. Айни вактда фан соҳасидаги яккаҳокимликни тугатиш, уни конкурс асосида ривожлантириш, турли мактаблар ва кон-цепциялар учун янгиликни излашда баравар имко-ниятлар яратা бориб, уларни рағбатлантириш ке-рак. Ҳозир мувозий тузилмалар пайдо бўлишидан қўрқмасдан илмий изланишнинг қудратли омилла-рини вужудга келтириш, беллашув, илмий ғояларнинг, турли ёндашувларнинг курашини ташкил этиш ва ана шу курашда олимларнинг янги авлодини чи-ниқтириш лозимлиги ҳаммага равшан.

Республикада ками билан 2010 йилгача илмий сиё-сат концепциясини ҳамда Ўзбекистонда фан ва тех-никани ривожлантиришнинг тегишли программасини ишлаб чиқиш жуда зарур.

Баъзи бирорлар фанни маблағ билан таъминлаш-да факат хўжалик ҳисоби асосларини ривожланти-риш лозим, деб айтмоқдалар. Бизнингча, бу нотўғ-ридир. Изланиш ишларини маблағ билан таъминлаш учун таваккал қилиб сарфланадиган сармояни вужудга келтириш тўғрисида ўйлаб кўриш лозим. Илмий-тадқиқот институтларини категорияларга ажратиш практикаси ҳам эскириб қолди — иш ҳақи, аввало, натижанинг аҳамияти даражасига, унинг янгилиги ва амалий жиҳатдан қанчалик қимматли эканлигига боғлиқ бўлиши керак. Республикамизнинг ўз конструкторлик ва тажриба ишлаб чиқариш базасини ривожлантириш масаласига ҳам жиддий эътибор бериш даркор.

Конверсия туфайли бериладиган имкониятлардан тўла ҳуқук ва тезкорлик билан фойдаланиш академия ва тармоқ фанининг резервларидан бири экан-лигини таъкидлаш лозим. Конверсиялаш лозим бўлган муассасалар ва тармоқларни қайта қуришнинг илмий жиҳатдан асосланган конкрет програм-маси зарур.

Замонавий тенденцияларга асосланиб, республика ичкарисида ҳам, марказ билан ўзаро муносабатларида ҳам республика академиясининг мақоми ва ваколатларини оширишга қаттий киришишимиз, у ўз муаммоларини ҳал қилишда кўпроқ мустақил ва бошқаларга бўйсунмайдиган бўлиши, устувор йўна-лишларни республика эхтиёжларига мувофиқ равиш-да ўзи белгилаши лозим.

Мамлакат институтлари ўртасида тақсимланадиган валюта маблағларини тақсимлаш ишида, ҳалқа-ро алоқалар ўрнатишда ҳам тартиб бўлиши, академия илтимос қиласидан мавқеда турмаслиги керак. Марказий Комитет сизлардан бу хусусда амалий таклифларни кутади. Академия раҳбарлари, унинг фаоллари масалаларни дадиллик билан ўртага қўйишлари керак, биз эса бу масалаларни биргалашиб ҳал қиласиз.

Гуманитар фанларни илфор марраларга олиб чи-қиши ҳам жуда муҳим йўналишлардандир. Яқин вақтларгача ижтимоий фанлар аслида сиёsat манфаатларига хизмат қиласи эди. Бу эса илмий тадқиқотлар мавзуини белгилашга, бу тадқиқотларнинг доираси, характеристери ва йўналишларига, жамиятшунос олимларнинг дунёкараши ва методология йўл-йўриқла-рига ўз тамғасини босди. Бутунги кунда вазият тубдан ўзгариб бормокда.

Ҳозир олдимизда ҳар қачонгидан ҳам кўп муам-молар турибди. Бундан буёнги тараққиётимизнинг бир қанча муҳим масалалари уччалик аниқ ва равшан эмас. Юз бераётган жараёнларни чукур, муқо-бил негизда таҳлил этишда, принципиал масалалар юзасидан харакат дастурини ишлаб чиқиш ва уни ҳар томонлама асослаб беришда бизга ижтимоий фанлар ёрдам бермаса, ким ёрдам беради?

Бугунги кунда жамиятимизда муаммоларимиз ва қийинчиликларимизга танқидий баҳо беришни ама-лий таклифлар ва амалий харакатларнинг янгилов-чи куч-қудратига айлантиришга имкон берадиган ўзликни англаш омилини шакллантириш ва унинг муқим амал қилиши фоят зарурлиги сезилиб турибди.

Ҳозир ҳар бир олим, айниқса, жамиятшунос олим ўз илмий

фаолиятини республика муаммолариға, ўз халқи ва бутун мамлакатимиз тақдирига мувоғик-лаштириши лозим. Равшанки, бундай интилиш жа-миятшунос олимлар илмий ва ижтимоий фаолиятининг бирлиги характерини, уларнинг республика ижтимоий ҳаётидаги амалий иштирокини белгилаб бериши керак.

Жамиятшуносларимизга ёрдам бериш, улар ўз фикрларини эркин, масъулият билан ифода этишлари учун шароит яратиш, уларнинг ижодий ва иж-тимоий фаоллигини рағбатлантириш лозимлигини тушунамиз. Жумладан, жамиятшунослик тадқиқотларини бажариш учун давлат буюртмаларининг кон-курс системасини шакллантириш мақсадга мувоғик бўлур эди.

Шунингдек, турли лойихалар ва ечимларнинг жа-миятшунослик соҳасида илмий экспертизалар ўтка-зиш, қайта қуриш жараёнларини ўрганиш ва чуқур-лаштиришга жамиятшуносларни кенг жалб қилиш, мавжуд тажрибаларни умумлаштириш ва оммалаш-тириш муҳимдир.

Бизнинг кўп миллатли республикамизда миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш муаммоси энг долзарб ва ўткир муаммолардан биридир...

Ҳозир гап ана шу соҳага тааллукди кенг доира-даги масалаларни ўз ичига оладиган илмий тадқиқотларнинг узок муддатга мўлжалланган програм-масини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тўғрисида бормоқда. Шу муносабат билан сизларнинг эътибор-рингизни қуидагиларга қаратмоқчиман.

Биз халқнинг миллий ўзлигини англаш жараёни ниҳоятда жўшкін равишда кучайиб бораётганлигининг гувоҳимиз. Умуман бу, шубҳасиз, ижобий жа-раёндир, лекин ана шу жараён билан бир вақтда салбий ҳодисалар ҳам юз бермоқда. Биз буни ҳам кўриб турибмиз. Миллий ўзликни англашда бузи-лишларга олиб келаётган сабабларни, омилларни аниклаб олишимиз, ана шу жараёнларга ижобий таъ-сир ўтказиш йўлларини белгилашимиз, миллийлик ва байналмиаллик уйғун бўлишига эришишимиз керак.

Жумладан, биз тарихий халқ анъаналари, урф-одатлари ва маросимлари асосида одамлар онгини шакллантириш омилларини кучайтиришимиз за-рур. Яширишга хожат йўқ, биз шубҳали шиорлар-га берилиб, маънавий маданиятимизни озиқлан-тириб турган илдизларни қирқиб ташлашга ўнлаб йилларни сарфладик. Ҳозир бунинг оқибатларини сезиб турибмиз. Маданият манбаларига

қайтиш ғоят қийин кечмокда, одамларнинг бу жараёнга муносабати ўткир бўлмоқда.

Республикада турли миллатга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларда кўзга ташланаётган муайян кескинлик сабаби, бизнингча, миллатла-раро муносабатларнинг маънавий-ахлоқий таъминланиш даражаси етарли даражада юқори эмаслигидадир...

Миллатлараро муносабатларни ривожлантириш жараёнларини тадқиқ этиш доктриник қараш ва эски қолиплардан холи этилиши керак, биз янги ғоялар-ни, қарашлар ва ёндашувларни кутмокдамиз. Бизга тарих тўғрисида, миллатлараро соҳадаги муносабатларни ривожлантиришнинг реал жараёнлари ҳакида, ҳозирги вактда кўзга ташланаётган қарама-қарши манфаатларнинг тўқнашуви вужудга келишига ни-малар сабаб бўлганлиги тўғрисида аччиқ бўлса ҳам, холис ва тўла ҳақиқат керак.

Жамиятшунослар Ўзбекистон тарихининг кўпгина сахифаларини қайта битишлари, чунончи, чоризм йилларида Ўрта Осиё халқларининг миллий озодлик харакати, 1920— 1930 йиллардаги адабий-ғоявий жа-раёнлар, колективлаштириш ва бошқа ходисаларга хужжатлар асосида назар солишлари керак. Беҳбу-дий, Усмон Носир, Чўлпон, Фитрат ва бошқаларнинг ижоди ва дунёқарашини ҳам теран ва холис тадқиқ этиш зарур бўлади. Ўзбекистон Компартия-сининг тарихи ҳам ўз тадқиқотчиларига мунтазир бўлиб турибди.

Баҳслар ва шубҳалардан чўчимаслик керак. Ҳақиқатни колектив бўлиб рўёбга чиқариш, бунинг учун илмий-назарий ва илмий-амалий конферен-циялар, «давра сухбатлари» ўtkазиш керак. Марка-зий Комитет бу тадбирларни уюштиришда фаол ёрдам беради.

Республика Олий Советининг сессиясида Ўзбе-қистон ССРнинг Давлат тили тўғрисидаги қонунининг қабул қилиниши республика ҳаётида муҳим та-рихий воқеадир. Сира муболагасиз шуни айтиш мумкинки, тилшунос олимлар, адабиётшунос ваҳукуқшунослар, иқтисодчиларнинг фаол ва амалий иштирокисиз мазкур қонуннинг асосий қоидалари-ни амалга ошириш жуда мушкул бўлур эди. Шу муносабат билан сизлардан қандай ёрдам кутмокда-миз?

Аввало, ўзбек тилининг соғлиги ва сўз бойлиги масаласи бор. Бу ўринда гап ўзбек тилининг бундан буёнги тараққиётига оид илмий ечимлар ҳакида бор-мокда. Бундан ташқари, айниқса, техника билан

бог-лиқ ихтисослар бўйича атама лугатлари ва замона-вий дарсликлар, ўкув қўлланмаларининг йўқлиги халқ хўжалиги учун малакали мутахассис кадрлар тайёрлашга муайян даражада халал бермоқда.

Биз ўзбек тилини ўқитишнинг энг янги, самарали методикасини тайёрлаш, давлат тилини жадал ўрга-нишнинг курсларини ишлаб чиқишида тилшунос олимларнинг мададига эҳтиёж сезиб турибмиз. Халқнинг кўп асрлик маданиятини ўрганиш учун дастур бўла-диган эски ўзбек ёзувини ўрганиш муаммоси хам кун тартибида турибди.

Шу билан бир қаторда бу жараён рус тили ва рес-публикамизда яшаётган бошқа халқларнинг тилла-рини хар томонлама ривожлантириш билан узвий қўшиб олиб борилиши керак. Рус тили объектив са-бабларга кўра халқларни бирлаштирувчи тил, иш-лаб чиқариш интеграцияси авж олиб кетган шароитда шу халқларнинг биргаликдаги фаолиятини таъмин-ловчи тил, жаҳон маданияти фанидан миллатлар баҳ-ра олиши учун воситачи тил бўлиб қолганлигини бугунги мажлис аҳлига батафсил айтишга ҳожат бўлмаса керак, деб ўилаймиз. Бу очик-ойдин ва рўйи-рост ҳақиқатдир. Тегишли институтлар бу борада ўз вазифаларини аник-равшан белгилаб олишлари ло-зим.

Яна шуни хам айтиш керакки, замонавий фан та-раққиётининг асосий йўналиши жаҳон миқёсига чиққан тилларни, айниқса, илғор техниковий тафак-кур ифодаланаётган тилларни билишни такозо этади. Биз инглиз, француз, немис, испан тилларини ва бошқа тилларни ўрганишни бутун чоралар билан рағ-батлантиришимиз лозим.

Ошкоралик, фикрлар хилма-хиллиги ва демок-ратия чуқурлашиб бораётган шароитда омманинг сиёсий фаоллиги ўсди, ташаббускор ҳаракатлар ри-вожланмокда, кўплаб норасмий ҳаракатлар вужудга келди. Бу ҳаракатларга, айниқса, ёшлар кенг жалб этилмокда. Бу демократия тараққиётидаги қонуний объектив жараёндир, жамиятимиз сиёсий майдонга чиқаётганининг мезонидир.

Шу билан бир қаторда ана шу жараёнлар партия комитетларида хам, республика жамоатчилиги ўрта-сида хам кўпгина баҳсларга, турлича баҳоларга ва фикр-мулоҳазаларга сабаб бўлди. Биз норасмий ҳаракатларга муносабатда анчагина хатоларга йўл қўйдик, бу ҳаракатларни батамом тан олмасликдан улар билан амалий мулокот

қилишгача бўлган йўлни босиб ўтдик. Ҳойнаҳой, хатоларимиз ва иккиланишларимизнинг сабабларидан бири шу бўлса керакки, биз республика меҳнаткашларининг ташаббускор ҳаракатига илмий негизда назар солмадик ва бу ҳара-катнинг қай тахлитда ўсишини таҳлил этмадик. Ҳаёт ва ижтимоий практиканинг ўзи жамиятшунослар олдига шу муаммоларни қўймоқда. Бунинг устига, гражданларнинг сиёсий жараёнда ва давлат қарорларини қабул қилишдаги иштироки, демократик сай-лов системаси шароитида омманинг сиёсий мадани-яти ва савиясини ошириш масалалари биринчи ўрин-га чиқмоқда. Аммо республикадаги бирорта илмий муассаса ҳам биз учун фаннинг янги соҳаси бўлган сиёsatшунослик муаммоларини мунтазам ўрганиш билан, афсуски, шуғулланмайди.

Иқтисодиёт ва экология, ижтимоий ва сиёсий со-ҳаларда мавжуд бўлган кўпгина зиддиятлар — ман-сабдор шахслар, меҳнаткашларнинг ҳуқуқий мада-нияти ва ҳуқуқий онги жуда паст даражада эканлиги оқибатидир. Жиноятчиликнинг, айниқса, ёшлар ўрта-сида жиноятчиликнинг ўсиб бораётганлиги ташвиш түгдирмоқда. Агар шахсга сифиниш йилларидағи ҳуқуқий бебошлиқ оммавий қонунсизликларга олиб келган бўлса, ҳозир эса ҳуқуқий либерализм оқиба-тида одамлар безорилардан, экстремист кайфиятида-ги кимсалардан озор чекмокда — аччик бўлса-да, шундай хулоса чиқаришга тўғри келади. Шунинг учун ҳам ижтимоий ҳаётнинг барча томонларини ҳуқуқий жиҳатдан аник-равshan тартибга солиш бир қанча ҳуқуқшунослик муаммолари комплексини ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан ҳал этиш керак.

Олимларни, аввало, фан пешқадамларини респуб-лика ижтимоий-сиёсий ҳаётида кенг кўламда иш-тирок этишга, ёшлар билан ишлашга жалб этиш энг муҳим вазифадир. Халқ билан бевосита ва ошкора муроқот қилиш лозим бўлиб қолган ўтқир можаро-ли вазиятларда ватанпарвар олимнинг сўзи салмоқ-ли бўлиши керак. Энг мураккаб вазиятларда биз ёрдам ва маслаҳат сўраб сизга мурожаат қиласиз, азиз дўйстлар. Сизнинг имкониятларингиздан тўла фойдаланмаётган эканмиз, бунда, афсуски, бизнинг ҳам айбимиз бор...

Мен анчагина масалалар ва муаммолар хусусида гапирдим. Бизнинг назаримизда, буларнинг ҳал эти-лиши Ўзбекистон фанининг янги мэрраларга чиқиб олишига, яқин ўн йилликларда республика учун белгиланаётган ижтимоий-иктисодий ўзгаришларда та-янч

бўлишига имкон беради. Бугунги учрашув, ай-тилган фикр-мулоҳаза ва таклифлар бизга ҳаёти-мизнинг барча жабҳаларида фаннинг самарадорли-гини ошириш, халқ фаровонлигини яхшилаш учун тадбирлар белгилаб олишда ёрдам беради, деб умид қиласман.

*Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида бўлиб ўтган учрашувда  
сўзланган нутқдан  
1989 йил 28 ноябрь*

## **ТОШКЕНТНИ ЎҚСАҚ ТАРАҚҚИЁТ ВА МАДАНИЯТ ШАҲРИГА АЙЛАНТИРИШИМИЗ КЕРАК**

Ўртоқлар!

Фаолларнинг бугунги йиғилишида Тошкентнинг бугунги куни, келажаги қандай бўлиши кераклиги, унинг истиқболда қандай ривожланиши лозимлиги ҳақида талабчанлик, чинакамига каттиқўллик би-лан жуда танқидий гаплар айтилди, десам, ҳамманинг фикрини ифодалаган бўламан, деб ўйлайман. Қуруқ гап-сўзлар бўлмаганлиги ҳамда ўткир маса-лалар ва шаҳарнинг муаммолари четлаб ўтилмаган-лиги жуда соз. Докладда ҳам, нутқларда ҳам биз Тошкентнинг шуҳратини оширишимиз, ҳар бир хонадон ва ҳар бир маҳаллада, ҳар бир корхона ва таш-килотда, катта ва кичик ҳар бир кўчада тартиб ўрна-тишимиз мумкин ва лозим, деган фикр сезилиб турди. Хуллас, Тошкентни юқсанадиган бўлсинлар. Ҳозир ҳам биз кўхна Тошкент билан, унинг тарихи, маданияти би-лан, унинг ажойиб ўтмиши билан фарзандларимиз.

Ўтмишсиз келажак ҳам бўлмаслиги азалдан маъ-лум. Тошкентнинг ҳақиқатан ҳам ажойиб ўтмиши бор. У — Ер юзидағи энг қадимиш шаҳарлардан бири. Унинг тарихи — жаҳон тарихининг бир^қисми. Бу тарих ўзбек халқининггина эмас, Ўрта Осиёдаги бошқа халқдарнинг ҳам кўп асрлик моддий ва маъ-навий маданиятини ўзига сингдириб олган. Буюк ипак йўли Тошкент орқали ўтган. Ўшанда, қадим замонларда ҳам шаҳар йирик хунармандчилик, сав-до ва маданият маркази, Шарқ билан Ғарбни боғ-лайдиган бамисоли бир кўприк бўлган.

Тошкент ўзининг 12 та дарвозаси билан Шарқда жуда машхур бўлган. Қўймас, Қашқар, Қўқон, Ка-молон, Чигатой каби дарвозалар қаерда бўлганини пойтахтда яшовчи ҳозирги кишиларнинг кўплари билишмайди. Шайхонтоҳур ансамбли, Бароқхон, Қаффол Шоший, Қўкалдош мадрасалари ва бошқа обидалар Тошкентнинг кўрки ва ифтихори бўлиб келган. Улар Тошкент тарихининг жонли гувоҳларигина эмас, бебаҳо маданий ва меъморий ёдгор-ликлар ҳамдир.

Ўзбек халқининг атоқли намояндалари Абдулла Қодирий, Ойбек,Faafur Fулом, Маннон Уйғур, Юнус Ражабий, Карим Зокировлар

Тошкентда яшаб, ижод этганлар. Мана шу ва бошқа номлар мамлакатда, ҳатто бутун дунёда ҳам машхур...

Илм-фан ва санъат шахри, меҳнаткаш шаҳар, жанговор ва меҳнат анъаналари шахри, байналми-лалчи шаҳар, халқаро конференция ва кенгашлар, турли-туман анжуман ва симпозиумлар ўtkазилиб турдиган шаҳар — бугунги Тошкент турли авлодларга мансуб миллион-миллион кишиларнинг меҳ-нати билан бунёдга келган.

Модомики, пгундай экан, сиз билан биз, Тошкентда яшаб ишлашга мушарраф бўлган кишилар уни яна-да равнақ топтириш, унинг ташки қиёфасини, ар-хитектурасини, ободончилигини, аҳолининг турмуш фаолиятини таъминлашни яхшилаш учун имкони бўлган ҳамма ишни қилишимиз ҳам қарз, ҳам фарз.

Биз Тошкентнинг аввалги улуғворлигини шунча-ки қайта тиклаб қолмай, уни янада оширишимиз керак. Бу — бизнинг энг зарур иқтисодий, ижтимо-ий вазифамизгина эмас, шу билан бирга, умуммил-лий вазифамиз, ўзбек халқи олдидаги, унинг шонли ўтмиши ва аминманки, ёруғ келажаги олдидаги ва-танпарварлик бурчимиздир.

Тарихимиз учун ҳам, ҳозирги кун учун ҳам ўзбек ишчиларининг, ўзбек деҳқонларининг, ўзбек зиёлиларининг уялишларига ҳеч бир асос йўқ. Аксинча, улар жуда оғир синовларга, баъзан эса ноҳақ синовларга қарамай, ўзларининг машаққатли ишларини муносиб равишда адо этиб келмокдалар, бу билан улар ҳақли равишда фахрланишлари мумкин. Улар мам-лакатга олтин ва газ, металл ва машиналар, мураккаб техника ва кўпгина бутловчи қисмлар, турли-туман материаллар етказиб беришмоқда. Пахта ишлари ҳакида гапирадиган бўлсак, Ўзбекистон жамият ол-диидаги ўз бурчини шараф билан бажариб келди ва бажармокда. У ҳақиқатан ҳам бутун мамлакатни ки-йинтиргомокда, Иттифоқ халқини ўзининг лаззатли мевалари ва сабзавоти билан таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда, бунинг учун муносиб ҳақ олиши керак. Аввало, муносиб моддий Ҳақ олиши лозим, пахта ва бошқа кишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нархлари тўғрисидаги масала мамлакат ҳукумати олдига прин-ципиал қилиб қўйилди ва тўла-тўқис ҳал этилмагун-ча кун тартибидан олинмайди. Биз ўз ватанпарварли-гимизни, мамлакатга, ўз ўлкамизга, ўзимиз яшаб турган диёrimизга хурматимизни республикамиз пойтакти бўлган шаҳарнинг ҳозирги ва келажакдаги қиёфасида яққол тарзда ифодалашимиз керак.

Шу боисдан ҳам ҳозир кенг миқёсда бўлс<sup>а</sup> ҳам, шаҳарни шунчаки таъмирлаш ҳақида эмас, балки Тошкентни ривожлантириш хилма-хил муаммола-рининг чигал тутунини бутунлай ечишга принцип ясиҳатидан янгича йўлларни излаш ҳақида гап бор-моқда. Бу ечимлар, биринчидан, одамлар турмушининг асосий соҳаларига ўзининг тез таъсирини ўтка-задиган бўлсин. Неча ўн йиллар давомида йиғилиб қолган муаммоларни бирваракайига ҳал қилиб бўлмайди, албатта. Аммо ҳозирнинг ўзидаёқ амалий силжишларга эришмоқ керак. Иккинчидан, шаҳар-ни олис истиқболда ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларини тўғри белгилаб олиш зарур. Чунки мана шундай умумий стратегик плансиз жузъий масалаларни муддатли, хилма-хил ва айни вақтда бир-бири билан боғлиқ тадбирларнинг бутун бир мажмуи ҳақида бормоқда. Бу масалада одамлар ҳозир муносиб яшаши учун имкони борича ҳамма

ишларни қилиш, айни вақтда келгуси ўн ва юз йилларни ўйлаб иш тутиш лозим.

Хўш, шахримизнинг ҳозирги аҳволи қандай, унинг аҳолисига нималар ёқмаяпти, қайси муаммоларни зудлик билан ҳал қилиш ва қайси масалаларни истиқболни кўзлаб режа тузиш, энг муҳим йўналишларни танлаб олиш керак?

Бугунги Тошкент — нафақат республикамизнинг, балки мамлакат бутун жанубининг ҳам жуда йирик саноат, ндустриял, илмий ва маданий марказидир.

Бу қонуний ҳолдир. Шонли меҳнат анъаналарига **бидир**. Пойтахтда қанчадан-қанча министрлар, де-путатлар, Марказий Комитетнинг аъзолари бор, шу залнинг ўзида қанчадан-қанча мансабдор шахслар ўтиришибди. Модомики, шундай экан, одамлар биздан, хўш, илгари қаерда эдингиз, бундай расвогар-чиликка нега йўл кўйдингиз? Нега Тошкентнинг қиёфасини хатарли равишда бузишгача, уни беўх-шов ва ҳатто одамларнинг яшаши учун ноқулай ҳолга келтириб қўйишга йўл кўйдингиз? — деб сўрашга ҳаклидирлар.

Биз ҳақиқий турмушнинг ўзидан ке-либ чиққан мана пгу қийин саволларга тўппа-тўғри ва ҳалол жавоб қайтаришимиз керак. Энг мухими эса, ҳалқ манфаатларига зид бўлган мана шундай иллатни жуда қатъият билан, жуда шафқатсизлик билан, бутун кучни сарфлаб, зўр бериб тугатиши-миз лозим.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Тошкент шаҳри аҳолисининг ҳаёт таъминотини тубдан яхшилаш ва шаҳарнинг тарихий районларини таъ-мирлашни жадаллаштириш юзасидан 1991 — 1995 йилларга мўлжалланган биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори айни шу мақсадга қаратилган. Илгари одамларнинг ҳаётий манфаатларига даҳдор мухим масалалар ҳаммадан пинҳон тутилиб тайёрла-нар ва қабул қилинар эди, жамоатчилик фикри эса ҳисобга олиниши бир ёқда турсин, ҳатто бутунлай писанд қилинмас эди. Ўша яроқсиз одатдан фарқли ўлароқ, бу хужжат мутахассислар, олимлар, махаллаларнинг фаоллари билан биргаликда, матбуотда ба-тафсил муҳокама қилинди. Шу сабабли унинг мазму-нини гапириб ўтиришимга ҳожат йўқ. Фақат баъзи бир принципиал масалаларга тўхталиб ўтаман.

**Биринчидан**, Тошкентда ишлаб чиқариш қури-лишини кескин қисқартириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Фақат истеъмол моллари ишлаб чиқара-диган ёки аҳолига хизмат кўрсатадиган корхона ва ташкилотлар учунгина истисно қилиниши кўзда ту-тилган. Аммо бундай ҳолларда ҳам Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Президиумининг махсус қаро-ри талаб қилинади. Шу пайтгача барпо этилган ва ишлаб турган обьектларни ҳам суриштириб кўри-шимиз, уларда тартиб ўрнатишимиз керак. Шахарга керак бўлмаган, унга зиён етказаётган корхоналар, ташкилотлар, базалар ва омборларни ёпиш, соҳаси-ни ўзгартириш ва Тошкент, эҳтимолки область ташқарисига кўчириш кўзда тутилмоқда. Аҳолининг механик тарзда кўпайишини тўхтатиш учун шаҳар-да прописка қилиш чекланади. Зарур ҳолатларда унга Тошкент шаҳар ижроия комитетининг фармойиши билангина йўл қўйилади. Фаоллар йиғилишининг қатнашчилари, шаҳарнинг кенг жамоатчилиги нои-ложликдан кўрилаётган, аммо мана шу зарур чораларга қўшилишларига аминман.

**Иккинчидан, уй-жой қурилиши суръатларини камайтирмай, балки жадал ошириб, янги уй-жой мавзеларида ҳам, шунингдек,**

шахарнинг Эски шаҳар қисмида ҳам уларнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиб, бутун ижтимоий инфраструктурани комплекс ривожлантиришга алоҳи-да эътибор берилиши лозим. Замонавий шаҳарда, айниқса, Тошкент каби азим шаҳарда яшаш шунча-ки истиқомат қилишни билдирамайди. Ҳар бир оила учун алоҳида квартира ёки шахсий уй бўлиши за-рур. Яқин ўн йил ичидан бу вазифани тўла-тўқис ҳал этишга сабот билан интилаверамиз. Аммо шу билан бирга уй яқинида ҳовузи бўлган кўкарамзорлашти-рилган мўъжаз болалар боғча ва яслилари, мактаб ҳамда кенг синфхоналари ва жиҳозланган кабинетлари бўлган ҳунартехника билим юрти, транспорт йўллари ва чорраҳалар ёнида қулай жойлашган ма-газин ва савдо марказлари, бозорлар, майший хиз-мат корхоналари, типовой поликлиника ва касалхо-налар, маданият муассасалари, кинотеатрлар, кутуб-хоналар, оммавий истироҳат жойлари ҳам бўлиши зарур.

Яқин икки-уч йил ичидан шаҳарда қуришга улгу-рилмай қолган социал-маданий-майший обьектларни барпо этиш, келгусида эса масалага нокомплекс ёнда-шув тушунчасининг ўзини истисно этиш керак. Шу йўл билангина биз йиғилиб қолган муаммоларни ҳал эта оламиз, бу муаммолар улғайиб кетмаслигига, янги муаммолар пайдо бўлмаслигига эришамиз. Бунинг учун планлаштирувчи, таъминотчи идоралар, лойиҳа ва қурилиш ташкилотлари, ҳалқ депутатлари, район ва шаҳар советлари шахсан жавобгардирлар. Чунки одамларнинг ҳаёт таъминоти масалалари — ижти-моий ва иқтисодий масалалар бўлиб қолмай, аввало сиёсий масалалардир.

**Шаҳарнинг меъморий қиёфасини, анъанавий турмуш тарзини ва маҳаллалараро алоқаларни сақ-лаб қолиб, унинг тарихан таркиб топган қисмини тубдан таъмирлаш ва ободонлаштириш - жуда муҳим вазифадир. Биз туб тошкентликлар олдида қарздормиз, уларнинг ота-боболари шахримизни бунёд этганлар, курганлар ва ободонлаштирганлар, уларнинг ўғил-қизлари эса ҳаёт таъминотининг энг оддий шароитларидан ҳам маҳрум қилиб қўйилди.** Октябрь, Собир Раҳимов, Киров районларидағи ис-талган ўзбек хонадонига киринг, бу районларда 600 минг киши яшаб турибди, хонадонлар урушдан аввал қурилган бўлиб, шу қадар путурдан кетиб қолганки, уларни ремонт қилиб ҳам бўлмайди (бизда 2 миллион квадрат метрга яқин мана шундай уйлар бор). Бу

хонадонларда марказий иситиш системаси, водопро-вод, газ ва канализация йўқ, икки-уч хонада бир неча оила яшаб турибди, киши бошига 2 — 3 квадрат метр тураржой тўғри келади. Агар Тошкентда ўрта ҳисоб-да киши бошига 14,2 квадрат метр тураржой тўғри келса, эски шахар қисмида бундан икки баробар кам. Қарийб 7 минг оила шундай яшамоқдаки, ҳар бир оила аъзосига салкам 5 метрдан камроқ сахн тўғри келади. Бу — энг оддий ҳаёт таъминоти шартларига ҳам яқинлашмайди. Бу одамларнинг чидамлилиги, са-ховати ва мардлигига, пгу қийинчиликларнинг ҳам-масига бардош берәётганлигига фақат таҳсин ўқимок керак.

Аҳволни жуда зудлик билан, жуда шошилинч тарзда тузатиб олиш керак. Қарорда бундай оилалар уй-жой билан навбатдан ташқари ва кечи би-лан 1992 йилгача таъминланиши кераклиги кўзда тутилган эди. Улуғ Ватан урушининг ногиронлари ва қатнашчиларига ҳамда уларга тенглаштирилган имтиёзли шахсларга, қаҳрамон оналарга ҳам шун-дай ёндашиб лозим. Уларнинг уй-жой шароитларини биринчи галда яхшилаш ҳақида район иж-роия комитетлари, Тошкент шахар ижроия коми-тети доимий ғамхўрлик қилишлари керак. Шахар, область партия комитетлари ва Марказий Комитет мана шу жуда ўткир ижтимоий-сиёсий муаммонинг ҳал этилишини қаттиқ назорат қилиб туришлари зарур.

**Шаҳарнинг тарихан таркиб топган эски қисми ҳақида батафсилроқ гапириладиган бўлса, биз туб тошкентликлардан бўлган қарзимизни тўлашимиз, уларга нисбатан ижтимоий адолатни тиклашимиз кераклигини тўғридан-тўғри айтмоқ керак.** Аввало, шу районларнинг аҳолисига замонавий шароитларга монанд нормал уй-жой, маиший хиз-мат, ижтимоий соҳани яратиб беришимиз зарур. Бу муаммоларни жўн ва юзаки ҳал этиб бўлмайди.

Шахар аҳолиси эски районларни бузиб ташлаб, шу жойларда бир-бирига ўхшаш типовой микро-районлар қурилаётганига карши ҳаққоний эътиroz билдиримоқда. Бундай микрорайонларни арzonроқ ва тезроқ қуриш мумкин, албаттa, аммо бундай арzon-лик ва тезлик шахар ва ҳалқ учун ҳаддан ташқари қимматга тушмоқда. Азим шахримизнинг тарихан таркиб топган ва бетакрор қиёфаси йўқолиб бор-мокда, маҳаллаларнинг асрий алоқалари ва анъаналари барбод бўлмоқда. Биз бундай қила олмаймиз ва бундай қилишга ҳаққимиз йўқ. Аксинча, Эски шахар аҳолисининг, маҳалла жамоатчилигининг

халқ меъморчилигини, яхши қўшничилик, ўзаро ёрдам, ободончилик муаммоларини биргаликда ҳал этиш-дек ажойиб асрий анъаналарини сақлаб қолиш ва кўпайтириш муддаосини ҳар томонлама қўллаб-куватлаш керак. Биз ўз териториясини ўз кучи билан обод қилиб, кўкаламзорлаштираётган, кексаларнинг дам олиши учун маҳалла марказлари ва чойхоналар, болалар учун майдончалар барпо этаётган маҳаллаларнинг ахолисидан астойдил миннатдормиз.

Ўтмишнинг тарихий ва меъморчилик ёдгорликларини шахар муассасалари эмас, балки ахоли ўз ташаббуси билан сақлаб қолаётганлиги маҳаллий маъмурлар учун, ҳаммамиз учун катта таънадир. **Масалан, Чигатой ахолиси меъморчиликнинг та-рихий ва архитектура ёдгорлиги бўлган эски ма-читни қайта тиклаб, бу соҳада ибрат кўрсатди. Жуда тўғри иш қилинди. Агар шундай ватанпар-вар ва жонкуярлар бўлмаганида, биз ўтмишни**

**аллақачон унутиб юборган бўлар эдик, ҳолбуки, айrim кимсалар зўр бериб бизни ўтмишни унутишга даъват этмоқдалар.** Яқинда ўзининг 2000 йил-лигини нишонлаган Тошкент ахолиси шахар ўз та-рихини қаердан бошлаганини билмаслиги, унинг шонли кўп асрлик тараққиёти шоҳидлари бўлмиш архитектура даврлари қаерда сақланиб қолганини била олмаганликлари каби гаройиб факт ҳаммамиз-га жуда катта таънадир. Ҳамма нарсани пул билан ўлчайдиган амалиётчилар пойтахтимизнинг юбилейи шарафига ёдгорлик тоши қўймокчи бўлганликлари бизни оз бўлмаса уялтириб кўйяй деди.

Ҳолбуки, ҳамма нарса ҳам бир лаҳзалик амалий манфаат билан ўлчанмайди. Шахар программасини амалга ошириш чоғида ўтмиш ёдгорликларини сақ-лаб қолиш ва таъмирлашга жуда эҳтиёткорлик ва меҳр-муҳаббат билан қараш керак.

Ҳозир шахарда республика ва маҳаллий аҳами-ятга молик икки юзтадан кўпроқ меъморчилик ёдгор-лиги бор. Мабодо биз улардан лоақал биттасини кўлдан берсак, авлодлар бизни кечирмайди. Шу муносабат билан Улуғбек даврига мансуб ёдгорлик — Зангиота мақбарасининг қисматини эслатиб ўтмоқ-чиман. Бутун дунё ахли 1994 йилда Улуғбекнинг 500 йиллик юбилейини нишонлади. Бир неча йил му-қаддам таъмирлаш лойиҳасига кўра унинг равоқи-даги тошлар битталаб кўчириб олинди, кошинлари тўдалаб уйиб қўйилди ва аста-секин ташиб кетила бошланди, ёдгорлик эса тикланмай қолиб

кетди. Бундай ваҳшийликка токат қилиб бўлмайди. Шаҳарни ривожлантириш доирасида «Маданий ва меъморчилик ёдгорликлари» деган программани ишлаб чиқиш, бунинг учун маҳсус жамоат фондини вужудга келтириш керак.

Эски шаҳарни ижтимоий жиҳатдан қайта қуришда анъаналарни сақлаб колиш билан бирга қурилиш ва ободончиликнинг бутунлай янгича сифат даражасини таъминлаш йўли танлаб олингандиги жуда тўғри бўлган. Шаҳарнинг тарихан таркиб топган районларида нормал уй-жой соҳа-сини замонавий фан-техника даражасида шакл-лантириш вазифаси кўйилган. Бу эса таъмирлана-диган ҳар бир район ахолисининг кўпчилик қис-мини шу райондаги янги қуриладиган жойларга кўчириб жойлаштириш, таркиб топган ижтимоий-демографик структурани, маҳаллий уй-жой тузил-маларини, кўп укладли оиласаларни битта ховли тег-расида жойлаштириш принципларини сақлаб колиш имконини беради.

Шу районларда яшаб турган кишиларнинг инти-лишларини тушунмоқ керак, улар неча ўн йиллардан бери шу ерда яшайдилар ва истиқомат жойини ўзгартиргилари келмайди. Улар кўпинча янги квартиralар ажратишни эмас, мавжуд уй-жойни сақлаб қолишни, яшаш учун энг оддий қулайликларни яра-тиб беришни илтимос қиласидилар. Оиланинг кам қаватли уй-жой биноларида, асрлар давомида си-налган қулай маҳалла марказлари теварагида яшаш тарзи ахолига маъкул. Биз жамоатчилик фикри би-лан хисоблашишга, халқ анъаналарини эҳтиёт қилиб асрашга бурчлимиз.

Ўртага кўйилган вазифа зудлик билан ҳал қилиниши керак. Тошкент шаҳар ижроия комитети янги ташкил этилган «Тошкент — тикланиш» давлат-ко-оператив қурилиш бирлашмасини тезроқ малакали кадрлар билан мустаҳкамлаши, зарур техника ва моддий ресурслар билан таъминлаши, шу тариқа шаҳарнинг тарихан таркиб топган районларини таъ-

мирлаш ва қуриш, тажриба учун «Шаҳристон» маҳалласини барпо этиш юзасидан ўз зиммасига юқ-латилган вазифани бажаришга тезроқ киришишига имкон бериши зарур.

Олдимизда катта вазифалар турибди, қилинадиган ишлар кўп. Шаҳар хўжалигининг ва қурилиш конвейерининг ҳамма бўғинларида жуда қаттиқ ва қатъий интизом — план, ижро, меҳнат интизоми йўлга кўйилган тақдирдагина бу вазифаларни уddaлаш мум-кин. Бунинг

учун раҳбарлардан қаттиқ жавобгарлик талаб қилинади. Энг муҳим иш — уй-жой қурилишидаги узилишлар бизда пгундай интизом етишма-ётганини кўрсатиб турибди. Ҳозирги беш йиллик бошланганидан буён бирон йилда ҳам шаҳарда уй-жой қурилишининг белгиланган ҳажмлари бажарилгани йўқ. Уй-жой программасининг топшириқларигина эмас, уй-жойларни фойдаланиш учун топшириш йил-лик планлари ҳам бажарилмаяпти. Тўрт йил мобай-нида 514 минг квадрат метрдан кўпроқ уй-жой бино-си қуриб битказилмади. Республика Олий Совети тас-диклаб берган уй-жой программасига нисбатан эса 1,5 миллион квадрат метр уй-жой берилмади.

Бундаги асосий сабаблар — республика Госснаби моддий-техника таъминоти масалаларини қоникар-сиз ҳал этганлигидан, Тошкент область ижроия ко-митети ер ажратиб бериш масаласини ўз вақтида ҳал этмаганлигидан, «Ўзбекэнерго» ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан иссиқлик таъминоти ман-баларини ривожлантиришда орқада қолингланлигидан, Ўзбекистон ССР Госплани капитал маблағлар-ни ва моддий ресурсларни планлаштиришда комму-нал тармоқ обьектлари қурилишига ҳали ҳам Қолган-қутган маблағларни бериш принципидан воз кечмаётганлигидан, «Главташкентстрой» ўзининг ишлаб чиқариш базасини ривожлантиришда оксоқ бўлиб қолаётганлигидан иборат.

Аммо бу сабаблар қурилиш программасининг ба-жарилиши устидан назоратсизликка йўл қўйган Тош-кент шаҳар партия комитетини, шаҳар ижроия ко-митетини, район партия ва ижроия комитетларини мутлақо оқлай олмайди.

Вазифа ниҳоятда қаттиқ ва аниқ-равшан қилиб белгиланмоқда: йўл қўйилган қолокдик ўрни тўлди-рилсин, 1990 йидда илгари битмай қолган тураржой бинолари ва социал-маданий-маиший обьектлар фойдаланишга топширилсин ҳамда уй-жой програм-масига мувофиқ янги марраларга — йилига 1,3—1,5 миллион квадрат метр уй-жой қуришдан иборат марраларга эришилсин. Бунга алоқадор барча кадрлар одамларни яшаш шароити билан таъминлаш учун шахсан масъулиятни ҳис этишлари ва улар мазкур вазифани ё ҳал этишлари, ёки бу ишдан кетишлари керак, деган оддий хақиқатни тушунишлари лозим.

Биз қандай оператив ва истиқбол планларини иш-лаб чиқмайлик, ана шу мақсадлар учун қандай қўшимча воситалар ва ресурслар

ажратмайлик, агар уй-жойларни ҳисобга олиш ва тақсимлашда қаттиқ, сўзсиз амал қилинадиган тартиб ўрнатмасак, бу му-аммони ҳал эта олмаймиз. Биз мазкур масалаларда ижтимоий адолат бирор марта ҳам бузилишига йўл қўя олмаймиз ва бунга ҳаққимиз ҳам йўқ.

Текширув шуни кўрсатдики, Тошкентда 1990 йил бошида текшириб чиқилган етти мингдан ортиқ уй-жойларнинг деярли учдан бир қисмида қонун-қоида-ни турли хилда бузиш ҳоллари аниқланган. 1700 дан ортиқ квартира бўшагани, салкам 160 квартира ўзбoshimchалик билан эгаллаб олингани аниқланди. Ай-рим квартиralар узоқ вақт бўш турган.

Ана шу ва бошқа фактлар муҳтожларни уй-жой билан таъминлашдаги кескинликнинг юмшатили-ши учун резервлар мавжуд эканидан далолат беради. Гап энг аввало квартира эгаларининг аксарият қисми ортиқча тураржой майдонига эга эканлиги тўғрисида бормоқда. Бугунги кунда шаҳар ижроия комитетида ортиқча уй-жой майдонлари тўғриси-даги аниқ ҳисоб-китоб йўқлигини дангал айтиш керак. Қўшимча квартира ҳақининг миқдори — йилига қарийб 700 минг сўм — чинакам ҳолатни акс эттиrmайди. Бу шаҳардаги бутун тураржой фон-дини пухта ҳужжатлаштириш зарурлигини яна бир бор тасдиқдайди. Мазкур жараён тегишли хизматлар томонидан депутатларнинг ва кенг жамоатчи-ликнинг фаол иштирокида амалга оширилиши ке-рак.

Мени тўғри тушунишингизни сўрайман: биз ҳеч кимнинг манфаатларини, агар улар қонун асосида кондирилаётган бўлса, камситмоқчи эмасмиз. Ле-кин шаҳар маъмурлари давр руҳига амал қилиб, муросага келиш имкониятларини қидириб топишлари керак. Айтайлик, ҳар бир районнинг энг обод жойларида каттароқ уй-жой майдонига алмаштириш учун бир ва икки хонали яхшилаб пардозланган ва лойиҳалаштирилган квартиralари бўлган кам қаватли фишт уйларни қуриш билан муросага келиш мум-кин. Бу асосан кекса кишиларга тааллуқли бўлган-лиги туфайли мазкур уйларда озиқ-овқат магазинларини ҳам, чоғроқ парҳез таомлар ошхонасини ҳам, Соғлиқни сақлаш министрлигининг социал-таъминот бўлими билан биргаликда медицина пункти ва социал ёрдам хизматини ҳам жойлаштириш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Ўйлайманки, ўшанда кам хона-ли квартиralарга алмашиш жараёни мушкулликлар сиз ўтган, шаҳар эса қўшимча равишда мгинглаб квад-

рат метр уй-жойга эга бўлган бўлур эдш.

Ортиқча туаржой майдонига имтиёзларнинг қонунийлиги муаммоси ҳам ана шу мтсала билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳозирги кунда хшаҳарда 175 минг киши ана шундай имтиёзлардан фовийдаланмокда. Бунда ҳам биз ҳеч кимнинг қонуний жуқуқларини камситмоқчи эмасмиз. Халқ депутатларш съездининг имтиёзлар комиссияси мезонларига амаж қилиб, бундай имтиёзларни пухта кўриб чиқиш жозим: бунда суистеъмолликлар ва бузилишлар йўқ]микан. Шуб-ҳасиз, мазкур масалалар жамоат фикршни ҳисобга олиб, шаҳарнинг ваколатли органларвт томонидан кўриб чиқилиши даркор.

Ва ниҳоят, ҳужжатлаштириш шунишг учун ҳам керакки, уй-жойларга табақалаштирилг^н тарзда ҳақ тўлашни — унинг қаерда жойлашгани:га, курилиш типига, қулайликлари даражасига карабэ ҳақ тўлашнинг жорий этилиши тўғрисидаги асоосли таклифларни ишлаб чиқиш лозим.

Шаҳарнинг марказида ғишт уйда турувчилар Юнусобод ёки Сергелида панель уйларэда турувчиларга қараганда уй ҳақини қимматрооқ тўласалар адолатли бўларди, деб ўйлайман. Мазкур масалаларни шаҳарнинг нуфузли идоралари узил-кестл ҳал этишлари керак. Лекин бу масалалар шаҳарэ партия ко-митети ва шаҳар ижроия комитети томсенидан ўрга-нилиб, шу хусусда таклифлар ишлаб чвдқилиши ло-зим.

Шаҳар хўжалиги бюджетини тўддирэишнинг яна бир манбаи ҳақида. Гап эгаллаб турилган давлат квар-тираларини сотиб олиш хуқуки тўғрисигида бормоқ-да. Ҳозирча бу тажриба шаҳарда жуда журъатсиз-лик билан жорий этилмокда. Йил боғдшгача жами

546 минг сўмлик 102 та квартира сотилган. Ана шу маблағлар янги уй-жойларни қуришга сарфланади. Квартирани хусусий мулк қилиб, сотиб олишни истовчилар анча кўп. Дастребаки тажрибани ўрганиш, унинг асосида найрангбозлик ва суистеъмолларга бархам берувчи чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда шаҳар бюджетининг ана шу қўшимча манбаидан кенг фойдаланиш зарур.

Тошкент маъмурий марказининг меъморий шакл-лантирилиши янгича ёндашувларни тақозо этади. Бунда яхши гоялар, ажойиб ижодий ечимлар оз эмас, ўтмишдаги ортиқчаликларга қарши кураш авж ол-дирилиб юборилган пайтда биз булардан уяла бош-ладик.

Холбуки, масалан, ғаройиб саройи, бениҳоя кенг майдони бўлган «Халқлар дўстлиги» комплекси сингари ажойиб архитектура ансамбллари бизнинг умуммиллий бойлигимиз-ку. Бундай ёдгорниклар шаҳарда оз эмас.

Шу билан бирга, шаҳарнинг Абай, Фурқат, Наво-ий, Ўзбекистон деб аталган марказий кўча ва проспектлари беш йилдан ортиқ вақтдан бўён ту-галланмаган, ярим хароба ҳолда туришига тоқат қилиб бўлмайди. Теварак-атрофда вайронга кулбалар ҳали кўп бўлган бир пайтда ЛКСМ Марказий Комитети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика кенгаши, колектив фойдаланишдаги Ҳисоблаш мар-кази, Горький номидаги театр биноларининг ва бош-қа иншоотларнинг қимматга тушадиган дабдабали лойиҳалари керакми, деб баҳслашиш мумкин. Уму-ман, табиий икдим шароитини, зилзилабардошлиқни, турмуш ва уй-рўзғор юритишнинг анъанавий тарзини ҳисобга олиб, шаҳарда осмонўпар қурилишлар ва бундай қурилишларнинг ҳажми мақсадга му-воғиқлигини ўрганиш зарур. Бу мутахассисларнинг иши. Бироқ биноларга ва марказлар қурилишига неча ўн миллион сўм сарфлаб, уларнинг қурилишини тўхтатиб қўйиб, вайрон бўлишга маҳкум этиш — бу бориб турган хўжасизлик, ҳалқ пулини шамолга со-вуришдир, деб қатъий айтиш мумкин.

Лойиҳа ечимлари танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқилгач, бу борадаги ишлар яна йўлга қўйилиши керак. Модомики, гап замонавий архитектура ютуқлари асосида, неча асрларга етадиган қилиб қурилаётган ва ўзбек ҳалқининг шаҳарсозликдаги ажойиб асрий анъаналарини давом эттириб, ривожлантириш-га қаратилган бинолар тўғрисида бораётган экан, биз буни ана пгу масъулиятли ишни амалга оширадиган қурувчилар, меъморлар, ҳайкалтарошларнинг истеъ-доди ва ижодий ёндашуви билан боғлаймиз.

Бунда ана пгу муаммоларни ҳал этиш ва истеъ-додли кучларни жипслаштириш, номи энг яхши меъ-морчилик ва шаҳарсозлик ечимлари лойиҳалари билан боғлиқ бўлган, Ўзбекистон пойтахтининг бу-гунги куни ва келажаги тўғрисида сидқидилдан қай-ғураётган кишиларнинг барчасини фаол меҳнатга қайтариш айниқса муҳимdir.

Шу хақда гапирап эканмиз, ҳозирги кунда ҳам ўзининг бепарволиги, ишни ташкил эта билмасли-гини турғунлик йилларига тақаб, ўзини оқлашга ури-наётган раҳбарлар ҳам борлигини таъкидлаш керак. Кейинги вактда раҳбарлик лавозимига кўтарилиган

бальзи бирорлар 10—15 йиллик фактларни кавлаштириб, ўз ўтмишдошларининг номини булғаб (бу ўтмишдошлар кўпинча бу кишиларга жавоб берол-майдилар ёки ўзларини ҳимоя қила олмайдилар) ал-батта қоралашга интилиб, ўзларини қаҳрамон қилиб кўрсатишга, шу тариқа ишга садоқатларини намо-йиши қилишга уринмоқдалар. Ўйлайманки, бундай одамлар узоқка боролмайди. Раҳбарлик хукуқини ҳар куни амалий иш билан исботлаш керак.

**Тошкент - студентлар шаҳри. Шунинг учун ҳам бу ерда бирорта ҳам муаммони ёшларнинг манфа-атларини ҳисобга олмай, уларга ўқиш, баркамол-лик ҳамда бўш вақтларини ўтказишлари учун бар-ча шароитларни яратиб бермасдан ҳал этиб бўлмайди. Булар миллат келажаги, ҳалқимиз ке-лажагидир. Республикализмининг бугунги ва эртан-ги тақдири ёш авлоднинг касб маҳорати, интел-лектуал даражаси, маънавий тараққиёти, жисмо-ний соғломлигига боғлиқ. Ана шу мақсад йўлида биз тежашга на маънавий, истасангиз, на оталик ҳаққимиз йўқ. Бу ҳақда биринчи марта гапирила-ётгани йўқ, ёшларни ўқитиш ва тарбиялаш учун маб-лагни, шу жумладан, валютани ҳам аямаслик керак. Истеъоддли йигит ва қизлар мамлакатимизнинг йи-рик илмий марказларида ва чет элларда таълим олиб, малака ошириш имконига эга бўлсинлар.**

Аммо энг аввало болалар боғчасидан бошлаб олий мактабларимиз, техникумлар, ҳунар-техника билим юртларимизда, мактабларимизда барча зарур шароит-ни яратмоқ керак.

Кейинги вақтларда республика пойтахтидаги ўкув юртлари ва студентлар ётоқхоналарида етишмовчи-ликлар ҳамда муҳтожликлар тўғрисида кўп гаплар айтилди ва ёзилди. Такрорлаб ўтирмайман. Мазкур масалаларда «қолдик» принципи, айниқса, заарарли эканини таъкидламоқчиман. Чунки бу принцип ҳар бир ҳалқ учун энг қимматли нарсага — келажакка болта уради. Ҳалқ таълими министрлигининг раҳ-барлари, олий мактабларнинг ректорлари ҳар бир ўкув корпусида, ҳар бир ётоқхонада ўқиш ва дам олиш шароитлари учун шахсан жавобгардир.

Бу борада аниқ чора-тадбирлар комплекси иш-лаб чиқиб, амалга оширила бошланди. 49 та студентлар ётоқхонасида қарийб 4 миллион сўм сарфлаб капитал ремонт қилинди. Бу эса 1988 йииддагига нисбатан тўрт баробар кўпдир. Қатор олий мактабларда имтиёзли

овқатланиш жорий этилди. Ётоқхоналар етишмаслиги туфайли хусусий квартиralарда яшашга мажбур бўлаётган студентларга январь оидан ха-ражатларни қоплаш учун пул тўлана бошланди.

Аммо буларнинг хаммаси дастлабки қадамлар бўлиб, асосий муаммоларни ҳал этмайди. Халқ таъ-лими бутун системасини ва унинг моддий базасини тубдан қайта қуриш талаб қилинади. Республика хуку-мати Тошкент шахар ижроия комитети, Халқ таълими министрлиги ёшларни ўқиши, дам олиши, маданият ва спорт билан шуғулланиш учун зарур шароитлар билан таъминлайдиган тармоқ программасини иш-лаб чиқсиллар. Компартия Марказий Комитети бу муаммони алоҳида назорат остига олади.

Катта шахар ҳаёти — бу факат уй-жой ва социал, маданий-маший объектлар, деган маънони билдири-майди. Бу мураккаб, кўп планли шахар хўжалиги-дир, одамларнинг яхши кайфияти ва саломатлиги унинг аниқ-пухта ва бир маромда ишлашига боғ-лик.

Шахарнинг коммунал инфраструктураси кўп йиллар мобайнида «қолдик» принципи асосида шакл-ланди. Янги қудратли корхоналар, янги уй-жой квар-тиралари ишлаб турган инженерлик коммуникациялари, энергия, иссиқлик сув, газ таъминоти манбалари, мавжуд канализация ва транспорт тар-моқларини кенгайтирмай туриб курилаверди. Ша-ҳар маъмурларининг бепарволигидан ҳар бир киши шахар хўжалигига камроқ ҳисса қўшиб, ўзининг маҳкамачилик манфаатлари йўлида кўпроқ «юлиб қолишга» интилади.

Бундай талон-тарожлик натижасида шахарнинг асосий ҳаётий мухим манбалари энергия инқирози ёқасига келиб қолди. Узилишларга йўл қўймаслик учун фавқулодда чора-тадбирлар қўриш лозим. Шунинг учун ҳам Министрлар Совети, Давлат план комитети, тегишли министрлик ва идоралар қабул қилинган қарорни шахар хўжалигини тубдан таъ-мирлашга қаратилган катта тадбирлар билан шо-шилинч тартибда тўлдиришлари, ҳар қандай тасо-дифларга барҳам бериш мақсадида мустаҳкам асосларни ва манбаларни яратишлари зарур.

Республика Давлат план комитети ва Молия министрлиги томонидан Тошкент шахрини ўз вақтида материаллар ва маблағ билан таъминлаш ҳамда ремонт-курилиш ташкилотларини машина ва меха-низмлар билан жиҳозлаш масаласига доимий эъти-бор қаратилиши лозим.

Транспорт хизмати ва йўл курилиши энг танг жойлардан биридир. Ёғиб ўтган қорлар шуни кўрсатди-ки, биздаги транспорт оқими томирда қон қуюлиб қолганидек, унинг нормал ишлашини таъминлама-япти. Транспорт хизматлари ва йўл курилиши тубдан таъмирланиб, янгиланиши керак. Аммо тирноқ-ни этдан ажратиб бўлмайди. Бу, айниқса, пойтахти-мизнинг Эски шаҳар қисмига тааллуклидир. Бу ерда таркиб топган уйлар жойлашишини ва асосий кўчалар йўналишини сақлаб қолиш зарур. Ана шу ва бошқа масалаларда бирорта ҳам қарор маҳалла ко-митетларининг фикри ва розилигини инобатга ол-Масдан туриб қабул қилинмаслиги керак.

Кескин тус олган экология муаммосини ҳал этиш-Да жамоатчиликнинг роли янада ошиб бормоқда. У хар нормал ичимлик суви ва соғ ҳаводан маҳрум бўлиши мумкин, деб тўғри бонг урмокда.

Чирчикда жуда катта химия комплекси курили-ши тўғрисида хато қарор қабул қилиниши ўнглаб бўлмас зарар келтирмоқда. Бу билан шаҳар ҳавоси-ни ўзимиз булғамоқдамиз.

Бу масалаларни ҳал этиш, ҳал этганда ҳам тубдан ҳал этиш зарур. Бу ерда чала-чулпа тадбирлар яра-майди. Сув ва ҳаво ҳавзаларини булғовчи асосий ин-шоотларни шаҳарнинг тураржой зоналаридан таш-қарига олиб чиқиб кетиш тўғрисида қарорда белги-ланган чора-тадбирларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш зарур. Чарм-мўйна заводи, СССР Рангли металлургия министрлигининг металлга дастлабки ишлов берадиган ва иккиласми алюминий эритадиган цехи, айрим автомобиль корхоналари ва базалар пгулар жумласидандир. Табиатни муҳофаза қилувчи, санитария хизматлари шаҳардаги барча корхоналар-ни экология жиҳатидан хужжатлаштириш, тозалаш иншоотларига, чиқитсиз технологияларга доир му-каммал чора-тадбирларни аниқлаш, тегишли прото-коллар муддатини белгилаш ва имзолаш ишларини янада кенгроқ олиб боришлари лозим. Қабул қилинган мажбуриятларни бажармаган тақдирда бундай корхоналар сўзсиз тўхтатилиб, ёпиб қўйилади ва бош-ка ихтисосга ўтказилади. Авиация бирлашмасининг заарали оқавалари метрога тугниб, «Чкалов» стан-циясини икки ойча ишдан чиқаргани каби ҳолларга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Биз одамлар саломат-лигини, болаларимизнинг келажагини ҳавф остига қолдиришга ҳаққимиз йўқ. Шаҳарда турмуш шароити соғлом ва ҳавфсиз бўлиши керак. Мазкур масалаларда жамоатчиликнинг фаоллигини ҳар жиҳатдан маъқуллаш

зарур. Жамоатчиликнинг соғлом, холис

ва талабчан гражданлик позициясигина кўпгина ўзбо-шимча маъмурларни ҳозирги ва келажак авлодга қим-матга тушаётган қарорларни ўйламасдан қабул қилишдан тўхтатиб қолиши мумкин.

Катта шаҳарнинг нормал турмушини аниқ-пухта озиқ-овқат таъминотисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Магазинлар ва бозорлардаги аҳвол меҳнаткашларнинг, бутун Тошкент аҳлининг ҳақли равишда норозилигини туғдирмоқда. Агар аҳолини сут-гўшт маҳсулотлари билан таъминлашдаги узилишларни бир амаллаб тушунтириб бериш мумкин бўлса-да, жанубдаги шаҳримиз бозорларида мева ва сабзавотларнинг нархи Сибирь ҳамда Узоқ Шарқ даражаси-да эканлигини мутлақо оклаб бўлмайди. Ўтган давр мобайнида шаҳар аҳли аҳолини мева-сабзавот маҳ-сулотлари билан таъминлаш ва уларнинг нархи бо-расидаги кескинлик бир қадар юмшаганлигини таъ-кидламоқда, лекин бу сира-сира қониқарли эмас.

Масалани бир қадар енгиллаштириш учун рес-публика матлубот кооперацияси Тошкент шаҳрининг барча районларида мева-сабзавот бозорлари уюштириди, бундай бозорларда 30 минг тоннадан кўпроқ қишлоқ хўжалик маҳсулоти сотилди. Бундан ташкари, «Ўзбекбирлашув», шаҳардаги тегишли идо-раларнинг куч-ғайрати билан қишлоқ хўжалик маҳ-сулотларини келишилган нархларда сотадиган 53 та дўкон қисқа муддатда курилиб, фойдаланишга топширилди. Мева ва сабзавотни сақлаш ва қайта иш-лаш базасини мустаҳкамлаш учун катта тадбирлар кўрилмоқда. Хитой Халқ Республикасидан кўшимишча тарзда картошка сотиб олинди.

Куни-кеча республика хукумати шаҳарни озиқ-овқат билан таъминлашни яхшилаш тўғрисида маҳ-сус қарор қабул қилди. Вазиятни тубдан ўзгартилар, кичикроқ бўлса ҳам, аммо конкрет натижалар зарур...

Биз халқ билан маслаҳатлашмасдан, кабинетлар-да тўқиб чиқарилган республика халқ хўжалиги тер-риториал ва тармоқ бошқаруви схемаларини қатъи-ян рад этамиз, бу схемалар амалга оширилиб, та-ракқиётимизга ғов бўлди. Бу борадаги кўп ишлар, жумладан, «Главташкентстрой»га дахлдор ишлар ҳозиргacha бажарилган, буни сиз яхши биласиз. Фа-оллар йиғилиши қатнашчиларига, республика жа-моатчилигига шуни маълум қилиб кўймоқчиманки, яқинда Ўзбекистон Марказий Комитетида респуб-

лика комиссиясининг хулосалари ва таклифлари кўриб чиқилди ҳамда Жиззах ва Сирдарё областла-рини илгариги чегараларида тиклаш мақсадга му-вофик деб топидди.

Биз якінда бўлажак Наврўз байрамини анъана-вий байрам сифатида нишонлаш тўғрисидаги маса-лани муҳокама қилдик. Ҳар жиҳатдан диккат-эъти-бор билан муҳокама қилдик, «қош қўяман деб, кўз чиқарилган», ўзбошимчалик билан заарли, ҳалққа бегона карорлар қабул қилинган, анъаналаримиз, урф-одатларимизнинг асрий негизлари оёқ ости қилинган ўтмиш давр сабоқларини ҳисобга олдик.

**Аввало, одамларнинг, бутун ҳалқимизнинг кўпдан-кўп истак ва талабларини ҳисобга олиб, биз бу йил Наврўзни янгичасига, катта умумхалқ бай-рами сифатида тантана билан ўтказиш ҳақида қарор қабул қилдик.**

1.21 март ишланмайдиган кун, деб эълон қилинди.

2. Комиссиялар ҳозирнинг ўзидаёқ иш бошлаб юборди, мазкур комиссиялар ишига ҳалқ учун жуда азиз ва севимли бўлган бу миллий байрамнинг ранго-ранг, жўшқин ўтиши ва унга асрлар давомида ортти-рилган файз-тароватни баҳшида этишга қодир бўлган жуда хурматли, жонкуяр кишилар жалб этилади.

Сиз бу масала хусусидаги ташаббусимизни қўллаб-қувватлайсиз, бу кунни кўп миллатли рес-публикамизнинг пойтахти бўлган Тошкент аҳли бир ёқадан бош чиқариб байрам қиласи ва уни инок байналмилал вазиятда, чин дилдан, самимият ва очиқ қўнгиллилик билан ўтказади, деб ўйлайман. Бу биз-га кучларни янада жипслаштириш учун хизмат қиласи, кучларни жипслаштириш эса ҳозир бизга ҳар қачонгидан кўра зарурдир. Бу — бугунги даврнинг катъий даъватидир.

Яхши қўшничилик, иззат-икром, ўзаро ёрдам ҳал-қимизнинг жуда муқаддас анъаналаридан биридир. Муқаддас сўзини тилга олиб турганимиз маъқул. Биз ҳозир маҳалла ҳаётида, маҳалла жамоатчилигининг, гарчи баъзан кўзга чалинмаса-да, аммо қунт билан қилаётган жуда зарур ва муҳим фаолиятда тўла му-жассам бўлаётган ҳалқ анъаналарини асрашимиз ва кўпайтиришимиз керак.

Маҳалла аҳли ўз даҳалари ва районларини обод қилиб, муштарак эҳтиёжлар учун одамларни жипслаштириб, шодлик кунларида ҳам, ғам-ғуссада ҳам бир-бирига мадад беришдек анъаналарни қўллаб-

куватлаб, оиладаги жанжаллар ва бошқа мажароларни бартараф этиб, ёшларни катталарга хурмат, кичикларга иззат руҳида тарбиялаб, миллий ва умум-инсоний қадриятларни маънавий, руҳий жиҳатдан асраб-авайлашдек жуда муҳим ишни қўз-қўз қил-май, аммо кун сайн кунт ва чидам билан амалга оширмоқда. Барча оқсоқолларимизга, маҳаллаларнинг фаолларига катта раҳмат, ҳимматлари учун таъ-зим бажо этамиз. Улар она шаҳrimizni яна обод ва кўркам қилишдек ишда фаол қатнашишларига амин-миз.

Пойтахтимиз ишчилари, зиёлилари, ёшлари, Тош-кентдаги барча миллатларга мансуб кишилар она шаҳrimizni обод қилишдек бунёдкорлик ишида со-битқадамлик ва ахиллик билан меҳнат килиш наму-насини кўрсатадилар, Тошкентда ва республикамизда яшаётган ҳар бир кишининг бугунги куни ва кела-жаги манфаатларини ўйлаб, қўйилган мақсадларга эришишда ғайрат-шижоат кўрсатадилар, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсиз. Фаолларга ва шаҳарнинг барча меҳнаткашларига ана шу олижаноб, ин-сонпарварлик ишида муваффакиятлар тилайман.

*Тошкент шаҳар фаоллари йигилишида сўзланган нутқдан  
1990 йил 20 январь*

## **ОДАМЛАР БИЗДАН АМАЛИЙ ИШЛАР, АНИҚ НАТИЖАЛАРНИ КУТМОКДА**

Хурматли ўртоқлар!

Сизлар билан биз ташвишли, кескин ва ниҳоятда масъулиятли бир пайтда, ҳаётимизда бурилиш қили-наётган белгиловчи маррада йиғиддик. Ўтган якшан-бада Ўзбекистон ССР ҳалқ депутатлари ва респуб-лика ҳалқ депутатларининг маҳаллий Советларига сайлов бўлиб ўтди. Илгари ҳеч қачон сайловлар мана шундай мураккаб, қизғин вазиятда ўтмаган эди, де-сак хато бўлмайди. Одамлар ҳам илгари ҳеч қачон ўзларининг шу қадар кўп ташвиш ва умидларини, талаб ва орзуларини сайлов билан боғлашмаган эди.

18 февраль — сайлов куни республикада сайлов-чиларнинг 90 фоиздан кўпроғи қатнашди. Айрим ок-ругларда қонунга мувофиқ тақорий овоз бериш ва тақорий сайлов ўтказилишига қарамай, барча идо-ралар — Ўзбекистон ССР Олий Советидан тортиб қишлоқ Советларигача асосан тузилди. Яқин кунлар ичida улар бутун ҳокимиятни ўз қўлларига олиб, юксак ва ниҳоятда масъулиятли вазифаларни бажа-ришга киришишлари керак.

Ушбу мажлиснинг максади ва моҳияти шундан иборатки, сайлов якунлари бўйича дарҳол ҳамма-миз — турли поғоналардаги Советларнинг депутатлари Тошкентда ва областдагина эмас, шу билан бирга, бутун республикада, бутун мамлакатда одам-қизиқтириб, ташвишга солаётган, сира ҳам кечикириб бўлмайдиган ғоят мухим, энг долзарб масалалар хусусида яна бир марта маслаҳатлашиб олишимиз керак. Бугун мен илтимос қиласдимки, ким қайси лавозимда, вазифада бўлишидан қатъи назар, уларга қандай талаблар, танқидлар, норози-ликлар бўлса, ҳаммасини очиқ айтиш керак. Бугун-ги ҳокимият, раҳбарият олиб бораётган сиёsat тўғрисида кимда қандай фикр бор: у ёқадими бизга, йўқми, айтишни илтимос қиласдим.

Депутатликка ҳар бир номзодга сайловчилар би-лан ўтказилган бир қанча учрашув ва сухбатларда кўпдан-кўп наказлар берилди, ғоят хилма-хил ил-тимослар, истаклар, борингки, талаблар айтилди. Депутатликка ҳар бир номзод ҳам ана шу наказларни бажариш, ўз окрутидаги, мазкур жойдаги бирон-бир етилган масалани ҳал этиш учун қўлимдан келган ҳамма ишни қиласман, деб ваъдалар берди,

зимма-сига мажбуриятлар олди. Уй-жой ёки йўл, мактаб ёки касалхона, болалар боғчаси ёки магазин қури-лиши бўлмасин, одамлар бизга топширган аниқ-рав-шан муаммоларнинг хаммаси ҳал бўлишини таъмин-лаш — ўз сайловчиларимиз олдидаги, бутун халқ олдидаги бурчимиз, муқаддас вазифамиз, фоят юк-сак даражадаги масъулиятимизdir.

Аммо бугун, биз ҳар биримизга сайловчилар ни-мани аниқ қилиб айтганини яна бир марта эслатиб қўйиш учун йиғилганимиз йўқ. Такрор айтаманки, буни ҳар бир депутат ўзининг амалий фаолиятида ҳал қиласди.

Гап шу ҳақда боряптики, биргаликда йиғилишиб, сайловчиларимизни, бутун халқни хаммадан кўпроқ нима ҳаяжонга солаётгани, нималар ташвишланти-раётганини ҳамжиҳатлик билан аникдаб, уни ҳар бир кишининг онгига етказиш керак. Марказда ҳам, жойларда ҳам ҳар бир депутатга ва бутун хокимиятга халқ берган асосий наказнинг сиёсий мазмуни ҳақида, унинг ахлоқий, умуминсоний моҳияти тўғри-сида гап боряпти.

### Ўртоқлар!

Қайси бир китобда фоят ибратли ривоятни ўқиган эдим. Эмишки, Амир Темур ярим жаҳонни забт этиб, олис ўрмон қабилаларига бориб этибди, хуллас, уларни ҳам ўзига бўйсундирибди. Қайсар ва жангари, озод ва самимий бу қабила бошлиғи чорасизлик туфайли, Темурга куролларини топширар экан, куйидаги гапларни айтибди: — «Эй, Амир! Сен бизни қурол кучи билан енга оддинг. Бироқ сенга айтадиган шартлари-миз бор. Агар сен қассоб бўлсанг, бизни сўйиб таш-ла, агар сен савдогар бўлсанг, сотиб юбор, агар под-шо бўлиб келган бўлсанг — бизга баҳт ато эт!»

Бу ривоятнинг синфий, тарихий йўналиши айни чоғда бизни қизиқтираётгани йўқ. Бу ҳикоятда ажо-йиб бир ҳикмат барқ уриб турибди. **Яъни, элга пеш-воман, деб ўртага чиқдингми,** унинг ишончини қозондингми — бу ишончни энди асл виждан би-лан, покиза фаолият билан оқламоқ керак бўлади. Бу талабни эскичасига айтсами, янгичасигами — барибир, моҳияти бир хил бўлиб қолаверади. **Яъни, ҳалқ вакили ҳалқнинг посбони, ҳалқ раҳбари бўлиб, ҳалқнинг иссик-совуғидан хабардор бўлғув-чи сирдошига айланиши шарт.**

Ҳозирги вазиятда бундай талаб айниқса муҳим бўлиб, кишини

ҳаяжонга солади. Воқеалар тезлик билан ўзгараётгани, деярли ҳар нарсада кескинлик кучайиб бораётгани, турли миллатларнинг вакилла-ри ўртасида ўзаро муносабатлар ўткирлашиб кета-ётганини ҳаммамиз сезиб турибмиз. Ҳар хил ижтимоий гурухларнинг ўзаро шубха-гумони ва бир-би-рини асоссиз равишда айблашлари ортиб бораётга-ни, одамлар тошбағир бўлиб қолаётганини ҳам кўриб турибмиз. Олдин одамлар **«яшаш қийин бўлиб қолди»** деса, ҳозирги ҳаётда **«яшаш даҳшатли бўлиб қолди»** деган ибора пайдо бўлганидан кўз<sup>^</sup> юмиб бўлмайди.

Шу боисдан бугунги мақсад одамларни ташвиш-лантираётган энг асосий масалалар хақида айни мана шундай нуфузли анжуманда рўйирост гаплашиб олиш: **нималар содир бўляпти, биз қаёққа қараб кетяпмиз, деган ҳаяжонлантирувчи саволларга жавоб қайтаришимиз ниҳоятда зарурдир.** Вазият-ни юмшатиш ва барқарорлаштириш, хавотирлик ва кескинликка барҳам бериш, ҳар бир кишида ўз оиласининг бугунги куни ва келажагига ишонч уйғотиш учун биз - олий ваколатлар бериб қўйилган ва юксак масъулиятли ҳалқ депутатлари ни-малар қилишимиз кераклигини белгилаб олиши-миз зарур.

Энг аввало, ўзимизга шундай савол беришимиз керак: ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсон, оила бош-лифи ҳокимиятдан нимани кутяпти?

Барча замонларга ва ҳалқларга хос бўлган энг асо-сий, энг мухим, энг умумий мақсадни аниқладиган бўлсак, шуни тўла асос билан айтиш мумкинки, дав-лат пайдо бўлгандан буён, инсон ўзининг хавфсиз-лигини ҳимоя қилишни, шахсий хуқуклари ва эр-кинликлари таъминланишини давлатдан кутади, ҳокимиятдан нажот излайди. Ҳокимият шу табиий талабларга жавоб беролмаса, очиғини айтганда, бу-нақа ҳокимият ҳеч кимга керак бўлмайди.

Шунинг учун, бугун ҳар бир депутат, ўзининг юк-сак ва масъулиятли ваколатларини бажаришга киришар экан, ўзига шундай савол бериши керак: биз, ҳокимият намояндлари ва идоралари мана шу хавф-сизликни, эркинликни, ана шу кафолатларни таъминлайпмизми ёки йўқми? Агарда бу саволга ҳар қандай асоссиз сабабларни ниқоб қилмасдан, ҳалол жавоб қайтарадиган бўлсак, у ҳолда, вижданан ай-тиш керакки, ҳокимият инсонга ана шу асоссиз хуқуqlар ва шарт-шароитларни таъминлаб бера олишга кун сайин тобора заифлик қиляпти.

Бизнинг сайловчиларимиз, оддий кишилар шун-дай бир ҳаққоний савол бермоқда: митингбозликдан иборат сафсатабозликлар ва оммавий тартиб-сизликлар, иқтисодий ва ижтимоий ағдар-тўнтарлар, миллатларо жанжаллар ва ижтимоий можаролар, инсонларнинг курбон бўлиши ва ур-ийқитлар **на-хотки қайта қуришнинг муқаррар йўлдошларию камчиликлари бўлса? Жамиятимизни инқилобий тарзда янгилашдан иборат партия эълон қилган сиёsatдан халқ шуни кутганмиди, ахир!** Йўқ, буни кутмаган эди, албатта.

Бироқ Кавказортида, Фарғонада, Душанбеда, бош-қа бир қанча минтақаларда, куни кеча Бўка райони-да рўй берган тартибсизликлар ҳаётимизда содир бўляпти-ку. Модомики, шундай экан, агар биз — халқ вакиллари шундай фожиаларнинг олдини ололмас эканмиз, халқ қайта қуришни бошлай туриб, ҳоки-миятга билдирган ишонч тезлик билан тугаб бора-веради. **Қайта қуриш одамлар орзу қилган нарсаларни, қайта қуришдан иборат ўзгартишлар йўли-да уларга ваъда қилинган нарсаларни беришига тобора камроқ кишилар ишонмоқдалар. Одамларнинг ишончи ва эътиборидан маҳрум бўлиш эса, Ҳар қандай ҳокимият учун ҳалокатдир. Ҳамиша шундай бўлган, ҳаёт қонуни шундай!**

Одамлар бирон-бир талаб-эҳтиёжини — хоҳ гўшт ёки қанд-шакар, спиртли ичимлик ёки совун бўлсин, шу нарсалар билан таъминлашдаги қийин-чиликларни маълум бир вактгача тушунишлари, бунга қаноат қилиб туришлари мумкин. Аммо улар ўзларининг хавфсизлигидан маҳрум бўлганлигини тушуна олмайди, бунга тоқат қила олмайди. Оиланинг, фарзандларнинг, яқин кишиларининг ҳаёти ва соғлиғи, уй-жойнинг дахлсизлиги ва сақланишига, неча ўн йиллар мобайнидаги меҳнат туфай-ли орттирилган бисотнинг бус-бутун қолишига хеч нарса кафолат бермаса, безори, экстремист гурухларнинг тазиики остида вайрон бўлса, маъмурлар инсон шахси ва ҳаётининг дахлсизлигини таъмин-лашмаса, буни биронта ҳам соғдил, виждонли киши қабул қилмайди ва қабул қилиши ҳам мум-кин эмас.

Ҳозир асаби заиф баъзи кимсалар иғвогарликдан иборат мишишларга берилиб, ваҳимага тушиб, ҳаддидан ошишга бориб етмоқда, қандайдир фавқу-лодда ҳолат эълон қилишни, Тошкентга, область ша-ҳарлари ва районларига солдатлар киритишни так-лиф

этмокда. Шундай вахимали кайфиятдаги кишилар ҳам борки, улар ҳар бир үй ва квартира олдида қўлига автомат тутган ҳарбий хизматчи навбатчи-лик қилиб туришини истайди.

Бу хусусда нима дейиш мумкин? **Ҳар қандай ҳокимият конунни, тартибни, инсонларча яшаш нормаларини ҳурмат қилиб, уларга бўйсунишга ҳар бир ғаламисни мажбур этиш учун кучга эга бўлган тақдирдагина уни ҳокимият деса бўлади, албатта. Сиз, азиз ўртоқларни ишонтириб айти-шим мумкинки, тартибсизликлар ва ур-ийиқитларга йўл қўймаслик учун етарли кучимиз бор.**

Аммо соғлом фикрловчи ҳар бир кишига, айниқ-са, одамларнинг ишончига сазовор бўлган ва катта ваколатлар бериб қўйилган депутатларга шу нарса равshan бўлиши керакки, ўз халқини солдатлар па-ноҳида, автоматлар ўқталиб туриб бошқариш мум-кин эмас. **Бундай қилиш ғирт нодонликдир.** Биз ўз фаолиятимизда шуни яхши тушунишимиз ке-рак - кўчаларда, қишлоқларда, шаҳарларда тартиббузарлар ҳам ўзимиздан чиқсан шахслар, одамлар бўлади. Биз улар билан бирга яшаши-миз, етилган барча муаммоларни улар билан бирга ҳал қилишимиз керак. Демак, биз ташаббусни ўз қўлимиизга олишимиз, омманинг ғайрат-шижоатини бунёдкорлик йўлига буриб юборишимиз, одамларни ҳуқуққа зид хатти-харакатлардан тўхта-тиб қолишимиз лозим. Бу бизнинг энг биринчи ва жуда масъулиятли бурчимиздир, чунки ҳалқ ҳокимиятни бизга ишониб топширди, бизни депутат қилиб сайлади.

Ана шу вазифалар ва муаммоларни бир ерга жам-лаб, бугун ишимишни тўғри ташкил этиш, фаолия-тимизнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш учун авваламбор қандай ишларга эътибор беришимиз зарур?

**Биринчидан.** Ҳалқ ҳокимияти органлари, ҳалқ сайлаб қўйган ва тўла ҳуқуқли вакил бўлмиш ҳар бир депутат доимо, ҳар куни ва ҳар соатда меҳнат-кашларнинг эҳтиёжлари, ташвиш ва манфаатлари билан яшаган, ўзларининг барча иш ва режаларида ҳалқ билан, ҳар бир шаҳар ва районда, қишлоқда, корхона ва хўжаликда, меҳнат колективи ва ҳар бир маҳаллада аҳолининг барча қатламлари билан бир жон, бир тан бўлиб чамбарчас боғланган тақ-дирдагина ўзларининг масъулиятли бурчини муваффақиятли бажариб, ўз олдидаги катта вазифаларни уddyalай олади.

Гап кучларни жипслаштириш түғрисида, давлат идораларининг аҳоли билан, барча жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг уюшмалари би-лан, такрор айтаманки, қонунни бузмаётган, му-аммоларни ҳал этишга, одамларнинг турмушини яхшилашга, вазиятни барқарорлаштиришга астой-дил кўмаклашишни истаётганларнинг ҳаммаси билан бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиш кераклиги түғрисида боряпти. Ўзаро душманлик-ка, ёвузлик ва зўравонликка, ҳар қандай белгиларга қараб инсон ҳуқуклари камситилишига қарши ку-рашаётганларнинг ҳаммаси билан бир сафда туриб иш кўриш кераклиги түғрисида гап боряпти. Бу ерда биз ҳаммамиз меҳнат колективларининг вакилла-ри билан, касаба уюшмалари ва ёшлар жамоатчили-ги билан ҳамкорлик қилишнинг янги шаклларини топишмиз керак.

Дарҳақиқат, бундан буён ҳамкорлик, инсонпар-варлик, меҳр-шафқат ўрнини қарама-қаршилик, душманлик, ўзаро қаҳр-ғазаб эгаллашига йўл кўйиш-га ҳаққимиз йўқ. Бизнинг бундан буёнги ҳаётимиз қандай таркиб топишидан қатъи назар, авваламбор, интизом ва қаттиқ тартиб бўлиши керак, шундан кейингина унинг асосида бошқа ҳамма нарсаларга эришиш мумкин.

Агар биз, ҳалқ шундай ваколатлар ва ҳуқукдар бериб қўйган кишилар, тартиб ўрнатмас эканмиз, ҳалқимиз ўзи тартиб ўрнатишга киришишидан бошқа илож қолмайди. Жуда кўп жойларда, асосан кўп раҳбарлар ҳалқимиз түғрисида гапирганда, ҳалқи-миз жуда оғир, жуда ювош, қўйдай мулойим, деб кўп фикр юритади. Шуларга қаратса айтиш керакки, агар ҳалқимиз ғазабланса, у ўзининг жуда ҳам ювош эмаслигини билдиради, албатта. Улуг шоиримиз Абдулҳамид Чўлпон бежиз ёзмаган эди:

*Ҳалқ денгиздир, ҳалқ тўлқиндир, ҳалқ кучдир.*

*Ҳалқ исёндир, ҳалқ оловдир, ҳалқ ўчдир...*

*Ҳалқ қўзғалса, куч йўқдир, ким тўхтатсан,*

*Кувват йўқ, ким ҳалқ истагин йўқ этсан.*

**Иккинчидан.** Республикада одамларнинг ҳаёт таъ-миноти муаммолари йигилиб қолди ва улар ниҳоят-да ўткир тус олди.

Фуқаро ҳокимиятдан кутаётган иккинчи бир нарса бор, у ҳам бўлса, ишлаб чиқариш ва тақсимот шундай ташкил этилиши керакки, ҳар бир одам ишга, уй-жойига эга бўлсин, озиқ-овқат, кийим-кечак, нор-мал турмуш ва дам олиш, фарзандларни тарбиялаш учун маблағ

ишлаб топа оладиган бўлсин, агар барча наказларнинг иккинчи туркумини умумлаштирадиган бўлсак, улар айни мана шунга келиб тақалади: ниҳоят, магазинларда инсонларнинг яшаши учун за-рур нарсалар туриши, ҳалол меҳнат билан ишлаб то-пилган пулга энг оддий нарсаларни ҳақоратсиз, нав-батларда узок туриб қолмай, сотиб олиш мумкин бўли-ши учун бозорларда чайқов нархлари эмас, балки нормал нархлар амал қилиши керак.

Шуни ёдда тутиш жуда муҳим: инсонпарварлик, инсоний социал адолат принциплари ўзини барча за-рур нарсалар билан доимо таъминлашга қодир бўлмаган кишилар давлатдан, жамиятдан, меҳнат коллек-тивлари ва жамоат ташкилотларидан ёрдам олиб ту-ришини талаб қиласди.

Серфарзанд камбағал оиласлар, кўп болали оналар, ҳали ўзини ўнглаб олмаган ёшлар, пенсионерлар, ногиронлар, ёлғиз кекса кишилар шулар жумласидандир. Бунда бизнинг жуда кўп ўткир, носоғ-лом муаммоларимиз бор. Мен бу борадаги рақамларни неча мартараб айтиб ўтганман, бугун эса фа-кат битта рақамни тақорламоқчиман — 9 миллион киши ёки республика аҳолисининг 45 фоизи жон бошига хисоблаганда ойига 75 сўмдан камроқ даромадга эга, бу эса кун кечириш учун зарур бўлган энг паст даражани ҳам таъминламайди.

Халқ сайлаб кўйган кишилар сифатида, ҳоки-миятнинг муҳтор вакиллари сифатида, биз мана шу масалаларни ҳал қилиш учун чинакамига кириши-шимиз керак. Биз турғунлик йилларини, аввалги раҳбарларнинг хатоларини рўкач қилиб, шу маса-лалардан бўйин товлай олмаймиз, улардан яшири-на олмаймиз, бундай қилишга ҳаққимиз йўқ. Эн-диликда кишилар биздан, янги сайланган халқ депутатларидан мана шуни кутмоқда. Улар биз сафсатабозлик ва гап-сўзлар, мажлисбозлик билан эмас, балки аник-равшан натижа берадиган иш билан шуғуланишимизга ишонмоқда ва шунга умид қилмоқда. Агар шундай қилмасак, халқ бизга ишон-май қўяди.

Бугун баъзи бир силжишларни, ишлаб чиқаришнинг ўсишини таърифловчи айрим рақамларни, баъзи кўрсаткичларни келтириш мумкин эди. Аммо ҳозирги пайтда бундай ялпи ёндашиш тўғри келмайди. Қан-дайдир муҳим процентлар эмас, балки одамларнинг турмуши амалда яхшиланиши керак...

Республиканинг молиявий аҳволи ва унинг иқти-садий

мустақиллиги кучайиб боришига қараб ана шу мақсадлар учун маблағлар ҳам кўпроқ ажратила беради. Аммо мазкур муаммоларни ҳал этишда давлат бюджетининг ўзигагина кўз тикиб туриш нотўғри бўлур эди. Корхоналар, ташкилотлар ва хўжадикларнинг маблағлари ҳам фойдаланиш лозим бўлган ғоят катта резервдир. Давлат корхонаси тўғри-сидаги қонунга мувофиқ хўжалик мустақиллиги шароитида ишлаётган меҳнат коллективлари энди-лиқда ўзларининг муҳтоҷ аъзоларига ёрдам бериш учун, оналарга, ветеран пенсионерлар ва бошқаларга кўшимча ҳақ белгилаш учун ҳамма имкониятларга эга.

Ҳозирги пайтда 800 дан кўпроқ колхоз, 50 та совхоз ва 85 та саноат корхонаси ўз маблағлари хисо-бидан оналарга, ветеран пенсионерларга кўшимча ҳақ белгилаб кўйган. Бизга маълумки, «Краснохолмск-геология» бирлашмасида, «Теплопроект» институтининг Ўрта Осиё бирлашмасида, «Чирчикхиммаш», «Узэлектротерм» заводларида, Тошкент районидаги К. Маркс номли колхозда ва бошқа кўпгина жойларда анчагина кўшимча ҳақлар жорий этилган.

Ҳаммангизга маълум бўлган «Совпластитал» бирлашмасини олиб кўринг. Бу ерда ўтган йилнинг ўзидаёқ корхонада 5 йилдан 10 йилгача ишлаган одамларга пенсияга чикиш пайтида ҳар ойига 30 сўм, 10 йилдан 15 йилгача ишлаганларга 50 сўм, 15 йилдан 20 йилгача ишлаганларга 75 сўм кўшимча ҳақ тўлашга қарор қилинган.

Мана буни ишнинг кўзини билиб, инсонпарвар-лик билан ёндашиш деса бўлади, буни депутатлар, барча раҳбарлар, меҳнат коллективлари кенгашла-рининг аъзолари, кенг жамоатчилик ҳар жиҳатдан Қўллаб-қувватлаши лозим бўлган **савобли ишлар-га намуна деса бўлади**.

Мана шу намуна муаммоларни митинглардаги минбарларда туриб, куруқ сафсатабозлик билан эмас, балки аниқ-равшан, саботли, самарали, интизомли ва фойда келтирадиган иш билан ҳал қилиш кераклигини яққол кўрсатиб турибди. Бу ўринда бир нар-сага эътиборингизни жалб қилмоқчиман.

Халқимиз тақдирини ҳал қиладиган мана шундай муаммоларни ечиш ишига Ўзбекистондаги ҳамма соғлом кучларни даъват этамиз.

Ҳаммамизга маълумки, бунака кўп йиллар даво-мида тўпланиб турган жумбокларни ҳал қилиш осон эмас.

Шунинг учун ҳаётимизга енгил қўз билан қара-ётган, баъзи бир сафсата гапларни тарқатадиганлар, шу жумладан, «Бирлик» уюшмасининг айрим раҳ-барларининг гапларини эшишиб, ҳайратда қоласан киши.

Гўёки, пахта яккаҳокимлигини тугатиш ва унинг нархини ошириш тўғрисида улар биринчи бўлиб гап кўтарган эмиш. Шунга бағишлиб митинглар ўтка-зилгандан кейин ва СССР Министрлар Советининг раиси Н.И. Рижков билан учрашилгандан кейин бу масала ўз **йўли билан ҳал бўлиб қолган эмиш**. Нима сабабдан бу масаланинг орқасида қанча минг мута-хассислар тер тўkkани, қишлоқ хўжалик ходимлари ва раҳбарлари шу масалани ечиш учун қанчадан-қанча ишларни бажаргани ҳисобга олинмас экан? Ахир, бу кулгили гаплар эмасми? Агар митинглар орқали ҳалқимизнинг ҳамма жумбоқлари ва муам-молари ечиладиган бўлса, ҳаёти осойишта ва фаро-вон бўлса, мен ўзим биринчи бўлиб митинг ва на-мойишларнинг қатнашчиси бўлур эдим ва бошқаларни ҳам шунга чакирадим.

Пахтани териб топширганлик учун қўшимча ҳақ жорий этилгани қишлоқ меҳнаткашларининг иш хақига, демакки, уларнинг кайфиятига ҳам яхшиги-на таъсир қилди. Ҳисоб-китоблар ва танлаб ўтка-зилган тадқикотларнинг кўрсатишича, теримчи аёл-

ларнинг иш ҳақи мавсум мобайнида 700 — 800 сўмдан 2,5 — 3 минг сўмгача етган. Ҳаммангизга маълум бўлса керак, 1990 йил мавсумида пахта нархи ҳар тонна учун яна 100—110 сўмга кўпайтирилади. Биз бу қўшимча ҳақни пахтанинг ҳақиқий харажатларини қопловчи янги нархлар белгиланиши йўлида қўйилган мухим, аммо факат биринчи қадам, деб била-миз. Бу масала мамлакат хукумати олдига қўйилган бўлиб, у батамом ва энг мақбул тарзда ҳал этилма-гунча олиб ташланмайди. Ўзларингиз биласиз, яқинда кенг жамоатчиликнинг иштироки билан шаҳар фаоллари йиғилишида шаҳар хўжалигини ва республика пойтахти Тошкентнинг тарихан таркиб топган қис-мини қайта тиклаш ва таъмирлаш дастури мухокама этилиб, қабул қилинди.

Ҳалқимизнинг миллий-маданий талаб-эҳтиёжла-рини тўла-тўқис қондириш учун кўп иш қилинмок-да. Республика Олий Совети Ўзбекистон ССР тер-риториясида ўзбек тилига давлат тили мақоми бе-риш тўғрисида Қонун қабул қилди. Жамоатчилик кучларига таяниб, меҳнаткашлар томонидан маъ-кулланган яна бир қанча

қарорлар, шу жумладан, анъанавий халқ байрамлари, урф-одат ва маросимларни қайта тиклаш түғрисидаги қарорлар қабул қилинди.

Яқында дам олиш куни деб эълон қилинган 21 мартда Шарқдаги энг қувончли байрамлардан бири Наврӯзни бутун халқ билан бирга байрам қиласиз.

Кўрилаётган чоралар республикада йиғилиб қолган барча муаммоларни ҳал қилиб қўяди, деб ҳисоб-лаётганимиз йўқ. Аксинча, биронта хайрли ишни ба-жаргандан кейин хотиржам бўлиб, бепарволик қилиш мумкин, деб ўйлаётган кишилар катта хато қиладилар. Бу ниҳоятда хатарли ва зарарли одат бўлиб, бунга йўл қўйишга бизнинг ҳаққимиз йўқ. Ҳар кун ва ҳар соатда одамлар ғамини ейиш, уларнинг турмугя шароитларини яхшилашга эришиш, тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этиш йўлларини қадам-бақадам қидириб топиш керак.

Аммо буни ҳамма тушуниб етмаганлигини ама-лий ишлар кўрсатиб турибди. **Баъзи раҳбарларни дехқонларга ер участкалари ажратиб беришга том маънода зўрлик билан мажбур қилишга, қабул қилинган қарорларнинг амалга оширилишини таъминлаш учун жойларга комиссиялар юборишга тўғри келди.** Бу масалаларда айни пойттахт Тошкент области энг кўп қолоқдикка йўл қўяётганлиги биз-ни, айниқса, ташвишлантироқда.

Хозир бизнинг қўлимизда таҳлил маълумотлари бор: кўргина раҳбарлар баҳор эшик қоқаётганини кўришни ва шу йилнинг ўзидаёқ томорқалардан са-мара оладиган бўлишлари учун одамларни кўчат, уруғлик, навниҳоллар билан таъминлаш кераклиги-ни сира ҳам тушунишни истамаятилар.

Якка тартиbdаги қурилишга ссудалар ажратиб бе-риш, одамларни қурилиш материаллари билан таъминлаш масалаларига депутатлар билан кенг жамо-атчилик алоҳида эътибор бериб, назорат қилиб туришлари зарур.

Айнан шу ва биринчи навбатда ёш авлод тарбия-си, одамларни иш билан таъминлаш, табиий ва иж-тимоий муҳитни согломлаштириш билан боғлиқ бўлган масалалар депутатлардан доимий эътибор ва амалий ечимлар талаб қиласи.

Бугунги кунда республикамизда 1700 та мактаб вай-рон ҳолда эканига чидаб бўладими? Қурилаётган мак-таблар сони эса аҳолининг кўпайиш суръатини аранг қондираяпти. Соғлиқни сақлаш ишлари

бўйича мамлакатда энг охирги поғоналардан бирида эканлигимиз-чи?

Одамларга оддий ичимлик суви етказиб бера олмаётганимиз-чи? Амударё ва Сирдарё қуи оқимларида яшаётган 4 миллионга якин аҳолининг ниҳо-ятда мушқул аҳволи-чи? Орол муаммосидан бутун Ўрта Осиё ва Қозогистон халқдари безовта, беса-ранжом. Касалликлар, болалар ўлими, одамларнинг тушкун рухияти, эртанги кун ташвишлари, хуллас, жуда кўп бошқа муаммолар-чи? Халқимиз бошига тушган бу ташвишларни чукур ҳис қилиш, уларни бартараф этиш нақадар мураккаб ва зарур эканини англамоқ учун кўп нарса керак эмас — безовта юрак керак, очиқ кўз керак. Ўртоқлар!

Бу борада ҳеч нима қилинмаётган экан-да, де-йиш албатта нотўғри бўлади. Ҳаракат қилиняпти, ре-жалар ҳам катта. Лекин бу режалар заминида ама-лий ишлар бўлмоғи керак. Одамларнинг, айниқса, депутатларнинг ташабусига кўп нарса боғлиқ. Бу вазифаларга бутун халқни сафарбар этиш зарур. Бу муаммоларни келтириб чиқарган айбдорларни қиди-риш унча қийин иш эмас. Қийини — ана шу оғир аҳволдан қутулиш учун бор кучдан самарали фойдаланишдир.

Бу жараёнда бир нарсага эътибор қилишимиз керак: кимdir бақир-чакир қилиб иш кўрсатган-дай бўлади, сохта обрў орттиради. Бусиз ҳам оғир вазиятни янада кескинлаштиради, кимdir эса са-бот билан бор ақл-идрокини ишга солиб, меҳнат қилади, мавжуд камчиликларни тугатиш йўллари-ни қидириб-қидириб, охири топади. **Демак, сара-гини саракка, пучагини пучакка ажратадиган пайт келди.**

**Учинчидан.** Бу ўринда шундай савол туғилади: ўлкамиздаги мураккаб сиёсий, иқтисодий ва ижти-моий шароитни кўриб-билиб туриб, одамларни гиж-гижклаб, ҳар хил тартибузарликка, митинг ва иш ташлашларга чорлаётган кимсаларнинг асл мақсади нима? Буларни қандай тушунса бўлади? Бўка райо-нида ёшларни йўлдан уриб, уларни ғайриқонуний ишларга мажбур этаётган, миллатлараро низоларни кучайтираётган, халқларнинг тақдири билан ўйна-шаётган кимсаларнинг тегирмонига сув қуиши деган нарса бу.

Ўзингиз кўриб турибсиз, қаерда раҳбарлар ўз бурчи ва жавобгарлигига лоқайд бўлса, вазиятни яхши билмаса, ўша жойларда тўполон бўляпти. Ахир, Фарғонадаги, Кавказдаги, Душанбедаги воқеаларда қанчадан-қанча бегуноҳ одамлар ҳалок бўлди, қанча

ёшларнинг ҳаёти, тақдири чилпарчин бўлди, қанча-си қамоққа олинди. Уларнинг хонадонлари, оиласа-ри-чи? Биз доим мана шу ҳақда ўйлашимиз керак. Яна бир марта тақрорлаб айтаманки, сиёсий, мавъ-навий бурчимидан ташқари, энг аввало оталик бур-чимизни ўйласак, фарзандларимизнинг тақдирини ўз манфаатлари йўлида курбон қилаётганларга бе-фарқ қараб туришимиз керакми?

**Тўртингидан.** Республиканинг келажагини ўйлаган ҳар бир киши энг аввало эртанги кунда нгу ҳаётни бошқарадиган ёшларимиз тақдири ҳақида қайғури-ши керак. Шунинг учун ҳар бир депутат, ҳар бир раҳбар, бугун жамоатнинг олдига тушаман деб турган ҳар бир кишининг қилаётган иши, босаётган қадами ана шу мақсадга қанчалик мослиги билан баҳоланади.

Тўғрисини айтиш керак, сўнгги йилларда биз бу муҳим вазифани унтиб қўйдик. Ёш авлод тарбияси билан боғлиқ ишлар — ўқув жараёни бўлсин, мада-ният ва санъат бўлсин, жисмоний тарбия бўлсин — ҳаммасига қолган-қутган маблағлар сарфланди. Бу арзимас маблағлар ҳам ҳалқ хўжалигининг бошқа соҳалари билан солиштирганимизда доим энг охи-рида ажратилди. Кимда-ким бугунги ёшларимиз фалон бўлиб кетди, фистон бўлиб кетди дейдиган бўлса, энг аввало ўзидан хафа бўлиши, ўзини айбла-ши керак. **Экканингни оласан, деб бежиз айтмай-ди ҳалқимиз.**

Шу билан бир қаторда, жуда муҳим бир гапни ҳам айтмоқчиман. Минг раҳмат ўз фарзандларини ҳалқ ва жамият манфаати йўлида асл инсонийлик йўлида тарбия қилаётган ота-оналарга, ветеранлар-га! Уларнинг меҳнати билан юртимиз ёшлари ҳалқи-мизнинг қадимиий урф-одатларини, одоб-ахлоқини, катталарга ҳурмат, кичикларга ғамхўрлик, бироннинг оғирини енгил қилиш каби ажойиб хислатларини давом эттиряпти. Бу менинг шахсий фикрим, бошқа жойларга солиштирмайлиг-у, лекин бизнинг ёшла-римиз, кўз тегмасин, яхши. Мана шу бебаҳо бойли-гимизни сақлаб қолиш, ёшларимиз тарбияси учун, уларнинг баҳтли, тўкин, мазмунли ҳаёти учун хеч нарсани аямаслигимиз керак.

Ёш авлод тарбияси ҳақида гапирганда зиёлилари-мизнинг ўрни алоҳида эканлигини эътиборга олиш керак. **Қайси раҳбар, қайси амалдор ўз обрўсини тўқмоқчи бўлса, у зиёлилар билан орасини бузади. Тарихда ҳам, ҳозирги кунларда ҳам бунга мисол кўп. Катта-кичик барча амалдорлар кўзларини кат-тароқ очиб, зиёли**

**зотига эътибор билан қарашни ўзига шараф деб билмоғи керак.** Ҳаммага аён: баъ-зан бир оғиз ширин сўз, қўллаб-кувватлаш ижодкорни жуда катта ишларга илҳомлантириши мумкин.

Ёшларни замонавий фан-техниканинг, умуман, илм-фаннинг ютуқларидан баҳраманд қилмасдан туриб, уларга юқори малакали ихтисос эгалари бўлиб етишишга шароит туғдирмай туриб, биз республикамиз халқ хўжалигини, саноат ишлаб чиқа-риш соҳаларини тубдан ўзгартира олмаймиз. Буни ҳам доим ёдда тутиш керак. Чунки ишсизлик, маош камлиги, мутахассислар етишмаслиги ва бошқа кўп етишмовчиликлар ана шундан, деб ўйлайман. Бу кетишда биз учун юртимизни социал-иктисодий ва миллий ривожлантиришдек муҳим вазифани тез-роқ амалга ошириш жуда қийин бўлади. Демак, халқ сайлаб қўйган депутатларнинг биринчи галдаги ва-зифаларидан бири — ёшларимиз тарбияси миллий сиёсатини, харакат дастурини ишлаб чиқиши маса-ласидир. Бунга халқ маорифи системасини тубдан ўзгартириш, болалар боғчалари, мактаблар, хунар-тёхника билйим юртлариг техникумлар, олий ўқ"ув" масканларининг моддий-техник базасини мустаҳ-камлаш, маҳсус мактаб-интернатларни кўпайтириш каби кўргина мураккаб вазифалар киради. Ёшлар тарбияси билан бевосита машғул бўлган, ўз умри-ни шу муқаддас ишга бағишилаган ўқитувчилари-мизга эътибор ҳакида эса гапириб ўтирмаса ҳам бўлади, деб ўйлайман. Биз ҳали уларга чинакам ғам-хўрлик кўрсатаётганимиз йўқ. Бу масалани ҳам чу-қур ўйлаш керак.

Яна бир нарсани биз ҳеч қачон эсимиздан чи-қармаслигимиз лозим: истеъодди ёшларга шароит яратиш. Яқинда биз мамлакатимизнинг энг яхши билим марказларига докторантурага ўқишга юбори-лаётган ёшларнинг биринчи гурӯҳи билан учрашув ўтказдик. Бу иш учун ҳар қандай маблағ, ҳатто ва-люта ҳам аямаслигимизни айтдик.

Яна бир оғиз сўз ёшларимизнинг ҳарбий хизмат-ци ўташи ҳакида. Республикализ облостлари ижроия комитетлари кўргина ҳарбий округлар билан шарт-номалар тузиб, ўша жойларда хизмат қилаётган фар-зандларимизнинг ҳаётидан хабардор бўлиб туриш, уларга етарли шароитлар яратиш чора-тадбирлари-ни кўрмокда.

Бу соҳадаги энг долзарб масалалардан яна бири — қурилиш батальонларида хизмат қилаётган ёшла-римизнинг оғирини енгил қилишдир. У ерларда ин-тизом, сиёсий-тарбиявий ишлар нихоятда

паст да-ражада эканлигини биламиз. Бизнинг муҳокама учун таклифимиз шундай: агар қурилиш батальонларида хизмат қилиш керак бўлса, ўзимизда, жуда бўлмаса, Ўрта Осиё миқёсида ҳам қурилиш кўп. Болалари-миз шу ерда хизмат қилишсин.

Бундай қарор кўпчилик ота-оналарнинг талабига жавоб беради, деб ўйлайман.

**Бешинчидан.** Бугунги даврнинг мураккаб имти-ҳонлари нафақат ҳар бир кишининг, балки бутун-бутун ҳалқдарнинг сиёсий-маънавий хислатларини, уларнинг бутлигини ҳам синовдан ўтказмокда.

**Ўзбек ҳалқини қадимдан меҳмондўст, очик кўнгил, жон кўшни, пок ниятли ҳалқ сифатида билишади.**

Миллатларо муносабатларни ривожлантириш-да биз ўз ҳалқига хурмат билан бир қаторда бошқа миллат ва ҳалқларга нисбатан ҳам чуқур хурмат-эътибор, яхши қўшничилик ва уларнинг ҳам миллий ғуурлари борлигини ҳисобга олиб, ҳаракат қили-шимиз керак. Миллий анъаналар ҳалқнинг энг но-зик, энг хурматталаб фазилатларидир.

Афсуски, четдан келган баъзи бир одамлар ана Шу нарса билан ҳисоблашмаган пайтлар бўлди. **Ҳатто ўзимиздан чиқсан айрим раҳбарлар Наврӯз бай-рамига, миллий кийим-кечакка қарши чиқди.** Шу даражага бориб етдикки, қариндошини кўмиш ма-росимида қатнашишга ҳам эскилик сарқити, деб қаралди, бундай одамларга, айниқса, раҳбарларга нисбатан тазиқ ўтказилди. Диндорлар билан му-лоқотда бўлиш, улар билан бамаслаҳат иш юритиш масалаларини қўяверинг. Хуллас, бўлганича бўлди, **Шунинг учун бугун бу ишларни қаттиқ қорала-шимизни, ҳалқ анъаналарига, унинг меросига, одамларнинг диний эътиқодларига қатъий хурмат ва эътибор билан қараш кераклигини яна бир бор уқтириб ўтмоқчиман.**

**Олтинчидан.** Жамиятимизнинг гоявий, маънавий янгиланишида ижодкорларимизнинг ўрни бекиёс. Уларнинг қалб қўри билан айтадиган сўзлари, яратган образлари ҳар бир кишига юракдан таъсир қиласди, яхшиликка ундаиди.

Ҳалқ ҳокимиятининг муҳтор вакили бўлган мух-тарам депутатлар, келинглар, шу ижодкор зиёлилар билан алоқани мустаҳкамлайлик, ҳамнафас, ҳамжи-ҳат бўлайлик, улар билан биргаликда яхшилик, меҳр-оқибат, илм-маърифат нурларини ҳар бир

инсонга етказайлик. Бу борада ҳам бир талай муаммолар мавжуд. Уларни ҳал қилиш учун биргалашиб ишла-шимиз керак. Биринчи навбатдаги вазифа — ўзбек тилига давлат тили мақоми бериш ҳақидаги Қонун-ни хаётга тўла татбиқ қилиш масаласи. Бу иш ҳанузгача жуда суст боряпти. Кўп тадбирлар ҳали амалга ошмаяпти.

**Оддий мисол: кўчаларимиз, ҳар хил идоралар, савдо тармоқлари, ҳуллас, ҳамма жойда кўзга таш-ланиб турадиган ёзувларимизни олайлик. Юз фоиз маҳаллий ахоли яшаётган жойларда ҳали ҳам бу**

"чувлар русча эканлигига нима дейиш мумкин? Ёки бунга ҳам юқоридан буйруқ бериб мажбур қиляп-тими? Ахир, бу кулгили ҳол-ку. Лекин бу кулгининг таги зил. Чунки бу маҳаллий ахолининг миллий ғуру-ри билан ҳисоблашмаслик демакдир. Натижада ҳалқ-да норозилик туғилиши табиий.

Тил ҳақидаги Қонунни изчиллик ва зудлик би-лан амалга ошириш ҳам депутатларнинг муҳим ишларидан биридир. Ҳуллас, ўртокдар, ҳаммамиз мил-лий-маданий масалаларни ҳал этишга кўпроқ эъти-бор беришимиз лозим.

Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги яқин-лашиб қолди. Бу муборак айёмни ҳалқимиз тарихининг энг мўътабар саналари сифатида катта тантана билан эсда қоладиган қилиб нишонлашимиз керак.

**Еттинчидан. Яна бир масалага эътиборингизни жалб қилмоқчиман: айнан мана шу минбардан ту-риб не-не раҳбарлар не-не ваъдаларни бермаган. Афсуски, бу ваъдалар бажарилмай қолган.**

Халқ сайлаган депутат учун шу ҳалқнинг топши-риқларини, ўзининг ҳалққа берган ваъдаларини ба-жаришдек юксак инсоний ва ижтимоий бурч бўлмаса керак. Ҳалқдан ажралиб қолган ҳар бир депутат ўзига юкланган вазифани бошқаларга ошириши ёки «отангга бор, онангга бор» қабилида иш тутиши сира мумкин эмас. Агар улар шундай иш тутса, тезда ҳалқнинг назаридан қолади, демак, у ўз жойини бўша-тиб қўйиши керак, токи бу вазифаларда иш қўлидан келадиган одамлар ишласин.

Имоним комилки, баъзи депутатларга ҳам осон бўлмайди. Лекин энг муҳими, ҳалққа виждон би-лан, ҳалол хизмат қилишни асосий мезон деб би-лиш лозим. Ана шунда бундай депутатнинг

**иши ўнгидан келади, баракали бўлади.**

Бугун биз ҳал этувчи паллада турибмиз. Одамларга осойишталик, ҳар бир хонадонда тинчлик-хо-тиржамлик, ўзаро тотувлик ва тўкин дастурхон бўлиши керак.

Шу оддий инсоний умидларни тезкорлик билан рўёбга чиқаришдан муқаддасроқ бурч йўқ, деб ўйлайман. Бу йўлда биз барча имкониятлардан оқило-на фойдаланишимиз зарур.

Мана шу улуғ ишда сизларга сиҳат-саломатлик, қатъият ва сабот-матонат, баҳт-саодат тилайман.

*Toishkentda СССР, Ўзбекистон ССР,  
маҳаллий советларнинг ҳалқ депутатлари  
ва жамоатчилик вакиллари иштирокида  
1990 йил 24 февраль куни бўлиб ўтган кенгашда  
сўзланган маърузадан*

# ЎЗБЕКИСТОНДА ПРЕЗИДЕНТ ИНСТИТУТИНИНГ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ ТҮҒРИСИДА

... Бугун юзага келган вазиятда Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини таъсис этиш муҳим аҳами-ят касб этмокда.

Бу ерда мен Президент түғрисидаги ва шу муно-сабат билан бошқарувнинг баъзи давлат тузилмала-рини қайта куриш түғрисидаги масала шунчаки ССР Иттифоқи қарорларига тақлид қилиш эмаслигини алоҳида айтиб ўтмоқчи эдим. Республикада якка бошлиқ лавозимининг жорий этилиши Иттифоқ миқёсида бўлганидек, қонунлар ва давлатнинг бош-қа қарорларини ижро этиш омилларини мустаҳкам-лашга, демак, сиёсий, ижтимоий-иктисодий, миллатлараро ва бошқа соҳаларда қайта куриш жараёнла-рини тезлаштиришга кўмаклашиши, шубҳасиздир.

Бинобарин, энг муҳими шундан иборатки, Президент институтининг жорий этилиши — республи-камиз учун суверенитет ва давлатчиликда принцип жиҳатдан янги босқичга ўтилишини билдиради. Чун-ки шунчаки эмас, балки ҳақиқий давлатчилик ҳокимиятнинг бундай тузилмасини қўлга киритиш им-кониятига эга. Республика Президенти Иттифоқ шартномаси ва мамлакат федератив курилишининг янги асосларини ишлаб чикишда муҳим роль ўйна-ши Ўзбекистон ССРнинг иттифоқ федерация кен-гашида муносаб ўрин эгаллашини таъминлаши шубҳасиздир. Шу муносабат билан Ўзбекистон миллий маҳдудликка интиляяпти, деб кимлардир авж олди-раётган шубҳаларга ҳеч қандай асос йўқ, албатта.

Бугун тартиб ва интизомни, энг аввало, бошқа-рувнинг барча даражалари ва жабҳаларида ижро-чилик интизомини мустаҳкамлаш, ижтимоий-икти-садий курилишни ҳамда хўжалик юритиш механизмини қайта куришни тезлаштириш вазифаларини ўз вақтида ҳал этиш масаласи, гражданларнинг хукуқла-рини ҳимоя қилувчи барча давлат муассасаларини назорат этиш ҳам катта аҳамият касб этмокда.

Келинглар, ушбу масалани янги таркибдаги Олий Советнинг биринчи сессиясида қонун лойихалари-ни таклиф қилишни бошлаш нуқтай назаридан му-ҳокама қиласайлик...

*КПСС Марказий Комитетининг 1990 йил февраль ва  
марти пленумларининг якунлари ҳамда КПСС XXVII*

*съездига ва Ўзбекистон Компартияси XXII съездига  
тайёргарлик кўриши юзасидан республика партия  
ташкилотларининг вазифалари тўғрисидаги  
маърузадан*  
*«Совет Ўзбекистони» газетаси,  
1990 йил 24 марта*

## **ХАЛҚ ИРОДАСИ БИЛАН ТАНЛАНГАН ЙЎЛ**

Хурматли депутат ўртоқдар!

Қадрли юртдошлар!

Ҳозиргина республика Олий Совети сессиясининг қарори билан Ўзбекистон тарихида биринчи марта Ўзбекистон ССР Президенти лавозими таъсис этилди ва бу юксак масъулиятли вазифа менга топширилди.

Бу катта ишонч учун ўзимнинг самимий миннат-дорчилигимни билдираман. Мен буни энг аввало ўзбек халқи, Ўзбекистон ССРнинг барча меҳнаткашлари, ишчилар синфи, дәхқонлар, зиёлилар, республикамизда яшовчи ҳамма миллат ва элатлар тақдири учун ўз зиммамга тушган улкан бурч ва жавобгар-лик деб қабул қиласман. Ҳар бир гражданнинг конс-ти туцион ҳукуки ва эркинликларини, республика-мизнинг миллий ва ижтимоий жиҳатдан тобора та-раққий топишини таъминлаш йўлидаги катта масъулият деб тушунаман.

Хабарингиз бор, бир неча кун олдин СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи Съез-дида СССР Президенти лавозимини таъсис этиш тўғрисидаги Қонун қабул қилинди. Бу лавозимга Михаил Сергеевич Горбачев сайланди...

Президент бошқарувини ҳаётнинг ўзи, қайта қуришнинг мантиқи, моҳияти, унинг мураккаб ва зиддиятли жараёнлари тақозо этаяпти. Республикамиз бутун мамлакат сингари бугун оғир, бурилиш даврини бошидан кечиряпти.

Узоқ йиллар давомида йиғилиб қолган миллий-сиё-сий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ривожланиш му-аммолари нихоятда мураккаб ва кескин тус одди. Рес-публикасининг келажаги, халқ тақдири хар бир одамнинг, унинг оиласи турмушининг, Ўзбекистон гражданлари келажак авлодлари ҳаётининг тўқислиги, тинчлик-осо-йишталиги бу муаммоларнинг изчиллик билан ҳал эти-лишига боғлиқдир. Республикамиз олдида турган мана шу ва бошқа бир қатор долзарб масалаларни тубдан ҳал этишда Президент лавозимининг таъсис этилиши янги имкониятлар очади.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти сифатида ўзимнинг асосий вазифала-римни нималардан иборат деб биламан?

**1. Ўзбекистон ССРнинг сиёсий мустақиллигини**

## **мустаҳкамлаш ва янада такомиллаштириш, уни янги ва ҳаётий мазмун билан бойитиши.**

Халқ миллний онгининг ўсиши, мамлакатимизнинг миллний-давлат, ижтимоий-иктисодий ва маънавий ривожланишининг ҳозирги замон даражаси ва ис-тиқболи совет федерациясининг янгиланиши, республика билан ССР Иттифоқи ўртасидаги алоқа ҳамда ваколатларнинг янада аниқрок белгиланиши-ни талаб қиляпти.

Бугунги кунда бошқа иттифоқдрш республикалар қатори Ўзбекистон ССР ҳам мустақил давлат сифати-да ўз территориясида тўла-тўқис давлат ҳокимиятига эга бўлмоғи кераклиги очиқ-ойдин бўлиб турибди.

ССР давлат ҳокимиятининг олий органлари ихтиёрига ўз хоҳиши ва тегишли ўзаро келишув бўйича берилган ваколатлар, албаттa бундан истис-нодир.

Президент сифатида мен республикамиз ўзига те-гишли масалаларнинг барчасини ўзи мустақил ҳал қилиши керак, деб ўйлайман.

Булар — меҳнат ресурсларидан, табиий ва мине-рал ҳом ашё бойикларидан мустақил ва оқилона фой-даланиш, ўз территориясида иктисодий ва ижтимо-ий-маданий тараққиётни комплекс равишда ривож-лантириш, ССР Иттифоқи қарамоғидаги корхона, муассаса ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаш-тириш ва назорат қилиш, меҳнат хавфсизлигини, ат-роф-муҳит муҳофазасини, аҳолининг эҳтиёжларини таъминлаш масалаларидир...

Ўзбекистон ССР мустақил ва teng ҳукуқли рес-публика сифатида бошқа республикалар билан сиё-сий, иктисодий, илмий ва маданий алоқаларни ўзаро эркин ҳал қиласди. Бу алоқаларни дўстлик ва ҳамкорлик, ўзаро хурмат ва тотув қўшничилик муносабатлари асосида янада мустаҳкамлаб бораверади.

Ўрта Осиё ва Қозогистон ҳалқлари ўртасидаги асрий биродарлик, дўстона муносабатларни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Тарихимизнинг, тақдиримизнинг бирлиги, тили-миз, маданий-маънавий анъаналаримиз ўхшашли-ги, яқин қўшничилик ва қариндошлик алоқалари рес-публикаларимиз ҳамкорлигини янада кенгайтириш имкониятини беради.

Миллний давлат курилиши соҳасидаги миллатлар-аро алоқаларни яхшилаш, гражданларнинг қайси мил-лат вакили эканлигидан, тили

ва диний эътиқодидан қатъи назар, уларнинг хуқук ва эркинликларини таъминлаш биринчи даражали аҳамият касб этади.

Ўзбек тилининг давлат тили эканлиги ҳақидаги қонунни изчил амалга ошириш билан бирга, Ўзбе-қистонда яшовчи барча миллат вакилларига ўз тилларида бемалол гаплашиш, уларнинг миллий-маданий эҳтиёжларини кондириш ва бутун аҳолига мил-латлараро мулоқот тили бўлган рус тилидан эркин фойдаланиш имкониятларини ҳам таъминлаш зарур. Бу масалалар Қорақалпоғистон Автоном Республикасига ҳам тўла тааллуклидир. Минтақамизда ягона бўлган автоном республиканинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш, унинг миллий давлат ва хуқуқий мақомини барқарор қилиш шунга боғ-лиқдир.

Энг муҳими — республикада яшовчи барча мил-лат ва ҳалқлар вакиллари ўртасида ўзаро хурмат ва дўстона муносабатларни сакдаб қолиш ва кучайти-ришдир.

Бу — республикада тинчлик ва осойишталикни, одамларнинг тақдирни, бутун мамлакатимизнинг бу-гуни ва келажаги барқарорлигини таъминлашда ҳал қилувчи вазифадир.

Ўтган йили Фарғона вилоятида, яқинда Тошкент ви-лоятининг айрим районларида бўлиб ўтган фожиали воқеалар миллатлараро муносабатларнинг бузилиши, кескинлашуви нималарга олиб келишини рўйирост кўрсатди.

Бу ҳолни факат вабодай юқумли касаллик билан қиёслаш мумкин. Бегуноҳ одамлар қурбон бўлмас-лиги, ҳамма ёққа ўт кетмаслиги учун бунинг олди-ни олиш зарур.

Шунинг учун ССР ва Ўзбекистон ССР Консти-туцияларига, ўзбек ҳалқининг олижаноб инсоний фа-зилатларига таяниб, ҳар бир одамнинг қадр-қимма-тини, ҳак-хуқуқини ҳимоя қилувчи, миллий адоват ва зўравонликни ман этадиган қонунларга қатъий риоя қилишни ўзимнинг муқаддас бурчим деб биламан.

Бу қонунларга риоя қилмаслик ҳар бир киши учун ~ инсоният олдида, энг аввало, ўз ҳалқи олди-да оғир жиноят деб ҳисоблайман.

Бу — одамларнинг инсоний ҳак-хуқуқларига та-жовуз, мамлакат ва дунё жамоатчилиги кўз ўнгига ҳалқимизнинг обрўсини тўкиш демакдир.

Бунга йўл қўйишга, азиз ўртоқлар, сиз билан бизнинг мутлако ҳаққимиз йўқ.

Ўзбек халқи асрлар давомида барча халқлар билан иноқ яшаган, дўстона ҳамкорликда бўлган, инсонпар-варлиги, меҳнатсеварлиги, меҳмондўстлиги, меҳр-оқибати, холис ёрдам учун доим тайёргани билан бош-қа қардош халқдарнинг хурмат-эътиборини қозонган, таҳсинга сазовор бўлган. Унинг мана шундай олижаноб шаънига ҳеч кимнинг дод туширишига йўл қўимаслигимиз керак.

**2. Президент бошқарувининг муҳим вазифала-ридан бири республиканинг иқтисодий мустақил-лигини, ўзини ўзи идора килишга ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтишини таъминлашдир.** Мазкур сессияда халқ депутатлари Ўзбекистон ССР иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг асосий йўналишлари белгиланган хукумат программасини муҳокама қилиб тасдиқлашлари керак.

Республикамизнинг сўзда эмас, амалда иқтисо-дий мустақиллигини белгиловчи айrim энг аҳами-ятли масалаларга тўхтаб ўтмоқчиман. Улар партия ва Совет ҳокимиятининг асосий мақсади бўлган халқ фаровонлигини ошириш йўлидаги мураккаб, чигал муаммоларнинг ҳал қилиниши билан боғлиқдир.

Улардан биринчиси халқ хўжалиги комплексини тубдан қайта куришдир. Хом ашё етиширишдан халқ учун зарур бўлган тайёр товарлар ишлаб чиқаришга ўтиш. Бу билан республикада яратилаётган ялпи маҳсулот ва миллий даромадни иддам суръатларда ўсти-ришни таъминлаш.

Ўзбекистон табиий ва хом ашё ресурсларига бой Буларнинг ҳаммаси — ер, сув, ўрмон ва ер ости бой-ликлари — республиканинг ажralмас мулки бўли-ши керак. Лекин ана шу табиий бойликлардан ўйла-май-нетмай фойдаланиб, тез ўсиб бораётган аҳолининг эҳтиёжларини қондириш мумкин деган ўртоқлар хато қиласи.

Ҳар қандай табиий бойликтининг чегараси бор. У бир кун эмас бир кун тамом бўлади. Уни қайта тиклаб бўлмайди. У бизга отабоболаримиздан қолган мерос-гина эмас, балки биз авайлаб-асраб, янада ошириб, келажак авлодларга етказиб беришимиз керак бўлган омонат ҳамдир.

Дунё тажрибаси пгуни кўрсатиб турибдики, би-ронта мамлакат ё халқ ўз фаровонлигини факат хом ашё сотиб таъминлай олмайди. Газ ёки металл, пах-та ёки пилла сотиб маълум вактгагина бойлик ортириш мумкин. Лекин бунака иқтисоднинг истик-боли йўқ.

Ҳақиқий ободончиликка, фаровонликка факат та-биат инъомларидан оқилона фойдаланиб, уларнинг қийматини янада оширадиган юқори унумли, мала-кали меҳнат билан эришиш мумкин.

Шунинг учун биз танлаган бош йўл — республи-канинг барча табиий бойликларини — пахта, металлар, пилла, газ, мева-сабзавот ва бошқа маҳсулотларни қайта ишлашни кўпайтириш.

Бу вазифани фан-техника ютуқларига асосланган сермехнат ишлаб чиқаришни, малакали мутахассисларнинг, меҳнаткашларнинг барча табака вакиллари савиясининг ўсишини таъминламасдан бажарип бўлмайди.

Шу билан бир каторда, экономикамиз бошқарув ва хўжалик юритишнинг, мулкчилик ва товар-бозор ӯносабатларининг турли хил янги усусларига ўтиши муҳим аҳамиятга молик.

Халқ хўжалиги структурасини тубдан ўзgartириш билан катта сиёсий, ижтимоий, иқтисодий муаммо — аҳолини мунтазам равища иш жойлари ва етарли иш ҳақи билан таъминлаш масаласига боғлиқдир.

Бу вазифа шу қадар кескин турибдики, биз уни ҳал қилиш учун бир эмас, бир неча йўллардан, бир-икки имконият эмас, бор имкониятларнинг барча-сидан фойдаланишимиз зарур.

Халқ ҳаётининг ўзига хос тарихий, миллий хусу-сиятларидан келиб чиқиб анъанавий ишлаб чиқа-ришни, халқ амалий санъати ва хунармандчилик кор-хоналарини кўпайтириш лозим.

Район марказларида, қишлоқларда қишлоқ хўжа-лиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари-ни, филиал ва цехларни куриш, уларда меҳнатни турлича ташкил қилиш — қисқартирилган иш куни ва хафтаси, уйда ишлаш каби усуслардан кенг фой-даланиш керак. Ва ниҳоят, илмий-техник тараққи-ётнинг бугунги даражасига жавоб берадиган иш-лаб чиқаришни ривожлантириш. Бусиз аҳолининг иш билан бандигини ҳам, умуман олганда эса мил-лий ва ижтимоий тараққиётни ҳам таъминлаб бўлмайди.

Айтиб ўтилган ва бўлак ишларни мамлакатнинг бошқа республикалари ва иқтисодий районлари, чет эллар билан ўзаро фойдали иқтисодий, илмий-тех-ник ва маданий алоқаларсиз ҳал этиш қийин.

Иқтисодий мустақиллик — ўз ёғида қовурилиш, ўз қобиғида қолиб кетиш эмас. Бу — умуминсоният тажрибасига зид ҳодиса.

Иқтисодий мустақиллик — республикамизнинг та-биий, иқтисодий, демографик (аҳолининг кўплиги) каби ва бошқа имкониятларидан халқ хаётининг рав-нақи учун тенг хукуқлилик асосида ўзаро фойдалари ҳамкорликни ривожлантириш учун иложи борича кенгрок фойдаланишдир.

**3. Мехнаткашларнинг, аҳолининг ҳамма табақалари фаровонлигини ошириш, одамларнинг талаб-эҳтиёжларини қондириш, ижтимоий соҳани тез суръ-атлар билан ривожлантириш - республиканинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органларидан, шахсан мендан, Ўзбекистон ССР Президентидан доимий эъти-бор талаб қиласиган вазифадир.**

Республикамиз жон бошига даромад, озиқ-овқат ва ҳар кунлик эҳтиёж моллари истеъмол қилиш, уй-жой, халқ таълими, соғлиқни саклаш, савдо, социал-маший ва маданият тармоқлари бўйича Иттифоқда охирги ўринларда турибди.

Кулай иқлим шароитларига ва ноёб табиий бой-ликларга эга, СССРда энг йирик республикалардан бири шу даражада бўлишига чек қўймоқ керак.

Орол муаммоси Қорақалпоғистон АССР, умуман Ўзбекистон, бутун Ўрта Осиё региони фожиасига айланди. Табиат муҳофазасини ва санитария ахво-лини яхшилаш борасида кескин чоралар қўришимиз керак.

**Биринчи навбатда инсон, унинг эҳтиёж ва та-лаблари, жисмоний ва маънавий юксалиши рес-публикада бўлажак миллий-давлат ва ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг марказида бўлиши шарт.**

Хабарингиз бор, бу борада биринчи жиддий қадамлар қўйилди. Қишлоқ аҳолисига шахсий хўжа-ликларни кенгайтириш ва уй-жой куриш учун қўшимча ер ва маблағ ажратилмоқда, қурилиш материаллари билан ёрдам берилмоқда. Ўтган йилдан бошлаб пахта теримига қўшимча ҳак тўланяпти ва бундан буён бу маблағлар икки баробардан қўпроқ ошади.

Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархини ошириш тўғрисидаги масала мамлакатимиз хукумати олдига қўйилди ва охиригача ҳал этилди. Республикамиз пойтахти Тошкент, бир қатор вилоят марказлари ва шаҳарларнинг хўжалигини яхши-лаш ва қайта куриш, қишлоқларнинг социал ахво-лини такомиллаштириш бўйича

қабул қилинган ва белгиланган тадбирлар амалга оширилаяпти.

**Бошланғич синфлардаги ўқувчиларга бепул ов-қат, ҳомиладор бемор аёлларни қўшимча, юқори си-фатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш жорий этилди.**

Ветеранларнинг нафақасини ошириш, ногирон ва ёлғиз қолган қариялар уй-интернатларининг шароитларини яхшилаш учун қўшимча маблағ сарф этил-япти. Ётоқхоналарда жой танқислигидан шахсий уйларда ижарада яшаётган талабаларга моддий ёрдам берилмоқда.

Ҳали инсонларнинг ҳаётини яхшилаш борасида-ги катта режалар, умидбахш тадбирлар кўп. Улар Ўзбекистон Компартиясининг сайловолди харакат дастурида баён этилган.

**Ўзбекистон ССР Президенти сифатида республикамиизда одамлар ҳаётининг тўқислиги учун бар-ча шароитларни яратиш бўйича қабул қилинаётган ижтимоий программаларни бекаму кўст амал-га оширишни ўзимнинг асосий вазифам деб биламан.**

Бунинг учун аҳолининг барча табақаларига озиқ-овқат маҳсулоти ва товар таъминотини яхшилаш, қашшоқ оиласарнинг даромадини кўтариш лозим. Шунингдек, ёшлиаримиз ва кексаларимиз, аёллари-миз тўғрисида ғамхўрлик қилишимиз керак.

Барча аҳоли пунктларини сифатли ичимлик сув ва газ билан таъминлаш, атроф-муҳитни соғломлаш-тириш ва ижтимоий вазиятни яхшилашимиз зарур. Менинг фикримча, республика халқ депутатлари Олий ва маҳаллий Советларининг, ҳамма совет, давлат, хўжалик идораларининг, жамоат ташкилотла-рининг, меҳнат коллективларининг фаолияти энг аввало ана шу мақсадларга қаратилмоғи ниҳоятда муҳимдир.

Турмуш шароитлари ночор бўлиб турган бир пайт-да ноинсофлик, давлат ва халқ мулкига хиёнат, чай-қовчилик, жиноятчилик ва бошқа иллатларга қарши шафқатсиз кураш — бугунги куннинг долзарб тала-бидир.

Одамларнинг ҳаётига, пешона тери билан топган мол-мулкига чангал солаётган имонсиз кимсаларга қарши мен Президент сифатида халқнинг иродаси-га таяниб, аёвсиз чоралар кўраман. Қонунчилик бар-қарор бўлиши учун менга берилган ҳокимиятнинг барча имкониятларини ишга соламан.

#### **4. Президент фаолиятиниши, республика партия, совет, давлат**

**ташкилотларининг мухим вазифаларидан бири ҳалқни маънавий юксалтириш, инсоннинг ахлоқий ва жисмоний такомилидир.**

Бу масалалар алоҳида қунт ва саботни, кишиларга нисбатан алоҳида эътибор ва ғамхўрликни талаб қиласди.

Инсон ҳаётининг бу нозик ва мураккаб томонла-ри билан, ҳазиналарга тўла миллий-тарихий анъа-налар билан, умуминсоний маънавий бойликлар би-лан ҳисоблашмаслик жамиятимизга қанчадан-қанча зарар келтирди. Бинобарин, бу камчиликларни тузатиш учун жуда катта меҳнат қилишимиз керак. Асосий ишларимиз нималардан иборат бўлиши керак?

Биринчи навбатда миллий маданиятимиз, ҳалқ маънавий бойлигининг илдизларига эътибор бериш лозим. Бу ҳазина асрлар давомида мисқоллаб тўпланган. Тарихнинг не-не синовларидан ўтган. Инсонларга оғир дамда мадад бўлган.

Бизнинг вазифамиз — шу ҳазинани кўз қорачи-ғидек асраш ва янада бойитиш.

Сўзда эмас, амалда ҳар бир кишининг виждан эр-кинлигини, эътиқодининг эркинлигини таъминлаши-миз керак. Мен Президент сифатида одамларнинг маънавий тарбияси, тинчлик ва хайрли ишлар мак-садида харакат қилаётган ҳар бир кишини қўллаб-кувватлайман, у билан ҳамкорлик қиласман.

Масаланинг бошқа томони — маърифат ва маданиятнинг моддий-техник базасини мустаҳкам-лаш. Инсоннинг тўлақонли ҳаёти учун ниҳоятда за-рур бўлган мактаблар, кутубхоналар, театр ва бош-қа маданият ўчоқларини кўпайтириш, уларнинг ша-роитларини яхшилаш.

Биз кўп йиллар давомида маърифат-маданиятга нотўғри муносабатда бўлдик. Унга сарфланаётган маблағлар доим бошқа соҳалардан кам бўлди. Нати-жада биз бу масалада кечириб бўлмас даражада ор-қада колиб кетдик.

Барча планларимиз маданият, маърифат, жисмо-ний тарбия ва спорт биринчи даражали вазифалар қаторидан ўрин олиши лозим.

Ва ниҳоят, шу соҳаларда ишлаётган кадрлар ма-саласи. Ўқитувчилар ва шифокорлар, маданий-оқартув муассасаларидағи ва бошқа соҳалардаги кўплаб мутахассислар — чинакам зиёлилардир.

Айниқса, олимлар ва ижодкор ходимларимизга эътиборни кучайтириш керак. Маънавий бойликлар-ни улар яратади. Уларга

ғамхўрлик қилиш, самарали фаолиятлари учун барча зарур моддий-маънавий шароитларни яратиб бериш давлат ҳокимияти ва хўжалик ташкилотлари раҳбарларининг бурчи ва масъулиятли вазифасидир.

Ўртоқлар, яна бир долзарб вазифа ўсиб келаётган авлодга, унинг маънавий тарбиясига ниҳоятда катта жавобгарлик ҳисси билан ёндашиш масаласи. Ахир ёшлар халқ маънавиятининг — хам маҳсули, ҳам келажаги.

Шунинг учун ҳар бир ўғил-қизимиз дастлабки қадамларидан бошлаб маданий бойликларимиздан баҳраманд бўлиши керак.

Истеъдодли ёшларимизнинг, йигит-қизларимизнинг ўз қизиққан соҳаларида етук инсонлар бўлиб етишишлари учун тегишли шарт-шароитлар ҳали тўла яратилгани йўқ.

Ўзимизнинг маънавий бурчимиизни оқлашни ис-тасак, уларга оталарча ғамхўрлик қилишимиз керак. Ана шу мақсадда биз уларнинг мамлакатимиз ва чет эллардаги энг нуфузли илмий марказларда таълим олишлари учун маблағлар ажратдик.

Бу ишлар учун ҳеч нарсани, шу жумладан, валю-тани хам аямаймиз. Ишончим комил, бу тадбирлар-ни сиз депутатларимиз ҳам, халқимиз ҳам кўллаб-қувватлайсизлар.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза бор, ўртоқлар. Ёшла-римизни, айниқса, қарияларимизни уларнинг иззат-нафсига тегадиган айrim номаъкул ҳоллардан асра-шимиз керак.

Санъатда ошкораликни пеш қилиб телевизор, кино экранларида, матбуот воситаларида бўлмағур лавҳаларни акс эттириш, бемаънилил ва ҳаёсизликни, баъзан эса, ҳатто ахлоқий бузуқликни тарғиб қилишлар кўпайиб қолди.

Депутатларнинг ва Президентнинг ваколатлари жа-миятимизнинг инсонийлик ва ахлоқий ақидаларини поймол қилувчи ана шу тажовузкорликка қаттиқ қарши туришга имконият беради, деб ўйлайман. Бу тадбир халққа ҳам маъкул бўлади, деб ишонаман.

**5. Юқорида қайд этилган вазифаларни фақат де-мократияни, ҳуқуққа асосланган давлат қурили-шини ривожлантириб, тартиб ва интизомни мус-таҳкамлаб ва ниҳоят, республиканинг миллий-ижтимоий тараққиёти йўлида барча соғлом кучларни бирлаштирибгина ҳал қилиш мумкин...**

Ўзбекистон ССР Олий Совети комиссиялари ва бутун депутатлар корпуси ҳамкорлигига таяниб мамлакатимизда, республикамиизда

хуқуқий давлат шаклланиши, қонун ҳурмат қилиниши ва унга риоя этилиши учун мен қатъият билан иш олиб бораман. Шахсга сифиниш йилларида ҳам, яқин ўтмишда ҳам йўл қўйилган қонунбузарликлардан, зўравонликлардан қўп азият чеккан республикамиз, халқимиз учун бу жуда ҳам мухимdir.

Республикамиз ҳар бир гражданинг хуқуки ва кадр-қимматини ҳар қандай тажовуздан, у қаерда ва ким томонидан қилинишидан катъи назар, қаттиқ туриб ҳимоя қилишга сўз бераман.

Демократияни янада ривожлантиришни Прези-дент бошқарувининг асосий вазифаларидан бири деб биламан. Шу билан бир қаторда, демократия — бе-бошлиқ, ошкоралик эса — оғзига келганини гапи-риш эмаслигини ҳам очиқ айтиб қўймоқчиман.

Жиноятчиликнинг кўпайиб бораётгани, жамият-га қарши кучларнинг вазиятни кескинлаштиришга уринишидан, миллый адоватни кучайтириб, омма-вий тартибсизликлар келтириб чиқараётганидан ҳал-қимиз қанчалик ташвишда эканлигини ҳаммангиз яхши биласиз.

Бунинг оқибатида, қандай фожиалар юз бераётгани, ҳалқ қанчадан-қанча моддий ва маънавий за-рар кўраётганидан ҳам хабардорсиз. Шунинг учун ҳалқимизнинг, барча миллат вакилларининг хоҳи-шига, иродасига амал қилиб, давлатимизнинг, жа-миятимизнинг сиёсий-маънавий асосларига қарши бўлган ҳар қандай уринишларга чек қўйиш, гражданларнинг ор-номусини ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш, тартиб ва интизомни мустаҳкамлаш учун сизлар билан биргаликда қатъий ҳаракат қиласиз.

Бугунги мураккаб, ҳал этувчи бир вақтда барча соғлом кучларимиз ҳар қачонгидан ҳам жипсроқ, ҳамжиҳат, бир тан, бир жон бўлиши зарур...

Яна бир марта сизларни Ўзбекистон ССР Прези-денти лавозимини ўзимнинг ҳалқ олдидаги, респуб-лика олдидаги бурчим, масъулиятим деб ҳисобла-шимга ва жонажон Ўзбекистонимизнинг, буюк ҳал-қимизнинг янада фаровон ҳаёти учун бор кучимни сарфлайман, деб ишонтиришга руҳсат бергайсизлар.

*Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР  
Олий Советининг 1990 йил 24 марта бўлиб ўтган  
биринчи сессиясида сўзланган нутқдан*

## **ЎТМИШДАН САБОҚ ЧИКАРИБ, КЕЛАЖАККА ИШОНЧ БИЛАН**

Хурматли ўртодар!

Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди ўз иши-ни мураккаб, кескин, айтиш мумкинки, инқирозли вазиятда бошламоқда. Унинг мухокамасига шундай масалалар қўйилмоқдаки, республиканинг, республикана партия ташкилотининг ҳозирги ахволи ва ке-ларажаги, қолаверса, бутун мамлакатнинг ҳозирги ахволи ва келажаги ҳам шу масалаларнинг хал эти-лишига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Республика меҳнаткашлари бугунги кунда ҳаммани безовта қилиб турган, жуда ўткир муаммоларга жавоб кутмокда.

**Ижтимоий-сиёсий** соҳада рўй бераётган жара-ёнлар ҳаммани ташвишга солмокда. Қайта куриш туфайли юзага келган демократия ва ошкоралик анархия ва сафсатабозликдан етарлича ҳимоя қилинган эмас...

Интизом ва тартиб кўнгилдагидек эмас, жино-ятчилик кўпаймоқда, одамларнинг шахсий хавфсиз-лиги, хукуклари ва қадркиммати кафолатлари бу-зилмоқда.

**Ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларнинг** ахволи ёмонлашиб бормоқда. Меҳнат унумдорлиги, миллий даромад пасаймоқда. Эҳтиёж буюмлари ва керакли хизматлар билан таъминланмаган иш ха-қининг ўсиши пулнинг қадрсизланишини кучайтирилмоқда. Чайқовчилик, порахўрлик, хуфиёна иқтисо-диёт кенг ёйилмоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси одамларнинг, айниқса, кам даромадли аҳоли таба-қаларининг турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатяпти.

**Маданий-маънавий** турмушда қадрсизланиш рўй бермоқда: омма сиёсатга кўпроқ қизиқиб, унинг фа-оллиги ошиб бориши билан бирга, жамиятнинг гоявий ва ахлоқий негизларини бузишга, умуминсоний қоидалар ва миллий қадриятларни менсимас-ликка уриниш ҳоллари кам эмас.

Ижтимоий ва миллатлараро можаролар қалтис тус олди. Болтиқбўйидаги, Кавказортидаги вазият буни очиқ-ойдин кўрсатиб туриди. Бу жойлардаги во-кеалар гражданлар уруши холатига

хатарли равиш-да яқинлашиб қолди...

Мамлакатнинг барча жойларида бўлгани каби рес-публикамиз меҳнаткашлари ҳам мана шу **бузғунчи-лик жараёнларидан ташвишга тушмоқдалар**: хўш, жамиятимиз қаёққа қараб бораяпти? Бу салбий ходи-салар наҳотки қайта қуришнинг муқаррар натижа-си, йўлдоши бўлса? Ёки бу нарса сиёсий раҳбар-лиқдаги хатолар, ислоҳотларнинг аниқ режаси йўқли-ги оқибатларини пайқаш ва уларнинг олдини олиш мумкинлигидан гумонсираш сабабли эмасмикан? Бу салбий жараёнлар наҳотки хатарли томонга қараб бораверса?..

Биз **Ўзбекистон ССРнинг ҳақиқий сиёсий суве-ренитети, иқтисодий мустақиллигини таъминлашга қаратилган йўлларини ва амалий ҳаракатларни белгилаб олишимиз керак...**

### I. Ўтмишнинг асосий сабоқлари

Биз ўз тарихимизни йўққа чиқара олмаймиз. Бу тарихимизда ҳам қаҳрамонона, ҳам фожиали са-ҳифалар кўп бўлди. Ахир, кекса авлодларнинг, ота-боболаримизнинг кураши ва меҳнатини инкор этиб бўладими? Улар ярим феодал ҳолидаги қолоқ мам-лакатни ижтимоий ва илмий-техникавий жиҳатдан тараккӣ этган замонавий даражага кўтардилар. Бу аниқ-равшан далилни ҳеч ким рад қила олмайди.

Айни вақтда социалистик қурилишнинг кўпгина босқичларида кўпол хатолар ва бузилишларга йўл қўйилганини ҳам ҳеч ким, ҳеч нарса шубҳа остига қўя олмайди.

Бу хато ва жиноятларнинг илдизлари ўтмишга бо-риб тақалади. Шахсга сифиниш йилларида, турғун-лик йилларида нотўғри йўл-йўриклар, мақсадлар ва уларга эришиш йўллари бутунлай бузиб, соҳталаш-тириб юборилди. Асосиз равишда қилинган омма-вий қатағонларни, колективлаштириш ва саноат-лаштириш даврида турмушнинг асосий негизлари шафқатсизлик билан барбод қилингани, халқларнинг маънавий қадрият ва анъаналари қалбакилаштирилгани, айrim кишилар пулга сотилиб, айниб кетгани-лиги, ижтимоий-иктисодий инқирозга учраган одамлар халқнинг энг зарур эҳтиёжлари ва ҳаётий та-лабларини писанд қилмай қўйганликларини кўрса-түвчи тобора янги-янги даҳшатли мисоллар ҳозир маълум бўлиб қолмоқда.

Бундай салбий ҳодисалар барча музофотларда, ҳамма республикаларда содир бўлган, бундан барча халқлар азоб тортган

эди. Салбий ҳодисалар қаерда кўпроқ, қаерда камроқ содир бўлганини хисоблаш — одамларнинг қайғу ва аламига туз сепиш демакдир. Бу хунук сиёсий ўйиндир.

**Биз ўтмишдаги ҳамма бузилишлар, хато ва жи-нояларни қатъян қоралаймиз ва улардан кескин воз кечамиз.** Биз ўтмишимизни ва ҳозирги кунимиз-ни ҳаққоний, холисона танқидий таҳлил этишнинг қатъий тарафдоримиз. Биз босмачилик ҳаракати ҳақида бўлсин, колективлаштириш, репрессиялар, турғунлик даврига оид бузилишлар ҳақида бўлсин — «оқ доғ»ларнинг бутунлай тугатилиши тарафдоримиз. Аммо, албатта ҳар бир воқеани, аниқ тарихий шароит-ни хисобга олиб, бизнинг тарихимиз, ундаги ҳар бир қадам, кекса авлодларнинг пешона тери билан ва қони билан сугорилганини назарда тутиб шундай килиши-миз керак. Ўтмишимизни бошдан-оёқ қоралаш ота-боболаримиз хотираси олдида, фарзандларимиз ва на-биralаримизнинг маънавий тарбияси олдида кечи-рилмас хато бўлур эди.

Энг муҳим вазифа — республиканинг ҳозирги ҳаётига халақит берәётган хато ва бузилишларни аниқлаб олишдан иборат. Ахволни тузатиш йўлида амалий ҳаракат дастурини ишлаб чиқишдан иборат. Миллий давлат, ижтимоий-иктисодий ва маънавий тараққиётнинг барча энг ўтқир муаммоларини ҳал этишдан иборат.

## **II. Республикализнинг ижтимоийиқтисодий аҳволи**

Шу нарса шак-шубҳасиз ва очик-ойдиндирки, республика барча асосий иқтисодий ва ижтимоий қўрсаткичлар бўйича Иттифоқдаги ўртacha даражадан ҳам анча орқада бўлиб, мамлакатда охирги ўринлардан бирида турибди. Биз бу рақамларни илгари ҳам неча марталаб айтганмиз, аммо бугун уларни яна бир бор идрок этмоқ керак. Ўзбекистон киши бошига ялпи ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича мамлакатда 12-ўринда турибди, аҳоли жон бошига миллий даромад ишлаб чиқариш бўйича кўрсаткич эса Иттифоқдаги ўртacha даражадан икки

хисса паст.

Саноатдаги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан рес-публика мамлакатдан 40 фоиз, қишлоқ хўжалиги-даги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан эса икки ба-робар орқада қолмоқда. Республикада аҳоли жон бошига ҳалқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ўртacha Иттифоқ даражасининг атиги 40 фоизини ташкил этади. Биз даромад даражаси

жихатидан, асосий турдаги маҳсулотларни истеъмол қилиш жихатидан иттифоқдош республикалар орасида энг охирги ўринлардан бирида турибмиз.

Ўзбекистон аҳолиси ўрта ҳисобда гўшт маҳсу-лотларини, сут ва сут маҳсулотларини, тухумни, уму-ман мамлакат аҳолисига нисбатан икки баробар кам истеъмол қилмоқда. Ойига ўрта ҳисобда 75 сўмдан камроқ ялпи даромад оладиган аҳолининг улуши мамлакатда 12 фоиздан сал кўпроқ бўлса, бизнинг республикамизда 45 фоизга боради. Бир миллионга яқин киши ижтимоий ишлаб чиқаришда ўзининг кўлидан келадиган ишни топа олмаяпти.

Ижтимоий инфраструктура тармоқлари: соғлик-ни сақлаш, халқ таълими, мактабгача болалар муас-сасалари жуда оғир ахволга тушиб қолган. Мактаб ва касалхоналарнинг 60 фоизи нобоп биноларда жойлаштирилганини айтишнинг ўзи кифоя. Жуда ўткир иқтисодий ва ижтимоий муаммолар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Буни аввало шундан кўрса бўладики, инсоннинг ҳар томонлама уйғун камол топиши, унинг шахс сифатида маънавий ривожла-ниши бир ёқда турсин, кўпинча яшаш учун керак бўлган энг оддий нарсалар хам етишмаяпти.

Бундай ахвол вужудга келганининг боиси нима-да?

Шу қадар катта бойликларга, ишлаб чиқариш ва фан-техника имкониятларига, қулай табиий-икклим шароитларига эга бўлган республикамиз, асосий иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича мамлакатда охирги ўринлардан бирига — ҳақли равиш-да танг ҳолат, деб аталган ахволга тушиб қолганининг сабаби нимада?

Республиканинг тақдири, унинг келажаги учун қайгураётган, ёш авлод тақдири учун қуюнаётган соғлом фикрли ҳар бир киши хозир ўзига ўзи шу саволни бермокда.

**Назаримда, бунинг жавоби шундай бўлмоғи ке-рак: 30-йилларнинг бошларида иқтисодиётга раҳ-барлик қилишнинг маъмуриятчилик, буйруқбоз-лик усуллари ғалаба қозониб, Ўзбекистонни, унинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришга яроқсиз ёндашувлар тобора қарор топиб борди. Хўш, бу иллатлар нималарда намоён бўлди? Аввало шундаки, бизнинг республикамиз асосан хом ашё базаси, саноат министрликлари**

**ва идораларининг мўмай хом ашё манбаи деб ҳисобланар эди. Ўлканинг маҳаллий, ижтимоий- иқтисодий хусусиятларига**

**баъзан етарлича, баъ-зан мутлақо баҳо берилмади, баъзан эса бу хусу- сиятлар писанд ҳам қилинмади.** Иқтисодий ва ижтимоий соҳани комплекс, жадал ривожлантиришнинг, умумиттифоқ меҳнат тақсимотида Ўзбекис-тон ССРнинг мавқеи ва ўрнини ўзгартиришнинг муқобил йўллари эътиборга олинмади.

Келинглар, республикамиз умумиттифоқ меҳнат тақсимотида қандай ўринда турганини, қайси қўрсат-кичлар бўйича олдинги марраларга силжиганини бир кўздан кечирайлик. Биз республикамизда 1500 йирик ишлаб чиқариш бирлашмаси ва корхонаси ишлаб тургани ҳақида, революциядан аввал бир йил давомида ҳосил қилинган микдордаги электр энергия ҳозир тўрт кунда ишлаб чиқарилаётгани ҳақида хамиша фахр-ланиб гапирав эдик. Биз газ қазиб олиш соҳасида мамлакатда тўртинчи ўринда турибмиз. Кишлок ҳўжа-лигимиз мамлакатдаги пахтанинг учдан икки қисми-ни, қоракўл терининг учдан бир қисмидан кўпроғи-ни, пилланинг 60 фоизидан зиёдини, кўп микдордаги каноп, мева, узум, сабзавот ва полиз маҳсулотларини етиштириб бермоқда.

Минг киши ҳисобига тўғри келадиган талабалар сони жиҳатидан Ўзбекистон кўпгина ривожланган мамлакатлардан олдинда турибди.

Бу хуросалар мўътабар минбарлардан туриб, дис-сертациялардай рапортларда ва маълумотномаларда кўп тақрорланган. Хўш, бу гапларнинг заминида қан-дай маъно бор? **Иқтисодиётимиз бир ёклама тарз-да, фақат ҳом ашё етиштирадиган ҳолга тушиб қолганини ва комплекс ривожланиш йўлига, аҳоли эҳтиёжларини қондиришга ўтказилмаганини қайд этишга тўғри келади.** Саноатда тайёр маҳсулотнинг улуши бор-йўғи 50 фоизни ташкил этади, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотининг 80 фоиздан кўпроғи мут-лақо қайта ишланмасдан республика ташқариси-га чиқарилмоқда. Республикадан олиб кетилаётган маҳсулотнинг учдан икки қисми ҳом ашё, ма-териаллар ва чала тайёр маҳсулотлар эканлигининг ўзи ижтимоий ишлаб чиқариш тузилишидаги чу-кур номутаносибликлардан дарак беради.

**Республикага келтирилаётган товарларнинг 60 фоизи эса машиналар, асбоб-ускуналар, енгил са-ноат ва озиқ-овқат саноати маҳсулотларидир.**

**Ғалати бир вазият вужудга келмоқда.** Респуб-лика жуда қимматли ҳом ашё - пахта, нитрон, капролактам ишлаб

чиқараётган бир пайтда улар-ни қайта ишлашдаги саёзлик, технология занжи-ри ниҳоясига етказилмаганлиги оқибатида айни шу хом ашёдан ишлаб чиқариладиган газлама, сунъий тола ва тайёр маҳсулотларни четдан кел-тиришга мажбур бўлмоқда.

Ҳисоб-китобларга қараганда, кўп маблаг сарф-ламасдан, корхоналарни бирмунча ўзгартириб, тай-ёр маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мум-кин бўлур эди. Ана шунда материал ва товар таъ-миноти молиявий имкониятларни қидириб топиш масалалари бу қадар кескинлашмаган бўлур эди.

Кейинги ўн йилликлар мобайнида иқтисодиётни ривожлантиришда хом ашё ва чала тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган ва четга юборадиган, меҳ-натни нисбатан камроқ талаб қиласидиган хом ашё тармоқлари устун деб ҳисобланди. Натижада ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида енгил саноатнинг улуши кейинги 50 йил ичida 54 фоиздан 37 фоизга, озиқ-овқат саноатининг улуши 30 фоиздан 14 фоизга тушиб қолди. Бунинг ўрнига ёқилғи саноати, химия ва нефть химияси, қора ва рангли металлургия, яъни хом ашё тармоқларининг улуши анча қўпайди. Айни вактда машинасозликнинг улуши шу йилларда атиги 7 кўрсаткичга қўпайди ва ҳозирги вактда атиги 16 фоизни ташкил этади.

Бу тармоқларнинг жадал ривожланиши эса меҳ-натга лаёқатли аҳолини ишлаб чиқаришга жалб этиш вазифасини ҳал қилмади, ҳал эта олмас ҳам эди.

Чунки 1 миллион сўмлик асосий ишлаб чиқариш фондларига ёқилғи саноати ва электр энергетикада 9 киши, химия саноатида 16, нефть химиясида 18, қора металлургияда 34, рангли металлургияда 24 киши жалб этилмоқда. Енгил саноатда эса 1 миллион сўмлик асосий ишлаб чиқариш фондларига 168 киши, ёғочсозлик саноатида 143, машинасозликда 112, озиқ-овқат саноатида 90 киши иш билан таъминланади. Шу тармоқларнинг айрим соҳаларида эса меҳнаттаблик кўлами 300 — 400 кишига етади. Аммо бу ху-сусиятлар ҳисобга олинмади.

Бутун фаолияти пахтачилик, пахтачилик учун ма-шиналар ишлаб чиқариш билангина чекланган ма-шинасозликни комплекс ривожланган соҳа деб бўла-дими, ахир. Республикада мураккаб уй-рўзгор тех-никаси, йўл қуриш машиналари, пластмасса буюмлари, озиқ-овқат саноати жиҳозлари, савдо-сотик ва машиий хизмат соҳаси

учун керакли ас-боб-усқуналар ва шу кабилар деярли ишлаб чиқарылмаяпти.

Нега бундай бўлди? Халқимиз — истеъдодли халқ, у замонавий ишлаб чиқаришни, электроникани, ус-кунасозликни, илм-фан ва меҳнат сарфи кўплаб та-лаб қилинадиган бошқа саноат тармоқларини ўзлаш-тириб олишга кодир.

Хрзир кимё ривожланишидаги «муваффақиятлар»га ҳам ачиниб қайта баҳо беришга тўғри келади. Бу соҳада катта-катта корхоналарга афзаллик бериб келинди, улар республикадаги экология вазиятини жуда ёмонлаштириб юборди... Бунинг устига, мана шундай азим корхоналар ҳам аслида дастлабки қайта ишланган маҳсулотларни — нитрон, ацетат, капро-лактамни ишлаб чиқармоқдаки, улар ҳам Ўзбекис-тондан ташқарига юборишга мўлжаллангандир.

**Республика ялпи пахта ҳосилини ғаразли мақ-садларда кўпайтириди, деган даъволар ҳам бўлди. Бу афсонага чек қўйиш пайти келди. Пахтанинг яккаҳоқимлиги Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг туб мақсадларига хилоф равишда юкоридан зўрлаб ўтказиб келинди.**

Сўнгра, 30-йиллардан бошлабоқ, Ўзбекистон ССР олдига қандай қилиб бўлмасин мамлакатнинг пахта соҳасидаги мустақиллигини таъминлаш вазифаси қўйилган эди. Биз, қанча мاشаққат билан бўлмасин, бу вазифани ҳал қилдик.

**Ўзбекистон пахта етиштиришга мана шундай ихтинослаштириш оқибатида республикада гўшт ва сут етиштириш имкониятлари камайиб кетди, бироқ биз шунга мувофик равишда ўрнини тўлди-радиган ҳеч нарса олмадик.**

Айни бир пайтда республиканинг кўпгина ҳаётий муҳим манфаатларига зиён етди, **пахта яккаҳоқим-лиги, илмий асосланган алмашлаб экишлар бузилганлиги, ернинг тинкамадори қуриб кетганлиги, сув манбаларининг имкониятлари тобора камай-иб борганлиги қишлоқ хўжалигига ҳалокатли таъсир кўрсатди**. Натижада озиқ-овқат маҳсулотла-ри етиштириш чеклаб қўйилди ва ахолини шу маҳсулотлар билан таъминлаш муаммолари кес-кинлашди. Орол денгизининг фалокати Қорақал-поғистон жануби учун бориб турган экологик кул-фат бўлди, энди Оролни қутқариб қолиш учун зудлик билан фавқулодда чора-тадбирлар кўри-лиши керак.

Шундай қилиб, ишлаб чиқарувчи кучларни жой-лаштиришдаги хатолар ва яроқсиз ёндашувлар, халқ хўжалигининг тузилишида, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини ривожлантиришда йўл қўйилган катта-катта хатолар ва номутаносибликлар оғир оқибатларга олиб келди. Халқ хўжалиги соҳасида бир қанча машақватли муаммоларни вужудга келтирди. Рес-публикада ижтимоий, иқтисодий кескинлик қучайиб, танглик ҳолати юзага келишига сабаб бўлди.

Бошқа барча муаммолар — ахолининг иш билан таъминланиши, миллий даромаднинг шаклланиши каби соҳаларга ҳам бу ахвол ўз таъсирини ўтказди, бу эса бюджетнинг камомадига, ҳар бир оиланинг моддий таъминоти даражаси пасайишига олиб келди.

Мактаб ва мактабгача таълимни ривожлантириш, ёшларни ахлоқий тарбиялаш масалаларини олиб кўрайлик. Факат энг илгор ишлаб чиқаришгина, оқилона йўлга қўйилган инфраструктура ва аввало, ижтимоий инфраструктурагина ёш авлодни уйғун камол топтириш учун, уни болалик чоғида замона-вий ишлаб чиқаришга, фан-техника тараққиётига қизиқтириш учун шароит яратади.

Бугун биз бутун масъулият билан шундай дейи-шимиз керак: минтақамиз тараққиётининг тарихий, оқилона мантиқни эътиборга олмай, буйруқбозлик-маъмуриятчилик усуллари тазиики остида шаклланган қарашларнинг ҳаммасига барҳам берилиши ке-рак. Минтақамиз тараққиётининг истикболларига, аввало республика ахолисининг, мана шу қадимий ва гўзал диёрда яшовчи барчанинг, ҳар бир кишининг манфаати нуқтаи назаридан қарамоқ керак.

Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишини, структура ва инвестиция сиёсатини қайтадан кўриб чиқиш, барпо этилган ишлаб чиқариш қувватидан, ижтимоий ва маънавий имкониятларидан фойдала-ниш соҳасида ўтказиладиган ва хозирнинг ўзидаёқ ўтказилаётган стратегияга мана шундай ёндашув асос қилиб олиниши керак.

Йиғилиб қолган муаммоларимиз Ўрта Осиёдаги барча республикаларга ва Қозогистонга ҳам таал-луқли эканлиги равшан. Чунки иқтисодиётда, мада-ният ва тарихда уларнинг муштарак белгилари кўп. Бироқ, бу соҳада ҳам тузукрок ўзаро алоқалар йўлга қўйилмаган. Бизнинг чукур ишончимизга кўра, агар муносабатлар янада мустаҳкам, ўзаро манфаатли ҳамкорлик, тўғри меҳнат тақсимоти асосига қурил-са, ҳар бир республика бундан манфаатдор

бўлади...

### **III. Маънавий-сиёсий вазият ва уни барқарор қилиш чоралари**

... Ҳозир шуни эътироф этиш керакки, Ўзбекис-тон ССРнинг сиёсий ҳаёти кадрлар билан ишлаш-даги жиддий хатоларни бартараф этишга, қонунчи-ликни қўпол тарзда бузишга чек қўйишга ва одамларни ўзбошимчаликдан муҳофаза этишга қаратилгандир.

Ўзбекистоннинг бошига тутпган кулфатни унинг айби дейишга уринишди. «Ўзбекиши», «Пахтаиши», деб аталмиш гаплар бунга мисол бўла олади. Рес-публика, унинг меҳнаткашлари пахтанинг ялпи ҳоси-ли кетидан қувишнинг азоб-укубатидан, партия, давлат нормалари ва қонунлари, ижтимоий адолат тузумларининг айниб кетиши ва бузилишидан ҳали нафасларини ростлаб олмай туриб, худди ўша пахта билан боғлиқ қонунсизлик ва хўрлашнинг тегирмон тоши уларнинг бошида яна айлана бошлади...

Мамлакат марказий идораларида ҳам муайян кучлар ўзларининг ғаразгўйлик мақсадларида бундан фойдаландилар.

Оммавий ахборот воситаларида ҳалқни далил-ис-ботсиз таҳқир этиш, айрим ҳалол меҳнаткашларни

маънавий эзиш, қўшиб ёзишларни ташкил этган шахслар билан бир қаторда минглаб оддий ижрочиларга қарши ялпи жазолашларнинг авж олдирили-ши ҳалқнинг дарди устига чипқон бўдди.

**Бўш-баёв, сиёсий иродадан маҳрум, ўз ҳалқининг ор-номуси ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш-га қодир бўлмаган кишиларнинг Ўзбекистон Ком-партияси ва республика раҳбариятига келиб қоли-ши, аввало, шунга ёрдам берди. Уларнинг аксарияти ўзларининг омон қолишларини ўйлаб, хуқуқ муҳофазаси органлари, жумладан, Гдлян ва Иванов гурухи йўл қўйган қонунсизлик ва қонун бузилишларини пайкамасликка обдан уриндилар.**

Сўнгги вақтда Ўзбекистондаги соғлом кучлар ҳалқни ана шу адолатсизликдан ҳимоя қилиш учун анча иш қилдилар, аммо бундан буён янада кўпроқ иш қилиниши керак.

Бугун биз республиканинг ижтимоий-иктисодий ҳаётида жиддий силжишлар бўлди, деб айта олмай-миз. Аксинча, республика хом ўйланган тажрибаларнинг ўзига хос синов майдонига айланди.

Мамлакатнинг бошқа миңтақаларида бўлганидек, гоҳо ичкилиқбозликка қарши бошланган кампания, гоҳо давлат қабули, гоҳо хўжалик ислоҳоти, баъзида эса давлат корхонаси тўғрисидаги, кооперация тўғри-сидаги пухта ўйланмаган қонунларнинг жорий этилиши, ана шу унумсиз тажрибалар жумласидандир.

Бугун шуни айтиш керакки, республика раҳба-рияти ана шу барча тадбирларни амалга оширишда марказга маъқул тутнисин деб биринчи ўринда бўлиш-га ҳаракат қилди, айни вақтда бу халқ учун қандай оқибатларга олиб келишини ўйлаб ўтиrmади.

«Республика халқ хўжалиги комплексини бошқа-ришнинг бош схемаси» деб аталмиш зўрма-зўраки схема Ўзбекистоннинг хусусиятлари ва республика аҳди манфаатларини инкор этишининг яққол миссо-лидир. Бу ўринда гап қарор топган структуралар ва таркиб топган алокаларни беухшовлик билан, сира асосланмаган бир тарзда қайтадан «бичиб-тикиш» дагина эмас, балки яроқсиз ёндашув методикасининг худди ўзгинасиададир.

Аслида барча аҳолининг ҳаётий манфаатларига даҳлдор бўлган, амалга оширилиши мўлжалланаётган ўзгаришлар жамоатчиликдан яширинча тайёр-ланди. Аниқ-равшанлик киритишга, ўзгача таклифларни асослаб беришга ҳар қандай уринишлар рад этилибгина қолмай, таҳқирлайдиган ёрликлар ва сиёсий айблар ёрдамида бўғиб ташланаверди.

Буни қарангки, гўё консерватизм, маҳаллийчи-лик янгиликка қарши чиққан эмиш. Оқибатда, халқ хўжалиигига неча юз миллион сўмлик заар етказилди. **Одамларнинг эҳтиёжлари ва манфаатлари оёқ ости қилингани натижасида етказилган маънавий зиённинг мезони борми, аҳволни дарҳол ўнглаб олиш учун қилингани ҳаракатлар-чи?**

Энди бир савол пайдо бўлади: хўш, бундан ким наф кўрди, ана шу сохта қайта қуриш қарорлари-ни ким айтиб туриб ёздирган эди ва ким шу йўсин-да амал пиллапоясидан кўтарилимоқчи бўлган эди? Ўзининг лавозимига кўра, республика манфаатларини ҳимоя қилиши ва ана шу қимматга тушган тажрибаларнинг ўйлини тўсиши лозим бўлган раҳбарлар қаерда эди?

Илгариги Марказий Комитет бюроси ҳайъати фа-олиятида аниқ-равшан позиция, иродаги бирлиги бўлмагани, шу фаолиятнинг бўшлиги республикага, унинг партия ташкилотига қимматга тушди. Бирин-чи

рахбарларнинг йўл қўйиб бериши сабабли бу ерда

ўзига хос «пинҳоний кабинет» таркиб топди, ушбу «кабинет» куч ишлатиб тазиик кўрсатиш ва орқаво-ротдан тухмат қилиш йўли билан республиканинг чинакам манфаатларига мутлақо алоқаси бўлмаган авантюристик қарорларни тиқишираверди.

Маҳаллий кадрлар ва бошқа минтақалардан жўна-тилган кадрларнинг сунъий тарзда қучайтирилган қарама-қаршилиги ўнглаш кийин бўлган сиёсий ва маънавий зарар етказди.

**Бошқа минтақалардан жўнатилган кадрларнинг баъзилари республика эҳтиёжлари ва кулфатла-рига ҳамдард бўлиш у ёқда турсин, балки партия, совет ва хуқуқни муҳофаза этиш органлари ва бошқа органларда ўзларининг раҳбар лавозимларига тайинланишларини ўзбошимчалик қилиш учун берилган ёрлик деб билдилар.**

Халқнинг жуда бой тарихи ва маданиятини, ўлканинг ўзига хос ноёб хусусиятларини билмаган ва билишни ҳам истамаган бу одамлар рес-публика ҳаётини босиб-янчиб, қинғир ўзанга солишга киришдилар.

**Халқнинг кўп асрлик анъаналари, маданияти, урф-одатлари ва маънавий қадриятларини менси-маслиқ элни жуда ранжитди.**

Айрим маҳаллий раҳбарлар ҳам амал пиллапоя-сидан кўтарилишга ҳаракат қилиб, ўзларини аждодларини унутган манқуртлар деб шоша-пиша эълон қилдилар. **Халқнинг урф-одатлари, анъаналари, маданияти обдан оёқ ости қилинди, она тилининг қўлланиш соҳаси сунъий тарзда чеклаб қўйилди. Ҳатто, шундоқ ҳам миллий анъаналардан анча олисда бўлган айрим санъат турлари ҳам кимлар-гадир мақбул бўлмай қолди ва уларни янгилашга уриндилар. Ҳатто миллий либос ҳам қораланди.**

**Кези келганда одамлар миллий анъаналар бўйича тўй қилиш, қариндош-уруғларни дағн этишга ҳам чўчиб қолган эдилар.**

Буни байналмилалчилик шиорлари билан никоб-лашга беўхшов уринишларининг чинакам байнал-милалчиликка мутлақо алоқаси йўқ эди. **Республика ҳудудида ўзбек тилининг давлат тили сифати-да эътироф этилиши тўғрисидаги қонун, даставвал қай йўсинда тайёрланганини эслаб ўтиш кифоя. Ҳудди шу йўсинда икки тиллик ҳақидаги қонун лойиҳасини ўтказиш учун анча**

## **харакатлар қилинди.**

Одамлар, ҳатто бир умр қишлоқда яшаб, она ти-лида сўзлаб келган, тил боисидан сира қийинчилик-ка учрамаган кишилар ҳам бу лойихани қабул қил-мади.

**Такрор айтаманки, бу ишларнинг ҳаммаси амал-га интилган, «об-ҳаво»га қараб иш юритган кишиларнинг қилмиши эди.** Аммо қилғиликни қилиб қўйган ана шу арбоблар энг асосий нарсани — халқ-ни унтиб қўйишиди. Халқ эса ҳеч қачон миллий ўзига хослик йўқолиб кетишига рози бўлмайди.

Ижтимоий-иктисодий муаммолар, демография вазияти ва ишсизликнинг кўпайиб бориши, экология танглиги, халқнинг маънавий жиҳатдан ҳақоратла-ниши жуда қалтис аҳволни вужудга келтириди. Экст-ремист кучлар эса вазиятни кескинлаштириш, одамларни оммавий тартибсизликларга ва хуқуқка хилоф хатти-харакатларга тортиш, ижтимоий ва миллатлар-аро нифоклар ва тўқнашувларни чиқариш учун нгу ҳолатдан фойдаландилар.

Ўтган йили Фарғона вилоятида бўлган фожиали воқеалар, яқиндагина Тошкент вилоятининг Бўка ва Паркент районларида, Андижон шаҳрида бўлган тар-

Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида хибсизликлар худди ана шу шароитда юзага келди. Бу воқеаларга область, шаҳар ва район партия коми-тетлари даражасида ҳам, Марказий Комитет даракта-сида ҳам кескинлик билан баҳо берилди. Бу баҳолар-ни қайтариб ўтиришга эҳтиёж бўлмаса керак. Аммо ўша воқеалардан ҳали яна неча бор сабоқ чиқариб олишимизга тўғри келади.

**Хўш, бу сабоқларнинг моҳияти нимада? Аввало шундаки, маҳаллий партия, совет органлари, жа-моат ташкилотлари халқдан, унинг дарди ва эҳти-ёжларидан ажралиб, вазиятни назорат қилиш, во-кеаларни олдиндан билиш ва уларни бошқариш қобилиятидан маҳрум бўлиб қолган эдилар.**

Эшикни маҳкам ёпиб олиб, ўз хоналарида одамлар такдирини ҳал этаётган кўпгина мансабдорлар қалтис вақтда кишилар ҳузурига чиқишга қўрқдилар. Уларнинг халққа айтадиган гапи йўқ эди, улар халқни тушунмас, халқ ҳам уларни тушунмас эди. Бунинг устига, уларнинг кўпи халқнинг тилини ҳам билмас эди.

Боз устига, кейинчалик маълум бўлишича, кўпгина амалдор шахслар, жумладан, воқеалар ўт-оловдек чақнаб кетган Тошлок

районидаги ана шундай шахслар қонун-қоидаларни бузишган, пораҳўрлик қилишган. Улар, аввало, ўзлари ва қариндош-урӯларига якка тартибда уйлар қуриш учун ер участкалари ажратиб беришган, ссудалар олишган, ҳолбуки, ер ва қарз олишга муҳтож бўлган 400 нафар оддий меҳ-наткашга рад жавоби берилган эди.

Сотиш учун 319 та автомашина ажратилганида, шулардан 236 таси районда яшамайдиган, жумладан, бош-қа республикаларда истиқомат қиласиган кишиларга ғайриқонуний тарзда таксимланган, уй-жой таксим-лаш тартиби қўпол тарзда бузилган, газлаштириш, сув таъминоти, ишга жойлаштириш масалалари неча йиллар мобайнida ҳал бўлмай қолаверган.

Ҳолбуки, ана шу масалалар ҳал этилмасдан ту-риб, одам кўнгилдагидай яшай олмайди-ку. Ахвол шундай экан, партия, совет органларининг обўуси, уларнинг оммага таъсири хақида гапиришнинг ҳожа-ти ҳам бўлмаса керак.

Хуқуқни муҳофаза этиш органлари ўз нокобил-ликларини кўрсатди. Улар оммавий тартибсизликларнинг олдини олиш ў ёқда турсин, кўпинча шу тартибсизликларга ўзлари йўл очиб бердилар. Ке-йинчалик эса, яна вазият барқарорлашиб, тергов бошлангач, улар ишни юзаки юритишни афзал кўрдилар. Оқибатда фожианинг бош ташкилотчилари ва асосий сабабчилари панада қолиб кетди.

Одамлар ўз тирикчилигидан норози бўлиб турган бир вақтда айрим пораҳўр, ноинсоф унсурлар вази-ятдан фойдаланишга уринди ва аксар ҳолларда бун-га муваффақ бўлдилар. Ушбу унсурлар учун шахсий манфаат, шахсий нафсоният одамларнинг, халқнинг манфаатларидан устундир. Биз буни илғаб олиши-миз керак. Тартибсизликларнинг қатнашчилари ҳар хил изказат берилмаган митинглар, йиғилишлар ва юришларнинг ташкилотчилари, матбуотда нохолис мақолалар билан чиқаётган, миш-мишлар, варақалар тарқатा�ётган, радикал талаблар баён этилган хатларни уюштираётган кишиларнинг таъсирида бўлган-лиги аён-ку!

Асосий якун шундан иборатки, Фарғонадаги ёнгинлар алангасида бизнинг қарорларнинг сехрли кучи тўғрисидаги кўпгина тасаввуримиз ёниб кетди. Илгариги Фарғона область партия комитети тўрт томонга жар солиб партия ташкилотларининг жан-говарлиги кўригини ўтказаяпмиз, деб юрар эди. Ана Шундай расмий тадбирлар ҳам бамисоли тумандек таркаб кетди.

Очиқ-ойдин айтиб қўя қолайлик: агар республика раҳбарияти ана пгундай шароитда мавхум панд-на-сихатларни давом эттираверадиган бўлса ва баъзи пуч ваъдалар бераверса, ҳалокат миқёсларини тасаввур этиш қийин эмас. Янги раҳбарият олдида эскиликни бартараф этиш, вазиятни юмшатиш, портлаш бўли-шига йўл қўймаслик учун зарур имкониятлар қиди-риб топиш ва самарали, таъсирчан чоралар кўриш-дек оғир вазифа туар эди.

Шундай тадбирлар кўрилди ҳам. Пахта яккаҳо-кимлигига барҳам бериш, пахта тайёрлашни бар-карорлаштириш, пахта ва бошқа маҳсулотларни йигишириб олиш учун тўланган қўшимча ҳақ шулар жумласидандир. Ўтган йили қарийб 400 мил-лион сўмлик қўшимча ҳақ тўланди, бу йил эса ҳақ икки баробар кўпаяди. Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархини қайта кўриб чи-киш тўғрисидаги масала ҳам қисман ҳал қилина бошланди. Даромади кам бўлган аҳолига ёрдам бериляпти, бошлангич синфларда ўқиётган ўкув-чиларга, хаста, ҳомиладор аёлларга бепул нонуш-та бериладиган бўлди. Ветеранларнинг пенсияла-ри ва имтиёзлари кўпайди. Талабалар қўшимча пул олайтилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу тадбирларнинг ҳаммаси республика аҳолисига, энг аввало, қишлоқ аҳлига жуда маъқул бўлди. Дарҳакиқат, шах-сий ёрдамчи хўжаликлар учун ва якка тартибдаги уй-жой куриш учун берилаётган ернинг кўпайтирили-ши, шу мақсадлар учун ссудаларнинг ва курилиш ма-териалларини сотишнинг кўпайиши шу тадбирлар сирасига киради.

Кўп болали оналар, Улуғ Ватан уруши ногиронлари ва катнашчиларига ёрдамни кўпайтириш тўғри-сида Президент қабул қилган фармонлар ҳам шулар жумласидандир. Шахсий ёрдамчи хўжаликни муқар-рар тарзда ем-хашак билан таъминлаш тўғрисидаги тадбирларни ҳам тилга олиш мумкин.

Одамзоднинг ризқ-насибаси фақат нонгина эмас. Республика худудида ўзбек тилига Давлат тили ма-қомини бериш тўғрисидаги Қонуннинг қабул қили-ниши, илгари тақиқлаб кўйилган урф-одатлар ва анъа-наларнинг тикланиши, ҳалқ эъзозлаган Наврўз бай-рамининг қайта туғилиши ва шу куннинг дам олиш куни деб эълон қилингани, Ўзбекистондан хизматга чақирилаётган йигитлар курилиш қисмларидаги ҳар-бий хизмат тартибининг ўзгартирилгани ва бошқа кўп тадбирлар инсонга ғамхўрлик, ҳалққа иззат-икромнинг мужассам

бўлишидир.

Буларнинг ҳаммаси, бирорлар беҳуда уқтиришга уринаётганидек, халққа хушомад эмас, балки бизнинг принципиал йўлимиздир, биз бу йўлни кела-жакда ҳам изчиллик билан амалга ошираверамиз...

Халққа берган ваъдамизни бажариш, амалий ишлар билан унинг ишончини оқлаш — бизнинг бурчи-миздир.

Сўнгги вақтда Ўзбекистон Компартияси Марка-зий Комитетининг 1984 йил XVI пленуми қарорла-рини қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш зарурлиги тўғрисида таклифлар айтилмоқда. Бир қанча область партия конференцияларида, партия органларига ке-лаётган мактубларда ҳам шу гап кўтарилимоқда.

Дарҳакиқат, бугун биз Ўзбекистон Компартия-сининг ана шу ва кейинги пленумларидағи, Ўзбекис-тон Компартияси XXI съездидаги таҳлил ва хulosаларни бир хил қабул қила олмаймиз.

Аввало, пахта ҳажми кетидан қувиш, пахта як-каҳокимлиги «маҳаллийчилик» манфаатларига мос эди, республика шунинг эвазига «бойлик орттир-ди», деган хulosага сира қўшилиб бўлмайди. Биз мамлакатнинг пахта мустақиллигини таъминлаш учун ўз байналмилал бурчимишни адо эта бориб, кўра-била туриб, республика манфаатларига ва ил-мий агротехника талабларига путур етказиб, мева ва сабзавот, ем-хашак тайёрлашни чеклаб қўйишга, демакки, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни чеклаб қўйишга мажбур бўлдик.

Оқибатда, мамлакатда озиқ-овқат истеъмоли, уму-ман, турмуш даражаси бўйича охирги ўринлардан бирига тушиб қолдик. Пахтамиз учун муносиб ҳақ тўлаш ўрнига, бизга, боқиманда бўлиб қолдингиз, деб таъна қилишди. Халқни бу тарзда беҳаёлик би-лан оёқ ости қилишни биз қатъий рад этамиз.

Алмисоқдан колган турмуш тартибига мойиллик хусусидаги таъналарни ҳам, халқ анъаналарига, ди-ний эътиқодга ўзбошимчалик билан баҳо беришни ҳам, халқ хотирасидан ўтмишни ўчириб юборишга уринишларни ҳам қабул қила олмаймиз.

Буларнинг ҳаммасини биз қатъян рад этамиз ва асоссиз тарзда репрессияларга дучор бўлган кишиларнинг ор-номуси, қадр-киммати, покиза номини тик-лашни, уларга етказилган маънавий ва моддий зиён ўрнини қоплашни ўзимизнинг биринчи галдаги бур-чимиз деб биламиз.

... Бу адолатсизликлар XVI пленум қабул қилган йўлдаги ножӯяликлар ва айнишлар, шу йўлни амал-га оширишдаги ўзбошимчалик билан изоҳланади. Республика бошига тушган кулфатдан фойдаланиб, амал пиллапояларидан қўтарилиб борган кишилар ножӯяликлар ва айнишларга йўл очиб беришди.

Партия, совет ва хўжалик раҳбарларининг бир қисми порахўр бўлиб чикқани, ошна-оғайнигарчи-лик ва таниш-билишчилик кенг тарқалиб, ижтимо-ий адолат принциплари қўпол тарзда бузилганлиги фактини эътироф этмасдан иложимиз йўқ.

Айrim кишилар сўнгги вактдаги хунук ҳолатларга баҳо беришар экан, тезроқ ўтмишдаги салбий ҳоллар-ни ўчириб ташлашни, бундай ҳолларни йўқ эди деб эълон қилишни ёки жуда бўлмаганда, улар батамом бартараф этидди, деб эълон қилишни истайдилар.

Аммо ер участкалари ажратиб берилаётганида, якка тартибда уйжой куриш учун ссудалар берила-ётганида, қурилиш материаллари билан таъминлаш чоғида тамагирлик ва порахўрлик қилинаётгани ҳақида Ўзбекистон Компартияси Марказий Коми-тетига, республиканинг бошқа органларига анчаги-на ташвишли хабарлар келиб турибди.

Олий ўкув юртларидағи порахўрлик, касалхоналарда даволаш чоғидаги тамагирлик ҳали ҳам учраб турибди. Камёб моллар, машиналар билан чайқов-чилик қилиш жамият бошига битган бало бўлди. Уй-жойни тақсимлашда ҳам ҳали зарур тартиб ўрна-тилгани йўқ.

Кооперативлар фаолиятини маблағ билан таъмин-лаш, валюта операцияларини рўёбга чиқариш чоғи-да қонун-коидаларининг қўпол тарзда бузилиши аниқ-ланмоқда.

Биз хуфиёна иқтисодиётнинг таъсири ортиб бо-раётганига ҳам бепарво қарай олмаймиз, талай жойларда ана шу «номатлуб иқтисодиёт» айrim хуқуқни муҳофаза этиш органлари билан тил бириктириб олмокда. Хўш, бундан ким озор чекяпти? Биринчи навбатда ҳалқ, ишчилар, дехқонлар, оддий одамлар бунинг жабрини тортишмокда, албатта.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, бозор иқтисоди-ётига ўтилиши муносабати билан мартабали шахсларнинг ўз мансабларини суиистеъмол қилиши эҳти-моли кўп марта ортади. Биз фуқароларни ҳар хил жиноятлардан, шу жумладан, мансабдор шахсларнинг

жиноялтаридан ижтимоий мухофаза этиш дас-турини кучайтиришимиз лозим бўлади.

Рахбарларнинг интизоми ва масъулиятини мус-таҳкамлаш, танкид ва ўз-ўзини танқидни кучайти-риш тўғрисидаги қоидалар ўз долзарблигини йўкот-масдан, аксинча, мухим аҳамият касб этмоқда.

Ўз-ўзимизга ва бошқаларга нисбатан каттиққўл-лик билан талабчан бўлиш — бу мавсумий юмуш бўлмасдан, балки бизнинг принципиал йўлимиздир ва биз бу йўлни келажакда ҳам изчилик билан амалга

ошираверамиз.

Ҳамиша тарихнинг ҳар қандай бурилиш паллала-рида ҳам босиқ-вазминлик, холислик ва масъулият зарур. **60-80-йилларда содир бўлган барча воқеаларни айрим шахсларнинг айби билан бўлган эди, деб ўчириб ташлаш ва худди шу асосда ўша давр-да, ҳамма нарса бир хил нохуш бўлган эди, деб чаплаб ташлаш мумкин эмас.**

Шароф Рашидов фаолиятига баҳо беришда худ-ди ана шу позициялардан ёндашиш лозим бўлади. У биз эндиликда турғунлик йиллари деб атаётган даврда, қарийб чорак аср мобайнида республика-га раҳбарлик қилиб яшади ва ишлади.

Агар олий адолат мавжуд бўлса, бизнинг эъти-қодимизга кўра, халқ фикри олий ҳақиқатдир, худди ана шу адолат, худди ана шу ҳақиқат, ўша кишининг номи билан боғлиқ бўлган, республика ҳаётидаги ўзгаришларда катта аҳамиятга эга бўлган улкан ўзгаришларни рад эта олмайди.

қилишга мўлжалланган поликлиникалар планга кўшимча тарзда фойдаланишга топширилди.

Шу билан бир қаторда, хали республиканинг иж-тимоий-иктисодий тараққиётида кўзга кўринарли жиддий силжишлар содир бўлгани йўқ. Хўжалик юритишнинг эски усуллари асорати батамом барта-раф этилгани йўқ.

Тўрт йил мобайнида белгиланган топшириқлар юзасидан 10,5 миллиард сўмлик ялпи ижтимоий маҳ-сулот кам ишлаб чиқарилди, миллий даромад 6 мил-лиард сўмлик кам бўлди. Кўмир қазиб олиш, кимё-вий толалар, газлама, трикотаж буюмлари, пойафзал, мебель ва бошқа буюмлар планлари бажарилмади.

Саноат, қишлоқ хўжалиги ва курилишда меҳнат унумдорлигини

оширишнинг белгиланган маррала-рига эришилмади.

Капитал қурилишда, айниқса, оғир ахвол вужуд-га келди. Ҳозир чала қурилишларнинг қиймати 5,7 миллиард сўмга етди. Бу капитал маблағларнинг йил-лик режасидан ҳам кўпроқдир. Факат ўтган йилнинг ўзидагина 73 та иирик объект ва ишлаб чиқариш қувватлари битказилмай қолди, бу эса 200 миллион сўмлик миллий даромад йўқотилди, демакдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳалқ истеъ-мол моллари ишлаб чиқарадиган кўпгина объектлар қурилиши барбод этилгани, ана шундай молларни ишлаб чиқариш борасида сезиларли силжишлар бўлмагани, савдо шохобчасига турли ассортимент-даги моллар етарлича етказиб берилмагани оқиба-тида инфляция кучаймоқда, пул тобора қадрсизлан-моқда ва пул муомаласи ёмонлашмоқда.

Биз енгил саноатда силжишлар бўлишини анчадан бери орзиқиб кутаётган бўлсак ҳам шундай бўлаётгани йўқ. 4 йил мобайнода белгиланган режа юзасидан 195 миллион квадрат метр ип-газлама, 29 ^илион дона трикотаж буюмлар кам тайёрланди. республика аҳолиси қарийб ярим миллиард сўмлик ҳалқ истеъмоли молларини кам олди. Ми-нистрлик ва унга қарашли корхоналарнинг раҳбарлари маҳсулот сифатини ошириш, янги техника ва технологияни жорий этишда сезиларли натижалар-га эриша олмадилар.

... Қурилиш материаллари билан таъминлаш жуда ўткир муаммо бўлиб турганлиги яхши маълум. Их-тиёrimизда маҳаллий қурилиш материалларининг чекланмаган ресурслари бор, аммо Маҳаллий саноат министрлиги уларни ишлаб чиқаришни суст ўзлаштироқда. Боз устига, фишт заводларини ишга солиш муддатлари чўзилиб кетмоқда, оқибатда қан-чалаб фишт кам тайёрланди, ҳолбуки, республика ахли шу материалга жуда маҳтал бўлиб турибди.

Республикадаги пудрат ташкилотлари тўрт йил мо-байнода, планга нисбатан 320 миллион сўмлик кам иш адо этдилар. Демак, қарийб 200 та энг муҳим ишлаб чиқариш қурилишлари битмай чала қолди, бир миллион квадрат метрдан кўпроқ уй-жой, 9 минг ўринга мўлжалланган мактабгача тарбия муассасаси фойдаланишга топширилмади. Бунинг сабаби шун-даки, Қурилиш министрлиги, «Главташкентстрой», «Ўзагрострой» сингари бизнинг етакчи пудрат таш-килотларимиз аслида шу йиллар ичида бир жойда депсиниб турдилар.

Ёнилғи-энергетика комплексидаги тақчиллик халқ хўжалиги ва ижтимоий соҳада тобора яққолроқ се-зилмоқда. «Узбекэнерго» ва «Узбекгидроэнергост-рой» раҳбарларининг масъулиятсизлиги оқибатида Таллимаржон ГРЭСининг биринчи навбатини ишга тушириш икки йилга сурилиб кетди.

Халқ хўжалиги режаларининг барбод этилганц учун катта айб маҳаллий Советлар ижроия коми-тетларининг зиммасига тушади. Андижон, Тошкент, Сурхондарё, Қашқадарё областларининг ижроия ко-митетлари, Қоракалпогистон АССР Министрлар Совети ва Тошкент шаҳар ижроия комитети сано-атни ривожлантириш беш йиллик планларини бар-бод этди.

Уй-жой ниҳоятда етишмай турган бир вактда Ан-дижон, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё областлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети планда кўзда тутилган уй-жойнинг фойдаланишга топширилишини таъминламади.

Қоракалпогистон АССР Министрлар Совети ва Хоразм облассы ижроия комитети республика хуку-матининг «ёрдами» билан энг йирик водопроводлар қурилиши режаларини батамом барбод этдилар. Хрлбуки, шу минтака аҳли сув келишига кўз тикиб турган эди.

Кўпгина мактаб бинолари «тўкилиб турган» ва но-боп биноларда ишлаб турган бир шароитда маҳаллий Советлар йўли билан ўтган тўрт йил мобайнода 65 мил-лион сўмлик маблағ ўзлаштирилмай қолди ёки 14 минг ўринли мактаблар фойдаланишга топширилмади.

Андижон, Самарқанд, Сирдарё, Жиззах, Тошкент областлари ва автоном республиканинг, айниқса, қишлоқ жойларида мактабгача тарбия муассасала-рини қуришда жиддий қолоқликка йўл қўйилди.

Самарқанд облассы ижроия комитетининг касал-хона ва поликлиникалар қурилишига муносабатини одамлар сиҳат-саломатлиги тўғрисидаги «ғамхўр-лик»нинг ёрқин мисоли деса бўлади. Бу вилоят ка-салхона ва поликлиникалар билан таъминланиш бўйича энг сўнгги ўринда туришига қарамай, обдасьти раҳбарлари ана шу мақсадлар учун ажратилган Ю миллион сўм пулнинг ўзлаштирилишини бар-бод этишди.

Хрлбуки, ана шу маблағлар эвазига 900 беморга ^лжалланган касалхона қуриш мутмкин бўлар эди. Худди ана шу обласдда болалар ўлими жуда кўп бўли-шига қарамай, 1979 йилдан буён ҳар хил дардга ча-линган болалар даволанадиган касалхона қурилиши ниҳоясига

етмай турибди.

Қорақалпогистон АССР, Тошкент шаҳри, Тош-кент, Сирдарё областлари ва бошқа областлардаги иш ҳам дуруст эмас.

Бой берилган имкониятларни кўрсатишни давом этгериш мумкин эди, лекин масаланинг моҳияти бунда эмас. Асосий гап шундаки, конкрет иш билан мус-таҳкамланмаган, мағзи пуч план ва мажбуриятлар ал-лақачон одамларнинг жонига тегди, кишилар гапнинг ижроси иш билан бўлишини орзиқиб кутишмокда.

Биз барча режаларимиз қандай бажарилаётганини синчковлик билан таҳлил қилишимиз, интизом паст бўлгани учун иш барбод бўлаётганининг субъектив са-బабларини аникдаб олишимиз, топширилган иш учун раҳбар коммунистларнинг масъулиятини ошириши-миз керак.

Вазиятни муқаррар тарзда баркарор этиш, ишонч-ни тўла-тўқис тиклаш учун ҳали кўп иш қилишимиз керак. Аввало, республика ҳаётида туб ўзгаришлар таъминланиши, халқ фаровонлигини ошириш, ҳар бир оила ва инсоннинг турмушида конкрет силжишлар бўлишига эришиш лозим.

#### **IV. Самарали мустақил иқтисодиёт учун**

... Сиёsat — иқтисодиётнинг мужассам ифодаси эканлиги хақидаги қоида ҳозир ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб қолди. Шу маънода, республикани иқтисодий мустақиллик йўлига олиб чиқиш, уни ҳамон давом этаётган инкиroz гирдобидан чиқариш учун нима қилиш керак?

Бу вазифаларни ҳал этар эканмиз, Ўзбекистон ре-сурслари ва имкониятларига баҳо беришга мутлақо янгича ёндашмоғимиз зарур. Имкониятимизни унинг Иттифоқ ва жаҳон бозори учун қанчалик жозибали эканлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқиш керак бўлади.

Республикамиз ажойиб табиий иқдим шароитига эгаки, тўғрисини айтганда, бу шароитлардан мутлақо етарли фойдаланилмаётир. Ўзбекистон халқини ҳамма вакт унинг табиати, ери ва суви боқиб келган. Ҳозир ҳам бу омиллар бизнинг энг бебаҳо бой-лигимиз бўлиб қолмоқда.

Бу заминда ҳамма нарса ўсиши мумкин. Лекин энг фойдали ва даромадли экинларни аниқлаб олиш, биз нималар хисобига энг юқори самара олишимиз мумкинлигини белгилаш керак. Биз бозорнинг раъий-ни хисобга олиб, нималар етиштиришимиз керак-лигини

ўзимиз ҳал қиласиз. Фойдали экин бугун пахта, эртага мева, сабзавот, озуқа экинлари ёки республикага, унинг ҳалқига даромад келтирадиган бошқа бирор экин бўлиши мумкин.

Янги ерларни ўзлаштириш, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш соҳасида қилинган жуда катта ишларни қоралаётган, ҳатто, сув омборларини порт-латиб, гўё экологик вазиятни яхшилаш учун ерлар-ни чўлга айлантиришни таклиф қилаётган кишиларнинг фикрига биз мутлақо кўшилмаймиз.

Улар биз нақадар бебаҳо бойликларга эга экан-лигимизни англаб етмаётиллар. Ўзлаштирилган ерларда шаҳарлар, посёлкалар, кишлоқлар кад кўтаргани, айни шу ерлар миллионларча кишиларни иш билан таъминлаб боқаётгани тамомила назарга олин-маётир.

Суғориладиган ер парвариш талаб этишини уну-тиш ярамайди. Кейинги йилларда ерларнинг ирри-гация, мелиоратив ҳолатини яхшилаш масалалари-га эътибор сусайтириб юборилди. Ўзбекистонда эса 500 минг гектар жуда шўрхок ва ўртача шўрхок ерлар бор. Бу ишларга маблағ қидириб топилиши

керак.

Биз ерларимизни ардокласак, улардан оқилона ва самарали фойдалансак, 20 миллион одамнигина эмас, балки ундан ҳам анча кўп одамни бока оламиз.

Ўзбекистон замини остида ғоят катта бойликлар яшириниб ётибди. Республика ҳали жуда кўп йиллар мобайнида газ конденсанти, кўмирга бўлган ўз талаб-эҳтиёжини тўла-тўкис таъминлай олади. Ян-гидан очилган нефть конлари яқин вақт ичidaёқ нефть қазиб олишни 3 — 4 баробар кўпайтириш им-конини беради.

Биз Қизилкумда фосфоритларнинг жуда катта ко-нини ўзлаштиришни мўлжалляпмиз. Нихоят, бизда рангли ва қимматбаҳо металларнинг жуда катта ресурслари бор.

Ўзбекистон «валюта олтини» деб аталадиган энг қимматбаҳо олтинни етказиб бермокда, ундан рес-публика манфаатлари йўлида самарали фойдаланиш юзасидан таклифлар тайёрланаётир. Ана шуларнинг ҳаммасини ҳамда кишлоқ хўжалик ва саноат хом ашёсини, тайёр маҳсулотларнинг неча ўнлаб турла-рини бозорда чекланмаган микдорда сотиш имко-нияти бор ва бу нарса республика иқтисодий кувва-тини ва иқтисодий мустакиллигини мустаҳкамлаш-га хизмат

қилиши керак.

Ўзбекистон ихтиёридаги ресурслар ҳақида гапи-рар эканмиз, шуни таъкидлаш керакки, республи-канинг энг катта бойлиги — унинг одамлари, ша-роит ва имконият яратилса, тоғни толқон қила ола-диган меҳнатсевар халқидир.

Халқимиз гўёки саноатнинг замонавий тармоқларидағи меҳнатга қодир эмаслиги ва шу муносабат билан кўп кишилар ишсиз юргани ҳақида айрим фикрлар кулоққа чалинмоқда. Бу гапларни халқни ҳам, ҳақиқий ахволни ҳам мутлако билмайдиган кишилар айтмоқда. Республикада миллионга яқин ишсиз бор экан, бунинг боиси уларнинг ишлаш иш-тиёки йўқлигида эмас.

Тан олиш керакки, биз раҳбарлар — ишлаб чи-қариш ва меҳнатни ташкил этишнинг бутунги мута-саддилари уларни иш жойлари, тураржой, болалар боғчалари, хунар-техника билим юртлари билан таъ-минлаш имконини яратадик. Халқнинг камтар-лиги ва матонати, унинг бизга ҳамон ишонаётганли-ги турмуш оғирликлари ва ташвишларига бардош бериш имконини яратмоқда.

Халқимизни муносиб даражага кўтариш учун ана шу жуда катта ресурс ва бойликлардан қай тариқа фойдаланиш керак? **Бу асосий муаммони ҳал этишнинг бош йўли - халқ хўжалиги структурасини тубдан ўзгартиришdir. Хом ашё ресурсларини асосан республика ҳудудида қайта ишлашга эриш-моқ керак.**

Бунда энг муҳим нарса биринчи навбатдаги ва-зифаларни белгилаб олиш ва мана шу foят муҳим ишда вужудга келаётган товар коньюктурасини изчиллик билан ҳисобга олишдан иборатdir. Бу тадбир миллий даромадни ошириш, бюджетни бар-қарор қилиш ва ўстириш ҳамда одамлар турму-

пининг моддий шароитини яхшилаш учун реал шарт-шароит яратади. Ўзимизда қазиб олинадиган рангли металлар, нитрон, капролактам, бино-корлик материаллари ва ҳоказолардан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш лозим.

Ишлаб чиқариш имкониятини, керакли моллар ишлаб чиқаришни тез кўпайтириш, аҳолини иш ва иш ҳақи билан таъминлашнинг муҳим йўналиши — **кичик корхоналар, филиаллар ва цехларни ривож-лантириб, уларни иш кучи ортиқча районларга жойлаштиришdir.** Кичик корхоналар, тайёрлана-диган маҳсулотни тезда ўзлаштира оладиган цехлар бозор инжикдикларига тезроқ

мослашиб, кўпайиб бораётган меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш имконини беради.

Минтақаларнинг ҳозирги ҳолатини бараварлаштириш учун қатъий чоралар кўриш зарур. Қашқа-дарё, Сирдарё, Хоразм, Сурхондарё вилоятларида саноатнинг нотекис ривожланиши, айниқса, яққол намоён бўлмоқда. Хусусан, Қорақалпоғистон АССР-да катта қолоқликка йўл кўйилди, бу ерда аҳоли жон бошига саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш республи-кадаги ўртacha даражадан икки баробар пастдир.

Биз Ўзбекистонда ва умуман, бутун Ўрта Осиёда бирдан-бир автоном республика бўлган Қорақалпоғистонга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишни ўз бур-чимиз, деб биламиз. Бу — сиёсий масаладир.

**Район марказларида, кичик шаҳар ва посёлкаларда кўп тармоқли саноат комбинатлари қуриш истиқболли ишдир.** Бу тадбир бадиий ва халқ хунар-мандчилиги сингари унutilган соҳаларни қайта тик-лаш билан бир вақтда аҳоли учун зарур моллар, ма-ҳаллий бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш-ни кенгайтириш имконини ҳам беради.

Шу йил ва келгуси йилдаёқ 120—130 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган 150 дан ортиқ ана шундай комбинат барпо этиш мўлжалланмоқда.

Бизда республикамизнинг халқ истеъмоли моллари жиҳатидан ҳозирги қарамлигини тугатиш учун барча шароитлар бор. Енгил ва маҳаллий саноатни ривожлантиришнинг ташиб келиш ва четга чиқариш балансларига асосланган конкрет дастурлари зарур. Хўш нима учун истеъмол қилинаётган кийим-ке-чакларнинг чорак қисмини, трикотаж буюмлар ва ип газламанинг учдан бир қисмини, пойафзалнинг деярли ярим қисмини четдан ташиб келтириш ке-рак? Буларнинг ҳаммасини ўз хом ашёмиздан ўзи-мизда тайёрлаш мумкинку, ахир.

**Замонавий фан-техника тараққиёти ютуқлари-ни эгаллаш, ишлаб чиқаришнинг фан ютуқлари ва меҳнат кўп сарфланадиган тармоқларини жадал ривожлантиришга кескин бурилиш структуравий қайта қуришнинг таркибий қисми бўлиб қолиши ке-рак.** Машинасозлик, радиоэлектроника, асбобсозлик корхоналарини тубдан янгилаш ва янгиларини қуриш ҳамда чиқарилаётган маҳсулотларни янгилаш вази-фаси кун тартибида турибди.

Бунинг учун бизда барча зарур ресурс ва шарт-шароитлар, илмий техникавий ва лойиҳа-конструк-торлик базаси бор. Фан ва техника тараққиётининг олдинги маррасига чиқмасак, истиқбол порлоқ бўлмайди. Факат шу асосдагина биз бошқа минтақалар ва чет эллар билан тенг хуқуқли шериклар сифа-тида алоқа боғлай оламиз.

**Қишлоқ хўжалиги қандай ривожланиши керак? Республика аграр сектори иқтисодиётнинг шун-дай бўғиники, Ўзбекистондаги муаммоларнинг аксариятини ана шу бўғинга таянибгина ҳал эта Оламиз.**

Биз пахта яккаҳокимлигига қарши изчиллик би-лан кураш олиб бораверамиз. Бу нарса республика-га марказ томонидан зўрлаб қабул қилдирилган бўлиб, Ўзбекистонга, унинг ахолисига бекиёс зарар келтириди.

Бунинг устига, ўз байналмилад бурчини бажарган ва мамлакатнинг пахта мустақиллигини таъмин-лаган дехқонлар гектар бошига ҳаммаси бўлиб 2200 сўм даромад олмокдалар. Ваҳоланки, пахта охири-гача қайта ишланса, ундан юз хилга яқин маҳсулот ва 18 — 20 минг сўм ёки ўн баробар кўп даромад олиш мумкин.

Бу ҳақда пухта ўйлаб олиш керак.

Пахтамиздан қай тариқа энг самарали фойдала-ниш мумкин? Ундан нималар ишлаб чиқариш энг фойдали бўлади? Бозорга қай тариқа фаол таъсир кўрсатиш керак? Буларнинг ҳаммасини ўрганиб оли-шимиз лозим. Ҳатто, ғўзапоя, шрот, линтдан тўғри фойдаланилса, биз ҳозир олаётганимиздан 3 — 5 ба-робар кўп даромад олиш мумкин.

Биз пахтачиликни алмашлаб экишни жорий этишга асосланган илмий йўлдан бориши соҳасида жиддий қадамлар қўйдик. Биз 1991 йилда пахта толаси этиш-тиришни 100 минг тонна камайтириш, давлат буюрт-маси даражасини эса этиштирилган маҳсулотнинг ярмидан оширмаслик вазифасини қўймоқдамиз. Пах-тадан бўшаган ерлардан эса одамларнинг долзарб эҳтиёжларини қондириш учун, шу жумладан, чорва-чилик маҳсулоти этиштиришни кенгайтириш учун фойдаланилади.

Бизнинг аграр сиёсатимиз ахолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун озиқ-овқат комплексини устун даражада ривожлантиришга асос-ланади. 1995 йилгача мева, сабзавот маҳсулотлари этиштиришни 2 баробардан зиёдроқ кўпайтиришни

кўзда тутувчи асосли дастур ишлаб чиқилди. Бу эса республика ахолиси эҳтиёжларини таъминлайди, шунингдек, ана шу маҳсулотларни ўзаро манфаатли шартлар асосида сотишни кўпайтириш имконини яратади.

Биз қайта ишлаш саноати корхоналари курили-шини ниҳоятда жадаллаштиришимиз зарур. 1995 йили Ўзбекистонда 300 та мўъжаз цех қуриш кўзда тутилади. Бу эса озиқ-овқат моллари ресурсларини анча кўпайтиради ҳамда аҳолини бу моллар билан таъминлашни яхшилайди, уларни Иттифоқ ички бо-зорида ва жаҳон бозорида фойда билан сотиш им-конини кенгайтиради.

Биз қишлоқнинг ижтимоий ҳаётини қайта қуриш-ни ўзимизнинг бош вазифамиз деб биламиз. Агар дехқоннинг хонадони ва хўжалиги обод бўлса, дех-қон бадавлат бўлади. Дўконларда ва бозорларда озиқ-овқат мўл бўлади. Дехқон хонадони хароб ва қашшоқ бўлса, бутун жамият оч қолади.

Шу боисдан ҳаммамиз қишлоқни қашшоқликдан қутқариш, қишлоқ хонадонини бадавлат қилиш йўли-да иш олиб боришимиз лозим. Қишлоқнинг ижти-моий юксалиши унинг ўз иши деган фикрга мут-лақо қўшилиб бўлмайди.

Биз бугун барчамизнинг номимиздан дех-қонларга: биз сизларни ёлғиз қолдирмаймиз, деб айтамиз. Қишлоқ ижтимоий турмушини қайта қуриш, қишлоқнинг сув, газ таъминотини яхшилаш, инфраструктурани яхшилаш учун марказлаштирилган капитал маблағлар қидириб топамиз. Бу бизнинг вазифамиз, бурчимиздир. Биз бу мақсадларга эришиш учун изчиллик ва қатъият билан курашаве-рамиз.

Республика иқтисодиётидаги чуқур структура ўзгаришлари ташки иқтисодий имкониятлар самарадорлигини кескин оширишга қаратилгандир. Ҳозирча бу йўл ниҳоятда суст амалга оширилаётир. фақат 160 та корхона ўз маҳсулотини хорижга чи-қаряпти. Асосан, хом ашё ва материаллар экспорт қилинмоқда. Чет эл фирмалари иштирокида энди-гина 14 та кўшма корхона ташкил этилдики, бу мут-лақо етарли эмас.

Кўпгина корхоналар чет эл бозорига чиқиши со-ҳасида берилган имкониятдан тўғри фойдаланмаёт-тир. Масалан, ўтган йили «Узхлопкопром» респуб-лика бирлашмаси 34 миллион чет эл валютаси иш-лади. Аммо бирлашма ва пахта заводларининг

раҳбарлари меҳнат коллективининг фикри би-лан ҳисоблашмай, маблағнинг асосий қисмини ен-гил автомобиллар, микроавтобуслар, видеотехника, магнитофон ва шу каби нарсаларни сотиб олишга сарфлади.

Келтирилган техника эса пахтани четга сотишга бевосита дахлдор бўлмаган ташкилотлар ўртасида тақсимланди. Ваҳоланки, республикада одамларга тиббий хизмат кўрсатиш, болаликни муҳофаза қилиш, ҳаётий зарур моллар ишлаб чиқариш синга-ри долзарб масалалар ҳал этилмаган. Энг муҳими эса пахта — бутун ҳалқнинг ва аввало, уни қаҳра-монона меҳнати билан етиштирувчи пахтакорларнинг мулкидир, зотан, бунда уларнинг манфаатла-рини албатта, ҳисобга олиш керак. Буни ҳамма би-лиши лозим.

Ташки иқтисодий алоқаларни мувофиқлаштириш-ни кучайтириш мақсадида республика Ташки иқти-содий банки (Внешэкоиомбанк) тузидди. Ўзбекистон ССР Ташки савдо ва чет эллар билан алоқа давлат комитети ташкил этилаётир. Минглаб пахтакорлар, республикамизнинг барча меҳнаткашлари меҳнати эвазига қўлга киритилган валюта айрим юқори лаво-зимли амаддорларнинг кўнгил очишларига эмас, балки республикамизнинг ҳаётий муҳим манфаатларига, унинг бутун аҳолисига хизмат қилиши керак.

Республика сиёсий ва иқтисодий эркинлиги мус-таҳкамланган сари, чет эллар билан алоқалар янги мазмун касб эта боради. Ташки сиёсат соҳасида бунинг маъноси — ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш соҳасида чет эллар билан бевосита алоқа боғлашни билдиради. Биз илмий-техникавий, савдо-иктисодий, маданий ҳамкорлик масалаларини мустақил ҳал этадиган бўламиз, республика кадрларини ҳалқаро ташкилотлар, совет элчихоналари, бош консулхоналар, савдо вакилларни ишига планли асосда жалб этиб борамиз. Чет элларда республика ваколатхоналарини очиш режамиз ҳам йўқ эмас.

Хуллас, ҳалқаро муносабатлар соҳасидаги кон-ституцион хукуқларнинг тўла-тўқис амалга ошири-лиши республиканинг ташки сиёсий ва ташки иқти-содий алоқаларини ривожлантиришда ҳал қилувчи мезон бўлиб қолиши лозим.

**Бозор муносабатларига ўтиш масаласи.** Ана шундай мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, рес-публикада ўтиш давридаги ресурсларимиз ва им-кониятларимиздан самарали фойдаланиш,

аҳолининг ижтимоий ҳимояси, айниқса, кам таъминланган аҳолининг ижтимоий ҳимоясининг ишончли механизми ишлаб чиқилиши лозим.

Бунда энг асосий масала — **мулкчилик муаммо** сидир. Мулкчилик ҳақидағи түшунчамизни белги-даб олмай туриб, ишлаб чиқариш муносабатларига ёндашувларни ишлаб чиқиш имконияти бўлмайди, бошқача қилиб айтганда, республикада мулкчиликнинг қандай шакллари бўлишини аникдаб олиш дар-кор.

Биз мулк шаклларининг хилма-хиллигини бош-кариладиган бозорнинг ҳал қилувчи омили, деб би-ламиз. Давлат мулки билан бир қаторда ва у билан тенг ҳуқуқлилик асосида колектив, акционерлик, оила, шахсий меҳнат, шахсий мулк ҳам кенг ёйилади.<sup>^</sup>

Ўз-ўзидан маълумки, айрим ишлаб чиқариш обьектларининг давлат обьектларидан кооператив, акционерлик ва бошқа обьектларга айлантирилиши оқилона асосда амалга оширилиши керак. Конкрет қайси корхона ва ташкилотлар уларда ишловчи кол-лективлар томонидан сотиб олиниши мумкинлиги-ни, қайсларини акционерлик жамиятларига, кон-церн ва шу сингариларга айлантириш мақсадга му-вофиқлигини пухта ўйлаб, белгилаб олиш керак.

Хрзир зарар келтираётган баъзи ишлаб чиқариш кор-хоналари имтиёзли шартлар асосида сотилиши ҳам мум-кин.

**Хусусий мулкчилик** вужудга келиши имконияти муносабати билан катта шубҳалар билдирилмокда.

Ўзбекистонда ҳалқ хўялигининг жиддий талаблари, ресурс ва, имкониятлари ҳисобга олинадиган бўлса, кичкина ёки очик айтадиган бўлсак, майда хусусий корхоналар жуда муваффакиятли ишлайди. Булар қандай корхоналар бўлиши мумкин? Бирин-чи навбатда, улар истеъмол моллари, ҳалқ ҳунар-манчилиги, ҳалқ ижодиёти маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган, умумий овқатланиш ва майший хиз-мат соҳасидаги ёки ёрдамчи корхоналар, иккиласми ресурсларни ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлайдиган катта бирлашмаларнинг айрим буюртмаларини бажарадиган корхоналар бўлиши мумкин. Бундай ишлаб чиқариш доираси ва корхо-наларнинг ҳажми, албатта, конуний тартибда аниқ белгилаб қўйилиши лозим.

Майда, кичик комплекс корхоналар қисқа муддат ичидаги қўшимча мол етказиб бериши ва хизмат кўрса-тиши мумкин. Бунинг устига, уларнинг ташкил эти-лиши ҳозир иш билан банд бўлмаган меҳнатга қоби-лиятли аҳолининг бир қисмини ишлаб чиқаришга жалб этиш

имконини беради.

Биз йирик ишлаб чиқариш комплекслари, шу жумладан, мамлакатнинг бошқа минтақаларидаги комплекслар томонидан майда ва ўртача корхоналар, филиаллар ва цехлар ташкил этилишини истисно қилмаймиз, балки, аксинча, рағбатлантирамиз. Ўз-ўзидан маълумки, бу жараён хукумат ва маҳаллий органларнинг назорати остида рўёбга чиқарилади ва республика манфаатларига мос йўналишда бўлади.

Ёрдамчи ишлаб чиқариш бўлинмалари тузилишида уларнинг колективларини уй-жой ва ижтимоий, маданий, майний объектлар билан тўла таъминла шарт қилиб кўйилади.

Республикамизга чет эл фирмалари ғоят зўр қизи-қиши билан қараётганини ҳисобга олиб, қўшма кор хоналар ташкил этиш ишини фаоллаштириш керак. Бунда бош йўналиш — чет эллик шерикларни халт истеъмоли моллари ва фан ютукларидан кўплаб фойдаланиладиган маҳсулот ишлаб чиқаришга жал<sup>^</sup> этишдир. Бундан қандай наф кўзда тутилмоқда?

Чет эл инвестицияси ва илғор технологиясидан фойдаланиш имконияти билан бир қаторда биз одамларимизни ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг за-<sup>^</sup>онавий усулларидан, сифатнинг жаҳон стандартларидан баҳраманд кила оламиз, барқарор алоқалар ўрнатамиз ва бошқа муҳим ишларни амалга ошира-миз.

**Ерга эгалик қилиш** масаласи алоҳида эътиборга са-зорордир. Бу масалани бир томонлама ҳал этиб бўлмайди. Биринчидан, бизда сувсиз дехқончилик қилиб бўлмаслиги сабабли ер муаммосини эмас, балки ер-сув муаммосини ҳал этиш керак. Суғориладиган ерлар қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 95 фоизини бе-ради. Бизнинг шароитимиз Россия шароитидан мут-лақо фарқ қиласи, чунки Россияда гап бўш ётган катта ер майдонлари ҳақида боради.

Иккинчидан, янги ерларни ўзлаштириш амалда тўхтатилгандан кейин ҳозир вужудга келган жиддий вазиятни ҳисобга олиш лозим. Бизда ҳозир қишлоқ хўжалигида банд бўлган ҳар бир кишига 1,2 гектардан 0,8 гектаргача, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 0,4, Фарғона водийсида эса 0,2 гектардан кам ер тўғри келади. Истиқболда манзара янада жиддийлашади.

Умуман олганда, бизда суғориладиган ер ниҳоят-да тақчил бўлиб, хусусий тарзда фойдаланиш учун тақсимланадиган ернинг ўзи йўқ.

Хозироқ ер ва сув хусусида жуда кўп низолар келиб чиқмоқдаки, улар-ни ҳал этиш жуда қийин бўляпти.

**Сув таъминоти** масаласини олиб кўрайлик. Бу ма-салани биз минтақамиздаги фожия билан, яъни Орол фожиаси билан бевосита боғламоқдамизки, бу фожия Чернобиль фожиасидан қолишмайди. Ўрта Осиё мин-такасининг демографик хусусиятларини хисобга олганда унинг аҳолиси 2005 йилга бориб икки баробар кўпаяди ва 60 миллион кишидан ошиб кетади. Уларни қандай қилиб иш билан таъминлаш ва турмуш дара-жасини ошириш мумкин?

Аҳолининг ана шу тариқа ўсиши муносабати би-лан биз, аввало, минтақадаги имкониятларни ўзлаштиришимиз керак. Ўзбекистоннинг ўзида сугорила-диган ерларни 4 миллион гектардан 10 миллион гек-тарга етказиш мумкин.

Қозогистон ҳам, Тожикистон ҳам, Туркманистон ҳам, Қирғизистон ҳам ана шундай имкониятларга эга. Кейинги йилларда эса ерларни ўзлаштиришдаги хатолар танқид қилиниб, уларни тузатиш ўрнига Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини биз томон-га оқизиш ишларини тўхтатиб қўйиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Бу масала юзасидан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси қарорида СССР Госпланига, Фанлар Академиясига ва бошқа марказий идораларга Ўрта Осиё минтақасини истиқболли ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш топширилган эди. Бу топшириқни ҳеч ким бажармаяпти. Бизнинг фик-римизча, бу масалага қайтиш керак, чунки Ўрта Осиё республикалари аҳолини зарур турмуш шароитлари билан таъминлашда ҳозироқ дуч келаётган катта қийинчиликлар эртага янада ортиб, чуқурлашиб бо-ради.

Ҳозир Оролни асраш, табиий ресурслар ва аввало, сув ресурсларидан тежаб фойдаланиш соҳасида қили-наётган барча ишлар давлат ва миллий кўламда аҳами-ятга эга бўлиб, ҳамманинг эътибор марказида бўли-ши лозим. Аммо бу масалага истиқбол нуқтаи наза-ридан ва мазкур муаммони тубдан ҳал этиш нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, аниқ айтиш мумкинки, биз ўз шароитимизга мос келадиган ер ва сув ҳақидаги ўз қонунимизни ишлаб чиқишимиз ҳамда республи-ка Олий Советининг навбатдаги сессиясида тасдиқ-лашимиз керак...

**Биз бутун иқтисодиётга ижтимоий йўналиш баҳш этишни, уни инсонга, унинг талаб ва эҳти-ёжларини қондиришга қаратишни**

ўзимизнинг асо-сий вазифамиз деб биламиз. Келгуси беш йилликда фойдаланиладиган миллий даромаднинг катта қисми ижтимоий муаммолар комплексини ҳал этишга сарф-ланади.

Эътиборни ижтимоий масалаларга қаратиш ҳа-қида гапирав эканмиз, **соғлиқни сақлашни** яхши-лаш биринчи даражали аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш зарур. Бу тармок моддий базасининг ниҳоятда қашшоқ эканлиги устига, бизда бу соҳа яхши ташкил этилмаган ва самарали фойдаланил-маётири. Миллатнинг зурриёд фондини, хеч мубо-лағасиз айтиш мумкинки, ҳалокатдан сақлаб қолиш учун кенг кўламдаги тадбирларнинг катта комплексини амалга ошириш керак бўлади. Муаммо алла-қачон вилоятлар доирасидан чиқиб, умумдавлат вазифаси даражасига кўтарилди. Аммо бу соҳадаги кўпчилик раҳбарларнинг ташвишланаётганликлари унча сезилмаётири. Ҳар ҳолда, Соғлиқни сақлаш ми-нистрлигидан ҳам, хукуматдан ҳам ҳозиргacha эъти-борга сазовор бўлган асосли таклифлар тушаётга-ни йўқ.

Маҳаллий ва республика даражасида тиббий му-ассасаларни ташкил этишнинг пухта ва тўлақонли системасини ишлаб чиқиши, шароитимизни ҳисобга олган ҳолда, илгор чет эл тажрибасидан фойдалани-шимиз керак.

Ихтисослашган йирик даволаш марказлари қиши-лок ва шахар касалхоналари кенг шохобчалари би-лан қўшилиб, ана шундай системанинг асосий бўғи-нига айланиши керак. Республикада бундай систе-мани вужудга келтиришга асос солинди. Яқин йилларда кардиология марказини, кўз микрохирургияси минтақавий марказини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш марказини, урология маркази ва шу сингариларни яратиш мўлжалланган.

Шу билан бир қаторда районлар, шаҳарлар, йи-рик посёлкаларда кенг соҳали касалхоналар, полик-линикалар, фельдшерлик-акушерлик пунктлари, ту-гуруқхоналарнинг кенг шохобчаларини жадал суръатлар билан ривожлантириш, жойларда участка касалхоналарини қайта тиклаш керак.

Биз соғлиқни сақлашга маблағ манбаларини излаб топишга янгича ёндашмоғимиз зарур. Соғлиқни сақ-лашни ташкил этишнинг сугурта шакллари сингари манбалари ҳақида ҳам жиддий ўйлаб кўриш лозим. Бир нарса равшанки, соғлиқни сақлаш факат бюд-жет маблағлари ҳисобига ривожлана олмайди. Соғлиқни сақлашни

ривожлантириш фондини ташкил этиш, унга катта фойда олаётган корхоналар, хўжа-ликлар, кооперативлар, жамоат ташкилотларидан гул ўтказиш масаласини тезда хал этиш ғоят муҳимдир.

Яна бир муҳим масала. Оила врачи вазифасини қайта тиклаш керак. Бу ҳакда кўпдан бери гапириб келинмоқда, лекин кўзга кўринарли силжишлар йўқ. Бу масалани хал этиш, бундай врачлар тайёрлашни ташкил этиш ва уларга иш шароитини яратиш пайти келди.

**Халқ таълими**, ёш авлодга таълим ва тарбия бе-риш соҳаси тубдан янги ёндашувлар талаб қиласди. Болаларни мактабгача тарбия муассасалари билан таъминлашда кескин бурилишга эришиш зарур. Уйлардаги болалар боғчалари шохобчаларини, консультация пунктларини, қишлоқдаги болалар боғчаси — мактаб комплекслари шохобчаларини фаоллик би-лан кенгайтириш лозим.

Истеъдодли болалар учун мактаб-интернатлар ташкил қилиш давом эттирилади. Болалар боғчаси, мактаб билан бир қаторда болалар поликлиникала-рини, чўимилиш ҳавзаси бўлган спорт майдончалари, болалар билан мактабдан ташқари иш олиб борувчи муассасаларни ўз ичига оладиган болалар муассасалари территориал комплексларини барпо этиш ху-сусида чукур ўйлаб, бу ишни бошлаб юбориш ўринли бўлур эди.

**Хотин-қизлар масаласига** муносабатимизни тубдан ўзгартириш тадбирлари ҳақида ўйлаб кўриши-миз керак. Биз хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёй-сий ҳуқуқларини, нуфузи ва қадр-кимматини ҳимоя қилишнинг етарли кафолати учун, уларнинг ижти-моий ишлаб чиқаришда ва бошқаришда иштирок этиши учун энг қулай шароитларни яратишмиз лозим. Оналар ва болалар соғлигини, аҳолининг би-лим ва маданият даражасини сақлаш ҳар томонлама ижтимоий-иктисодий ва мафкуравий жиҳатдан таъ-минланиши керак.

**Халқ хўжалигидаги бундай катта вазифаларни ҳал этишнинг асоси - республиканинг иктиносидий мустақиллигига эришишdir.** Бу ишнинг муҳим йўналишлари Ўзбекистон халқ депутатларининг I сессиясида муҳокама қилинди ва маъқулланди.

Биз республика худудидаги ишлаб чиқариш, фан-техника имкониятлари, ер, ер ости бойликлари ва бошқа табиий бойликларни ўлканинг мулки деб хисоблаймиз. Республика булардан, аввало, ўз хал-қи манфаатларини кўзлаб мустақил фойдаланади. Мудофаа

саноатига, чукур техникавий реконструкцияни талаб қиладиган оғир саноатнинг айрим тар-моқларига тааллуқли корхоналар, умумиттифок транспорт ва ахборот системалари, шунингдек, мин-тақалараро комплекслар таркибига кирувчи корхо-наларгина Иттифоқ қарамоғида қолиши лозим.

Масала кўндаланг қилиб қўйилиши керак — Ўзбекистондаги барча хом ашё ва қайта ишлаш тармоқлари республика ихтиёрига ўтказилиши лозим. **Ўз хом ашёмизни ва маҳсулотимизни Ўзбекистон ман-фаатларини кўзлаб сотадиган бўламиз...**

Марказ билан, бошқа минтақалар билан барча муносабатлар шартнома асосида қурилиши лозим. Биз мустақилликни маҳдудлик деб эмас, аксинча, интег-рация алоқаларини teng хукуқ, ўзаро манфаат асо-сида ривожлантириш деб тушунамиз. Бунда манфаатдорлик алоҳида аҳамият касб этади. Биз узоқ вакт давомида бу сўзни ишлатишдан тортиниб, уни қан-дайдир савдогарчилик, худбинликка йўйиб келар эдик. Аслида эса бу — нормал иқтисодий муноса-батларнинг энг муҳим мезонидир.

Шу сабабли масалани: «Бунинг Ўзбекистонга нафи борми ёки нафи йўқми?» деган тахлитда қўйиш хўжалик ҳаётимизнинг нормаси, ягона халқ хўжа-лик комплексининг барча бўғинларидағи ўзаро муносабатлар нормаси бўлиб қолиши лозим.

Бозор иқтисодиётiga ўтиш шароитида бу нарса, айниқса, муҳим. Бизнинг бурчимиз — хомхаёлларга ва оғмачиликка йўл қўймай, Ўзбекистон шароитида бозор механизмининг моҳияти ва мазмунига сер-гаклик билан ва ҳар томонлама реал баҳо бериши-миз, унинг жорий этилишида вужудга келиши мум-кин бўлган мураккабликлар ва оқибатларни кўзда тутишимиз, ўтиш даври кескинликларини юмшатиш-га ёрдам берадиган зарур механизмларни олдиндан яратиб кўйишимиз керак.

Бизнинг назаримизда, такдим этилган таклифларда мулкчиликнинг, минтақа билан марказ ўртасидаги 208

ўзаро муносабатларнинг, маҳсулотларни бошма-бош айрибошлиш асосларининг кўпгина принципиал ма-салалари тўла-тўқис ҳал этилмаган. Бир қатор қоидаларга эса биз, умуман қўшила олмаймиз.

Биз шу йил 1 июлданоқ ноннинг чакана нархи, бошқа нархлардан айри ҳолда бир томонлама оши-рилишига қарши қатъий эътиroz билдирамиз. Бу ғалла билан пахта, улардан олинадиган маҳсулотлар

нархларининг эквивалентлигига эришиш йўлидаги ҳозир кўйилаётган дастлабки қадамларни тамомила йўкка чиқаради.

Бунга ёқилғи, металл ва техника нархларини оши-риш мўлжалланаётганини қўшсак, паҳтага ҳақ тўлаш-ни кўпайтириш тартиблари ҳеч нарса бўлмай қолди. Ваҳоланки, бизнинг шароитда айни шу нисбат иқти-садий тенг хуқуклиликнинг, умуман, республика иж-тимоий ривожланиш даражасини, унда яшовчи аҳоли фаровонлигини оширишнинг ҳал қилувчи омилидир. Бошланғич шароитларни хисобга олиш ва баро-барлаштириш масаласи биз учун катта аҳамиятга эга, бу ҳақда биз юқори даражаларда бир неча бор келишиб олган эдик. Хукумат маърузасида бу муаммо тилга олинади. Лекин республика хиссасини, унинг ҳозирги аҳволини ва аҳволни яхшилашга сезиларли таъсир кўрсатишни хисобга олмаган ҳолда, юзаки тенглик нуқтаи назаридан енгил-елпи тарзда мав-хум гапларгина айтиб ўтилган. Ваҳоланки, гап хайр-эҳсон ҳақида эмас, балки республиканинг ҳалқ хўжа-лик комплексига қўшаётган ҳақиқий хиссаси ўрни-ни қонуний асосда тўлдириш ҳақида бормоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтиш концепцияси ҳақидағи мамлакат хукуматининг маърузасида инвестициялар-ни қисқартириш масалалари қўйилди. Бизнинг фик-римизча, бу хато ёндашувдир, чунки товар бозори

таъминланишининг олдинги даражасида ва энг му-ҳими, ишлаб чиқаришнинг ҳозирги техникавий ва структуравий даражасида (бу жиҳатдан биз илфор мамлакатлар даражасидан 15 — 20 йил ва ундан кўпроқ орқада қолаётирмиз) бундай сиёсат баттар қолокдикка олиб боради.

Бунда қисқартириш ҳақида эмас, балки мақсад-ли, структуравий сиёсатни, капитал қурилишдаги устун йўналишларни, аввало, тугалланмаган қури-лишларни кескин қисқартириш мақсадида тубдан қайта кўриб чиқиши ҳақида гап бориши керак.

Республика шароитида ҳалқ хўжалиги структу-расини қайта қуриш, ишлаб чиқарувчи кучларни вилоятлар ва минтақалар бўйича мутаносиб тарзда жойлаштириш, социал соҳани ривожлантиришни кескин жадаллаштириш учун зарур маблағ ва ре-сурслар ажратиш алоҳида муҳим аҳамиятга эга.

Энг асосийси, аҳоли социал ҳимоясининг аниқ ва таъсирчан механизmlари зарур. Турли тажрибалар ҳалқ елкасига оғир юқ бўлиб

тушишига йўл қўйиб бўлмайди. Ахолининг социал аҳволини яхшилаш — республиканинг бугунги шароитида, айниқса, муҳим. Бу муаммони тўғри ва изчилилк билан ҳал этиш фа-олиятимизнинг асосий йўналишларидан биридир.

**Ахолининг кам таъминланган табакаларига** оид муаммоларга, уларни кечиктирмай ҳал этишга ало-ҳида эътибор бериш керак. Пенсионерлар, ногиронлар, кўп болали оиласларга бозор муносабатларининг шафқатсиз шароитида ёрдам бермасликка ҳаққимиз йўқ. Ахолининг бу тоифалари учун қандай қўшимча имтиёз ва нафақалар тайинланаётгани ҳақида юқори-да гапириб ўтилди. Яқинда улар Президентнинг янги Фармонлари билан тўлдиридди. Биз бу соҳадаги куч-гайратимизни бундан буён ҳам ошираверамиз.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида вақтинча ишдан маҳрум бўлиб қоладиган ва иш билан банд бўлмаган 1 миллион аҳоли қаторига қўшиладиган кишиларга алоҳида эътибор берилиши лозим. Бу нарса республикада катта муаммони вужудга кел-тирмоқда. Бундай одамларни қўллаб-қувватлаш, улар ишсизлик юзасидан ёрдам олишлари, малакаларини ўзгартириб янги касб эгаллаш имкониятига эга бўлишлари зарур.

Бу гапларнинг ҳаммаси бозор иқтисодиётига халқнинг розилигисиз ва умумхалқ референдумисиз, Иттифоқ республикалари билан келишмасдан ўтиш мумкин эмаслиги ҳақидаги фикрни яна бир бор тас-дикдайди. Пировард натижада бозорга ўтиш ҳақидаги ана шу жиддий қарорнинг ҳамма оқибатлари учун халқимиз олдида биз жавоб беришимизга тўғри келади.

**Уй-жой қурилишига** алоҳида эътибор берилиши лозим. Яқин беш йил ичida 67 — 68 миллион квадрат метр уй-жойни фойдаланишга топшириш, 6 милли-ондан зиёдроқ кишининг уй-жой шароитини яхши-лаш вазифаси кўйилди, бу эса ҳозирги беш йиллик-дагидан бир ярим баробар кўпdir.

**Ахолига коммунал хизматни** кескин яхшилаш ва-зифаси турибди. Ахолининг марказлаштирилган сув таъминоти даражасини 52 фоиздан 67 фоизга етка-зиш, Оролбўйи зонасида эса 1995 йилгача бутун ахолини марказлаштирилган сув таъминотига ўтка-зиш кўзда тутилади. Қишлоқ аҳоли пунктларини газ-лаштириш суръатлари икки баробар ортади.

Республикада ижтимоий ўзгаришларни факат бюд-жет

маблағлари ҳисобига амалга ошириб бўлмайди. Бу вазифани ҳал этишга министрликлар, идоралар, корхона ва ташкилотлар ўз ҳиссасини қўшишлари керак.

Ҳозир 800 дан ортиқ колхоз, 50 та совхоз, 85 та корхона оналарга, ветеранларга, пенсионерларга қўшимча на-фақа тайинлади.

Айни вактда саноат корхоналари, бошқа тармоқлар маҳсус фондлари қолдиғида 1,3 миллиард сўм пул, шу жумладан, социал ривожлантиришга мўлжал-ланган 242 миллион сўм пул харакатсиз бўлиб ётибди. Биз меҳнаткашларга социал мадад бўйича кенг системани вужудга келтиришда меҳнат коллективлари, ҳалқ депутатлари Советларининг ижроия ко-митетлари қўрсатадиган барча ташаббусларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз.

Янги шароитда самарали иш олиб бориш учун бозор муносабатларини яхши биладиган, республи-ка сиёсатини фаол ўтказа оладиган **юқори малака-ли мутахассислар** керак.

Мактаб курсисидан бошлаб истеъодди ёшларни танлаш ва рағбатлантириш даркор. Бу йўналишда дастлабки қадамлар қўйилаётир, лекин бу жараённи бутун чоралар билан жадаллаштириш керак.

Бугунги кунда истеъодди ёшларни қўллаб-кув-ватлаш, танлаш ва уларни мамлакатдаги ва чет эллардаги етакчи илмий марказларга ўқишига юбориш мақсадида маҳсус республика фонди тузилди. Қишлоқ ёшларига алоҳида эътибор бериш, уларнинг манфаатларини камситмаслик, балки, аксинча, уларнинг маънавий ва моддий ўсиши учун бутун шароитларни яратиш лозим.

**Бу бизнинг ғоят катта резервимиз ва айтиш мум-кинки, қўпинча унутиб қўяётган бурчимиздир.** Дастлабки гурух — 100 дан ортиқ илмий ходим мар-казий олий ўқув юртларига ва илмий-тадқиқот му-ассасаларига юборилди. Бу йил 52 нафар студент ҳамда 51 нафар илмий ходим ва мутахассисни чет эллардаги ўқув юртларига ва илмий марказларга ўқиш, малакасини такомиллаштириш ва илмий иш олиб бориш учун юбориш қўзда тутилади.

Студентлар ва илмий ходимларга тил ўргатиш рес-публика маркази тузилмоқда. Унда ишлаш учун АҚШ ва Буюк Британиядан мутахассислар жалб қилиш мўлжалланмоқда. Республика хукумати республика ёш олимларини энг яхши чет эл дорилфунунларига стажировкага юбориш масаласини қўриб чиқмоқда.

Замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда, му-таксисслар тайёрлаш учун бўлажак ўқув йилидан бошлабоқ айрим факультет ва бўлимлар йўналиши-ни ўзгариши ҳамда янги факультетлар ва бўлимлар очиш хусусида таклифлар тайёрлаш керак.

Бозор иқтисодиётига ўтиш учун тайёргарлик жа-раёнида республика олий ўқув юртларида халқаро иқтисодий муносабатлар бўйича, шу жумладан, халқаро маркетинг, валюта муносабатлари, ташки иқти-содий фаолият, бошқариш бўйича кадрлар тайёр-лаш ташкил этилиши лозим.

Ишчиларимизни контракт асосида чет элга ста-жировкага юборишдан бош тортмаслик, балки буни рағбатлантириш зарур. Чунки улар яхши иш ҳақи билан бир қаторда, энг илғор техника ва технология-ни, меҳнатнинг илғор усусларини ўзлаштириш, профессионал савиясини кенгайтириш имкониятига эга бўладилар.

Хулоса қилиб шуни таъкидламоқчиманки, биз иж-тимоий-иктисодий сиёsat соҳасида халқ хўжалиги структурасида туб ўзгаришларни амалга ошириш, унга кўпроқ социал йўналиш баҳш этиш, одамларнинг эҳтиёж ва талаблари томонга бурилишни ўзимизнинг энг асосий вазифамиз, деб ҳисоблаймиз...

буни тушуниб турибмиз ва республиканинг ҳозирги имкониятлари даражасида қўлимииздан келган ҳамма ишни қилдик. Бундан буён ҳам уларга ёрдам беришга ҳаракат қилаверамиз.

Ҳозир эса уларнинг шаънига яхши сўзлар айт-моқчиман. Ёшларни тарбиялашдаги ёрдамингиз учун, маҳалла комитетларидағи меҳнатингиз учун, жан-жалларни тўхтатиш мақсадида айтиётган сўзларин-гиз учун, сизларнинг сабр-матонатингиз ва ишимизда бераётган мададингиз учун раҳмат сизларга! Соғ-саломат бўлинглар, умрингиз узок бўлсин!

Биз бутун турмушимизни янада демократиялаш-га интилар эканмиз, **барча жамоат ташкилотлари ва ҳаракатларига, келгусида эса партияларга ҳам янгича ёндашмоғимиз** керак. Биз ижобий позиция-да турган мана пгундай ташкилот ва ҳаракатлар билан ҳамкорлик қилишга тайёрмиз. Улар ўз масъули-ятини англаб, танглиқдан қутулишнинг қийин бўлса ҳам амалий йўлларини қидириб топмоқдалар. Бун-дай кишилар, ҳатто, баъзан бўёқларни куюқлашиб, сўл тарафга оға бошлаган пайтда ҳам уларни тушунишимиз ва қўллаб-кувватлашимиз керак. Улар билан жар устидаги тор кўприкда

тортишмай, балки ҳаётнинг катта кўпригидан биргаликда олға бормоқ керак.

Баъзилар борки, мавжуд қийинчиликлардан, етишмовчилик ва кулфатлардан сафсатабозлик, сиё-сий чайқовчилик, ёвузларча хурсанд бўлиш, ўз ғараз-ли манфаатларини қондириб олиш учун баҳона си-фатида фойдаланмоқчи бўладилар. Бундай кучлар ахвол қанчалик ёмонлашса, шунча яхши, деб ҳисоб-лайди.

Ўтмишда анча юқори лавозимларни эгаллаб турган кимсалар ҳам уларга қўшилиб кетмоқда. Бироқ вазият ўзгариши биланоқ, янги йўналиш ғалаба қилиб, мاشаққатли курашда ўзининг ҳақдигини исботлаши биланоқ, ўтмишга карши курашадиган «қаҳрамонлар» жуда кўпайиб кетди. Улар янги тўлқиннинг ўркачига чиқиб олишга интилмоқдалар. Бундай арбобларнинг ҳақиқий башарасини очиб, одамларга яққол кўрсатиб бериш зарур.

Нихоят, жуда оз сонли бўлса-да, шундай бир гурух ҳам борки, бу гурух ҳар қандай янгиликни, яхшилик сари ҳар қандай ўзгаришни тўсиб қўйишга интила-диган, кескинликни кучайтиришга уринадиган, очиқдан-очиқ жамиятга қарши бўлган кучлардан иборат. Улар вазиятни издан чиқариб, можароларни кучай-тириб, шу тариқа тартибсизлик ва бошбошдоқлик жазавасида хокимиятга интилиб, хўжайинлик лаво-зимларини эгаллаб олишга ҳаракат қиляпти. Бу хавфга етарли баҳо бермасликка ҳаққимиз йўқ.

Мазкур кучлар миллатлараро муаммолардан фой-даланиб қолишига алоҳида умид боғламоқда. Ўтмиш-да йўл қўйилган бузилиш ва сохтакорликлардан, ҳозирги хатолардан фойдаланиб, миллий адоват ва мухолифлик туйгуларини кучайтиришга интилмоқ-да. Мана шундай вазиятда аҳолининг осойишталиги ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун қонун кучини ишга солиш керак.

## **VI. Жамиятнинг маънавий ва ахлоқий соғломлиги учун жавобгармиз**

Ошкоралик — қайта қуришнинг катта ютуғи, буни ҳаммамиз сезиб турибмиз. Лекин тайёргарлик бўлмаган заминда демократия ниҳолларигина эмас, балки сафсатабозлик ва экстремизмнинг ёввойи ўтлари ҳам ўсиб чиқиши мумкин.

Шуни эътироф этиш керакки, қайта қуриш бош-ланганига 5 йил бўлди, бироқ ҳали ҳам **мафкуравий фаолиятнинг** бус-бутун ва мукаммал концепциясига эга эмасмиз. Партия раҳбарлари мафкура

масалалари хусусида қўп гапирмокдалар. Лекин гап кўп-у, қўмир оз деганларича бор.

Хозирги конкрет вазиятда **миллатлараро муно-сабатлар** билан боғлиқ бўлган муаммоларга алоҳида эътибор бериш зарур... Шахсга сифиниш ва тургун-лик йилларидағи айнишлар, тўғри йўлдан тойишлар миллатлараро муносабатларга салбий таъсир ўтказди.

Сўнгги вактларда биз меҳнаткашларнинг **байнал-милал тарбияси** тўғрисида уялиброқ гапирадиган бўлиб қолдик. Ҳолбуки, бундай тарбия хозир иши-мизнинг асосий йўналишларидан бири бўлибгина қолмасдан, бизнинг кўп миллатли республикамиз учун жуда долзарб муаммодир. Бу масалани ҳал қил-маслик яна можаро, яна нифок, янги қурбонлар, янги қочоқлар ва ур-йикитларни кутиш демакдир.

Байналмилал тарбия принципиал янги мазмун касб этиши керак. Назаримизда, бундай тарбия лекция ёки сухбатлардангина иборат эмас, бироқ ақл-ид-рок ва ҳалоллик билан ўтказиладиган ана шундай лекция ва сухбатлар ҳам зарур, албатта. Бутун куч-ғайрат асосан ижтимоий ва миллатлараро кескин-ликнинг сабабларини аниклаш ва уларни ўз вактида бартараф этишга қаратилмоғи лозим.

**Қуролли кучларга муносабат** ватанпарварлик, байналмилаллик ва гражданлик бурчини нечоғлиқ чукур укиб олганлигимизни намоён этувчи тамал тошидир...

Биз, армия хизматига салбий муносабатни келти-риб чиқарган сабабларни бартараф этиш учун омилкорлик билан харакат килишимиз шарт. **Бу ўринда гап айрим ҳарбий қисмларда интизомнинг бўшашиб кетгани, Уставга хилоф муносабатлар мавжудлиги, йигитларнинг майибланиб қайтиши ва ҳалок бўлишига йўл қўймаслик ҳақида бормокда.** Биз рўйи-рост айтишимиз керакки, бунга асло йўл қўя ол-маймиз. **Ўз фарзандларимизни уларга нисбатан но-хуш ҳатти-ҳаракатлардан ва белгиланган қонунларнинг бузилишидан муҳофаза қилиш** учун барча ишларни қиласиз.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ташабbusи билан Ўзбекистон ССР Олий Со-вети Иттифоқ органларига йигитларимизнинг хиз-матни ўташ тартибини ўзгартириш тўғрисида бир қанча таклифлар киритди. Бу масалалар хозир ҳал этилмоқда. Чунончи, курилиш қисмларига чаки-рилган йигитлар Туркистон

харбий округи худу-дида хизматни ўташлари тўғрисидаги масала ҳал этилди.

Чақирув комиссияларига Олий Совет ва маҳал-лий Советларнинг депутатлари жалб этиладиган бўлди. Ўзбекистондан чақирилган йигитларнинг бар-ча жанговар қисмларда ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитлари республика жамоатчилиги томонидан қатъий назорат остига олинмоқда.

Жиноятчилик таҳликали тарзда ўсиб бораётир, бу маънавий-сиёсий вазиятга бекарор қилувчи таъсир ўтказмоқда. 1985 йилга нисбатан жиноятчилик қарийб 20 фоиз, оғир жиноятлар эса бундан ҳам кўпроқ ўсади. Хукукни муҳофаза этиш органлари томонидан мансабдор шахсларнинг қонун-коидани бузиш ҳолларига эътибор кучайтирилгани туфайли бу муҳофаза органлари собиқ раҳбарларининг соҳ-та обрўси кўтарилиб кетди. Лекин айни бу ҳол узоқ вақт давомида бошқа жиноятларнинг панада қолиб кетишига олиб келди.

Биз жиноятчиликка қарши курашиш юзасидан фавқулодда чоралар кўрар эканмиз, салбий ҳодисаларни вужудга келтираётган, одамларни, айниқса, ёшларни хукукка хилоф хатти-ҳаракатлар кўчасига киришга мажбур этаётган ижтимоий-иктисодий ва маънавий-сиёсий сабабларни, илдизларни топиш, уларни бартараф этиш лозим, деб хисоблаймиз.

Гап шу ҳақда борар экан, **«оммавий маданият»** муаммоларига ҳам алоҳида эътибор беришимиз ло-зим. Айрим кишиларда ялло қилиб яшаш, зўравон-лик, ҳаром-харишлиқ рухи хукмрондир. Баъзан одобсизлик, беҳаёлик, кўнгилни айнитар даражада-ги намойишлардан одамларнинг фифони ошмоқда. Улар асрий анъаналаримиз, диёнат, виждон, одоб бо-расидаги ҳалқ удумлари оёқ ости қилинаётганини айтиб, бизни муҳофаза этинг, демоқдалар. Биз бу билан хисоблашмоғимиз керак.

Ажойиб маданий анъаналар соҳиби бўлган ҳал-қимизни маънавий айниш ва қўпол пасткашликдан ҳимоя қилиш учун қонун чиқариб бўлса ҳам қатъий чоралар кўриш керак.

Маданиятнинг моддий базасига назар солсак, уялиб ерга кириб кетгудек бўламиз. Ҳдмонки, жа-мият маданиятга ҳаётнинг бошқа соҳаларига нис-батан сариқ чақа сарфлаётган экан, вужудидан юксак ички маданият нурдек таралиб турган одам-ни тарбиялаши

мумкинми?..

Бугун босиб ўтган йўлимизга ўз-ўзини танқид ру-ҳида назар ташлаб, шуни рўйирост тан олишими" керакки, биз маданият муаммолариға кечириб бўл майдиган тарзда кам эътибор берган эканмиз. Нутқ лар ва маърузаларда жамиятнинг маънавий тараққиётида маданиятнинг тутган ўрни хақида жуда ба-ландрарвоз гапларни кўп айтдик.

Лекин амалда, яъни театр ва кинотеатрлар қуриш юзасидан аниқ вазифаларни ҳал этишда, улуғ аж-додларимиздан мерос бўлиб колган ноёб меъморий обидаларни таъмир этишда, китоб нашр этишни яхшилашда, ҳалқ санъатини ривожлантиришда, таас-суфки, биз ўзимизнинг жарангдор чақириқларимиз ва шиорларимизни амалга ошириш юзасидан оз иш қилдик.

Нимага мўлжаллангани нотайин бўлган иншоотлар ва маъмурий бинолар қурилишига миллион-мил-лион сўм маблағларни сарфлаб юборавериб, ҳалқнинг маънавий ва жисмоний камолоти учун жуда зарур бўлган клублар, кутубхоналар, спорт иншоотлари қурилишига маблағни аядик.

Ҳаётимизда санъатнинг ўрни тўғрисидаги Жда-нов ва Сусловнинг «назария» — қоидалари оқиба-тида адабиётимиз катта талофат кўрди.

Бизнинг «назариётчиларимиз» адабиётнинг партиявийлиги тўғрисидаги ленинча таълимотнинг биринчи қисмини ҳадеб тақрорлайвериб, унинг ик-кинчи қисмини, яъни «адабиёт — нозик ишdir, у маъ-муриятчилик ва буйруқбозликка мойил эмас», деган қисмини кўпинча унтиб кўйдилар. Натижада бу «назарий» ақидалар аччик самара берди: Ўзбекис-тонда ҳам душманларни қидиришга киришдилар. Маданиятимизнинг машҳур арбоблари Ойбек, Абдулла Қаҳхор, Миртемир ва Туроб Тўла бадном этилди, уларнинг айримлари, чунончи Шайхзода, Мирзака-лон Исмоилий, Саид Аҳмад, Шуҳрат, Шукрулло син-гари кўп адиллар ўз ҳаётларининг маълум йиллари-ни қамоқларда кечирди. Ўзбек ҳалқининг атоқли фарзандлари — Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Элбек, Боту каби адабиётимиз намо-яндалари бошига оғир мусибат тушди.

Ҳозирги ошкоралик ва қайта қуриш даврида яна шуни эътироф этишимиз керакки, биз баъзан ўз та-рихимизга жуда бирёқлама қараб, узоқ ўтмишдаги машҳур олимлар ва шоирларнинг ижодий фаолияти-

га шу арбоблар яшаган ва ишлаган давр мұхитини ҳисобға олмасдан, замоннинг сохта талқинига сүя-ниб баҳо бердик.

Яқиндагина ўзбек адабиётининг классиги Бобур-ни баҳолашда тор синфий ёндашув рўй берди. Адид ижодининг миллий ва умуминсоний аҳамияти кам-ситилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Коми-тетининг 1986 йилда бўлган учинчи пленумида Бобур шахси таҳқирланиб, у «маърифатли золим» деб тилга олинди.

**Халқимиз республика хукуматининг Навоий, Улуғбек, Бобур, Машраб, Фурқат, Қодирий ва халқимизнинг бошқа буюк фарзандлари юбилейларини ўтказиш тўғрисидаги қарорини жуда рух-ланиб кутиб олгани бежиз эмас, деб ўйлаймиз.** Уларнинг мероси Ўзбекистон халқлари умуминсо-ний қадриятларининг равнақи ва бойишига хизмат қилиб келган эди ва бундан буён ҳам хизмат қиласади. **Биз уларнинг бебаҳо меросини халққа, аввало ёшларга етказиш учун барча ишларни қиласиз.**

Ҳозир юртимизда маданият ва санъат арбобла-рининг ҳалол, ҳаққоний сўзига юксак баҳо берил-мокда. Аммо ана шу сўз одамларнинг ақл-идроқи ва кўнглига етиб бориши учун ҳали қўп иш қилиш ке-рак.

Биз болалар ва ўсмирлар учун китоб нашр этишда охирги ўринлардан бирини эгаллаб турибмиз. Чунки, полиграфия саноатимиз қолоқ. Нашриётлар ишидаги камчиликлар ва полиграфия базасининг заифлиги ҳақида биз ўн йиллардан буён гапириб келмокдамиз. Ахвол эса ўзгараётгани йўқ. Давлат план комитети ва Матбуот давлат комитети бу иш билан пухтароқ пгу-гулланишлари лозим. Миллатнинг маънавий тарақ-қиёти шу ишнинг ҳал этилишига ҳам алоқадор. Ки-нематографчиларимиз ишида силжишлар бўлишини кутиб турибмиз. Бадиий жихатдан тўлақонли, томо-шабинлар илиқ кутиб олган яхши картиналар хозир-ча бармоқ билан санаарли.

Республикамиз катта зиёли кучларга эга, республикамиз ахолисининг учдан бирини ташкил этган фарзандларимиз тақдирни ана шу устозлар, яъни ўқитувчилар кўлидадир, зотан муаллимларнинг ахво-лини яхшилаш барчамизнинг бурчимиздир.

**Кутубхона, клуб, музей ходимларининг ахволи ҳам дуруст эмас.**

Урушдан илгариги йилларда биз республика бюджетининг ярмига қадар маблағни маориф ишларига сарфлар эдик, хозир у

вақтдагидан бадавлатроқ бўлиб қолганимизда эса, шу эҳтиёжларга анча кам маблағ харжламоқдамиз

Одамлар, ёш авлод кўз ўнгида **тарих ва мадания-тимизнинг ажойиб обидалари** тупроқка қоришиб кетаётгани ўрнини қоплаб бўлмайдиган сиёсий, маъ-навий талофатдир.

Эндиликда **миллий маданиятни**, унинг руҳий ва маънавий қадриятларини тиклаш бизнинг энг асо-сий мафкуравий вазифаларимиздан бири сифатида олдинги ўринга чиқиши керак.

Давлат тили сифатида **ўзбек тилининг** қўлла-ниш соҳасини кенгайтириш юзасидан кўп иш қилиниши лозим. Бу ўринда ҳали ҳал бўлмаган кўпгина масалалар бор. Белгиланган режалар суст амалга оширилмоқда. Бу камчиликларни бартараф этишда босик-вазминлик, андиша билан иш тути-шимиз зарур. Айни вақтда Ўзбекистонда яшаётган барча миллатлар ва элатларнинг тил соҳасидаги ва бошқа маданий-миллий эҳтиёжларини қондириш учун шарт-шароитлар яратилиши керак.

Сира муболағасиз айтиш мумкинки, ҳалқни маъ-навий жихатдан соғломлаштириш соҳасидаги ана нгу катта ишда зиёлиларимиз асосий, ҳал этувчи ўрин-ни эгаллашлари даркор. Зиёлиларнинг сўзи одамларнинг онг-шуури ва қалбида ҳамиша акс-садо беради.

Бугунги мураккаб, зиддиятли, турли ларзалар чи-киб турган ва можаролар бўлиб турган вазиятда зиё-лиларимизнинг оқилона сўзлари, хайрли ишлари одамлар ва ҳалқлар ўртасида инсонпарварлик ва маънавий нормаларни сакдаб қолишда энг муҳим шартдир.

Республика Фанлар академияси олимларидан уми-димиз катта. Бунинг боиси бор, албатта. Республи-камизни инқироздан чиқаришнинг ягона демагандা ҳам, асосий йўли илм-фаннинг мададига таяниш-дадир. Фан-техника тараққиётига, янги гоялар ва қашфиётларга суюнишдадир.

Олимларимизни танқид қилиш ҳам мумкин эди, бундай танқид, ҳатто, анъанага ҳам айланиб кетган эди. Лекин мен уларни қўллаб-куvvатламоқчиман. Чунки, шунга имоним комилки, республикамиизда анчагина етук олимлар бор, конкрет ишлар ҳам қилинган, олимларимиз ҳалқ олдидаги масъулияти-ни ҳам тушуниб турибдилар. Яқинда бўлиб ўтган учрашувлар чоғида ҳам бунга ишонч ҳосил қилдим.

Файрат-шижоат ва ижодкорлик кўпроқ бўлса дей-миз. Ёш

олимларга ёрдам берайлик. Шундай қилсак,

дуруст натижаларга эришамиз. Биз бу борада ёрдам-ни бундай буён ҳам ҳеч аямаймиз.

Биз ижтимоий тараққиёт муаммоларини ўртага қўйишдаги ташаббускорлик ва дадилликни ҳар то-монлама қўллаб-кувватлаб, журналистларнинг масъулиятини ошириш тарафдоримиз, шу билан бирга, бир томонлама ғаразли ёндашувларга қарши, сохтачиликка қарши, ахлоқ-одобни оёқ ости қи-лишга қаратилган уринишларга, ҳақиқатни факат мен айтаман деб даъво қилишларга қарши эканимизни ҳам очиқ айтамиз.

Марказий матбуот билан ўзаро муносабатлари-миз тўғрисида алоҳида гапириб ўтмоқчиман. Бу му-носабатлар бир текис эмас. Биз илгари ҳам қатор мақолаларда ашёвий далилларнинг «қулоғидан тортилгани», бу шундоққина кўриниб турган ғирром-лик экани ҳақида гапирган эдик.

Виждон амрига қулоқ солиб оқни — оқ, қора-ни — қора дейиш керак. Бизнинг юзимизга лой чаплашаётганида, бунга ошкоралик ва демократиянинг намоён бўлиши деб баҳо бермоқдалар. Буни қарангки, биз Ўзбекистон ҳаётининг муҳим муам-молари бир ёқлама ёритиляпти, деб норози бўлсак, бу ошкоралик принципларига тажовуз деб қарап-моқда.

Биз журналистларни чеклаб қўймоқчи эмасмиз. Майли, ёзаверишсин, майли, танқид қиласверишишин. Аммо холислик ва андиша унutilмаслиги керак, иккала томоннинг овози эшитилгандагина ҳақиқий ошкоралик қарор топиши мумкинлигини ёдда ту-тиш керак. Ҳамонки, факат бир томонгина Итти-фоқдаги миллион-миллион одамларни чалғитиб, афсона кетидан афсона тўқиётган экан, бу ҳол фикрлар хилма-хиллигидан жуда йирокдир.

Биз даврий нашрларнинг структурасига яна ҳам синчковлик билан назар солишимиз, шу структура-ни демократиялашимиз, бир қанча янги газета ва журналларни нашр этишимиз керак. Марказдаги оммавий ахборот воситалари билан ўзаро муноса-батлар тартибига янгича баҳо бериб, ана шу воситалар мухбирларининг республикадаги вакиллиги шартларини тайёрлашимиз зарур.

Биз жамиятшуносликнинг ролига янгича назар со-лишимиз зарур. Узоқ вақтдан буён жамиятшунослик фани социализм тўғрисидаги доктриник тасаввурлар хизматида бўлди, сиёsat ва мафкуранинг

изидан борди. Мамлакат ва республикамизда содир бўлаётган жараёнларни теран илмий идрок этиш зарур.

Биз кўп партияйлик шароитидаги ижтимоий ҳаёт қонуниятлари таҳлили дастурига эга эмасмиз. Жа-миятшунослар кўп укладлик мавжуд бўлган шаро-итда, бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш-даги иқтисодий ва ижтимоий зиддиятлар тўғриси-даги тасаввурларни баён этиб беришгани йўқ.

Миллатлар ва миллатлараро муносабатлар рав-нақи, республикаларнинг сиёсий суверенитети ва иқтисодий мустақиллиги, ишчилар синфининг мил-лий отряди шаклланиши муаммолари ва бошқа кўп муаммолар чукур таҳлил этилиши керак.

Афсуски, Марказий Комитет хузуридаги Партия тарихи институти сўнгги йилларда янги гоялар, кон-цепциялар билан бизни баҳраманд этаётгани йўқ. Ўйлаймизки, бу даргоҳни тубдан қайта тузиш, эҳти-молки, ижтимоий-иктисодий муаммолар институти-ни очиш вақти етилдд.

Тошкентдаги Олий партия мактабида олиб борилаётган илмий ва ўкув ишларини ҳар жиҳатдан янги даражага кўтариш лозим. Бу ерда ҳам туб ўзга-ришлар қилиш пайти аллақачон етилди.

Виждон эркинлиги масалаларига ҳам биз янгича позициялардан ёндашибимиз лозим. Биз динга қарши зўравонлик билан курашиш усуслари ва ўзбо-шимчаликдан воз кечиб, давлат билан дин ўртасидаги ўзаро муносабатларда қонуний принципларни тўла тиклаш тарафдоримиз.

Биз атеистлар ва диндорлар ўртасидаги, ҳокими-ят органлари билан диний бирлашмалар ўртасидаги ҳамкорликни бундан бўён ҳам ривожлантириш та-рафдоримиз.

Бундан кўзда тутилган муддао инсонларнинг фа-ровонлигидир, ижтимоий муросасизлиқ, миллий ни-фоққа, фуқароларнинг манфаатларига путур етка-зилишига чек қўйишдир.

Хуллас, барча соғлом кучлар эл-юрт манфаатла-рига, ҳар бир инсоннинг манфаатларига, жамияти-миз ҳаётининг инсонпарварлик, демократик негизларига хизмат қилиши керак...

**Делегат ўртоқлар!**

Менинг маърузам ниҳоясига яқинлашиб қолди. Зиммамизда турган вазифалар енгил вазифалар эмас-лигига ишончингиз комил бўлди, деб ўйлайман. Йўлимизда бугун жиддий кийинчиликлар бор,

улар келажакда ҳам бўлади...

Ҳозир олдимизда турган мақсадларга эришишнинг бирдан-бир тўғри йўли — меҳнат ва яна бир бор меҳнатдир, илҳом ва маҳорат билан ташкил эти-ладиган меҳнатдир.

«Инсон — жамиятга, жамият — инсонга ҳамна-фас», деган шиор турмушимизнинг қонуни бўлиб қолиши, республикамиздаги ҳар бир кишининг тур-муш фаровонлигини оширишда энг муҳим шартга айланиши керак...

Яна бир муҳим гапни айтиб ўтмоқчиман. Биз шуни қатъий тушуниб олишимиз зарур: биз, миллатимиз ва элатимиздан қатъи назар, республиканинг барча меҳнаткашлари Ўзбекистон муаммоларини аҳиллик ва жипслик билан бир оиласинг фарзандлари каби ҳал қилганимиздагина ҳар қандай қийин вазифаларни ҳам бемалол уddaрай оламиз.

Ўзбекистон — кўп миллатли республика. Бу ерда қадим замонлардан бери неча ўnlаб миллат фар-зандлари ёнма-ён яшаб, меҳнат қилиб келмоқдалар...

Ўзбек ҳалқи ҳамиша — кулфатда ҳам, қувончда ҳам бошқа миллат ва элатларга алоҳида хурмат би-лан қараб келган, мамлакат ҳалқларининг қардош-лиги ва дўстлигини муқаддас билиб ардоклаб келган. Бу нарса бутун дунёга маълум. Бу — биз бебаҳо бойлик деб асрайдиган ҳаётий қадриятдир.

Биз барча миллат ва элатларнинг бирлигини бундан буён ҳам мустаҳкамлаш учун аҳиллик билан яхши ишлашга имкон берадиган маънавий, сиёсий муҳитни яратишни ўз бурчимиз деб биламиз. Одамлар ўрта-сидаги мана шундай муҳит доимо беғубор ва му-саффо бўлсин, бу муҳитга чанг ва гард юқмасин...

*Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездидаги сўзланган  
маърузадан*  
*«Совет Ўзбекистони» газетаси, 1990 йил 5 июнъ*

## **МУСТАҚИЛЛИК ДЕКЛАРАЦИЯСИ**

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети:  
ўзбек халқининг давлат қурилишидаги тарихий тажрибаси ва  
таркиб топган бой анъаналари,  
хар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳукуқини  
таъминлашдан иборат олий мақсад ҳаки,  
хар бир кишининг фаровон хаёт кечиришини таъ-минлашни олий  
мақсад деб билган ҳолда,  
Ўзбекистон халқларининг келажаги учун тарихий масъулиятни  
чукур хис этган ҳолда,  
халқаро ҳуқуқ қоидаларига, умумбашарий қад-рияrtlарга ва  
демократия принципларига асосланиб,  
Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Давлат  
мустакилликини эълон қиласди.

1. Ўзбекистон ССРнинг демократик давлат мус-тақииллиги  
Республиканинг ўз худудида барча тар-кибий қисмларида ва барча  
ташқи муносабатларда-ги танҳо ҳокимлигидир.

2. Ўзбекистон ССРнинг давлат худуди чегараси дахлсиз ва бу  
худуд халқнинг муҳокамасига қўйил-май туриб, ўзгартирилиши  
мумкин эмас.

3. Ўзбекистон ССРда давлат ҳокимияти унинг худудига кирадиган  
барча таркибий ва бўлинмас қисмлари устидан амалга оширилади ва  
шу худудда яшайдиган аҳолига тааллуқлидир.

4. СССР Олий Совети қабул қиласиган қарорлар Ўзбекистон ССР  
Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан  
тасдиқ-ланганидан кейингина Ўзбекистон ССР худудида кучга эга  
бўлади.

5. Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ваколатига Ўзбекистон ССР  
ички ва ташқи сиёсатига тегишли барча масалалар киради.

6. Ўзбекистон ССР халқаро ҳукуқнинг асосий принципларини тан  
олади ва хурмат қиласди.

7. Ўзбекистон ССР иттифоқдош республикалар ва бошқа  
давлатлар билан ўзининг сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа  
муносабатларини шартномалар асосида белгилайди ва амалга  
oshiради.

8. Ўзбекистон ССР ўзининг тараққиёт йўлини, ўз номини белгилайди ва давлат белгиларини (герб, бай-роқ, мадхия) ўзи таъсис этади.

9. Қорақалпоғистон Мухтор Совет Социалистик Республикаси мустақиллигини Мухтор Республика Конституцияси таъмин этади. Ўзбекистон ССР унинг Асосий Қонуни ва Ўзбекистон ССР Конституцияси асосида Қорақалпоғистон МССР манфаатларини ҳимоя қиласди.

10. Ўзбекистон ССРнинг конун чиқарувчи ҳоки-мияти Ўзбекистон ССР давлат мустақиллигини амалга ошириш учун зарур бўлган конунларни ишлаб чи-қади, Ўзбекистон ССРнинг сиёсий ва иқтисодий сис-темалари таркибини ва курилишини белгилайди.

11. Ўзбекистон ССР Олий Совети умумхалқ му-ҳокамаси асосида демократик хукуқий давлат ту-зишга қарор қилганини билдиради, Ўзбекистон ССРда яшаётган барча миллат ва элатларнинг қону-

ний, сиёсий, иқтисодий, этник, маданий хуқуқдари-га ҳамда она тиллари ривожлантирилишига кафил-лик беради.

12. Ушбу Декларация Ўзбекистон ССРнинг янги Конституциясини ҳамда янги иттифоқ шартномасини ишлаб чиқиш учун асосдир.

*Ўзбекистон ССР Олий Советининг  
1990 йил 20 июнда бўлиб ўтган  
иккинчи сессиясида кабул қўлинган*

## **ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИГИ ХУСУСИДА**

*1990 йил 16 июнъ куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида республиканинг иқтисодий мустақилликка ва бозор иқтисодиётига ўтиши ма-салалари хусусида кенгаши бўлгани илгари хабар килинган эди.*

*Кенгашида Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Каримов нутк. сўзлади.*

Мамлакатда юзага келган мураккаб вазиятда реал ҳаётга таяниш, умумий, мавхум ҳамда баландпарвоз сўзларга асосланиб эмас, балки конкрет шароит, реал имкониятларга амал қилиш энг муҳим ишдир. Асо-сийси эса оёқда маҳкам туришимиз, ҳалқ билан дои-мий равишда маслаҳатлашишимиз, унинг ҳаётини ях-шилаш учун аниқ-равшан йўлларни излашимиз ва топишимиз керак, деб таъкидлади Ислом Каримов.

Бутунги кунда, энг аввало, бир дақиқани ҳам бой бермасдан иқтисодий масалаларни ҳал этиш керак.

**Биз учун асосий йўналиш, барча вазифаларни ҳал этиш калити - Ўзбекистоннинг реал сиёсий су-веренитети ва иқтисодий мустақиллигини таъмин-лашдир.**

Мустақиллик республикага ўз ҳалқининг фаро-вонлигини яхшилашдек ҳаётий муҳим масалаларни ҳал этиш, вужудга келтирилган имкониятлар ва ресурсларни тўлалигича мустақил равигада режалаш-тириш ва улардан фойдаланиш ҳамда ўз ҳалқининг фаровонлиги йўлида ва ўзаро фойдали негиз-да марказ билан, бошқа республикалар ва хорижий мамлакатлар билан ўз муносабатларини мустақил ўрнатиш имконини беради.

Хўш, бу вазифани аниқ бажариш мумкинми? Ҳа, аниқ бажариш мумкин, бундан бошқа йўл йўқ. Агар биз аввал бўлганидек, республикамиздан арзимаган нархда иложи бўлган барча нарсаларнинг та-шиб кетилиши билан муроса қилишни хоҳламасак, Марказда бизга нима лозим ва етарли деб ҳисоб-лашлари билан муроса қилишни хоҳламасак, шундай йўл тутишимиз зарур. Богака иложимиз йўқ.

Аниқ иқтисодий ҳисоб-китоблар сиёсий ва иқти-садий мустақилликка ўтиш угабу вазифанинг бутун мураккаблиги ва

ниҳоятда қалтислигини ҳисобга олганда, айни вақтда бозор иқтисодиёти жорий эти-лиши билан осон кечиши мумкин эмаслигини күрсат-моқда. Лекин факат ана шу мустақиллик бугунги жамиятимизда йўқ бўлган нарсаларни — ҳақиқий меҳнат қилишга интилишни, самарали иш учун мод-дий омилларни беришга қодир. Бунда — ўтмишда ҳам, хозир ҳам, келажакда ҳам — бутун муаммонинг моҳияти яширган. Кўп йиллик аччиқ таж-риба, қандай таёқ остида ишламайлик — хоҳ у план бўлсин, хоҳ давлат буюртмаси ёки давлат йўли би-лан маҳсулот етказиб бериш бўлсин — факат арзи-маган самара келтиришини кўрсатиб турибди. Чун-ки бундай система инсоннинг ижодий ташаббусини фалаж қиласди, ундаги эгалик ҳиссини йўқотади. Ўз ишидан норозилик келтириб чиқаради. Халқнинг энг яхши фазилатлари намоён бўлиши учун йўл очиш керак — бу ўз кучига ишонч, ҳақиқий меҳнатдан манфаатдорлик, ўзи учун масъ-улият ҳисси бўлиб, бу масъулиятни бошқа ҳеч кимнинг зиммасига юклаш мумкин эмас. Ўн йиллар мобайнида одамларда инқирозга юз тутган ана шу ҳис-туйғуларни уйғотиш сиз билан бизнинг вази-фамиздир, деб таъкидлади Ислом Каримов.

Буни қандай қилиш керак, ҳар бир ишчи, дехқон ва хизматчига рўй берадиган жараёнларнинг моҳия-тини қандай етказиш ва тушунтириш керак?

Бизга мустақиллик керак. Бинобарин, ҳар доим, ҳамма даврда ва барча тузумларда мулк ҳуқуқи ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий мустақилликнинг ҳал қилув-чи шарти бўлган. Бу нима дегани? Агар мен нимага-дир эга бўлсан, ана шу мулқдан ўз манфаатларим йўлида фойдаланаман ва уни тасарруф этаман, де-мак, мен мулк эгасиман. Худди шу ерда менинг шах-сий эркинлигим, мустақиллигим ва айни вақтда жа-миятдаги бошқа одамлар орасидаги ўзаро алоқала-римнинг асоси бор. Айни пайтда эгалик ҳуқуқи факат моддий бойликларгагина тааллуқли эмас. Бу ақлий қобилиятга ҳам тааллуқдидир. Мустақил шахсларнинг уйғунлиги эса бутун жамият мустақиллигининг асосидир.

Республикада мулк билан боғлиқ ишларнинг ахво-ли қандай? Сизларнинг ҳаммангиз республика идо-ралари ўз худудидаги барча ишлар учун жавоб бе-риши хусусида минг марталаб эшитгансиз ва ўқиган-сиз. Лекин ишларнинг ахволи аслида қандай? — дея фикрини

давом эттирди Президент.

Агар иқтисодий қувватимизни ташкил этадиган барча асосий фондлар бугунги кунда 100 миллиард сўм ҳисобланса, ҳозир амал қилаётган тартибга кўра, қарийб 30 миллиард сўм пул Иттифоқ тобелигига-дир. Ишлаб чиқаришнинг асосий фонддарида эса бу мутаносиблик янада ёмон. Бу соҳада маблағлар-яинг бешдан икки қисми Иттифоқ тобелигига, шу жумладан саноатда ана шу маблағларнинг деярли 70 фоизи, транспортда ҳамда моддий-техника таъми-нотида, илм-фанда 30 фоизга яқини Иттифоқка те-гишли.

Зотан, Конституцияга кўра барча давлат мулки (бу ҳамма асосий фондларнинг деярли 90 фоизини ташкил этади) «Бутун совет халқига» тегишилдири — Қонунда худди шундай деб ёзилган. Модоми-ки, республикамиз ўз бойликларини ўзи тасарруф эта олмас экан, унинг қандай масъулияти ҳақида, республика халқининг қандай мулки ҳақида гап бо-риши мумкин?

Ҳозир республика Олий Советининг доимий ко-миссияларида бутун тарихимиз давомида биринчи марта Ўзбекистон ССРнинг Мулкчилик тўғрисидаги қонуни тайёрланиб бўлинмоқда. Бу чинакам муста-қиллик сари ташланган дастлабки қадам, иқтисодий ўзаро муносабатларга мутлақо янги ёндашув бўлади.

Бунда энг муҳим нарса нима?

Биринчи: республика мулки мустақил ва у феде-рациядан ажратилган.

Иккинчи: ўлкамиз замини, ер ости бойликлари, корхоналари ва ташкилотлари Ўзбекистон ССРнинг мутлақо ўз мулки ҳисобланади. Ана шу бойликларини таъминлайди.

Учинчиси, Ўзбекистонда мулкчиликнинг хилма-хил шаклларини ривожлантириш кўзда тутилмоқда. Бу шакллар teng ҳукуқли бўлиши керак.

Бу — мазкур муаммога жуда умумий ёндашувнинг, уни ҳал этишнинг асоси эканини тушуниб ту-рибсизлар. Бу масаланинг ҳал этилишини орқага суриб бўлмайди, аммо шу билан бирга, у ҳар томон-лама пухта, чамалаб ўйлаб кўрилиши керак.

Саноат, қурилиш, дехқончилик саноати мажмуи, ашёвий моллар ишлаб чиқариш соҳаларининг етак-чи тармоқларидағи корхоналар ресгубликанинг мул-ки бўлиши керак. Шу билан бирга, бу

корхоналарни бизга амалий равишида топшириш навбати ва тартибини аниқ белгилаш зарур.

Республиканинг табиий бойликларидан фойда-ланиш билан боғлиқ бўлган барча хом ашё тармоқлари ҳам республиканинг мулки бўлиши керакли-ги шубҳасиз. Бинобарин, бу бойликларни Ўзбекистоннинг ўзи тасарруф қилади. Албатта, иттифоқ министрликлари, идоралари билан ўзаро алоқа боғ-лаб, тасарруф қилади, чунки айrim ишлаб чиқа-ришларни биз ўзимиз мутлако юксалтира олмай-миз. Аммо бу иш ўзаро манфаатли асосда бўлиши керак. Шу билан бирга республика хом ашё бой-ликларининг хўжайини, мулкдор бўлиши, иттифоқ идораси эса таклиф этилган шерик бўлиши лозим. Бу соҳада республика ҳал қилувчи роль ўйнайдиган бўлади.

Хўш, ҳозир ишларнинг аҳволи қандай? Кимё маҳ-сулотидан тортиб, бизнинг асосий бойлигимиз бўлган пахта толасигача 90—100 фоизи хом ашё сифатида қайта ишлаш учун бошқа минтақаларга ва чет элларга жўнатилмоқда. Республикада қазиб олинаётган мис, қўрғошин, рух ва бошқа рангли металларнинг ярмиси олиб кетилмоқда. Олтинга келганда, унинг ҳаммаси мамлакатнинг валюта фондига бо-риб тушмокда.

Мулчилик ҳукукига ёндашувнинг тубдан ўзгар-тирилиши бизнинг иттифоқдош республикалар ва марказ билан ўзаро муносабатларимиз мазмуни ҳамда характеристини тубдан қайта кўриб чиқиши мантиқан талаб қилади, зеро бусиз сиёсий ва иқти-садий мустақиллик ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Бир томондан бизни Ўзбекистон суворен давлат, деб ишонтириб келдилар ва ҳозир ҳам ишонтирмоқ-далар. Бу гап ҳатто СССР ва Ўзбекистон ССР Конституцияларига ёзиб қўйилган. Бироқ, иккинчи то-мондан, Иттифоқ идораларининг сон-саноқсиз ни-зомлари ва йўл-йўриклари республиканинг қўл ва оёғини боғлаб қўйганлиги ҳар бир кишига аён. Биз ҳатто бир ёки икки минг тонна пахта толасини бир неча Иттифоқ идораларининг ижозатисиз ўз билганимизча сота олмаймиз.

Ҳаёт бир жойда турмайди, у кун сайин, соат са-йин минглаб янги саволларга аниқ жавоб кутади. Хўш, мана шундай шароитда биз қандай иш тутишимиз керак? Умри тугаган ҳукукий қоидалар ва низомларнинг ҳарфига кўр-кўронга итоат қилиб, шу та-риқа янги ижтимоий можароларни келтириб чиқа-райликми ёки ҳозирги кун

талаблари ва воқеликла-рини эътиборга олиб, қарорлар қабул қиласлиймиз? Биз ҳаракат қилишимиз зарур деб ҳисоблаймиз ва ҳозирнинг ўзидаёк дастлабки қадамларни қўйдик. Чунончи, яқинда Ўзбекистон ССР Министрлар Со-вети ҳузурида хом ашё ва енгил саноат маҳсулотлари таъминоти ҳамда уларни сотиш бош бошқармаси — «Узглавлегснабсъиг»ни ҳамда Ташқи сав-до ва хорижий мамлакатлар билан алоқа давлат комитетини ташкил этиш тўғрисида Президентнинг Фармонлари эълон қилинди.

Бу чоралар кўрилишини нималар такозо этди? Ўт-мишда Иттифоқ идораларидағи ҳаддан ташқари мар-казлашув оқибатида қандай тартибсизлик вужудга келганига бир назар ташланг. Хом ашё бойликлари-ни ҳисобга олиш ва тақсимлашнинг барча масалаларини маҳаллийлаштиришга оид тадбирлар ҳам ёрдам бермади. Аслида олтита Иттифоқ ва респуб-лика ташкилоти мавжуд бўлишига қарамай, енгил саноат хом ашёсини тақсимлаш ва реализация қилишни мувофиқлаштиришга эришилмади. Респуб-ликанинг манфаатлари хақида ҳеч ким ўйламади, қимматбаҳо хом ашё қаёқка кетаётганини ҳеч ким назорат қилмади. Мана шунинг оқибатида пахта то-ласи ва қоракўлнинг 90 фоизи, табиий жуннинг 71 фоизи, синтетик толанинг 93 фоизи, пилла ва ҷармнинг анчагина қисми арзимас баҳо билан республи-кадан олиб кетилаверди. Ички бозорда ҳам, жаҳон бозорида ҳам кўплаб талаб қилинаётган мана шу ғоят қимматли хом ашёнинг кўпчилик қисми Шарқий Ев-ропа мамлакатларига экспорт қилинмоқда, улар эса бу маҳсулотларни жаҳон нархларида капиталистик фирмаларга сотмокда.

Холбуки, ўзимиздаги кўпгина корхоналарга хом ашё этишмаяпти, биздан олиб кетилган ресурслардан тайёрланган молларни эса республика бошқа минтақалардан ва чет эллардан уч ҳисса ортиқ нарх билан сотиб олмоқда.

Бизнинг ўз бойликларимизга бундай муносабат, юмшоқ қилиб айтганда, накадар бемаъниликларга олиб бориши мумкинлигини шундай бир мисолдан билса бўлади. Республика ҳар йили Марказнинг топ-ширигини бажариб, Шарқий Европа мамлакатлари-га 400 — 430 минг тонна микдорда пахта толаси жўнат-моқда. Бизнинг корхоналаримиз бу маҳсулот учун

валюта ажратмаларини 1987 йилдагина, шунда ҳам оз миқдорда ола бошлади. Чунончи, 1988 йилда Итти-фоқ бизга хорижий валютада

78 миллион сўм пул тўлади. Бу етказиб берилган тола қийматининг бешдан бир қисмига ҳам етмайди. 1989 йилда 130 мил-лион сўм тўлади. Шу йилнинг биринчи кварталида экспорт қилувчи корхоналар 77 миллион сўм пул олди. **Олингандарнинг 70-80 фоизини «бешинчи категория» деб аталган ва аслида ҳеч нарса сотиб олиб бўлмайдиган валюта ташкил этганлиги сир эмас.** Бироқ ҳақиқатда бизнинг корхоналаримиз шу пулдан ҳам маҳрум этилди, чунки **Иттифоқ ташкилотлари бу валютани ўз мақсадлари учун тўла-тўқис ишлатиб юборди.** Бутун мана шу давр мобайнида республика мазкур маблағдан атиги 50 миллион сўмни ишлатишга муваффақ бўлди, ҳозир-гача яна имзоланган 32 миллион сўмлик шартнома бор, пахта тозалаш тармоғининггина корхоналари ҳисобида қолган пул эса 180 миллион сўмдан ошади. Бу йил ҳаммаси бўлиб, ростини айтганда, тахминан ярим миллиард сўмлик мана шундай валюта туши-ши кутилмокда. **Бизга маълум бўлмаган қандай-дир мулоҳазалар билан Иттифоқ идоралари бизнинг бу йилги деярли ҳамма пахтамизни бешинчи категория валютага сотиб юборган.**

Энди бўлса, ўша ташкилотларнинг ўзи 1 июлдан бошлиб корхоналаримизнинг ҳисоб варакла-рини ҳаракатсиз қилиб қўйишини ва сўнгра бутун-лай йўққа чиқаришни мўлжалламоқда, бунга асло қўшилиб бўлмайди. Бинобарин, янги тузилган ко-митет, Ташқи иқтисодий банк Давлат план комите-ти, Қишлоқ хўжалиги давлат кооператив комитети ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргалик-да зудлик билан қатъий ҳаракат қилиб, ҳисоб ва-

ракдарда мавжуд бўлган маблағдан 25 — 27 июнгача фойдаланиш имкониятини топишлари керак.

Айни пайтда, ташкил этилган «Узглавлегснабсъиғ» иккинчи ярим йилликда бешинчи категория валюта учун маҳсулот етказиб берилиши кўзда тутилган шарт-номаларни пухта тафтиш қилиши лозим. **Бунинг маъ-носи шуки, Иттифоқ ташқи савдо ходимлари биз етказиб берадиган маҳсулотларга қуруқ қофоз би-лан ҳақ тўламоқчи бўлса, унда республикамиз ўзининг чораларини кўради: пахтамиз ва бошқа хил молларимизни ҳақиқий, қатъий валютага сотиб олишни истаётган харидорлар керагидан кўп ва биз улар билан ўзимиз шартнома тузамиз.** Биз чет элга 120—130 минг тонна тола етказиб беришимиз керак. Бу эса ҳозирги оғир

шароитда республикага жуда зарур бўлган 150 — 200 миллион доллар демакдир. «Уз-главлегснабсбъиг» ташкилотига иккинчи ярим йилликда мамлакатнинг бошқа регионларига пахта толаси етказиб бериш учун тузилган битимларни пухта кўриб чиқиш вазифаси ҳам топширилади. Масала қуидиа-гича ўртага қўйилган: биз шерикларимиз ўз мажбу-риятларини қатъий бажарган ҳамда бу муносабатлар фойдали ва тенг ҳуқуқли бўлган такдирдагина уларнинг илтимосини қондирамиз.

Кейинчалик биз барча ресурсларимиз сарфлана-диган устун жиҳатларни пухта аниқлаб олишимиз зарур. Бунда биринчи гадда нефть ва нефть маҳсу-лотлари, дон ва ун, гўшт, сут, қанд-шакар ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек, ёғоч-тахта, металл, асбоб-ускуналар ва техника харид қилиши-миз зарурлигига асосланишимиз лозим. Бизга иш-лаб чиқаришнинг илмий-техникавий даражасини ошириш, одамларни иш билан таъминлаш учун замонавий ихчам технологиялар зарур.

Республика манфаатларини кўзлаб, ягона ташқи иқтисодий сиёsatни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш Ташқи савдо ва хорижий мамлакатлар би-лан алоқа давлат комитетининг вазифасига киради. Мазкур ташкилот иқтисодий, савдо-сотик, илмий-техникавий ва маданий алоқаларни самарали ривожлантириш учун бутун масъулиятни ўз зиммаси-га олади.

Айни пайтда комитет министрликлар ва идораларда, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетла-рида чет мамлакатлар билан алоқаларни ривожлан-тиришга оид ишлар даражасини қатъий назорат қилиб туриши лозим.

И.А. Каримов иқтисодий суверенитетга эришишнинг амалий масалаларига батафсил тўхтадди. Иқти-садиётимизнинг ҳаётий қобилиятини таъминлаб турган Иттифоқ қарамоғидаги барча корхоналар ва таш-килотларни республика тасарруфига ўтказмай туриб, республиканинг хўжалик мустақиллигини тасаввур қилиб бўлмайди.

Энг аввало, булар бизнинг хом ашёмизни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш билан банд бўлган корхоналардир. Сўнгра республикамиз иқтисодиётининг асосини ташкил этган қайта ишлаш саноати корхоналари тўғрисида гапирмоқчимиз. Бунда Иттифоқ министрликлари бизга мерос қилиб қолдирадиган жиҳатларни пухта таҳлил этишимиз

ва айниқса, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг техникавий дарражасига, рақобатбардошлигига, турдош корхоналар билан муносабатларига, ишлаб чиқаришни тайёрлаш хизмати даражасига сергаклик билан баҳо бериши-миз зарур. Биз ўзимиз таъминлаб турган Иттифоқ министрларлари ва идораларини улар республикага ўтказилишидан оддин ўлда-жўдда қолдирган барча ишларни тартибга келтиришга мажбур этишимиз керак.

Ҳозирги босқичда Иттифоқ қарамоғида қолди-риш мақсадга мувофиқ бўлган тармоқлар ва корхо-налар, жумладан, ёпиқ турдаги корхоналар тўғриси-даги масалани алоҳида ҳал этиш керак бўлади. Аммо бунда ана шу корхоналарнинг республикамиз би-лан ўзаро иқтисодий муносабатларини тубдан ўзгар-тириш лозим.

Биз олтин қазиб олиш саноати сингари тармоқлар ҳамда заминимиздан қазиб олинадиган хом ашё, фойдаланиладиган ер, сув, ишчи кучи учун республикага муайян микдорда пул тўланадиган, шунинг-дек, маҳсулотнинг маълум қисми республика корхоналарига топшириладиган ва фойданинг маълум қисми республика бюджетига ўтказиладиган шарт-нома муносабатлари ўрнатишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Ҳозир республика хукумати конверсияланадиган валютада етказиб бериладиган олтиннинг учдан бир қисми қийматини Ўзбекистонга қайтариш тўғриси-даги таклифларни ишлаб чиқмоқда.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган де-ярли барча корхоналар, жумладан, «Узбъётхим» таш-килотига қарашли корхоналар, Тошкент заргарлик буюмлари заводи, машинасозлик, электротехника, химия корхоналарининг анча қисми, сўзсиз, республика қарамоғига ўтказилиши керак. Газ комплексининг йирик бўлинмаларини республика ихтиёрига ўтказиш соҳасида ҳозирдаёқ дастлабки қадамлар кўйилди, деб таъкидлади Президент.

Кичик-кичик корхона ва ташкилотларни, айниқса, аҳолига хизмат кўрсатиш, одамларнинг кундалик эҳтиёжларини таъминлаш билан боғлиқ шундай корхона ва ташкилотларни колективларга ва хусусий кишиларга топширишга (табиийки, улар учун давлатга ҳак тўланади) оид тадбирларни ўтказиш рес-публике бошқарув идоралари учун навбатдаги кат-та вазиғфадир. Биринчи галда майиши хизмат, умумий отқатланиш, савдо-сотик, маҳсулотни қайта ишловчти кичик-кичик корхоналарни сотиш назарда тутилмокда.

Нима учун бундай тадбирни кўриш мумкин ва зарур д>,еб хисоблаймиз? Биринчидан, шу корхоналарнинг кўпчилиги бугунги кунда кам рентабелли ёки зарёар кўрадиган корхоналардир. Улар шусиз ҳам оғир аҳволда қолган бюджетнинг елкасида оғир тош-дек босжб ётибди. Уларни хусусий кишиларга сотиш ана шу сарф-харажатлардан ҳалос бўлишга ва боз устига, даромаддарга баракали қўшимча қўшилишига имкон беради. Иккинчидан, ана пгу майда шоҳобчалар ҳозир ҳам аслида ярим хусусий мулк эканлиги сир эмаас. Министрликлар, идоралар ва ижроия ко-митетларда улар билан ҳеч ким чинакамига шуғул-ланмаяшти. Ахир, майший хизмат кўрсатиш мини-стратегии системасида қарийб 7 мингта сартарошко-на, 2,5 мянгта пойабзал устахонаси, худди гпунча якка тартибдд фаолият кўрсатувчи кийим-кечак устахо-налари, гоўзғор техникасини ремонт қилувчи 3,5 мингта устахон.а ва шунга ўхшаш корхоналар ишлаб турибди.

Ёки гматлубот кооперацияси системасини олай-лик. Бу соҳада 12 мингтадан кўпроқ умумий ов-қатланшиш корхонаси бор, айни вактда уларнинг 10 мингтасининг ҳар бирида қўни билан 5 нафар одам ишлайдю. Республика Савдо министрлигига 5 мингга яқин умумий овқатланиш корхонаси мавжуд, ана шулардан беш киши ишлайдиганлари қарийб икки икки мингта, 6—10 киши ишлайдиганлари ҳам қарийб шунчани ташкил этади. Саноатда деярли 300 та корхона бўлиб, уларнинг ҳар бирида нари борса 100 киши ишлайди. Айни вактда, ҳозир иш-лаб чиқариш ҳажмлари нисбатан кам бўлган ва мод-дий базаси ҳиссаси кам бўлган ушбу корхоналарда жуда катта резервлар бор, уларни давлат васийли-гидан ҳалос этиб, харакатга келтириш мумкин ва лозим.

Учинчидан, биз қандайдир мавҳум мулоҳазалар са-бабли эмас, балки ишлаб чиқаришни жонлантириш, рақобат учун шарт-шароит яратиш, хўжалик юритишнинг янада самаралироқ шаклларини танлаб олиш мак-садида мулкчиликнинг барча шакллари тенг хукуқли-гини эълон қилаётганлигимизни унутмаслик керак. Давлат мулки бўлиб қоладиган корхоналар ҳам рақо-бат шароитида бошқача ишлайди, деб умид килишга ҳамма асос бор.

Бинобарин, бир муаммони ҳал эта бориб, ўнлаб янгилари пайдо бўлишига йўл қўйиш мумкин эмас. Мен ҳам хусусий, ҳам давлат, колектив, тижорат, кооператив, ижара ва бошқа ташкилотлар ҳамда

хўжаликлар иши устидан ҳар томонлама назорат ўрнатиш кераклигини назарда тутяпман, деди Ислом Каримов. Фақат буни майда-чуйда ишларга арала-шавериш ва ташаббусни бўғиш деб тушуниш керак эмас. Назорат фақат белгиланган қонунлар, нормалар ва қоидаларга қатъий риоя этилишини таъмин-лаши ва молиявий, солиқ тусига, хуллас, иқтисодий тусга эга бўлиши керак.

Шу муносабат билан Молия министрлиги, Мех-нат ва ижтимоий масалалар давлат комитети, Адлия министрлиги бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда корхоналарни хусусий мулкка ўтказиш

билан боғлиқ қуидаги масалаларни изчил ишлаб чи-қишилари керак.

Биринчи — ушбу корхонада ишловчилар ва пгу корхона эгаларининг мақоми (мехнат дафтарчаси, иш стажи, пенсия таъминоти, ижтимоий сугурта ва ижтимоий ҳимоянинг бошқа шакллари).

Иккинчи — меҳнатга ҳақ тўлашнинг, шу жумладан, ёлланма ишчилар учун энг кам иш ҳақи белги-лашнинг шакллари ва шартлари.

Учинчи — хусусий мулкка ўтказиш мақсадга му-вофиқ бўлган тармоқлар доираси ва корхоналар микдори.

Аниқ жавоб бериш керак бўлган бошқа масалалар ҳам пайдо бўлиши шубҳасизdir. Бу ишларнинг ҳаммасини иложи борича тезлаштириш керак.

Тўғри, бўлажак жараёнлар биз учун янги бўлади, эски ёндашувлар ҳам, аввалги қолиплар ҳам бундай шароитда иш бермайди. Биз фақат ўзимизнинг соғ-лом фикримизга, каттиқ меҳнатимиз ва йўл-йўла-кай иш ўрганиш уқувимизгагина умид қилишимиз мумкин.

Агар бошқа минтақалар ва бошқа минтақаларнинг вакиллари ҳамда хорижий шериклар билан теп-па-тенг ишлаш ва рақобат қилишга лаёкатли, аъло даражали мутахассисларни тайёрлаш ва саралаб олишнинг ўйлаб тузилган системасини харакатга келтирмасак, унда истиқболимизга умид килмаса ҳам бўлади. Бизни жаҳон иқтисодий тараққиёти йўлининг чеккасига улоқтириб ташлашади.

Мана шунинг учун ҳам ёшларимизни ўқитиш ва уларга таълим бериш учун ҳар қандай ёрдамни ик-киланмай ва тортинмай қабул қилишимиз ҳамда ундан иложи борича кўпроқ фойдаланишимиз за-

рур. Бу бошқарув ходимлариға, илм-фан ҳамда тех-нига зиёлилариға, ишлаб чиқариш соҳасидаги хиз-матчиларга ва албатта, ишчиларга тааллуқлидир.

Ташқи савдо ва хорижий мамлакатлар билан ало-қалар комитети, Мехнат ва ижтимоий масалалар давлат комитети, Олий таълим министрлиги, Фанлар академияси, министрликлар ва идоралар истиқболли мутахассислар ва ишчиларни бошқа респуб-ликаларга ҳамда хорижий мамлакатларга, илғор кор-хоналар ва бирлашмаларга, илмий ташкилотларга таълим олишга юбориш учун имкониятларни қидириб топиш ва уни рўёбга чиқаришга доир ишларни авж олдиришлари керак. Бунга ҳеч қандай маблағ-ни, жумладан, валютани ҳам аямаслик даркор. Бу республикани ижтимоий ва миллий жиҳатдан ривожлантириш борасидаги масалаларнинг масаласи-дир.

Вақтимиз жуда зиқ. Биз баъзи нарсаларни йўл-йўлакай тузатиб борамиз, баъзи нарсаларда жузъ-ий, чора-тадбирлар билан чекланамиз, лекин тар-мөқ ва ҳудуд бошқарув органларимиз, ишлаб чиқа-риш бўлинмаларимиз ҳали ҳам кўп жиҳатдан эскичасига ишлашмокда. Ҳаракат жараёнида рес-публикамизнинг жуда катта иқтисодиётини, боз устига, Иттифоқ комплекси билан қаттиқ боғланган иқтисодиётимизни қулоч ёйдиришимиз жўн иш эмас. Лекин бизда бошқа йўл йўқ...

Мажлис сўнгиди И.А. Каримов йигилганларнинг саволлариға жавоб берди.

(ЎзТАГ) «Совет Ўзбекистони» газетаси, 1990 йил 21 июнь

## **АБУ ИСО МУҲАММАД ИБН ИСО АТТЕРМИЗИЙ ТАВАЛЛУДИННИНГ 1200 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО ИЛМИЙ АНЖУМАН ИШТИРОКЧИЛАРИГА**

Муҳтарам жаноблар, юртимиз меҳмонлари, азиз ватандошлар!

Улуғ аллома, ҳадис илмининг мўътабар намоян-даларидан бири, ватандошимиз Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий таваллудининг 1200 йиллиги муносабати билан Ўзбекистонга ташриф буюрганин-гиз, анжуманда қатнашаётганинг учун республи-камиз аҳли номидан самимий кутлайман.

Шўро жамияти ўз тарихига қайта назар ташлаб, барча жабҳаларда янгиланиш зарурлигини англаб етган вазиятларда ўтказилаётган бу тадбир ҳам ян-гича кутлуг мезонларнинг амал топаётганидан дало-латдир.

Шуни мамнуният билан қайд этмоқ керакки, бу-гунги кунга келиб, давлат билан диний ташкилотларнинг ўзаро муносабатлари анча яхшиланди. Ўзбекистон хукумати мўминларнинг истакларини инобатга олиб, мусулмон дунёсининг энг мукаддас ёдгорликларидан бири — халифа Усмон «Мусҳа-фи»ни улар ихтиёрига қайтиб берди. Қатор тари-хий обидалар диний ташкилотлар ихтиёрига ўтка-зилди. Янги масжидлар очилмоқда. Давлат диний асарларни чоп этишда ёрдам беряпти. Макка ва Мадинани зиёрат этишга бораётган мусулмонлар кўпайди. Дин пешволари матбуот, радио ва телевидение орқали ўз қарашларини эмин-эркин баён этмоқдалар.

Тақдирга шоён таҳсинарким, хозирги даврга ке-либ халқаро сиёsatда мафкуравий икдимлар юмшади, сиёсий жоҳиллик, ялпи шухратпарастлик ортга чекиниб, ўзаро дўстлик, ишонч ва биродарликка кенг йўл очилмоқда. Биз бутун мамлакатимиз қатори хо-риж аҳди билан, тарихимиз ўзаро узвий боғланган қўшни давлатларнинг халқлари билан, дунёдаги бар-ча тинчликсевар эллар билан илм, маданиятнинг ҳам-жиҳатлик соҳаларидаги муносабатларимизни янада яхшилаш тарафдоримиз.

Давр пгу куннинг зарур муаммоларини хал этиш-га интилиш баробарида она тарихнинг илфор анъа-наларидан сабоқ олишни ҳам тақозо этади.

Қадимий Мовароуннаҳр ва Хуросон фарзандла-рининг жаҳон

илму зиёси тарихига зарвараклар ила битилган асарлари оз эмас. Имом Бухорий, Абу Рай-хон Беруний, Ибн Сино, Мусо Хоразмий, Абу Наср Форобий, Рудакий, Улугбек, Жомий, Навоий, Бобур, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат ва бошқа юзлаб зотларни жаҳон яхши билади. Бу закийлар силсила-сида Имом ат-Термизийнинг азиз номлари ҳам ёруғ юлдуздай чаракдаб турибди.

Бугунги кунда Термизийнинг маънавий меросла-ри нафақат ахли дин орасида, балки дунёвий илм соҳиблари, кенг миқёсдаги ахли жамоа орасида ҳам ўз қадрини топаётир. У кишининг шоҳ асарларидан «Китоб ал-жомеъ ас-Сахих» ҳозирга қадар ҳадис илмининг асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Алломанинг асрлар давомида фозилу фузалоларга дастур бўлиб келган ақлу одоб, инсофу диёнат, адо-лату инсонпарварликни тарғиб этгувчи ғоялари сер-долға давримизнинг мураккаб ва зиддиятли ахлоқий-маънавий масалаларини ҳал этишда замонавий аҳамият касб этади.

Қадимдан Шарқ ҳалкларининг илмий-маданий алоқалари кучли эди. Бу ҳамкорлик янада ривожла-ниб, ҳалқаро дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишончимиз комил.

Термизий Ватанига келган барча меҳмонларни яна бир бор муборакбод этаман. Мўътабар анжуман иш-тирокчиларининг инсоний қадриятларни улуғлаш йўлидаги фаолиятларига барака тилайман.

*Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президенти И.  
КАРИМОВ  
«Совет Ўзбекистони» газетаси, 1990 йил 14 сентябрь*

## **«БОБУРНОМА»НИНГ 460 ЙИЛЛИГИ БАЙРАМИГА ТАШРИФ БУЮРГАН МЕҲМОНЛАР ҶАБУЛ ҚИЛИНГАНИ ТҮҒРИСИДА АХБОРОТ**

Республика Президенти, Ўзбекистон Компартия-си Марказий Комитети биринчи котиби И.А. Каримов Захириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» аса-ри яратилганлигининг 460 йиллиги байрамига таш-риф буюрган меҳмонларни қабул қилди.

— Аввало, улуғ ватандошимиз Захириддин Муҳаммад Бобурнинг шоҳ асари бўлмиш «Бобурнома» ёзилганлигининг 460 йиллигини кенг нишонлаётга-нимиздан хурсандмиз, — деди Президент. — Бу бай-рам айни пайтда Шарқ халқлари тарихи ва адабиётига бекиёс хурмат ва муҳаббатни ифода этади.

Буюк олим, шоир ва давлат арбоби Бобур ўз ижоди билан кўплаб халқларни бирлаштириб туради. Шун-дай экан, мана шундай адабиёт байрамларини тез-тез ўтказиб туришни йўлга қўйиш керак. Шу маънода олганда, Бобурнинг 500 йиллиги республика-мизда нишонланмагани ғоят афсусланарлидир. Тарихда шундай инсонлар бўладики, уларнинг қадр-қиммати умуминсоний қадриятлар билан ўлчанади. Буюк аждодимиз Бобур айнан шундай зотлар сира-сига киради. Шу боис биз Бобур ижодини кўпгина мамлакатлар олимлари, адиллари билан ҳамкорлик-да ўрганишимиз керак.

Учрашувда Афғонистон Фанлар академияси вице-президенти Асадулла Ҳабиб, Покистон Ислом Республикасининг СССРдаги элчисининг муовини Фарруҳ, Тожикистон ССР Фанлар академиясининг академиги Ахрор Мухторов, қозогистонлик таржимон, «Бобурнома»ни қозоқ тилига ўтирган Бойзоқ Ҳўжабеков, Ўзбекистон халқ ёзувчилари Одил Ёкубов, Пиримқул Қодиров «Бобурнома»нинг илмий ва та-рихий аҳамияти, бу нодир асар яратилганининг 460 йиллик санаси республикамизда катта тантанага ай-лангани ҳақида сўзладилар.

Президент Ислом Каримов учрашув қатнашчиларининг саволларига жавоб берди.

Шундан сўнг меҳмонлар Алишер Навоий номи-даги Адабиёт музейининг Захириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишлиланган залидаги экспонатлар билан танишдилар.

Кечқурун Алишер Навоий номидаги Давлат ака-демик опера ва

балет катта театрида «Бобурнома» нинг 460 йиллигига бағишиланган тантанали кеча бўлиб ўтди.

«Совет Ўзбекистони» газетаси, 1990 йил 26 октябрь

## **ҲАММАСИГА ЎЗИМИЗ ЭРИШМОФИМИЗ ЗАРУР**

### **«Известия» газетаси мухбирининг саволларига жавоблар**

— Ислом Абдуганиевич, бугунги кунда ҳозирча ҳал этиб бўлмаётган масалаларнинг энг асосийла-ридан бири - Марказ ва республикаларнинг ўзаро муносабатлари принциплари бўлиб қолмоқда. Сиз йирик республикалардан бирининг Президенти сифатида мана шу принципларни ишлаб чиқишида энг муҳим масалалар нималардан иборат деб ҳисоблайсиз?

— Энг аввало шуни айтишим керакки, биз барча хукукларга эга бўлган, аммо шу хукуклардан бир қисмини Марказга берадиган тенг хукуқли республикалар ёки давлатлар иттифоқига аъзо бўлиб киришимиз мумкин. Кўпгина масалаларни фақат бит-та республика доирасида ҳал этиб бўлмаслигини ту-шуниб олишимиз учун ўзимиз пишиб етилишимиз лозим. Булар, масалан, коммуникациянинг ягона системаси, энергия таъминотидир...

Барча учун умумий бўлган муаммолардан ташқа-ри, минтақаларга хос муаммолар ҳам мавжудки, уларни якка-якка тартибда ҳал этиб бўлмайди. Ми-сол учун, бизнинг минтақани олайлик. Мен бу ўринда Ўзбекистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикис-tonни ва Қозоғистон жанубини назарда тутмоқда-ман. Бу ерда юз минглаб ўзбеклар истиқомат қила-

ди. Шу боис бир қатор масалалар мажмуи кўнда-ланг бўлиб турибди. Бу масалалар, энг аввало, орадан ўн беш йил ўтгач, минтақа ахолисининг икки баробар кўпайиши, яъни 60 миллион кишига етиши билан боғлиқ. Шунча ахолини иш, уй-жой, сув би-лан қандай қилиб таъминлаш мумкин? Маълумки, бу пайтга келиб суғориш у ёқда турсин, ҳатто, май-ший-рўзғор эҳтиёжларига ҳам сув етмай қолиши эҳтимоли йўқ эмас.

Айнан тенг хукуқли давлатлар Иттифоқи минтақа республикалари куч-ғайратини мазкур узок муддатли ва нихоятда қийин масалаларни ҳал этишга сафарбар қилиши ва ушбу хатти-харакатларни мувофиқлашти-риб туриши мумкин. Ҳозирга қадар ушбу масалалар комплекс ҳолда кўриб чиқилган эмас. Ҳар бир рес-публика ўз худудида нималардир қиляпти. Лекин му-аммолар умумий бўлганидан уларни якка тартибда ҳал этиб бўлмайди. Шу пайтгacha

биз бу йўналишда жид-дий фундаментал тадқиқотларга эга эмасмиз.

Яна бир карра қайд этиб ўтаманки, у ёки бу ва-зифа ва хуқукни Марказга бериш зарур эканини ўзимиз тушуниб етишимиз керак. Акс ҳолда, биз ва-колатлар ва вазифаларни бир-биридан ажратиш тўғрисидаги баҳслар исканжасидан ҳеч қачон қутула олмаймиз.

**- Шу муносабат билан сиз Иттифоқ шартнома-сини имзолаш имкониятларини қандай баҳолай-сиз?**

— Менинг фикрим шундай: агар Марказда амал-да шартномани аввалбошданоқ имзолашни истаганларида эди, у имзоланган бўларди. Ахир, мамла-кат раҳбарияти салкам бир йил олдин янги Иттифоқ шартномасини имзолаш ғоясига салбий муносабат-да бўлган эди-ку. Ўша пайтда аввалги, 1922 йилда имзоланган шартнома турганда биз учун янги шарт-номанинг нима кераги бор, эски шартнома ҳамма-ни қониқтиради, фақат уни янгилаш керак деб, неча марталаб таъкидланган эди.

**— Кейин эса янги шартнома лойиҳаси пайдо бўлди. У маслаҳатлашувлар пайтида келишиб олиш жара-ёнидан ўтди.**

— Мен, ушбу маслаҳатлашувлар нима берди, уму-ман, улар нима учун керак эди, деб сўрамоқчиман. Гап шундаки, Марказда расмий жиҳатдан гаплари-мизга қулоқ солишган бўлса-да, кейин, ҳеч нима бўлмагандек, шартноманинг ўзлари яратган вариан-тини тикиштиришди. Унда биз таклиф этган нарсаларнинг биронтаси ҳам хисобга олинмаган.

Бу тадбир гўёки карларнинг мулоқотини эслатади. «Келишиб олиш»нинг бундай жараёни чексиз-чегарасиз давом этиши мумкин.

Хуллас, мен, шартномани имзолашга тайёрмиз, деб айтиш учун ҳозирча асос йўқ, деб ҳисоблайман.

**— Сиз ўз нутқларингиздан бирида Марказда номаълумликни сақлаб қолишдан манфаатдор кишилар бор, деб айтдингиз. Хўш, улар кимлар эканини аниқлаш мумкинми?**

— Энг аввало, булар унитар давлат қолдиқлари-ни зўр бериб сақлаб қолишни истовчи кишилардир. Улар бизларга ўзларининг Иттифоқ тўғрисидаги қарашларини зўр бериб тикиштиришмоқда.

Биздаги мавжуд тартиб узоқ йиллар мобайнида алоҳида синфни — номенклатура синфини шакл-лантириди. Бу синфнинг моддий оқимларни тартибга солиш, ресурсларни қайта тақсимлаш хуқуқи фақат уларгагина тегишли эканига ишончи комилдир. Бун-дай

шахслар кўлга киритган ҳокимиятни ўз ихтиёри билан ҳеч қачон бериб қўймайди.

Мен шундай фикрдаман: агар биз ҳақиқатдан ҳам бозор муносабатларига ўтишни истар эканмиз, маъ-мурий системанинг энг асосий воситаси ва таянчи бўлган Давлат режа қўмитасини тубдан ислоҳ қилишдан ташқари, айни пайтда кўпгина Иттифоқ тармоқ вазирликларини тугатишимииз лозим. Чун-ки бу вазирликларнинг фаолиятини амалда рес-публикаларда ҳам такрорлашяпти. Биз шундай қил-сак, ишонингки, ҳеч қандай фалокат юз бермайди.

**- Бир пайтлар республика Молия вазирлигига, сўнгра эса Давлат режа қўмитасига раҳбарлик қилган кишининг бундай таклифи ишончли кўри-нади.**

**Ислом Абдуганиевич, Иттифоқ шартномаси мав-зусига қайтар эканмиз, яна бир нарсани сўрашни хоҳлардим: янги шартнома тайёрланаётганда ай-нан қайси таклифлар ҳисобга олинмаган?**

— Ўзбекистон ўз худудидаги барча табиий бой-ликларга ҳамда республикада ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга эгалик қилиши керак. Бу — асосий талабдир. Аммо гап бу талабларнинг қабул қилини-ши ёки қабул қилинмаслигида ҳам эмас. Шу пайт-гача Иттифоқ қандай бўлади-ю, унинг «муассис»лари қанча бўлиши керак, деган масалада ҳам кели-шиб олингани йўқ. Ўзини иттифоқдош республика деб ҳисоблаётган ёки шундай бўлишни истовчилар кўпайиб боряпти. Аввалги автоном тузилмаларнинг бу интилишини СССР Олий Кенгаши раҳбари эти фаоллик билан кўллаб-кувватламоқда. Эҳтимол, бу тўғридир. Аммо федерация субъектлари миқдори мунтазам равишда кенгайиб борадиган бўлса, у ҳолда бизда қачондир ўзаро келишиб олиш имконияти умуман бўладими, йўқми?

**диқланган дастури мана шундай баҳо учун асос беради. Бозорга босқичма-босқич ўтишни кўзда тутадиган мазкур дастурни туб ўзгаришлар ясай-диган хужжат деб бўлмайди. Менинг билишимча, сизнинг ўзингиз бозорга ўтишни жадаллаштириш-га қарши бир неча марта фикр билдиргансиз.**

— Қизиқ, нима учун ҳозир ҳеч ким биз «ўта ил-фор» бўлган пайтларни эсламайди? Албатта, биз ўз ҳохишимизга зид равишида феодал тузумдан капитализмни четлаб ўтиб, биратўласи социализмга, яна нима денг, ривожланган социализмга ўтган эдик.

Бизнинг мисолимизда бутун бошли тарихий бос-қичларни қандай қилиб тезликда ҳатлаб ўтиш мум-кинлигини кўрсатиш учун учинчи дунё мамлакатла-ридан делегацияларни республикамизга бетўхтов олиб келишарди. Бироқ, тарихни алдаб бўлмайди. Каллага ақлли фикр келди, дарров жамият тарак-қиётида янги даража бошланди, деб эълон қилиш билан иш битмайди. Консерватизмдан халос бўлиш учун капитализмнинг «азоб-уқубатли» босқичини ўтиш керак. Капитализм эса ўзига хос бўлган барча нуқсонлари билан бирга иқтисодиётни қайта ўзгартиради, энг муҳими эса, тафаккурни ўзгартиради.

«Сакраб ўтиш» ғояси эса (бу ғоя юзасидан неча ' ўнлаб диссертациялар ёқланган) республика учун оғир, ҳалокатли оқибатларга сабаб бўлди. Республика иқти-садиётида бирёқлама пахта яккаҳомлиги қарор топди. Бу ҳолат турмушнинг деярли барча соҳаларида бошқа хато ва нуқсонларни келтириб чиқарди.

Лекин, бошқа томондан эса, ҳозирча хусусийлаш-тириш тўғрисида гап сотилаётганда, айнан бизда, «консерваторлар республикаси»да дастлабки хусу-сий корхоналар пайдо бўлди. Биз дўйонларни ва майший хизмат кўрсатиш соҳасини хусусийлаштиришни бошлаб юбордик. Факат ўтган йилнинг ўзида 170 минг гектар ерни оиласларга мерос қолдириш хукуқи билан ижарага бердик. Биз бу рақамни ярим миллион гектаргача етказмоқчимиз. Сўнгги пайларгача ерларнинг бор-йўғи 4,5 фоизида дехқончи-лик қилган шахсий хўжаликлар республикадаги озиқ-овқат ресурсларининг 40 фоизига қадар берганини ҳисобга оладиган бўлсан, ерларнинг умумий салмо-ғида бундай участкалар ҳажми икки баробардан зиёд ошганда озиқ-овқат маҳсулотлари яна қанчагача кўпайишини тасаввур қилинг.

Умуман, фақат хусусий мулк эгаси ёки шундай мулкка эга бўлиш учун барча имконияти бор одам-гина меҳнатни севади. Ҳеч нима — на хусусий уй, на ўзига муносиб даромад керак бўлмаган одам эса ижтимоий жиҳатдан хийла хавфли бўлади. Бунга имоним комил.

Биз ўтган йилнинг апрелидан бошлаб давлат-коо-ператив корхонаси мақомига эга бўлган 170 та район майший комбинати ташкил этдик. Уларга бемалол эр-кин ҳаракат қилишлари учун шароит яратилди. Бу комбинатлар амалда барча ишларни бажаради. Улар маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳаж-мини

кўпайтириш, халқ ҳунармандлигини ривожлан-тириш билан бирга, биз учун ниҳоятда муҳим бўлган иш билан таъминлаш муаммосини ҳам ҳал этади.

- **Ҳар ҳолда, иқтисодиётни тубдан эмас, балки аста-секинлик билан ислоҳ қилиш негизида чу-кур иллат бор. Аввал битта-яримтага, кейин бош-қаларга, сўнгра эса учинчи одамларга бозор эр-кинлигини берар экансиз, сиз бозорга ўтаётган жамиятнинг ўша қисмини камситган бўласиз. Бундай камситиш эса ижтимоий кескинликнинг де-ярли кафолатланган манбаидир.**

— Назарий жиҳатдан мен сиз билан ҳамфикр-ман. Барча нархларни ёки кўргина нархларни бира-тўласи ошириш яхши бўлиши тўғрисидаги фикрга ҳам қўшилишим мумкин. Кейинчалик бу нархлар бозор рақобати таъсирида туша бошлайди. Бироқ назарий асослар нақадар тўғри бўлмасин, бизнинг тузумимиз кўплаб боқимандаларни тарбиялаб етиш-тирганини унутмаслик керак. Бу боқимандалар турли кафолат ва қонунларнинг йўл қўйиб бериши ту-файли юзага келган, энди улар бозор рақобати ша-роитида яхши ҳаёт учун курашишни умуман истамайди. Улар кескин ўзгаришларга тайёр эмас, аксинча, ўзгаришларга етарли даражада самарали қаршилик кўрсатади, деб ўйлайман.

Бундан ташқари, бозорга ўтиш йўлларини танлаганда ўзимизга хос ҳусусиятларни ҳам ҳисобга ол-маслик мумкин эмас эди. Мен ўз иш жойимда ҳар бир кунни иқтисодиётдан ёки сиёsatдан эмас, балки республика Ички ишлар вазирлиги маълумотларидан бошлайман. Энг аввало, у ёқ-бу ёқда тўқнашувлар, муштлашувлар бўлган-бўлмагани, одамлар жабр кўришганми-йўқми, энг муҳими, можарода қайси миллатга мансуб кишилар қатнашгани билан қизи-қаман. Бизнинг шароитда осойишталикка осонлик-ча эришиб бўлмайди. Арзимаган, агар шундай ту-шунча умуман ўринли бўлса, озгина қон тўкилган тақдирда ҳам унинг оқибати хунук бўлади. Агар одамларни ғазаб ва нафрат, ўч олиш иштиёқи қам-раб олса, ҳар қандай режалар, ҳар қандай олижаноб ниятлар, барча ислоҳотлар сарик чақага ҳам арзимайди. Ўрта Осиёда факат барқарорлик шароити-дагина олға қараб харакат қилиш мумкин.

- **Республика дуч келаётган кўргина муаммоларни у ёки бу даражада Рашидов номи билан**

**боғлашади. Бошқа томондан эса, айтишларича, Ўзбекистонда**

**раҳбарлик қилиб турган пайтидаги унинг роли қайта кўриб чиқилмоқда, унинг обрў-эътиборини тиклашга интилмокдалар.**

— Рашидовга нисбатан муносабат Ўзбекистон Ком-партияси XXII съездида, республика Олий Кенгашининг учинчи сессиясида белгилаб берилган. Мен бу баҳоларга қўшиламан. Бу баҳоларнинг моҳияти шундан иборатки, Рашидов шахсиятини у яшаган ва ишлаган даврдан айри ҳолда кўриб чиқиш мумкин эмас. Мен шуни айтишим керакки, бизга зарба бўлиб тушган энг оғир танглик иқтисодий эмас, балки маъ-навий тангликдир. Асрлар мобайнida қарор топган ахлоқий-маънавий қадриятларни ғоявий қарашларга курбон қилиш оқибатларини бартараф этиш иқти-садиётни тартибга келтиришдан кўра анча машақ-қатли бўлади. Ахир, яқиндагина эмасмиди, комму-нист, айниқса, у юқорироқ лавозимда бўлса, ўз яқин кишилари билан охирги марта видолашиб учун қаб-ристонга хам боролмасди. Дафн маросимида ишти-рок этиш энг катта айб саналиб, бундай одамни партиядан ўчириб, ишдан бўшатишарди. Виждон азобидан сал бўлса-да, кутулиш, айни пайтда йиллар бўйи меҳнат қилиб эришган имтиёзлардан маҳрум бўлмаслик учун одамлар қариндош-уруғлари, ҳатто, ота-онаси вафот этганда касалхонага ётиб олишар ёки «шошилинч командировка»га кетиб қолишар эди. Ана шундан кейин хам биз, одамлар ҳеч нимага ишонмай қўйишган, уларда ҳеч қандай мукаддас нарса йўқ, деб айтишга қандай тилимиз борар эди? Бинобарин, динга нисбатан иккизламачилик жуда ёмон тус олди. Республикализнинг қўшни Афғонис-тон телекўрсатувларини томоша қилиш имкониятига эга бўлган бир ярим миллион аҳолиси у ерда СоветАрмияси масжидлар кураётганини ёки қайта тиклаётганини ўз кўзи билан кўриб туришди. Бу пайтда эса бизда масжидлар бузиб ташланди. Бундай ҳолат 1988 йилгacha давом этди.

**— Мен сизнинг фикрингизга қўшиламан. Лекин бунинг Рашидов муаммосига қандай алоқаси бор?**

— Жудаям бевосита алоқаси бор. Пахта билан боғлиқ 24 мингта жиноий иш қўзғатилганда, ҳақиқий жиноятчилар билан бирга уларнинг курбонлари хам баробарига қамоққа олинди. Бизнинг раҳбарлари-миз эса, Москвага пахта плани бажарилиши қандай бораётгани тўғрисида ҳисоб бергандек, шунча минг киши ҳибсга олинди, шунча-шунчаси партиядан ўчи-рилди, мазмунида мунтазам равишда ахборот бериб туришди.

**— Шундай бўлса-да, жазолангандарнинг ҳамма-си ҳам ноҳақ камалмаган-ку?**

— Тўғри. Бироқ бу нарса айбсиз кишиларни таъ-қиб этишни оқлай олмайди. Айбсиз таъқиб этилганлар эса юзлаб ва минглаб кишилардир. Биз фа-қат кейинги пайтнинг ўзида айбсиз хукм қилинганларга, ҳозир эса қамоқдан озод этилганларга, оқланганларга бир ярим миллион сўм товон пули тўлашга мажбур бўлдик.

**— Нима десак, деяйлик-ку, турғунлик даври ёки бошқа йилларда рўй берган воеа-ходисалар-ни кечириш ёки унутиш - босиб ўтилган йўллар-ни қайтариш имконияти учун замин тайёрлаш бўлади.**

— Тўғри, лекин нима учундир Брежнев команда-сидан айнан Рашидовни бошқаларга қараганда кўпроқ эсга олишмоқда. Унинг кўзга кўринган бош-қа сафдошлари ҳозир ё жамоатчилик дикқат-эъти-боридан четда бемалол яшамоқда ёки, хатто, фаол

Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида сиёсий ҳаётга қайтди. Биздагилар бундай «номута-носиблиқ»да адолатсизликни кўрмоқда.

**- Агар саволим сизга қўполроқ туюлса, мени ке-чиринг. Бироқ бальзи мухолифларингиз Рашидовга нисбатан сиздаги маълум вазминликни ўз қўлин-гизда жуда кўплаб раҳбарлик лавозимларини жам-лаганингиз билан боғлашмоқда. Сиз ҳам Президент, ҳам республика Вазирлар Махкамасининг бошлиғи, ҳам Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмита-сининг биринчи котибисиз.**

— Менинг фикримча, ўтиш даври ҳамда мамла-катда ва республикамизнинг ўзида қарор топган хавфли вазият шундай қилишни тақозо этди. Унинг энг асосий сабаби шунда.

Мен шу маънода Иттифоқ даражасида бошқарув структурасини қайта ташкил этишни қўллаб-кув-ваттайман. Шундай қилинса, у юзага келган вазият-га энг кўп даражада жавоб берган бўлади.

**- Сиз шу борадаги барча чора-тадбирларни маъ-қуллайсизми?**

— Ҳаммасини эмас. Масалан, СССР Президенти хузуридаги Назорат палатаси, унинг жойлардаги мух-тор вакиллари вазифаларини тўла-тўкис тушуниб етганим йўқ. Бу — нима, улар «оқпошшо» ёки гене-рал-губернатор вакилларига ўхшаш кишиларми?

Янгиланган негиздаги бу бирлашма тезроқ ва ҳеч кимга оғир

тушмаган шаклда вужудга келиши учун бир-бирига хурмат билан муносабатда бўладиган шериклик муносабатлари зарур. Бундай муносабат ҳам горизонтал, ҳам вертикал шаклда бўлиши керак.

«Известия» газетаси, 1991 йил 29 январь

## **ИҚТИСОДИЙ ОМИЛЛАР АМАЛ ҚИЛСА, «ТЕМИР ҚҮЛГА» ХОЖАТ ҚОЛМАЙДИ**

Умид учкунлари ҳали сўнмаган кўринади: ўтган йили Ўзбекистонда саноат ва қишлоқ, хўжалиги иш-лаб чиқариш ҳажмининг ўсиши таъминланди. Айнан ана шу омил республика Президенти Ислом Каримов билан суҳбатимизга сабаб бўлди.

— Ислом Абдуғаниевич, республикада хўжалик-ни барқарор юритишга қандай қилиб эришилмоқ-да? Ахир, нохуш жараёнлар Ўзбекистонни ҳам чет-лаб ўтгани йўқ-ку?

— Бутун мамлакат учун «темир қўл»ни қидир-масдан, балки ўйлаб қўйилган режаларни қатъият ва изчиллик билан адо этиш керак. Бизда советларга сайловларда компартияning энг яхши вакиллари ўзларини муносиб тарзда кўрсатишиди. Ҳозирги пайт-да сайлаб қўйиладиган органларда раҳбарлик таж-рибасига эга бўлган кишилар оз эмас. Республика-миздаги советлар факат гап билан шуғулланишмайди, амалий ҳаракат қилишни ҳам билишади. Биз янги уй қурмоқдамиз, эскисини дарҳол бузиб ташлаётга-нимиз йўқ. Шунинг учун ҳам одатда қуруқ сўз би-лан тўлдириладиган ҳокимият бўшлиғи пайдо бўлма-япти.

### **- Буни далиллар билан изоҳлаб бериш мумкин-ми?**

— Баҳо кўрсаткичлари бўйича республика ўз маж-буриятларини 98,5 фоиз адо этди. Иттифоқ эса Ўзбе-қистонга нисбатан мажбуриятларини 57 — 58 фоиз ба-жарди, холос. Бизда хосил нобудгарчилигига йўл қўйилмади, уни энг кулай муддатларда йиғишириб олдик. Бунинг учун барча зарур омиллар вужудга келтирилди. Кўдда терилган ҳар килограмм пахта учун 25 тийиндан ҳақ тўланди, ваҳоланки яқин-яқинларда ҳам бор-йўғи 5 тийин бериларди. Машина те-рими учун тўланадиган ҳақ ҳам оширилди. Техни-кани таъмирлаш муаммоси енгиллашди — механи-заторлар уни доимий шай ҳолатда сақлашдан манфаатдор бўлиб қолишиди. Биринчи маротаба дала ишларига ўн минглаб талаба ва мактаб ўкувчилари-ни жалб этишга эҳтиёж йўқолди. Бунинг устига, республика фондидан 8 мингта енгил машинани мав-сумда 150 тонна ва ундан ортиқ пахта терган меха-низаторларга сотишга қарор қилинди. Аммо натижалар шундай юқори бўддики, маррани 250 тон-на даражасига кўтаришга тўғри кедди. Шунинг ўзиёқ «бекадр» пулларнинг бир қисмини ҳаракатга келти-риш имконини берди.

Қандайдир «темир қўл» эмас, балки ҳақиқий иқтисодий омил амал қилди. Бино-барин, биз пахта майдонини қисқартирган ҳолда аввалги йиллар даражасида ҳосил йигиштириб ол-дик.

**- Бу билан нималарга эга бўлинди?**

— Неча ўн минглаб гектар ерни томорқа сифати-да аҳолига тақсимлаб бердик. Бу якка тартибда қури-лиш олиб боришга рағбат уйғотди. Натижада фой-даланишга топширилган турар жой йигирма фоиз кўп бўлди. Одамларда бунёдкорликка иштиёқ ҳали сўнмаган экан, минглаб ишсизларни иш билан таъ-минладик. Шуни ҳам айтиш керакки, томорқа май- донлари, республикада экинзорларнинг бир неча фоизинигина эгаллагани ҳолда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 40 фоизга яқинини бермоқда. Кузда бозорлардаги нарх-наво қандай бўлганини биласизми? Бир килограмм помидор — 25 тийин. Узум — 60 — 70 тийин. Қовун — 30, тарвуз — 25 тийин ва ҳоказо.

Аҳолининг қўшимча даромад олиш имкониятла-рига ҳам етарли баҳо бермаслик мумкин эмас. Ахир, Ўзбекистонда жон бошига истеъмол қилиш мамла-катдаги ўртacha кўрсаткичдан икки баробардан зиёд-роқ камдир. Бинобарин, кўп болали оиласаларга томорқа майдонлари, айникса, зарур. Аёллар, уй-рўзгордан ажралмаган ҳолда, томорқада ишлаши мумкин. Биз ўз томорқасида банд бўлганларга меҳнат дафтарчаси берамиз. Ишсизлар сони 250 — 300 минг нафар ка-майди. Айтганча, бекор қолган аҳоли ҳар бир қиши-локда қатъий рўйхатга олинмоқда.

**- Ислом Абдуғаниевич, назаримизда, беғубор манзара намоён бўлаётгандек...**

— Ундей эмас, муаммолар ошиб-тошиб ётибди, албатта. Масалан, Иттифоқ хукуматининг чорва молларининг харид нархини ошириш ҳақидаги қарорини олиб кўрайлил. Бизга пахта яккаҳокимлиги зўр бериб тиқиширилганининг оқибати нима бўлди? Эндиликда биз истеъмол қилинаётган гўштнинг ярмини республика ташкарисидан ташиб келишга мажбурмиз. Демак, яна 2 миллиард 300 миллион сўм керак бўлади. Шунча пулни қаердан оламиз? Ўзбекистоннинг бюджетидаги тақчиллик келаси йили 10 миллиард сўмни ташкил этади. Одамларни гўшт билан қандай қилиб таъминлаймиз? У ҳозирги пайтда аҳоли жон бошига республикада йилига 30 килограммдан тўғри келади, яъни мамлакатдаги ўртacha кўрсаткичдан

икки баробардан зи-ёдроқ кам.

Бундай қарорларни келишиб туриб қабул қилиш керак. Янги Иттифоқ шартномаси тузилаётганда Марказ ва республикаларнинг ваколатларини аниқ-лаб қўйиш жуда катта ахамиятга эга. Биз мутлақо янги Иттифоқда ўз вазифамиз бошқача тарзда так-символанишига асло рози бўлмаймиз. Юқоридан ту-риб пахта тайёрлаш режаларини белгилаб беришнинг аччиқ сабоги кўзимизни очиши керак-ку, ахир.

**- Дарҳақиқат, ўттизинчи йилларда ўртага таш-ланган СССРнинг «пахта мустақиллиги» шиори Ўзбекистоннинг гўшт ва унга қарамлигини вужудга келтирди. Республика ҳозирги пайтда кундалик эҳтиёж товарларининг ярмини ташқаридан олиб келишга мажбур бўлмоқда...**

— Одамларнинг манфаатларига зид ҳаракат қила-диган иқтисодиётни тушуниш қийин. Пахта яккаҳо-кимлиги алмашлаб экишни бузиб юборади, кўпдан-кўп заҳарли дорилар қўллашни талаб этади. Бизда болалар ўлими, аёлларнинг касалга чалиниши ниҳо-ятда юқори даражага етгани бежиз эмас.

«Республика — Марказ» муаммосига қайтар экан-ман, шундай демоқчиман: менда жойлардаги сиёсий ҳароратни Москвада ҳамиша хам ҳис этишаётгани йўқ, деган таассурот пайдо бўлмоқда. Бир қатор рес-публикаларнинг раҳбарлари томонидан ахволни баркарорлаштириш юзасидан сарф қилинаётган куч-ғайратларга етарли баҳо берилмаяпти.

**- Ўзбекистонда мана шу йўналишда яна қан-дай чоралар кўрилди?**

— Чорвачиликни ривожлантириш учун аҳолига ем-хашак ажратмоқдамиз. Бошланғич синф ўқув-

269чиларига бепул нонушта, пенсионерлар, уруш қат-нашчилари, мактаб ўқитувчилари, талabalар, кўп болали оналарга имтиёзлар ва ёрдам берилмоқдаки, буларнинг ҳаммасини санаб чиқиши қийин.

Бироқ моддий манфаатнинг ўзигина муҳим эмас. Маънавий ва ахлоқий-руҳий кўтарилиш бўлган ва-зиятдагина олға томон силжиш мумкин. Масалан, ўтган йили биз биринчи маротаба Наврӯзни миллий байрам деб эълон қилдик. Илгари эса уни ўтмиш саркити сифатида тақиқлаб қўйишганди. Агар шу жиҳатдан қарасак, айтиш керакки, асло ундан зиёд эмас. Наврӯз куёш календари бўйича Янги йил байрами хисобланади, у кўкламги кун билан туннинг тенг келган

палласидир. Наврўз қадим-қадим замонлардан буён байрам қилиб келинган. У ҳамиша баҳорда нишонланган. Оғир шароитда, камбағалчиликда яшаган одамлар шуни яхши билишганки, агар ерда янги ўт, майса пайдо бўлса, ўёғига яшаб кетишади, ёмон кунлар орта қолади. Наврўзда ҳар ким топганини байрам дастурхонига қўйган. Ўтган йилнинг март ойида халқимиз Наврўзни нақадар кўтаринки руҳда нишонлаганини кўрсангиз эди.

- **Ишончимиз комилки, булар республика учун рамзий маънога эга, унинг яхши кунлари ҳали олдинда. Ўзбекистон Президенти сифатида Сизга, Ислом Абдуғаниевич, шуни истаймиз.**

— Давлатимиз кемаси ҳозирги пайтда кучли до-вулга дуч келди. У қандай қилиб бунга бардош бе-риши, ишончли йўлдан четга чиқмаслиги мумкин? Бунинг учун фақат олтин, мис ва паҳтанинг ўзи кифоя қилмайди, бошқа салмоқлироқ нарсалар ҳам керак. Нимани назарда тутмокдамиз? Кўп милли-онли меҳнатсевар халқларни. Уларнинг миллий та-биатида ҳокимият муассасасига мойиллик бор.

Бироқ бу гап қонунчилик ва тартибни таъмин эта оладиган ҳокимияттагина тааллуқли.

*СССР ҳалқ депутатларининг IV съездидан Ислом Каримов бундай деди: «Бизнинг ишончимиз комил-ки, сиёсий-иқтисодий соҳалардаги ислоҳотларни рўёбга чиқаришда интизом ва тартиб бирламчи ҳисобланади. Бу йўлни биз ҳаётда қатъий амалга оширмоқдамиз, бошқарув «жилови»ни қўлдан чиқа-раётганимиз йўқ, чиқармоқчи ҳам эмасмиз, чунки шуни яхши биламиз — кейин уни қўлга қайтариб олиши қийин ёки мутлақо мумкин бўлмай қолади».*

«Правительственный вестник» ҳафтаномаси мухбири  
саволларига жавоблар  
«Ҳалқ сўзи» газетаси, 1991 йил 2 февраль

# **ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ РЕСПУБЛИКАДА НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА ЎТКАЗИШ ҲАҚИДА**

Республикада инсоний қадриятларни янада камол топтириш, ўз-ўзига ишонч руҳи ва миллий ғурурни мустаҳкамлаш, дўстлик, биродарлик, ҳамжиҳатлик, меҳр-шафқатни улуғлаш, маданий ва тарихий анъа-наларни давом эттириш ҳамда ривожлантириш, асрлар давомида шаклланган урф-одатлар ва удумлар-ни эъзозлаш мақсадида Наврўз байрамини кенг ни-шонлаш юзасидан куйидагилар амалга оширилсин:

1. Дам олиш куни сифатида белгиланган 21 марта ўтказиладиган Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик ишлари бошлаб юборилсин. Бу байрамни ўтка-зишда 1990 йилда тўпланган ижобий тажрибаларни давом эттирган ҳолда, тўла фойдаланилмаган имкониятлар ҳам ишга солинсин. Байрамга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тадбирларида республиканинг ҳар бир фуқароси яқдиллик ва ҳамжиҳатлик билан фао-лият кўрсатсин.

2. Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кў-риш ва ўтказиш республика ташкилий қўмитаси тас-диқлансин.

3. Ҳар бир ташкилот, вазирликдан тортиб, советлар ва маҳалла қўмиталаригача — ҳамма жойда бай-рамни ўтказиш ишларига жавобгарлик аниқ белги-лаб қўйилсин. Республика худудидаги корхоналар,

муассасалар, жамоа ва давлат хўжаликлари, шир-катлар, жамоат ташкилотлари ўз имкониятларидан келиб чиқиб, байрам тадбирларини тегишли транс-порт воситалари, озиқ-овқат маҳсулотлари, саноат моллари, тўй-ҳашам ашёлари билан таъминласинлар ҳамда сарф-харажатларни ўз зиммаларига ол-синлар. Умумхалқ хайрия харакатларида фаол иш-тирок этсинлар. Фуқароларнинг, жамоаларнинг Наврўз умумхалқ байрамини ўтказишдаги ташаббус-корлигини қўллаб-қувватласинлар.

Байрам аҳолининг барча табакалари истак ва хо-хишларига, ҳар бир жойнинг ўз шароитларига қараб ўтказилсин.

4. Наврўз умумхалқ байрами анъаналарига бино-ан, ҳар бир фуқарога иззат-икром кўрсатилсин. Қариялар, болалар, bemорлар,

ногиронлар ҳолидан хабар олиш, бева-бечора ва боқувчисидан ажралғанларга меҳр-шафқат кўрсатишига алоҳида эътибор берилсин.

Ўзбекистон Телевидение ва радиоэшилтириш дав-лат қўмитаси билан жамоат ташкилотлари, бадиий жамоалар ўтказадиган хайрия узлуксиз кўрсатуви — телемарафон ҳар томонлама қўллаб-куватлансин.

5. Наврўз байрамини ўтказиш борасида қўшни республикалар билан дўстлик, ҳамкорлик ва маданий алоқалар янада кучайтирилсин. Ўзаро ва-киллар юбориш, меҳмон қабул қилиш тадбирлари ишлаб чиқилсин.

6. Оммавий ахборот воситалари байрамни ўтка-зиш жараёнларини кенг ёритсин. Бу ишда журна-листларнинг масъулияти оширилсин.

Қайси йўналишдаги ахборот воситасида бўлишидан қатъи назар, Наврўз умумхалқ байрамини ёри-тиш ягона фоя — инсонни улуғлаш, миллий ғуурни кўтариш, ҳамжиҳатлик, биродарлик, меҳр-шафқат, тинч-тотувлик мақсадлари ва гоялари билан йўғрил-син.

7. Байрамга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш рес-публика ташкилий қўмитасига байрам тадбирларида ташаббускор бўлган, фаоллик кўрсатган, фидокоро-на меҳнат ва ижод қилган кишиларни аникдаш ҳамда рағбатлантириш ва такдирлашга тавсия этиш топ-ширилсин.

*Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти  
И. КАРИМОВ*

*Тошкент шаҳри, 1991 йил 12 февраль*

## **МУРАККАБ ВАЗИЯТДА ОҚИЛОНА СИЁСАТ ЮРИТАЙЛИК**

**Хурматли депутат ўртоқлар!**

Сессия кун тартибидаги масалаларни қараб чиқишига ўтишдан аввал мамлакатимизда, республикамизда рўй берган вазият, умуман, ҳаммамизга, бутун ҳалқимизга тааллукди баъзи масала ва муаммолар тўғрисида қис-қача фикр алмашиб олсак, керакли хулосалар чиқарсанк, умумий мақсадга, бугунги талабга жавоб берадиган катта бир иш килган бўлардик.

Бугунги замон, ҳозирги ҳаётимиз шундай тез ўзга-риб бормоқдаки, ҳар куни шу қадар улкан, оламшу-мул воқеалар юз бермоқдаки, бу вазиятни тушуниш ва ундан тўғри, жамики ҳалқимизга маъқул сиёsat йўлини танлаб олиш, уни рўёбга чиқариш, яъни ҳаёт-га татбиқ қилиш жуда ҳам мураккаб иш бўлиб қол-мокда.

Мамлакатда ахвол кундан кунга оғирлашиб ке-таётгани, турмуш даражаси пасайиб, сиёсий, иқти-содий, ижтимоий вазият, республикалараро, миллатлараро муносабатлар кескинлашиб, баъзи минта-қаларда тўқнашувлар бўлиб ва қон тўкилиб турган бир пайтда сайловчиларимиз, ҳалқимиз остонасига қадам қўйиб келаётган мушкул, оғир кунлардан, од-дий тил билан айтганда, бало-қазодан сақланишда биз, раҳбарлардан, депутатлардан, жойлардаги етакчилардан нажот кутишга ҳакдидир.

Ўзимизнинг олдимизда турган жумбок ва муам-моларимизни фақат ўзимиз бош қотириб ечишимиз мумкин, уларни биз учун ҳеч ким, ҳеч қаёқдан ке-либ ҳал қилиб бермайди. Буни яхши биласизлар.

Гарчанд Ўзбекистонимиз, эл-юртимизнинг ҳо-зирги сиёсий-ижтимоий ҳамда иқтисодий ахволи, таъминот даражасида бошқа республика ва минта-қаларга нисбатан ижобий фарқ мавжуд экан, буларнинг ҳаммасига, аввалимбор, ҳалқимизнинг қаҳра-монона, шижаотли меҳнати туфайли эришиляпти, булар жойлардаги кўпгина раҳбарлар, вилоят, ра-йон, қишлоқ кенгашлари, давлат маҳкамалари ва жа-моат ташкилотларининг раҳбарлари олиб бораётган сиёсатнинг, зўр бериб ишлашнинг, тартиб-интизом-ни жойига қўйиб амалга оширилаётган фаолиятнинг натижасидир. Буни ҳар биримиз тўғри тушуниб, тўғри баҳолашимиз лозим.

Биз ҳаммамиз ҳақиқатнинг қўзига тик қараши-миз керак. Чунки кундан кунга оғирлашиб кетаётган катта-катта синовлар олдида турибмиз. Ана шу синовлардан халқимизни, бизларга ишонган фуқароларнинг бурнини қонатмасдан, йўқотишларга йўл қўймасдан, келажакдаги порлоқ ҳаёт учун замин тайёрлаб ўтсак, бу синовлар қанча давом этишини ҳозир аниқ айтиш қийин, шундагина зиммамиздаги бурчни бажарган, одамларнинг ишончини оқлаган бўулур эдик.

Ҳозирги оғир, мавхум, ахвол тобора чалкашиб бо-раётган бир пайтда, мураккаб вазиятда бутун Итти-фоқ оддида турган муаммоларни, бугунги ва эртанги сиёsatни чуқур, атрофлича таҳлил қилиб, ўзимизнинг аниқ-равshan йўлимизни белгилаб олиш, Ўзбекистон халқининг келажаги, тақдири ҳақидаги ҳақиқатни ҳеч нарсани яширмасдан, ўйин қилмасдан, аниқ айтиш керак. Биринчи навбатда, Ўзбекис-тон манфаатини кўзлаган ҳолда, меҳнат аҳлига мақ-бул келадиган муносаби сиёsatни ишлаб чиқишимиз ва уни изчил олиб боришимиз, амалда татбиқ қилишда қаттиқ туришимиз зарур.

Азиз дўстлар, бу ўринда қандай муаммо ва си-новлар тўғрисида сўз кетяпти? Келинг, шу масалалар юзасидан атрофлича гаплашиб олайлик.

**Биринчидан**, Иттифоқ шартномасига муносабат. Охирги икки йилда ана шу шартнома хусусида бил-дирилаётган ҳар хил фикр ва қарашлардан рўзно-малар, телевидение, радио орқали хабардормиз. Бу-тун мамлакатда, жумладан, Ўзбекистонимизда ҳам бунга қандай муносабат билдирилаётгани сизларга маълум. Лекин мана шу минбардан туриб, ҳозирги энг долзарб, айтайлик, истиқболда сиёsatимиз аниқ-ланаётган пайтда шу масалада сизлар билан очик-ойдин фикр алмашиб, ўз йўлимизни қатъий белги-лаб олишимиз керак. Чунки келажак тақдиримизни ҳал қиласидан бу масала талабадан бошлаб меҳнат ветеранигача, ишчидан тортиб зиёлигача — ҳамма-мизни қизиктиради, ўйлантиради.

Даставвал шуни айтишим керакки, янги Иттифоқ шартномасини тузишда анча кечикдик. Икки йил ол-дин бу масалани кўтарган Болтиқбўйи республикалари овозига ҳеч ким қулоқ солмади. Марказда ўтирганлар уларнинг таклифларини қабул қилишмади, ишни пайсалга солишди.

Баъзи раҳбарлар эски, яъни 1922 йилги, ҳозирги мавжуд Иттифоқ

шартномасини яна оддинга суреб, бизларга ҳеч қанақа янгилик керак эмас, деганла-рича оёкни тираб ўтираверишди. Бунақа ёндашиш ўзининг салбий натижасини ва аччиқ мевасини, мана, энди беряпти.

Агар ўша пайтда, келажакни олдиндан ўйлаб, уни-тар давлат сиёсатидан, буйруқбозлик тартиботи ва услубларидан бош тортиб, республикаларга, халқларга, жойлардаги ҳокимиятга уларнинг қонуний хукуклари, мустақиллик берилган тақдирда ҳозирги оғир аҳвол содир бўлмасди. Ишламайдиган, заминдан узилган қонунлар вужудга келмасди. Марказ чиқарган қонунлар билан республикалар қабул қилган қонунлар ўртасида зиддият пайдо бўлмасди, ак-синча, улар бир-бирини тўлдиради. Иттифоқ шарт-номаси ўз вактида тузилганида, ҳокимиятда паро-кандалик, халқ хўжалигига, ишлаб чиқаришда узилишлар бўлмасди, юкори ва қуий ташкилотлар орасида бири иккинчисини менсимаслик вужудга келмасди, ҳеч бўлмаганда мамлакат бу қадар оғир аҳволни бошидан кечирмасди, миллатлараро алоқа ва муносабатлар бунчалик кескинлашмасди.

Хўш, Ўзбекистоннинг янги Иттифоқ шартнома-сига муносабати қандай? Бу борада ўртага қўядиган шартларимиз, талабларимиз, ўз қарашларимиз нималардан иборат?

Аввалимбор, янги Иттифоқ шартномасига нис-батан Ўзбекистоннинг муносабатини белгилашда қуидагиларни эътиборга олиш зарур. Республика-мизнинг иқтисодий аҳволи анча оғир, ечилмай ётган муаммолар беҳад кўп, халқнинг турмугд даражаси паст, ичимлик суви танқис, экология, Орол фожиа-си қалбларни ўртамоқда, сугориладиган ер етишмайди, анчагина озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат моллари ташқаридан олиб келинмоқда, четга эса асосан хом ашё чиқарилмоқда, ишсиз юрган одамларимизнинг сони кўп, аҳволи танг.

Ишлаб чиқариш кучлари, саноат корхоналари, иш- латиладиган техника ускуналари, технология хароб

аҳводда. Буларни бошқатдан қуриб чиқиш, замона-вий талабга жавоб берадиган даражада қуриб олиш учун катта маблағ керак.

Яна бир муҳим масалани ҳисобга олишимиз ло-зим. Бугунги халқ хўжалигимиз минг-минг йўллар оркали бутун Иттифоқдаги корхоналар билан ипсиз боғланган. Бунақа алоқаларни бирдан узид ташлаш оқилона иш бўлмайди.

Ҳозирги вазиятни ва юзага келган аҳволни ҳисобга олганда бу

муаммоларни Ўзбекистоннинг битта ўзи ечиши анча қийин. Шуни назарда тутиб, Марказдан бериладиган ёрдамни эътиборга олиб, ўзимизни Иттифоқ таркибида кўриб сиёсат юритишимиз, яъни келажагимизни белгилашимиз лозим, деб ўйлайман. Лекин биз эскича, марказлаштирилган, буйруқбоз-ликка асосланган, эскирган қоидалар бўйича иш юритадиган Иттифоқ таркибига киришга рози бўлмаганимиз ва мутлақо рози бўлмаймиз ҳам.

Иттифоқ таркибига кирадиган такдирда факат ўз мустақиллигига эга бўлган давлат сифатида шарт-номага имзо чекишимиз мумкин. Бу — аниқ гап, ўртоқлар!

**Бизнинг асосий талабимиз мулкчилик тўғриси-да. Ўзини мустақил деб билган давлат ўз худуди-да бўлган барча ер ости-юр ер усти бойликларига, ишлаб чиқарувчи кучларга ҳеч сўзсиз факат ўзи эгалик қилмоғи керак.**

Шу билан бирга, Ўзбекистон ўз бойликларидан ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотдан фойдаланиш масаласида ҳам эркин бўлиши зарур. Жумладан, хорижий мамлакатлар билан иқтисодий, ижтимо-ий ва сиёсий алоқалар боғлашда — барча соҳаларда Марказ билан стратегик йўл тутишимиз, узок муд-датга белгиланаётган мақсадлар бўйича аввалдан ке-лишиб олишимиз ва ўз сиёсатимизни ўзимиз юрги-зишимиз зарур. Умуман, Марказ билан муносабатимизни аниқлашда, унга бериладиган ҳукуқлар, унинг зиммасидаги вазифаларни белгилашда ўз ихтиёри-мизни қўлдан чиқармаслигимиз шарт. Мудофаа ма-салалари, космос, ядро соҳалари, алоқа воситалари, темир йўл, ҳаво флоти ва ҳоказолар унинг тасаррӯ-фида бўлади. Ана шу масалаларни биргаликда ҳал этишни Иттифоқ учун ҳам, уни таъсис этувчи рес-публикалар учун ҳам энг мақбул йўл деб ҳисоблай-ман.

Яна бир мухим масала — Ўрта Осиё ва Қозогис-тонда сув таъминотини олайлик. Бу муаммони кўшни беш республика биргаликда, ўзаро келишувга асо-сан, мақбул тарзда ечиши мумкин, холос. Оролни бир ёқадан бош чиқарибгина қутқариб қола-миз...

Ёки бўлмаса, долзарб масалалардан яна бири — энергетика таъминотини олиб кўрайлик. Сув мўл-кўллигига Қирғизистон ва Тожикистонда электр қув-вати кўп бўлиб, биз у ердан гидроэнергия оламиз. Мабодо сув озайса, Ўзбекистоннинг гази билан иш-ловчи иссиқлик электр станциялари яратган нурдан Қирғизистон ва

Тожикистон ҳам баҳраманд бўлади.

Таъкидлаш керакки, шартномани бугунги кунда тўла ҳолда ва бир йўла тасдиқлаш асосий мақсад эмас. Ҳозирги вазиятда талаб шуки, шартноманинг айрим қисмларини алоҳида-алоҳида кўриб чиқиши ва тас-диқлаб бориш зарур. Шу кунларда Марказда республикаларнинг вакиллари Иттифоқ шартномаси дои-расида кўриб чиқаётган масалалардан бири Иттифоқ билан республикалар ўртасидаги вазифалар тақси-мотини белгилаб, ҳукуқларини чегаралаб, ойдинлаштириб олишдан иборат бўлмоқда.

Иттифоқ шартномаси тўғрисида гап кетар экан, унинг устида олиб борилаётган ишларни охиригача аниқдашдан олдин бир саволга жавоб беришимиз лозим ва шундан кейин бу ишнинг давомини кўришимиз мумкин: шартнома ўёқда турсин, Иттифоқнинг ўзи бизга, халқимизга керакми ё йўқми? Ма-бодо керак бўлса, қанақа Иттифоқ керак?

Шу мақсадда 17 март куни Бутуниттифоқ рефе-рендуми, яъни овоз бериш ўтказилади. Ўзбекистон-да яшаётган халқ кўпчилик қатори ана шу саволга жавоб бериши зарур, деб ўйлайман.

Яна бир гапни айтишим лозим: референдум ке-рак эмас, деб овоза тарқатиб юрган кимсалар оддий кишиларнинг фуқаролик ҳукуқларини менсимаяп-ти. Референдумда қатнашиш, кимлигидан — савод-сиз ёки саводлилигидан, қаёқда бўлиши ва тури-шидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг конститу-цион ҳукуки. Ҳеч ким, ҳеч қачон бирор одамни бундай ҳукуқдан маҳрум этиши мумкин эмас, биз бунга йўл ҳам кўймаймиз.

Болтикбўйи республикаларида содир бўлаётган фожиали воқеалар хусусида икки оғиз сўз. Шу йилнинг бошида Вильнюс ва Рига шаҳарларида юз берган қонли ҳодисалар кўпчиликни ташвишга солмокда. Биз ҳаммамиз қонун тарафдори бўлишимиз зарур. Ким бўлмасин, қонунга хилоф ҳаракатлар билан ўз максадига эришмокни истаса, бундай ҳаракат, ал-батта, салбий оқибатга олиб келади. Инсон қони тўқилишига сабаб бўлган айбдор шахсларга нисба-тан кескин чоралар кўрилиши зарур, деб ҳисоблай-миз. Токи бундай салбий ва фожиали воқеалар бошқа минтақаларда такрорланмасин.

Форс кўрфазидаги қирғинбарот уруш ҳаммани ташвишга солмоқда. СССР Президентининг куни кеча матбуотда эълон қилинган баёнотида бу ҳол таъкидлаб ўтилди. Факат Форс

кўрфазидаги мамла-катлар эмас, бутун дунё хавф остида қолмоқда.

Ҳозирги танг пайтда Совет Иттифоқи Президен-тининг Ироқ Президентига очик мурожаат қилиши, мажарони тинч йўл билан бартараф этишга чакири-ши, Президент Саддам Ҳусайн билан учрашиш учун шахсий вакилини юбориши айни муддаодир.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ўтган ойда биргаликда кабул қилган ба-ёнотда ҳам халқимизнинг бу борадаги фикри, азму иродаси ифодаланган эди.

Биз қурол ишлатишга ҳамиша қаршимиз. Жаҳо-латни ақл-заковат билан енгис тарафдоримиз. Ай-тиб ўтилган мана шу масалалар бўйича Олий Кен-гаш ўз фикрини билдирса, мақсадга мувофиқ бўлур эди, деб ўйлайман.

Энди нарх-наво сиёсатига қисқача тўхталиб ўта-ман. Содда ва аниқ қилиб айтсам, нарх-наво бора-сида бизнинг сиёсатимиз куйидагича.

**Биринчидан**, бизда нарх-наво оширилиши туфай-ли халқимиз кўрадиган зиённи қоплаш механизмини топмасдан туриб, бу тадбирга киришилмайди. Бундан мақсад — оддий халқ оммасини, айниқса, камбағал ва мухтоҷ кишиларни иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилишдир. Мабодо нарх-наво ошадиган бўлса, то унгача мана шу тадбир натижасида халқимиз гарданига тушадиган зарарни қайси ҳисобдан, қандай қилиб қоплаш маса-ласини ечиб олишимиз ва Иттифокдан ёрдам талаб килишимиз керак.

**Иккинчидан**, муҳим нуқталардан бири шуки, 1991 йилда Ўзбекистонда нон ва ун маҳсулотларининг нар-хи ошмайди. Бу хусусда бошқа таклифлар ҳам бор.

Лекин менинг шахсий фикрим — нон ва ун маҳсу-лотлари нархини оширмаслик.

**Учинчидан**, яна бир муҳим янгилик шуки, нарх-наво оширилиши туфайли вужудга келадиган зарарни қоплаш механизмини жорий қилиш оркали Ўзбе-қистондаги оз маош оладиган, моддий жиҳатдан етар-ли таъминланмаган, камхарж кишиларнинг турмуш даражасини ўртacha даражага якинлаштириш кўзда тутилмоқда.

Хуллас, нарх-навонинг ошиши аҳолини моддий жиҳатдан қийин аҳволга солиб қўйишига йўл бер-маслигимиз лозим.

Оғир синовлардан ўтиш пайтида, шубҳасизки, мустаҳкам тартиб-

интизом бўлиши зарур. Буни ҳам-мамиз англаб олайлик. Хўш, тартиб-интизомни қан-дай тушунишимиз керак?

Ҳар бир инсон — хоҳ у оддий фуқаро, хоҳ у кат-такон раҳбар бўлсин — бундан қатъи назар, ўз хал-қининг, шу тупрокда истиқомат қилаётган элу элатларнинг манфаатини кўзлаб, ҳимоя қилиб яшаши ва ишлаши зарур. Умуман, катта тарихни олиб кўрсак, халқ қанчалик уюшган бўлса, раҳбарият билан бир жону бир тандек харакат қилса, яъни, ҳамжиҳат-лик, аҳиллик қарор топса, камолот юз беради, дав-лат кучли, юрт фаровон бўлади.

Тарихимизда шундай хунук вақтлар ҳам бўлган-ки, баъзи раҳбарлар ўз халқини бадном қилиб кўрсатди. «Пахта иши» дея бутун дунёга жар солиб, бунинг устига, ана шу «иш»ни баҳолашга четдан «қози»ларни олиб келиб, ўз халқига азоб бериб, ўзи эса томошабин бўлиб туриши инсонга, раҳбарга ярашмайдиган қилиқ деб биламан. Бундай шарман-дали ишлардан ҳам тегишли сабоқ чиқаришимиз зарур.

**Ўзбекистоннинг нажоти факат ўзимизда, шу за-минда.** Нажот қидиришда бошқа ёқдарга мурожаат қилиш билан рўшноликка чиқиб бўлмайди, факат бе-гоналар олдида шармандалари чиқиб кулги бўлганла-ри қолади, холос.

Бирлашган — ўзар, дейди халқимиз. Келинглар, ахил бўлайлик, бир ёқадан бош чиқариб, бу оғир кунлардан ҳам омон-эсон ўтиб олайлик!

Дўстликка, биродарликка чорлар эканман, шу ўринда улуг Алишер Навоий бобомизнинг бир мис-расини келтириб ўтмоқчиман. Бу йил юртимизда Алишер Навоий йили деб эълон қилинган экан, улуг бобомизнинг руҳи бизнинг эзгу курашларимизда мададкор бўлажак, деб умид қиласан.

«Жаҳон бўлмасин дўст, гар бўлмаса дўст», дейди Алишер Навоий. Бу мисранинг мазмуни кенг ва чу-кур. Алишер Навоий йилида улуг бобомиз айтган насиҳатларга қулок солиш, унинг доно фикрларини амалга ошириш биз учун ҳам фарз, ҳам қарзdir. Ер юзининг турли минтақаларида, масалан, Форс кўрфа-зида уруш-жанжаллар, тўстўполонлар бўлиб турган бир пайтда Навоий бобомиз тараннум этган тинч-ликни, омонликни астойдил ҳимоя қилайлик. Чунки дўстлик бўлса, эл-юртимизда тотувлик, осойишта-лик ҳукм сурса, эзгу ниятларимизга, албатта, ета-миз. Бунга ишончим комил.

Ҳаммангизга, азиз дўстлар, ана шу йўлда, ана шу курашда омад доимо ёр бўлсин!

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг

навботдан ташқари

тўртинчи сессиясида сўзланган нутқ

«Ҳалқ сўзи» газетаси, 1991 йил 15 февраль

## БИЗНИ КАПИТАЛИЗМДАН САКРАБ ЎТИШГА ЎРГАТИШГАН

**«Комсомольская правда» газетаси мухбири саволлариға жавоблар**

- Ислом Абдуғаниевич, Сизнинг республикан-гизни баъзан «коммунистик қўриқхона» деб ата-шади. Ўзбекистонга берилган бундай баҳо қанча-лик хақконий ва унга Сизнинг муносабатингиз қандай?

— Биз гўёки коммунистик дунёкарашнинг таянчи эканизмиз, фикрлашимизда консерватизм хукмрон-лиги хусусида жуда кўп гапиришяпти. Минтақанинг тарихини билгандан кейингина вазиятга тўғри баҳо бериш мумкин. Совет ҳокимиятининг ҳамма йилла-рида Ўзбекистон моҳият эътибори билан ўз давлати-га эга бўлмаган. Биз капитализмнинг машаққатли бос-қичини четлаб, социализмга ўтганимизни ҳамма жойда рўйақач қилиб келишди. Аслини олганда, бошқаларда-гига қараганда ёмон бўлмаган ҳақиқий социализм курганимизга ишонтироқчи бўлишди. Бунинг усти-га, тараққиётнинг нокапиталистик йўлини танлаган мамлакатлардан вакиллар таклиф этиб, бизнинг таж-рибамиз мисолида уларни ҳам капитализмдан сакраб ўтишга ўргатиш саъй-ҳаракатлари бўлди. Энди қара-сак, ҳаммаси ваҳшиёна бир нарса экан...

Қачонлардир Ўзбекистон мамлакатнинг пахта мус-тақиулигини таъминлаши зарур, деган фикр кўнда ланг бўлиб қолди. «Оқ олтин» ниҳоятда шафқатсиз усууллар билан кўлга киритила бошлади. Бу йўлга ўтмаганларни вазифасидан четлатишди ва йўқотишиди, уларнинг ўрнига «Етиб оламиз ва ўзиб кетамиз», «Беш йилликни икки йилда қойиллатамиз», дея ито-аткорона кўл қовуштириб турадиганлар танланди. **Фақат дераза токчаларию томларга пахта экилмади, холос.** Биз пахта мустақиллигини таъминла-дик. Ўзимиз эса қарам иқтисодиётга эга бўлиб қолдик. Ҳамма нарса бир мақсадга: пахтага хизмат кўрсатиш учун яратилаверди. Мана энди бизда то-варлар етишмаяпти, уларнинг ярмидан ортиқроғини четдан олиб келяпмиз.

«Таянч» масаласига тўхталадиган бўлсак... ҳам-маси бемаънилик. Бизнинг ўлкамиз жуда қадимий маданиятга эга, у башариятга улуғ

алломалар, мута-факкир зотлар, файласуфларни етказиб берган. Ана шундай тарихга соҳиб бўлган мамлакат — айтганча, бу тарихни бир вақтлар бутунлай йўққа чиқармоқ-чи бўлишган — консерватив кучлар марказига ай-ланиши мумкин эмас.

**- Сиз ғоят нохуш манзарани тасвирлаб бердин-гиз. Ана шундай вазиятдан чиқиш йўли борми? Сизнингча, бундай йўл қандай бўлиши мумкин?**

— Ҳаққоний таҳдил этмасдан, ишларнинг аҳво-лини тўғри белгилаб олмасдан туриб вазиятдан чи-қишининг аниқ йўлини топиб бўлмайди. Биз худди шу йўлдан боряпмиз. Ҳозирги кунда миллий даро-мад, аҳолининг турмуш даражаси бўйича Ўзбекис-ton мамлакатда энг паст ўринлардан бирида, деб баралла айтмокдамиз. Айни пайтда Ўзбекистон — жуда бой республика. Бизда хамма нарса бор. Бир томондан, беҳисоб ресурслар, яъни Менделеев жад-валидаги жамики элементлар, иккинчи томондан эса, ортиқча меҳнат ресурслари мавжуд, 600 мингга яқин киши доимий ишга эга эмас.

Бундай ҳолатни ким тузатади? Биз велосипед их-тиро қилмаслигимиз, балки Шарқий Осиё мамла-катлари тажрибасидан фойдаланишимиз лозим. Биз яна беш йил чидаб туришга розимиз, аммо чет эл технологияси, техникасига, одамлар яшайдиган жойларга яқин корхоналарга эга бўлишимиз зарур. Биз иложи борича кўпроқ йигит ва қизларимизни илфор мамлакатларга юборишимиз керак, улар дунёни ўз кўзлари билан кўрсин, замонавий технологияларни ўзлаштириб олсин. Бироз чидашсин, ўша ерларда ишлаб кўришсин, хар қалай, бутунлай бошқа одамлар бўлиб қайтиб келишади...

**- Демак, ишчи кучи экспорт қилинар экан-да?**

— Ҳа, шундай. Бу масалада ҳеч қандай чеклашлар бўлмаслиги керак. Ҳар қандай мафкурани, ҳар хил кўринишдаги техника ва технологияни ўрганиш учун бораверишсин. Бизга агар пахта, хом ашё сотсак, беш йил бемалол ишламасдан, шипга қараб ётишимиз мумкинлигини айтишяпти. Мен бундай фикрга мутлақо қўшилмайман, чунки ўз авлодлари тақдири ҳақида қайғурладиган бирорта мамлакат хом ашё ресурсларини сотиш хисобидан кун кўрмаслиги керак. Хо-рижий мамлакатлар бизга ёрдамга келишга тайёр ту-ришибди. Қарийб бир миллиард доллар ҳажмидаги бутун бир таклифларимиз мажмуаси бор. Энг муҳи-ми — қўшма корхоналар, келажакда бутунлай янги одамларни тарбиялайдиган

замиинни барпо этишимиз лозим. Ўшандада консерватизм, қолоқлик ҳақидаги ҳамма гап-сўзлар ўз-ўзидан барҳам топади.

**- Шуниси ҳам борки, Шарқий Осиё мамлакатларида хом ашё ва меҳнат ресурсларидан ташқа ри иш энди бошланаётган пайтда бошқа бир жуда мухим омил - биздагидан фарқ қиласиган ишлаб чиқариш муносабатлари ҳам бўлган-ку...**

— Биз ўзимизнинг мулкчилик тўғрисидаги қону-нимизда Ўзбекистонда мулкчиликнинг барча кўри-нишлари тенг хукуқлидир, деб эълон қилдик. Ҳо-зирнинг ўзидаёқ янгича шароитда фаолият юритаётган мустакил корхоналар бор. Вазирликларни концернларга айлантириш тадоригини кўряпмиз. Мулкчиликнинг бошка, яъни хусусий, акциядорлик шакллари ҳам мустасно этилмайди. Бироқ **мен ху-сусийлаштиришни босқичма-босқич ўтказиш та-рафдориман**. Аввал бир босқични ниҳоясига етка-зиб, унинг афзаллигини кўрсатайлик-да, кейин бошқасига ўтайлик.

**— Сиз Президент бўлгандан бўён қандай аниқ ишлар амалга оширилди?**

— Мен биринчи маротаба юксак минбардан ту-риб Ўзбекистонда **9 миллиондан зиёд киши бечо-раҳол қун кўраётганини, аҳолининг 47 фоизга яқинини алоҳида шарт-шароитга мухтоҷ болалар ташкил этишини, бизда ўлим кўрсаткичи мамла-кат бўйича жуда юкори даражада бўлиб қолаётганини айтганман**. Биз ҳақиқатни гапирганимиздан кейин одамлар орқамидан эргаша бошлади.

**Аммо сўз бошқа-ю, иш бошқа.** Ер ҳақидаги фармон жуда катта вазифани бажарди. **Мен узил кесил қилиб: пахта этиштиришни 700 минг тон-на қисқартирамиз, дедим.** Бу 250-300 минг гектар ер, деган гап. **Иттифоқ маҳкамаларида, Дав-лат план комитетида масалани сиз нимани истасангиз, ёзиб қўяверинг, мен барибир бажар-майман, деган қабилда ўртага қўйдим.** Биз сўнгги нуқтага ўтганимизни тушунишганидан кейин бу масалаларни ечишга ёрдам бериша бошлашди. **165 минг гектар майдон одамларга бўлиб берилди, дехқонларнинг томорқалари қарийб икки баробар кўпайди.** Одамларда қизиқиш пайдо бўлди. Ўз вақтида дехқонларни инқилобга қандай қилиб жалб этишган? «Ер — дехқонларга!» шио-ри ўртага ташланган. Ҳозир биз ҳар бир хонадон-да тириклик ўтиши учун барча шарт-шароитни яратиб беришга интилмоқдамиз. Шахсий

ёрдамчи хўжаликлар эгалари, яъни бўлажак фермерлар уюшмасини туздик. Бизда озиқ-овқатнинг 40 фо-изи шахсий секторда етишириляпти, унинг их-тиёридаги ер эса умумий суғориладиган майдоннинг атиги б фоизини ташкил этади. Бу йил бо-зорларимизда, ҳар ҳолда, у-бу нарса бўлди. 165 минг гектар ер аскотди...

**- Ислом Абдуғаниевич, ўз республикангиздаги миллатлараро муносабатлар ҳолатига қандай баҳо берасиз?**

- Фаргона воқеалари, шунингдек, кейинги пайтларда рўй берган бошқа тартибсизликлар — буларнинг барчаси турли миллат одамларида бир-бирига ишончсизлик пайдо қилди. Шундай бўлишига ким сабабчи? Мен ҳозир аниқ-равshan қилиб айтаман: **жамики номаъқулчиликлар маркази республика-миз** чегарасидан ташқаридадир.

**Бозор муносабатларига ўтиш даврида иттифоқ-дош республикаларнинг қил устида туриши ким-гадир керак бўлиб қолганга ўхшайди...** Ҳа, исталган пайтда аралашиб ва ўз билганларича ҳал этиш учун қулай вазият.

**- Кейинги пайтларда Туркистон иттифоқи ҳақида кўп гапиришяпти. Ўтган йил ёзда Олма-отада Туркистон республикалари раҳбарларининг учрашуви уютирилганидан кейин бу ҳақдаги овозалар, айниқса, кучайди...**

— Мен Олмаотадаги учрашувимиз мантиқий ва холисона бўлди, деб хисоблайман. Биз бир-биримиз билан иқтисодий жихатдан боғланмасдан туриб ёнма-ён яшай олмаймиз. Ҳозирги пайтда чап кўли-миз билан ўнг қулогимизни қашиётганга ўхшаймиз. Бизнинг хом ашёларимиз эвазига Қозогистондан олиб келиш мумкин бўлган ғалла Иттифоқнинг беш нуктасидан ташиляпти. Нима учун?

Нега деганда, Давлат план комитетига керак бу. Маҳкамада ўтиришади-да, озгинасини Украинадан, бунчасини Олтойдан, мана бу қисмини Қозогистондан оласан, дейишади... Агар ҳамма нарса табиий қонунлар асосида рўй бераверса, у ҳолда Давлат план комитетининг нима ҳожати бор? Маълум бўлишича, масаланинг бошқа орқа томони мавжуд экан. Улуғ Турон давлатини барпо этиш гоясини илгари сураётган одамлар топилиб қолди. Улар ўз навбатида бизнинг учрашувимиздан ана шундай кайфиятни уйғо-тиш учун фойдаланди... Лекин очиқ айтиш керак, та-рих ғилдираги орқага қайтмайди. Биз Ўрта Осиё ва хамдўстлик тўғрисида гапиришимиз мумкин. Бу мин-

такада республикалар ўртасидаги чегаралар — жуда қалтис масала. Бир вақтлар бундай чегара, айтиш мүмкінки, сунъий равишида ўтказилған эди...

**— Республиканың янги парламентида оппозиция пайдо бўлди. Сиз уни ҳис этяпсизми? Парламент ишига бунинг ёрдами тегяптими?**

— Агар у ўз фикри, тушуниши, истиқболига эга соғлом оппозиция бўлганида, мен табриклаб, қўллаб-кувватлардим. Бироқ ўзим тўқнаш келган, баҳслашган одамлар ҳакида гапирадиган бўлсак, узил-кесил хулоса чиқариш мумкин. Уларниг ак-

сарияти ҳокимиятга интиляпти. Иссик жой берсан-гиз, тинчид қолишади, ҳалқ ғамини ҳам унутиб юборишади. Кейин ҳозиргидан баттар консерватор-га айланишади. Кўпроқ қитмирлик қилаётгандарни бир пайтлар тузум томонидан инкор этилган, улар эндиликда «демократизм», «фикрлар хилма-хилли-ги» баҳонасида яна бош кўтармоқда. Бундай тои-фадагилар мазкур тузум билан курашар экан, агар имкон берилса, бажонидил яна аввалги ҳолатига қайтишга ва ҳаммасини унутиб юборишга тайёр.

Бироқ, менинг назаримда, яна бошқа, оппозиция эмас, балки гурух бор. Булар — яшашни, ишлашни, агар билсангиз, ижод қилишни истаётган ёшлардир. Улар қалбакиликка тоқат қилишолмайди, улар депу-татлар орасида икки маротаба қамокда ўтириб чиқ-қанларни, ҳалол яшамаётгандарни, тили бошқа-ю, иши бошқа кишиларни кўриб туришибди. Шунакаларни ҳеч ҳазм қилишолмаяпти. Бундай ёшларга қулай шарт-шароит яратиб берилса, улар жамиятимиздаги ҳал қилувчи ўринларни эгаллаб олган бўларди.

Жаҳондаги бирорта парламентда худди биздаги-дек бозор бўлмайди. Парламентдаги ўринлар учун партиялар кураш олиб борса, қандайдир тартиб кўзга ташланади. Борди-ю, ҳар бир депутат уни, овозини ким сотиб олишини кутаётган бўлса, бу ниҳоятда даҳшатли. Ана шундай парламентнинг қўлидан ҳар нарса келиши мумкин. Шунинг учун ҳам мен жами-ки ғоялар, ижтимоий қатлам ва манфаатлар мужас-самланган парламент тарафдориман.

«Комсомольская правда» газетаси, 1991 йил 7 марта

## **ЎЗБЕКИСТОН ФАҚАТ ИҚТИСОДИЁТДА ЭМАС, БОШҚА СОҲАЛАРДА ҲАМ ДАДИЛ ҚАДАМЛАР ҚЎЙМОКДА**

**«Ди Џайт» немис ҳафтаномаси саволларига жавоблар**

- Сиз бундан бир неча ҳафта илгари СССР халқ депутатларининг тўртинчи съездидаги фуқаролар уруши ва «қаттиққўллик» хавфи борлигини айтиб, огоҳлантирган эдингиз. Сизнинг бу огоҳлантиришингиз тўғри бўлиб чиқди. Бугун юзага келган ахволни қандай баҳолайсиз?

— Ҳақиқатан ҳам, мен мамлакатимиз хавф-ха-тар остонасида турганини, унинг ортида эса бошбошдоқлик, инкиroz, миллатлараро тўқнашувлар, фуқаролар уруши белгилари яққол кўринаётганини ва сиёсатда «қаттиққўллик» эмас, балки мустаҳкам давлат тузилмалари, катъий позиция, сабот ва мато-нат ҳамда ўйланган ишларни бажаришда изчиллик кераклигини айтган эдим. Бугунги кунда шу қадар мураккаб сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ахвол юза-га келди, бу хусусда ҳеч кимда мутлақо ҳеч қандай хомхаёл қолмади. Агар ҳамма нарса ҳозиргидек борадиган бўлса, биз, албатта, «қаттиққўллик» деб аталмиш йўлга ўтишимиз керак. Фуқаролар уруши-га келганда эса, у аслида бўлмоқда, жумладан, Кавказда рўй бермоқда. Шу сабабли «мурватларни бу-раш» зарурдек туюлмоқда. Лекин бошқа, янада оқилона йўл бор: у мамлакат раҳбари, биринчи навбатда М.С. Горбачевнинг узокни кўра билиши ва

донолигига боғлиқ. Марказ, ниҳоят, республикаларнинг вакиллари билан стол атрофида ўтириб, ҳеч қандай шартларсиз, чеклашларсиз ўзаро муносабатларимизни муҳокама қилишга жазм этиши зарур. Биз ўзаро мақбул қарорга кела олишимизга амин-ман. Биз учун бугунги кунда жуда кўп тилга олаётган мустақилликдан бошқа ҳеч қандай йўл йўқ, мус-тақииллик эндиликда реал воқелик бўлиб қолди, аммо ҳозир Марказда мустақиллик ҳақида эслашни хоҳламаётган, унинг бўйинни қайиришга уринаётган кучларнинг таъсири ҳали кучли. Дастлабки пайтларда бунга эришиш мумкиндир. Лекин кейинчалик шундай кучли портлаш рўй берадики, бунинг оқибатини тасаввур этишининг ўзи даҳшатли. Буни тушунма-сак — жиноят. Мустақилликка, республикалар аллақачон ишлаб чиқсан таклифларга асосланиб, му-зокаралар бошлишимиз, мамлакатимиз амалда тенг ҳукуқли мустақил давлатлар иттифоқи бўлиши ху-сусида

келишиб олишимиз керак.

- Сиз Болтиқбўйи республикалари раҳбарла-рининг сиёсатини қандай баҳолайсиз?

— Мен барча иттифоқдош республикаларнинг чи-накам сиёсий ва иқтисодий-хуқуқий мустақиллик-ка интилаётганини қўллаб-куватлайман. Айни вакт-да мустақиллик хуқуқи кимларнингдир манфаатла-рини камситмасдан, яъни демократик жараён, халқаро норма ва қоидалар, инсон хуқуқлари дои-расида амалга оширилиши керак, деб ҳисоблайман. Болтиқбўйи республикаларида ана шу норма ва қоидалардан чекиниш маълум даражада можароли вазиятни юзага келтирди. Биз одамлар курбон бўли-шига олиб келган фожиа рўй берганидан чукур аф-сусланамиз. Бирор киши, кимлигидан ва қайси мил-латга мансублигидан қатъи назар, агар шу худудда яшаётган бўлса, минтақада унга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш керак... Фақат ана шун-дай демократик йўл мазкур минтақада тинчлик ва тотувликка эришиш имкониятини беради, деб ўйлай-ман. Мен уларнинг интилишларини тушунаман, ле-кин ниятларига эришиш учун қўллаётган усувлари мутлақо тушунарли эмас...

- Сиз армия ва «ОМОН» отрядларидан (алоҳи-да вазифаларни бажарувчи милиция отрядлари) фойдаланиш тўғрисида нималар дея оласиз? Мил-лий нажот комитетлари пайдо бўлгани муносаба-ти билан нима дейиш мумкин?

— Вазият қандай бўлмасин, куч ишлатиш билан миллатлараро муносабатларда, республикалар мус-тақииллигига дахлдор масалаларни ҳал этишда бирорта яхшиликка эришиш мумкин эмаслигига ишончим ко-мил. Боз устига, агар армия бошқарув органларига бўйсунмаса, ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. **Мустақиллик самарасини ҳис этган, мустақилликка эришиш хоҳишини кўнглига жо қилган кишилар-ни ҳеч қандай куч, ҳатто, ҳарбий куч билан тўхта-тиб қолиш мумкин эмас.** Мен шахсан, у хоҳ «ОМОН», хоҳ маҳсус вазифани бажарадиган тузил-ма ёки армия бўлинмаси шаклида бўлсин, ҳарбий куч ишлатилишини қабул қила олмайман. Ўтган йилнинг январь ойида Литвада бўлган эдим. Мен ўшан-да мустақилликка, озодликка интилиш нақадар куч-ли эканини ўз кўзим билан кўрдим, имоним комил-ки, бу одамларни тўхтатиб бўлмайди.

Кейинги йилларда воқеаларнинг ривожи фақат сиёсий усувлар

билин, Болтиқбўйи аҳолиси хоҳиш-иродасини ҳурмат қилиш йўли билан бирон-бир оқилона ҳамжиҳатликка келиш мумкинлигини кўрсатмокда.

Энди миллий нажот комитетлари тўғрисидаги фикримни айтай: нимаики Конституцияга хилоф бўлса, демократик нормаларга зид келса, уларнинг ҳаммасини инкор қиласан. Ана шу миллий нажот комитети кимларнинг номидан иш юритаётганини ҳали ҳеч ким тузукроқ билмайди-ку, ахир.

Мен қонуний ҳокимиятни тан оламан. Лекин у фуқаролар тинчлигини, сиёсий ва иқтисодий бар-қарорликни, қаттиқ тартиб ва интизомни таъмин-лаши, ҳар бир киши, миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар, ўзи учун, фарзандлари ва яқинла-ри учун хавотирланмай, хавфсиз яшаши ва меҳнат қилиши учун кафолат бериши керак. Қандайдир майда-чуйда ишларда адолатсизликка йўл кўйиш, қонунни андак бўлса-да, бузиш мумкинлиги хусу-сида фикрлаш — бу ҳамма соҳада тартиб ва инти-зомни бузиш мумкин, деган фикрга йўл кўйиш де-мақдир. Бу эса жуда хавфлидир. Яқиндагина бўлган воқеани, 1917 йилни, инқилобни, «мақсад воситаларни оқлайди» деган сўзлар шиор бўлган вактда бошқача ўйлайдиган ва фикрлайдиган кишиларни шафқатсиз жисмоний қириб юбориш бошланган даврларни эслайлик. Агар шу нуқтаи назардан ёндашсак, Конституцияга қарши ҳар қандай коми-тетларни тузиш аслида тарихимизни қайтариш бўлур эди. Хатоларимиздан, айниқса сиёсий хатоларимиздан хулоса чиқаришни ўрганадиган вақт келди.

**- Айрим иттифоқдош республикаларда СССР Президентининг бевосита бошқарувини жорий этиш танг вазиятдан чиқиши йўлларининг қулай воситаси, деб хисоблайсизми?**

— Менинг назаримда, айрим иттифоқдош рес-публикаларда СССР Президентининг бевосита бош-қарувининг жорий этилиши барibir диктатура деган гап. Чунки қонуний йўл билан сайланган хуку-матлар, демократия муассасалари йўқотилади, бош-қача айтганда, халқнинг хоҳиш-иродаси бутунлай инкор қилинади. Шу сабабли бундай бошқарувни ўрнатишдан олдин обдан ўйлаб қўриш керак. **Мен яқинда - 1983 йилда бўлган воқеаларни - «пахта иши» деб аталмиш ишлар бошланган даврни, Ўзбе-қистонга юзлаб терговчилар, «конун хизматкорлари» ва корчалонлар келиб,**

**кўнглига келган номаъкулчиликни қилган вақтларни эслайман.** Ўшанда республикамиз аввалига караҳт бўлиб қолди, ҳамма кўркувга тушди, сўнгра бироз тинч-ланиш, айтиш мумкинки, рўй берадиган воқеаларга баҳо бериш бошланди, кейинги босқичда одамларнинг ва умуман, кўпчиликнинг ғазаби қўзгади. Рўй берадиган воқеаларни қабул қил-маслик, уларга фаол қаршилик кўрсатиш жараё-ни бошланди.

Агар ўшанда, 1989 йилда республика раҳбарлари бу ишларга аралашмаганида, вазиятни барқарорлаштирувчи чора-тадбирларни кўрмаганида ўнглаб бўлмайдиган ахвол рўй бериши мумкин эди. Динга алоқадор масалалар ижобий ҳал қилинди, юрти-мизда асрлар мобайнида мавжуд бўлган ҳалқ расм-русумларининг миллий шакллари яна ҳаётга тат-биқ этила бошланди, аҳолига ер ажратиб берилди, одамларнинг маоши оширилди, ривожланиш даражаси тенглаштирилди, айниқса, камбағалларга ёрдам кўрсатилди - бир ярим миллионга яқин оила ер олди, агар ҳар бир хонадонда етти киши бўли-шини ҳисобга олсан, бизда кўп болали оиласлар қанча эканини осонгина санаб чиқиш мумкин. Ўн миллионга яқин киши ўзларига ғамхўрлик қили-наётганини сезди. Мен ўқитувчиларга берилган имтиёзлар, мактабларда бепул нонушта қилаётган болалар, фахрийлар ва шу сингари эзгу ишлар ҳақида гапирмай қўяқолай.

Ўшанда биз, фурсатдан фойдаланиб, маъмурлар-га каттиқ қаршилик кўрсатишни хоҳлаган кучлар билан алоқа қилишга киришдик. Биз улар билан мулоқот бошладик ва мен юқорида айтган амалий ишларимиз билан ташаббусни қўлимизга олишга муваффақ бўлдик. Мен ҳаракат қарши ҳаракат кел-тириб чиқариши мумкинлигини яна бир марта так-рорлаш учун бу ҳақда батафсил гапиряпман. Можа-роли, боз устига, ўта хавфли вазиятлар фақат тинч йўл билан, ваъз айтиш билан эмас, балки мулоқот йўли билан ҳал қилинмоғи даркор...

- РСФСР, Украина, Белоруссия ва Қозогистон ҳалқаро хуқуқ асосида бошқа манфаатдор ҳар қандай иттифоқдош республика кўшила оладиган ўзаро шартнома тузмоқчи бўлишяпти. Бу шартно-мага Ўзбекистон кўшилиши мумкинми?

- Бу битимни қанчалик хаспўшлашмасин, тўрт республика ўртасида тузиладиган бундай битим каттароқ ва имконияти

**кўпроқ бўлган республикаларнинг бошқа республикаларга ўз шартлари-ни зўрлик билан ўтказишга уринишидан бошқа нарса эмас.** Бундай шартномани тузиш бизнинг ман-фаатларимизни менсимаслик бўлур эди, чунки бу республикалар музокара бошлаш учун стол атрофи-ни эгаллар экан, улар албатта, ўз манфаатлари тўғри-сида гапиришади. Шундай пайтда Қозоғистон Ўзбе-қистоннинг манфаатлариҳақидаўйлармикан? Ўйла-маса керак. Бу шартномага бошқа республикаларнинг қўшилиши тўғрисидаги таклиф ёки аниқроқ қилиб айтганда, қўшилиш имкониятлари, менимча, кучли масаланинг ҳаммаси жойларда ҳал этилиши керак. Шу масалаларни ҳал этгандан кейингина умуман Ит-тифоқ шартномаси таркибиغا кирадиган тузилмалар, бошқа қандайдир устқурмалар тўғрисида гапириш мумкин.

- СССР ҳалқ депутатлари тўртинчи съездида Сиз Президент Горбачевдан ўз командасини алмашти-ришни талаб қилдингиз. Республикангиз нуқтаи назаридан қараганда, ҳозиргача амалга оширилган алмаштиришлардан кўнглингиз тўлдими?

— ... «Горбачев командаси» деб аталган одамларнинг баъзилари ўз вазифасини бажаришга қодир эмаслигини бир неча бор кўрсатишиди. Мен уларни ақлли, масъулиятли одам эмас, демоқчимасман. Бу юк уларга ҳаддан ташқари оғирлик қилди, биноба-рин, улар «маъзур тутгайсиз» деган гап ҳам борли-гини эслаб, ўзларини бошқа бирор соҳада синаб кўришлари лозим эди. **Совет иқтисодиётининг танг-ликка учраши натижасида ҳалқ ҳукуматга ишон-май қўйди.** Шунинг учун Горбачев атрофидаги одамларни ўзгартиряпти. Тўғри, ҳали команда тўла тўплангани йўқ. Менинг фикрим бундай: аввало, вазифани ўртага қўйиши, сўнгра бу вазифани ба-жарадиган одамларни танлаш керак. Айни шу нуқтаи назардан М. Горбачев биз қаёққа қараб кета-ётганимизни, қандай босқичлардан ўтишимизни аниқ белгилаб бериши керак.

- 1989 йилда Ўзбекистонда месхети турклари билан миллатлараро қонли тўқнашув бўлди. Бунинг сабаблари нимада? Кескинликни қандай ту-гатиш мумкин?

— Гапни саволингизнинг сўнгги қисмидан бош-лайман. Кескинлик тугатилган, ҳозир бундай кес-кинлик йўқ. Фарғона воқеаларига, республиканинг

бошқа жойларида, хусусан, Тошкент вилоятида юз берган

можароларга келганды эса булар ўнлаб йиллар давомида тўпланиб қолган ижтимоий-иктисо-дий муаммолар ҳал қилинмаганининг оқибатидир, бошқа сабаблар ҳам мавжуд. Бу ўринда 45 йилдан кўпроқ оддин, Сталин ҳукмронлиги йилларида бу-тун-бутун ҳалқларга, шу жумладан, месхети туркларига нисбатан йўл қўйилган тарихий адолатсизлик тўғрисида гапирмаслик нотўғри бўлур эди. Ўзбекистонга бадарға қилинган бошқа ҳалқлар — қрим татарлари, чеченлар, ингушлар билан биргаликда 150 мингга яқин месхети туркларини олиб келишди. Шу йиллар давомида улар ўзбеклар ва республикамиз-даги бошқа ҳалқлар билан ёнма-ён яшаб келишди. Мамлакатда қайта қуриш бошланди, СССР Олий Кенгashi йўл қўйилган тарихий адолатсизликни қоралади. Бироқ бу ишни бошлаганимиз билан охи-рига етказмадик — юз берган адолатсизлик тўғри-сида бутун дунёга эълон қилдик, аммо адолатни тик-лаш йўлларини таклиф қилмадик.

Крим татарлар уюшқоқлиги ва аниқ мақсадни кўзлаб иш олиб боришгани туфайли ўз аждодларининг ерига қайтишга муваффақ бўлишди. Месхети турклари ҳаракатининг шимолий Кавказдаги раҳбарлари эса шунчаки митинг ва намойишлар ташкил этиб-гина қолмай, ватандошларини маҳаллий ахолига гиж-гижлай бошлади, шу тариқа бошқариб бўлмайдиган жараёнларни вужудга келтиришди. Мен юз берган воқеанинг асосий сабаби айнан шу нарса демокчи эмасман. Биз 45 йил бирга яшадик, Ўзбекистонда ҳеч ким, келгиндилар бу ердан чиқиб кетсин, деган эмас.

Мантиққа зид туюлса ҳам, ошкоралик, демокра-тия жараёнлари ҳар қандай гапни гапириш, ҳар қан-дай ишни қилиш мумкин бўлган вазиятни вужудга келтирди. Демократияни ҳамма нарсани қилиш мум-кин, деб тушуниш бошланди. Республика раҳбария-ти воқеаларнинг олдини олиш учун сезирлик кўрсата олмади. Фарғона фожиасидан олдин юз берган бар-ча жараёнларга сиёсий баҳо берилмади. Ўзингиз хулоса чикараверинг, маҳаллий оммавий ахборот воситаларида бу фожиа тўғрисида фақат 10 кундан кейингина ҳабар қилинди — зора тинч ўтиб кетса, деб кутиб туришди. Яна бу қарама-каршиликка жалб қилинган одамларнинг умумий маданият даражасини, уларнинг онги савиясини ҳам ҳисобга олиш ке-рак, ҳалқлар унча қизиқон бўлмаган шимолда бун-дай жараёнлар қон тўкилишига олиб келмайди.

- Ўзбекистон ҳамиша Москвадаги Марказнинг ва буйруқбозлик асосидаги хўжалик юритиш сис-темасининг масъулиятизлиги курбони бўлиб келган. Паҳта яккаҳокимлигининг зўр бериб тиқиши-тирилиши атроф муҳитни ҳамда анъанавий меҳнат ва турмуш маданиятини бузишнинг тимсоли бўлиб қолди. Ҳозирги вактда республикандизда вужудга келган вазият қандай, салбий оқибатлар-ни тугатиш учун нималар қилинмоқда?

— Тўғри, паҳта яккаҳокимлиги республика иқти-содиётининг бирёқлама ривожланиб, Иттифоқнинг хом ашё базасига айланниб қолишига олиб келди. На-тижада Ўзбекистон энг оддий саноат маҳсулотлари-га бўлган ўз эҳтиёжининг ярмини ҳам қондиришга қодир эмас. Етиштирилган паҳтанинг атиги 9 фоизи республикада қайта ишланади. Бир қанча вилоят ва районларда экин майдонлари нисбатида паҳтазорлар 75 — 80 фоизни ташкил қилди. Оқибатда асрлар давомида четга дон, мева ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари чиқарган минтақа бундай маҳсулотларнинг йирик истеъмол қилувчисига айланди. Паҳта яккаҳокимлиги атроф муҳитга ҳам, қишлоқ аҳоли-сига ҳам қандай зарар келтирганини тасаввур этиш кийин эмас, бутифос ва бошқа кимёвий воситалар ҳавони ва сувни тозалайдиган воситалар эмас, де-сам, фикримга қўшилсангиз керак.

Сўнгги йилларда аҳвол аста-секин ўнгланмоқда, паҳта майдонлари қисқармоқда (1987 йилда 2 миллион 108 минг гектар ерга чигит экилган бўлса, 1990 йилда 1 миллион 826 минг гектар ерда паҳта етиши-рилди). Суғориладиган ерларни паҳтадан бўшатиб олиш колхозлар ва совхозлар худудларида томорқа участкаларини кенгайтириш ва якка тартибда уй-жой қуриш учун ер ажратиб бериш каби катта ижтимоий масалани қисман ҳал этиш имконини берди.

Шуниси диққатга сазоворки, паҳта ҳосилдорли-гининг ортиши (гектар ҳисобига 23,1 центнердан 27,7 центнерга етиши) туфайли ялпи паҳта етишириш камайгани йўқ. Паҳтачилик бундан буён ҳам қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи бўлиб қолаверади. Ле-кин паҳта яккаҳокимлигига қайтилмайди. Жуда бой минерал хом ашё ресурсларимиз негизида аҳолининг барча эҳтиёжларини таъминлай оладиган ком-плексни аллақачон барпо этиш мумкин эди, лекин энг ёмони шундаки, бизнинг миллий хусусиятлари-миз, анъаналаримиз хисобга олинмади. **Ҳозир бизнинг иқтисодиётимиз бутунлай**

**бузилган, бизнинг хом ашёмииздан тайёр маҳсулотни, афсуски, бошқа жойларда олишади, буларнинг ҳаммаси миллий даромад даражасига, турмуш даражасига таъсир қилмай қолмади.** Бугунги кунда ҳам бизда «шахснинг ҳар томонлама камол топиши учун» шароит яратадиган ҳамма нарса йўқ. Лекин нима учун биз бундай ахволга тушиб қолганимизни аниқ англаш ҳаракатларга, аниқ мақсадларга асос бўлади. Хал-қимиз жуда ажойиб, меҳнатсевар, фаровонлик меҳнат орқали келишини яхши билади. Меҳнат ресурслари соҳасидаги имкониятларимиз ҳам жуда яхши — ахолининг 47 фоизи ёки 8 миллион 600 минг киши 16 ёшгacha бўлган болалардир. Ҳозир республикада халқ хунармандчилиги фаол тикланмоқда. Хуллас, биз капитализмни четлаб социализмга ўтдик, деган, сунъий равишда тиқиширилган назариянинг, ўнлаб йиллар давомида вужудга келган вазиятнинг оқибатлари тутатилмоқда. Ўзбекистон факат иқтисодиётда эмас, балки бошқа соҳалардаги мавжуд бузилишларни ҳам тўғрилаш учун дастлабки, лекин дадил қадамлар қўймоқда.

**- Иттифокдош республикалар, жумладан, Ўзбе-кистон ҳам чет мамлакатлар билан анча мустақил алоқаларни ривожлантиришга ҳаракат қилмоқда. Сизнингча, Германия билан алоқаларни қандай қилиб мустаҳкамлаш мумкин? Масалан, шаҳарлар ўртасида шериклик муносабатларини ёки ГФРнинг айrim федерал ўлкалари билан алоҳида алоқаларни ўрнатиш учун қандай имкониятлар бор?**

— Аввало, Ўзбекистон билан Германия ўртасида-ги ўзаро ҳамкорлик учун мавжуд имкониятлардан яхши фойдаланилмаётганини таъкидлаб ўтаман. Ҳозирнинг ўзида республикага комплекс техноло-гия линиялари, машина-ускуналар ва шу каби зарур жиҳозларни етказиб бериш учун бир қанча битимлар тузилди. Биз эса бевосита алоқалар ўрнатиш ва мулоқот қилишга, мавжуд алоқаларни мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга тайёrmиз. СССР ва Германия-да юз берган ўзгаришлар ҳам хукуматлараро даражада, ҳам айrim федерал ўлкалар, шаҳарлар, худу-дий-маъмурӣ тузилмалар ўртасида, корхона ва фирмалар орасида бевосита ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатиш учун сифат жиҳатдан янги имкониятлар очади. Ўзбекистонда корхоналар ва ишбилар-монлик фаолияти, соликдар ва бошқалар тўғрисида

қабул қилинаётган қонунлар бунинг учун хукуқий негиз яратади, кўшма корхоналарни ривожлантириш учун, хорижий сармояларни кенг жалб этиш ва улар-ни химоя қилиш учун кенг имтиёзлар системасини кўзда тутади. Биз мулкчиликнинг барча шакллари тенг хукуқли бўлиши тарафдоримиз, Ўзбекистонда хусусий мулк бўлади, биз буни эълон қилганмиз.

Такрор бўлса ҳам, яна айтиб ўтаман: бизнинг ми-нерал хом ашё ресурсларимиз жуда кўп, ўлкамиз бой қишлоқ хўжалик ўлкасиdir — шу жихатдан у ҳамма учун жозибали бўлиб кўринади. **Мен қўшма корхо-налар барпо этиш тарафдориман, бу ерда нафақат ўзимизнинг яшашимиз, балки шу билан бирга, бизга ёрдам берувчиларнинг ҳаммаси ишлаб пул топи-ши учун имконият берадиган бозорни барпо этиш учун хорижий банклар тузиш тарафдориман.**

Яқинда, озчилик бўлса-да, бир гурух мутахассисларимиз «Сименс» фирмасида очилган курсларда таълим олиб, иш ўрганишди. Шуни айтиш керакки, 20-30-йиллардаёқ Ўзбекистондан кўп ёшлар ўқиш учун Германияга боришар эди. Тўғри, кейинги во-кеалар бу жараёнга тўскинлик қилди.

**Республикамизга қизиқиши билан қараётган не-мис фирмалари билан алоқа ўрнатишни хоҳлай-миз, албатта.** Мен, ҳатто, шундай схемани таклиф қиласман: турли тармоқларнинг эксперталар гурухи-ни бизга юборишин, улар бу ердаги вазиятни ўрга-ниб, ўз юртига қайтиб боришгач, Германияда ба-тафсил ҳисобот тақдим этишлари учун барча зарур шароитни яратиб берамиз. Мен республикамизга қизиқиши жуда катта бўлишини, салмоқди, мафкурадан холи алоқалар бўлишини истайман.

«Халқ сўзи» газетаси, 1991 йил 12 март

## **МУСТАҚИЛЛИК - ЭҢГ АВВАЛО ХАЛҚ БИРЛИГИ ВА ХАМЖИХАТЛИГИДИР**

Азиз ўртоқлар!

Авваламбор, сизлар билан дийдор кўришганимдан ғоят мамнун эканимни изхор этишга, сиз азизларни, сизлар орқали бутун Ўзбекистон дехқонла-рини улуғ айём — Наврӯз билан табриклашга, оилаларингизга кут-барака, ишларингизга ривож тилашга рухсат бергайсиз. Наврӯз байрами дехқончилик йили бошида халқимизга шод-хуррамлик баҳш этиб, би-родарлик, дўстлик байрамига айланиб кетди.

Хурматли дехқонлар!

Курултойимиз бутун мамлакат учун мураккаб ва оғир бўлган пайтда ўтмоқда. Улуғ Ватан уруши дав-ридан бери жамиятимизда бунчалик оғир шароит бўлмаган эди, десам, янгишмасам керак. Сиёсий тарафкашлик кучайди. Турли-туман ижтимоий гурӯхларнинг ўзбошимчалиги, қарама-каршилик, адоват уруғлари жамият барқарорлигини ларзага солмоқда.

Республикалар ўртасидаги ўзаро хўжалик алоқалари жар ёқасига келиб қолди, моддий-техник ре-сурслар билан таъминлаш режалари барбод бўлмоқ-да. Пухта ўйламасдан бошлаб қўйилган қатор ишларга харид бозоридаги қийинчиликлар қўшилиб, ҳаммаёқ чалкашиб бормоқда.

Саноат ва бошқа соҳалардаги ишлаб чиқариш мут-тасил пасаймоқда. Пулнинг қадри тушиб кетяпти.

Нарх-наво ошмоқда. Халқнинг озиқ-овқат ва мод-дий таъминоти ёмонлашяпти, унинг тинчлиги бузил-япти. Натижада қайта қуришга бўлган ишонч сусаймоқда.

Болтиқбўйи ва Кавказорти республикаларидағи миллатлараро муносабатларнинг кескинлашуви ҳам барчамизни ниҳоятда ташвишга солмоқда. Тоғли Қорабоғ, Жанубий Осетияда бўлаётган воқеалар, ҳозирги энг замонавий қурол-аслаҳалар қўллани-лиши билан содир бўлаётган жиддий тўқнашувлар мамлакатимизни гражданлар уруши ёқасига олиб келиб қўймоқда.

Баъзан тамомила мантиқсиз, ақлга сифмайдиган воқеалар содир бўлмоқда. Ўтган йили мамлакати-мизда ғалла ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги экинларидан энг юкори хосил олинган эди. Бунга хурсанд

бўлиш керак эди, лекин бу ҳосилнинг жуда катта қисми далада қолиб кетди. Давлат буюртмалари бажарилмади. Мамлакат эса яна чет элдан дон со-тиб олишга мажбур бўлди.

Шу биргина мисолнинг ўзиёқ, менинг назаримда, давлат, унинг куч ва имкониятлари уддалаб бўлмас даражада ишдан чиқаётганини кўрсатиб турибди. Дехқончилик соҳасида кўпдан-кўп масалалар бўйи-ча тушунмовчилик мавжуд. Бу соҳани тараққий эт-тириш йўллари ҳакида ҳам бирор-бир ойдинлик се-зилаётгани йўқ. Умуман, мамлакатга колхоз ва сов-хозлар керакми ўзи йўқми, деган баҳслар давом этмоқда. Айрим кишилар ердан батамом хусусий мулк сифатида фойдаланиш вақти келди, деб ерни парча-парча қилиб, фойдаланиш учун топшириб юборишни ҳам таклиф қиляпти.

Мамлакатимиздаги ҳозирги ахвол мана шундай. Бунинг сабабларини қаердан кидириш керак, нима учун бугун вазият оғирлашиб қолди? Асосий гап шундаки, бир вақтлар қайта қуришни бошлаймиз, деб ишлаб чиқаришни бошқариш соҳасидаги талай камчиликларга эга бўлган эски системани деярли йўқ қилдик. Лекин янгиси бунёд этилмади. Мамлакатга ҳозир ниҳоятда зарур бўлиб турган тартиб-интизом йўқ ҳисоби. Ақл-заковат билан тўплланган тажриба ва анъаналар ҳам барбод этилмокда.

Мен аввал ҳам бу фикрни айтган эдим, ҳозир яна такрорлайман: ахир ўзингиз ўйлаб кўринг, ўртоқлар! **Янгисини яратмай туриб, аввалгисини бар-бод этиб ташлаш қайси ақлга сиғади!** Янги уйни -иморатни қурмасдан, эски уйни, ўзимиз истиқо-мат қилаётган уйни йикитиши, вайрон қилиши - бу ақлдан эмас. Бутун мамлакатимизда йўл қўйилган бундай хато ўзининг салбий таъсирини кўрсатмок-да...

Мана шунинг учун биз бу масалада ўзимизнинг аниқ йўлимизни, бизнинг шароитга мос келувчи усулларни, хуллас, агарар сиёсатимизнинг қандай бўлиши кераклигини узил-кесил белгилаб олиши-миз зарур.

Бу масала хусусида мен сўнгги вақтларда бир қатор машхур дехқонлар ва олимлар билан, кол-хоз ва совхозларнинг катта тажрибага эга бўлган раҳбарлари билан сухбатлашдим. Уларнинг фикрлари шундан иборатки, бу ўринда республикамизга хос бўлган шарт-шароитларга албатта эътибор бер-моқ зарур, айни вақтда эришилган ютукларни, қўлга киритилган ижобий натижаларни ҳам

инкор этмас-лик керак. Республикамиз қишлоқ хўжалигини та-раққий эттириш ҳамда сувдан фойдаланиш маса-лаларида бой тажрибага, катта имкониятларга эга эканини ким инкор эта олади? Ўтмиш ҳайтимизни

фақат қора рангга бўяш — бу қайта хатога йўл қўйиш демакдир. Тарихимизни баҳолаганда, ҳал-қимиз, жамиятимиз учун меҳнати сингган инсонларга адолат, ҳақиқат кўзи билан қарашимиз ке-рак, албатта.

Юртимизга хар йили Осиё, Африка, Лотин Аме-рикасидаги мамлакатлардан ўнлаб делегациялар ке-лади. Улар бизнинг чўл минтақаларимизни ўзлаштириш, ердан фойдаланиш хусусида тўплаган таж-рибаларимизни ўрганадилар.

Бизнинг колхозларимиз, совхозларимиз ва агро-саноат бирлашмаларимиз ялпи маҳсулотнинг деяр-ли 80 фоизини етиштиради. Кўпчилик хўжаликлар пахта ҳосили бўйича, мева-сабзавот етиштириш ҳамда чорвачилик бўйича юксак даражада тараққий этган капиталистик мамлакатларнинг илғор хўжа-ликлари билан бемалол тенглаша олади. Бундай хўжа-ликларимизда нафақат самарали ишлаб чиқариш йўлга қўйилган, уларда аҳолининг ижтимоий таъ-миноти ҳам дуруст.

Шунинг учун ҳам қайси йўлдан боришимиз ке-рак, деган масалани ҳал қилас эканмиз, назаримда, республикамизнинг ўзига хос хусусиятларини албатта эътиборга олишимиз керак. Улар нималардан ибо-рат?

**Биринчидан**, суғориш зоналарида аҳоли зич жой-лашган ва бу жойларда ер танқис. Ўзингизга маъ-лумки, республикамизнинг аксарият минтақалари-да ҳар бир меҳнатчига 1 — 1,5 гектар ва ундан ҳам озрок ер тўғри келади. Бундай жойларга ерни хусу-сий мулк сифатида бўлиб бериш катта фожиага ай-ланниб кетиши мумкин. Одамлар бир-бирига шу кадар ёв бўлиб қолиши мумкинки, бунинг оқибати нималарга олиб боришини айтиш қийин.

**Иккинчидан**, бизнинг дехқончилигимиз — суғо-риладиган дехқончилик. Катта-катта каналлар, суғо-риш ва дренаж тармоқлари суғориладиган далалар билан боғлиқ бўлган яхлит ер-сув комплексини юзага келтиради.

Ўйлаб кўринглар, бу яхлит комплексдан ерни узиб олиб, хусусий мулк сифатида фойдаланишга топши-риб бўладими? Агар шундай

қилинадиган бўлса, су-фориш тармоқларию сувнинг ўзини ҳам бўлиб бе-риш керак бўлади. Ахир, сувсиз ер кимга керак? Унинг қадри борми ўзи?

**Учинчидан**, ўлкамизда асосий фондлар сув хўжа-лиги воситалари, машина-тракторлар, чорвачилик комплекслари, катта боғдорчилик-узумчилик хўжа-ликлар тарзида шаклланди. Бу кенг кўламдаги асо-сий ишлаб чиқариш воситаларини якка хўжаликларга қандай қилиб бўлиб бериш мумкин?

**Тўртинчидан**, пахта етиштиришга ихтисослашиб қолганимизни ҳам назардан қолдириб бўлмайди. Бу жуда меҳнанталаб экиндири, бироқ жамоа хўжаликли-ри ва давлат хўжаликлари майдонларининг кенг-кенг бўлиши, яъни бир минг гектардан бошлаб то 6 — 8 минг гектаргача бўлиши, сугориладиган пайкалларнинг 4 — 12 гектар ери эгаллаши, курдатли машина-трактор парки туфайли меҳнатнинг 80 фоизига қадар қисми механизмлар ёрдамида бажарилмокда. Бу эса ишни осонлаштириб, меҳнат унумдорлигини таъминламок-да. Шунинг ҳаммасини ҳисобга олсан, ишончимиз ко-милки, жамоа ва давлат хўжаликларини тарқатиб юбо-ришга бугун асос йўқ. Лекин сир эмаски, колхоз ва совхозлардаги ишлаб чиқариш муносабатлари замон талабларига жавоб бермай қоляпти.

Қишлоқ хўжалиги соҳаси, унинг тармоқларини янги иш услубига ўтказаётган ислоҳотнинг асосий мақсади — авваламбор, дехқонларимизнинг ишдан манфаатдорлигини тубдан ўзгартиришдир, ўз меҳнатининг ҳосили, пировард натижасини биринчи навбатда ўзларига қайтаришдир, уларнинг турмуш даражасини, савиясини кўтаришдир.

Демак, бизнинг ҳозирги асосий вазифамиз дех-қонларнинг ўз меҳнати самарасидан тўла-тўқис фой-далана олишга бўлган ишончини кучайтиришимиз керак. Бу эса дехқонларга дехқон ишончини қайта-ришдир. Қишлоқдаги ислоҳотнинг асосий мазмуни, менимча, мана шундан иборатдир.

Қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқаришни қандай ташкил қилмайлик, қай томонга бурмайлик, бир нар-сани ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. У ҳам бўлса шуки, **дехқон бой бўлмасдан - ишчи ҳам, зиёли ҳам тўқ бўлиши мумкин эмас, халқимизнинг, эл-юритимизнинг ҳаётини, келажагини фаровон қилиб бўлмайди**. Бу аниқ гап.

Шунга асосланиб, жамоа ва давлат хўжаликлари-ни тубдан ўзгартишимиз керак, шахсий, коопера-тив ва дехкон-фермер хўжаликларига кенг кўлам-да йўл очиб беришимиз лозим.

Колхоз ва совхозларга келганда, авваламбор, уларнинг хўжалик юритиш механизмини қайта куриш керак.

**Биринчидан,** раҳбарликнинг маъмурий-буйруқбоз-ликка асосланган усуслари иқтисодий, бозор муноса-батларига асосланган усуслар билан алмаштирилмоғи керак. Бошқарувнинг бутун механизми шахс ва кол-лективнинг моддий манфаатдорлиги қоидаларига асос-ланиши лозим. Шунда кам сарф-харажат билан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш мумкин.

**Иккинчидан,** хозирги хўжаликларнинг ички ту-зилиши ижара-кооператив усулига алмаштирилиши керак. Барча ишлаб чиқариш воситалари ва хизмат кўрсатиш соҳалари мустақил хўжалик хисобидан ижара, кооператив ва акциядорлик коллективлари билан алмаштирилиши лозим.

Республикамизда юқорида айтилган услубда, оила ва ижара пудрати асосида иш кўраётган кўпгина хўжаликлар мавжуд. Уларнинг иш нати-жалари эски услубда ишлаётган хўжаликларнинг иш натижаларига нисбатан анча юқори. Чунки уларнинг замиридаги иқтисодий омил механизми оддий ишчи манфаатини жамоат манфаатлари би-лан чамбарчас боғлаган. Бундай усул меҳнат ҳақини ошириш ва моддий фаровонликни юксалтиришни таъминлайди. Бундай хўжаликларда бошқарув ап-парати кескин қисқаради. Масалан, Ким Пен Хва номидаги колхознинг бошқарув аппарати 6 кишидан иборат.

Мана шундай янги услубда ишлайдиган давлат ва жамоа хўжаликларига биз кенгроқ йўл очиб бери-шимиш лозим. Уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-кувватлашимиз керак.

Биз меҳнат жамоаларини ижара муносабатлари-га жалб этиш бўйича янада фаол иш олиб бориши-миз зарур.

Кейинги йилларда бизни ташвишга солаётган катта бир муаммо тўғрисида айтиб ўтишим керак. Айрим кишиларнинг жамоа хўжаликларини бўлиб ташлаш керак, деган талаблари жуда кўпайиб кетяпти. Буни қарангки, ўтган йили, экиладиган ер кўпаймаса ҳам, республикамизнинг ўзида қўшимча 60 га яқин хўжа-лик пайдо бўлибди.

Албатта, хаётнинг ўзи олдимизга қўяётган маса-лаларни бир ёқадан бош чиқариб, баҳамжиҳат кўриб чиқишимиз керак. Лекин бу ҳол кўп жойларда, очи-ғини айтганда, айрим кишиларнинг ўзлари учун раҳ-барлик лавозимларини яратиш, маҳаллий ҳокимият ва мансаб учун курашга айланиб кетаётганини яққол кўриш мумкин.

Мана шу амалга интилаётган кишилар эртага бозор иқтисодиётига ўтганда, фойда бермаётган, ўзини боқишиш кўлидан келмаётган майдада хўжаликларнинг, шу хўжаликларда пешона тери тўкиб меҳ-нат қилаётган дехконларнинг тақдирини ўйлайдими ёки йўқми? Шундай хўжаликлар борки, улар топган даромадидан тахминан ярмини амалда мансабдорларга маош тўлашга сарфлайди. Бу сизга маълум. Буни қандай баҳоласа бўлади?

Ижарадорлик ва матлуботчилик бундай нохуш ишларни инкор этади. Шу сабабли ижарадорлик яхши йўлга қўйилган жойлардан жамоа хўжаликларини бўлиш, уларни майдалаштириш ҳақидаги талаблар ҳам тушмаяпти.

Бу — табиий, қонуний бир ҳолдир. Бундай жойларда меҳнаткашлар ва раҳбарлар кўпроқ ишни яхши ташкил қилишни ўйлайди. Бошқа ишларга ва ҳаракатларга уларнинг вақти ҳам қолмайди.

Бозор иқтисодиётига ўтяпмиз. 650 та хўжаликнинг банкдаги ҳисобида бир тийин ҳам йўқ. Эртага улар ўз аъзоларини нима ҳисобидан бокади? На-хотки давлат бокади деб ўйлашса? Кўрпага караб оёқ узатиш лозимлигини бугун рўйирост айтиши-миз керак. Шундай экан, раҳбар келажакни олдиндан кўра билиши лозим. Хаёт маромини сезмайдиган раҳбар — раҳбар эмас.

Халқимизни озиқ-овқат билан таъминлашнинг биринчи йўли — колхоз-совхозларни янгича асосда ривожлантириш бўлса, иккинчиси — шахсий ёрдамчи хўжаликларни кучайтиришdir.

Илгари ҳар бир оиласага 12 сотих ер тўғри келган бўлса, 1991 йилнинг бошида бу ракам 17 сотихни ташкил этди. Йил охирида шахсий хўжаликларга аж-ратилган ер 500 минг гектардан ошиб кетади, яъни 1988 йилга нисбатан 2,5 марта кўпаяди.

Томорқаларни кўпайтириш ва кенгайтириш ҳисо-бидан 600 минг киши меҳнатга жалб этилди. Кўплаб одамлар иш билан таъминланди, бу эса қишлоқлар-даги ижтимоий кескинликни муайян даражада камайтириди.

Шахсий томорқаларни қўпайтиришнинг яна бир афзаллик томони шундан иборатки, бу тадбир қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, айниқса озиқ-ов-қат маҳсулотлари миқдорини оширишга имкон бе-ради. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатяпти, мавжуд шахсий хўжаликлардаги хосилдорлик колхоз, совхозлардагига нисбатан 2 — 3 баробар кўпdir. Ҳозирнинг ўзида қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 26 фоизи, шу жумладан, гўштнинг 49 фоизи, сутнинг 65 фои-зи, жуннинг 66 фоизи ва сабзавотнинг 43 фоизи шахсий томорқаларда этиштириляпти. Ўтган йилнинг ўзида якка хўжаликларда этиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг умумий ҳажми 300 милли-он сўмликдан ошди.

Халқимизнинг, дехқонларимизнинг фаровон яша-шини таъминлаш, уларнинг даромадини қўпайтириш асосий мақсадимиз экан, бу мақсадни рўёбга чиқа-риш йўлларини изчиллик билан чукур ва пухта ўйлаб топишимиш зарур. Иктисадчиларнинг айтишига қараганда, дехқоннинг даромадини қўпайтиришнинг учта асосий манбаи бор. Ана шу масала хусусида ало-ҳида тўхталиб ўтиш керак, деб ўйлайман.

**Биринчи манба** — қишлоқ ахлиниг иш ҳақини ошириш. Асосий маърузада жамоа хўжаликлирида ишни ташкил этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳақида кўпгина тўғри гаплар айтилди. Маҳсулот тан-нархини камайтириш, пахта сифатини яхшилаш, ха-рид нархини, кўл терими ва машина терими учун тўланадиган ҳакни ошириш хисобидан ўтган йили халқимиз анча наф кўрди.

**Иккинчи манба** шуки, уни тўла очиш учун қиши-лоқдаги ижтимоий муаммоларни зудлик билан ҳал этиш зарур; болалар боғчалари, шифохоналар қуриш, коммунал ва майний хизмат тармоғини кенгайти-риш, нафақа ва бошқа пул ёрдамлари даражасини ошириш вазифалари шулар жумласига киради. Ҳозирча қишлоқ ахли ижтимоий фондлардан етар-лича фойдаланётгани йўқ.

Аҳоли даромади ва турмуш даражасини ўсти-ришнинг **учинчи манбаи** — шахсий томорқаларни кенгайтириш. Томорқа беришдан мақсад факат қўшимча маҳсулот олишга эришишдан иборат эмас. Бу — уй-жой қурилишини ривожлантириш, одамлар-ни, айниқса аёлларимизни иш билан таъминлаш, кичик корхоналар ташкил этиш имкониятларини ҳам яратади. Шуни айтиш керакки, ер ажратиб берила-ётганда кўпгина хўжалик раҳбарлари хавотирда эди — улар

жамоа хўжаликларида етиштириладиган маҳсулот камайиб кетмасмикан, деб ўйлашган эди. Бу хавотир ўринсиз бўлиб чикди. 1990 йилда жамоа хўжаликлари маҳсулоти 1989 йилдагига нисбатан ЮЗ фоизни ташкил этди. Шахсий хўжаликларнинг берган маҳсулоти ҳажми 108 фоизга ўсади.

Аммо бу борада хали муаммолар оз эмас. Баъзи колхоз ва совхозлар бу муҳим ишдан ўзини четта олмоқда. Кези келганда шуни айтишим керакки, яқинда ташкил этилган Шахсий хўжаликлар уюшмасидан умидимиз катта. Чорвачилик маҳсулоти етиштиришдир. Бундай хўжа-ликларнинг кўпчилиги сут етиштиришга ихтисослашган, баъзилари эса бўрдокичилик билан шуғулланади. Авваламбор, шу хўжаликларни ем-хашак билан етарли таъминлаш лозим. Молларнинг зотини ях-шилаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш бирин-чи навбатдаги вазифалардандир.

Ҳозирги кунда бу муаммоларни асосан бартараф қилиш учун жойларда катта иш олиб бориляпти. Шах-сий дехқончилик билан шуғулланаётганларга ҳам хўжаликлар, ҳам давлат томонидан ем-хашак ажра-тилмокда.

Масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Бу — оиласарни сигир билан таъминлаш муаммоси. Эътибо-рингизга бир таклифни хавола этмоқчиман:

Келинглар, шу йилнинг ўзида қишлоқда яшовчи барча оиласарни сигир билан таъминлайлик. Бунга қандай эришиш мумкин? Бунинг бир неча йўллари бор. Мол сотиб олиш учун маҳсус кредит бериш мумкин. Ёки жамоа подаларидан ҳар бир оиласа бузоқ топшириш шарти билан, имкони бўлса, ҳатто шу шартсиз ҳам текинга сигир бериш мумкин.

Менимча, ҳар бир хўжаликнинг шароитини ҳисоб-га олган ҳолда бу масаланинг ҳар хил ечимлари то-пишлиши мумкин. Агар бу ишга астойдил киришсак, имоним комилки, натижа албатта самарали бўлади. Ўшанда болаларимизни сифатли озиқ-овқат билан таъминлаш анча йўлга кўйилган бўлар эди.

Бу ерга йиғилган аксарият кишиларнинг бошини қотираётган масалалардан бири — қишлоқда яшай-диган одамларни иш билан таъминлашдир, десам, янгилишмаган бўламан.

Саноат ишлаб чиқаришининг имкониятлари ҳақида ортиқча гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб хисоблайман. Ҳар бир

хўжаликда бу муҳим ишга жон қуидирадиган одамлар бўлиши керак. Бу ўрин-да кадрлар ҳамма ишни ҳал қиласди, деган эски ибо-рани эслатиб ўтиш жоиздир. Фақат бор куч-куват-ни, ақл-идрокни, ишбилармонликни тўлиқ ишга солган мутахассислар колхоз ва совхозларда кичик корхоналарни қуриш масаласини жойидан силжишиши мумкин.

Агар мазкур хўжаликларни бошқараётгандар халқ билан бирга бўлса, у билан ҳамжиҳатликда ишласа, доимо омма билан бирга ишлай олса, унинг ишон-чини қозонса, ўша жойларда албатта муваффакият бўлади. Ана шундай ташаббускорларни, жамоа, хўжалик, туман ва вилоят раҳбарларини ҳар доим рағ-батлантириб, уларнинг белини бақувват қилиб меҳ-натига яраша иззат қилишимиз зарур.

Бу масалаларда биз Қишлоқ хўжалиги вазирли-гидан, республика Иктисодиёт қўмитасидан жиддий ёрдам кутамиз, талаб қиласмиз. Улар ёрдамчи соҳаларни ривожлантириш учун тегишли шароит яратиб бериши керак.

Аммо сиз билан биз вилоят ижроия комитетла-ри, дехқончилик саноат ташкилотларининг жиддий ёрдамисиз бу муҳим иш ҳали-бери йўлга тушмас-лигини қачон фаҳмлаб етамиз? Ёрдамчи хўжаликлар, соҳалар тараққий қилмаса, дехқоннинг аҳволи нима кечади? Далаларда етиштирилган ноз-неъматлар халқ дастурхонига тортилмай қолиб кетавера-ди-ку. Айни вақтда бу қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқаришига олиб келади.

Яна бир жиддий масала бор, азиз дўстлар. Жойлардаги маҳсулот тайёрлаш идоралари кўнгилдаги-дек ишламаяпти. Аслида улар дехқон етиштирган маҳсулотни иложи борича чиқитсиз қабул қилиб

олиши лозим, токи дехқон бундан наф кўрсин. Маҳсулот тайёрлаш идораларида эса чайқовчилар кўпайиб кетган. Улар фақат ўз фойдасини ўйлайди, холос.

Бу идораларнинг ишини тубдан қайта кўриб чи-қишимиз лозим. Жойларда бу масалаларни ҳал эта оладиган таъминот-сотув кооперативларини тузиш тўғри бўларди. Улар етиштирилган ҳосилни қайта ишлаб, маҳсулот тайёрлаш ва уни сотиш имконияти-га эга бўлиши керак.

Зарур ҳолларда чет элдаги илфор мамлакатлар би-лан шартнома тузиб, уларнинг имкониятларидан са-марали фойдаланишимиз лозим.

Мана, бир мисол. Франция ва Швециянинг қўшма корхонаси паҳтани қайта ишлашнинг янги усулини топибди. У беш босқичдан иборатдир:

1. Чигитдан мой ва кунжара олиш.
2. Толани қайта ишлаб, сифатига қараб ажратиш.
3. Ип ишлаб чиқариш.
4. Тўқимачилик саноати.
5. Тикувчилик саноати.

Хуллас, корхона хом ашёни ишлатиб, кийим-ке-чак учун маҳсулот тайёрлайди. Ўша чет элларда бу ишларни қилаётган одамлар биз билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканини айтишмокда.

Ҳозир қишлоқ жойларда одамларни безовта қила-ётган, ҳаммани ташвишга солаётган масала — аҳоли-ни ссуда ва қурилиш материаллари билан таъмин-лашдир. Бу масалани ҳал қилишимиз керак. Одамлар биз — раҳбарлардан мадад кутмоқда. Мен буни тўғри тушунаман. Ҳозир мамлакатда моддий-техник таъминоти, тартиб-интизом издан чиққан бир пайтда бу муаммоларни ечиш жуда қийин. Бу — ниҳоятда мураккаб масаладир. Лекин бунда дехқонларимизнинг нима айби бор? Биз уларга ер бердик, энди қурилиш ишларида ёрдам кўрсатиш — бизнинг ва-зифамиздир.

Яна бир муҳим масала. Қишлоқ аҳолисини таби-ий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш чоралари белгиланган республика дастури қандай бажариляп-ти?

Ўтган 1990 йилда 2 минг 200 километрлик сув ва 3 минг километрга яқин газ тармоқлари ишга тушди. Бу эса яна 270 минг аҳоли ичимлик суви билан, 120 минг оила эса газ билан таъминланди, деган гап.

Бухоро, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент ва Хоразм вилоятлари қишлоқларида газлаштирилган хонадонлар анча кўпайди. Лекин ҳали қиласидаги ишларимиз жуда кўп. 1991 йилда қишлоқлари мизда 4 минг километрдан кўпроқ газ тармоқлари-ни қуриш керак. Яна 200 минг хонадон газ билан таъминланади. 5,5 минг километрлик ичимлик суви қувурлари ишга тушади. Хуллас, қишлоқ жойларда мана шу ва пунга ўхшаш обьектлар қурилиши учун 1 миллиард сўмдан зиёд капитал маблағ сарфланади.

Бу соҳадаги ишларнинг муҳим ва долзарблиги ҳисобга олиниб, Вазирлар Махкамасида маҳсус ко-миссия тузилди.

Қишлоқ аҳолисини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш республика дастурини амалга ошириш учун маблағ ва моддий ресурсларни би-ринчи навбатда сарфлаш хақида хукумат қарори қабул қилинди.

Энди ҳамма гап мана шу ишларнинг самарали бўлиши учун жон куйдиришимизда колган.

Қишлоқ қурилиши, аҳолини уй-жой, ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш масаласи — муҳим иж-тимоий масаладир. Уни фақат ҳаммамиз бир бўлиб ҳал қилишимиз мумкин. Қишлоқ аҳолиси турмуши-ни яхшилашга қаратилган Президент фармонлари, хукумат карорлари бажарилмаса, ҳалқ назаридаги ҳамма раҳбарларнинг обрўси тушади, давлат интизоми су-сайиб кетади ва раҳбарият ҳалқ ишончини йўқотиб, ёлғончига чиқади.

Энди, ўртоқлар, жамиятимизнинг барча табақаларига, бутун аҳолига тааллукли бўлган, очиғини айт-сам, оғир масалага тўхтамоқчиман. Мен нарх-наво ва бозор муносабатларига ўтишни назарда тутяпман. Аҳолининг, энг аввало ночорлар, ногиронлар, ўкувчи-студентлар, кўп болали оиласлар ва бошқа даромади кам одамларимизни ижтимоий ҳимоялаш учун рес-публикамиз хукумати маҳсус қарор қабул қилди.

Бу қарорда аҳолининг нарх-наво ошиши муно-сабати билан кўрадиган заарини қоплаш кўзда ту-тилган. Бундан ташқари, миллий хусусиятларимиз ва минтақамизнинг ўзига хос шарт-шароитлари хам хисобга олинган.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича барча тад-бирларни амалга ошириш учун 16 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ ажратилди.

Ишлаётганларга бир ойда 60 сўмдан, ишсиз на-фақа оладиганларга 65 сўмдан пул тўланади. Болали оиласлар учун мавжуд нафақалар микдори салкам икки баробар ошади. Бундан ташқари, бола туғилганда бир марта бериладиган нафақа 250 сўмга, иш-лаётган оналарга болаларига қараш учун бериладиган нафақа ҳозирги 70 сўмдан 110 сўмгача кўпаяди.

Болаларга мўлжалланган товарларнинг нархи оши-ши сабабли балоғатга етмаган болалари бўлган оиласларга хам пул ёрдами назарда тутилган.

Олий, ўрта маҳсус хунар-техника ўкув юртлари талабаларига бериладиган ўкув стипендиялари, уларнинг оиласларий аҳволи ва

дарсларни ўзлаштиришига қараб, 120 сўмдан 210 сўмгача белгиланган.

Шундай қилиб, ўрта хисобда уч кишидан иборат оила 250 сўм, олти кишилик оила — 400 сўм, тўққиз кишилик оила эса 600 сўмдан кўпроқ қўшимча маб-лағ олади.

Ун, нон ва макарон маҳсулотлари нархи республикамизда, аввал айтилган бўлса ҳам, яна таъкидлаб айтаман, ошмайди.

Яна куйидагиларни таъкидлаб ўтмоқчиман. Аҳолининг айrim табақалари учун шаҳар транспортидан бепул фойдаланиш тўғрисидаги республикамиз қарорлари ўз кучида қолади.

Хукумат томонидан республика миқёсида маҳ-сус комиссия тузилди. Қоплама маблағлар ва нафа-қаларни аҳолининг турли табақалари ўртасида адо-латли тақсимлаш йўл-йўриқлари ишлаб чиқилиб, жойларга юборилди.

Халқ депутатлари маҳаллий советлар ижроия қўмиталари, вазирликлар ва бошқа ташкилотларга ахолига бу маблағларни ўз вақтида кечиктирмай тарқатиш ҳақида кўрсатма берилди. Жойлардаги давлат банк бўлинмалари зиммасига бу жиддий масалани тўхтовсиз ташкил қилиш юк-ланди.

Хурматли ўртоқлар!

Шуни очиқ айтишим керакки, кейинги йилларда қайта қуришни, ошкораликни мамлакатимизнинг • турли минтақаларида ҳар хил тушунишди. Қайта қуришни — бузиш, ошкораликни эса фақат танқид, бор нарсани фақат рад этишдан нарига ўтмайдиган танқид деб билишди.

Бу хол республикамизга ҳам ўз таъсирини кўрсатди, албатта. Ҳаётимиздаги мавжуд қийинчиликлар-ни рўкач қилиб, халқни майдонга бошлаб чиқиб, тўс-тўполонлар кўтариб, миллий низолар келтириб чи-қариб, ўзларига сохта обрў топиш ҳаракатида юрган «дохий»лар ҳам бизда оз эмас.

Узоқни ўйламайдиган бундай калтабин одамлардан халқни асраш керак.

Республикамиз мустақиллик сари одим ташлаган экан, мустақиллик, энг аввало, халқ бирлиги, ҳам-жиҳатлиги эканини унутмаслигимиз керак. Республикализда барча миллат вакиллари билан аҳил-инок, дўст-биродар бўлиб, бир-биримизнинг қадриятимиз-ни хурмат килган тарзда яшашимиз — эл-юртимиз-га

тинчлик, осойишталик баҳш этади.

Қадимдан ўзининг меҳмондўстлиги, очик кўнгил-лиги, меҳроқибати билан танилиб келган халқимизнинг маданий-маънавий қадриятларини тиклаш, уларни янада равнақ топтириш — бугунги кундаги энг асосий вазифаларимиздир.

Динга муносабатимизнинг ўзгаргани, Наврўзning тиклангани, ўтмишдаги улуғ шоир, олим ва бошқа машхур аждодларимизнинг мероси халқ мулкига ай-ланаётгани, одамлар чўчимасдан ўз эътиқодига би-ноан турли маърака ва маросимларни бемалол ўтказаётгани ва шу сингарилар ҳақида кўп гапириш мум-кин.

Буларнинг ҳаммаси халқимизнинг ўз тарихига, маданиятига, қадриятларига ишончини тиклаш, ҲУР~ матини ошириш учун қилиняпти.

Лекин биз «халқ», «халқмиз» деб оғиз тўддириб гапирганимизда, ҳар қандай халқнинг алоҳида-ало-ҳида одамлардан, оиласардан иборат эканини эсдан чиқармаслигимиз керак.

Хар бир алоҳида одамга ҳурматсизлик, уни мен-симаслик, унга адолатсизлик қилиш ўша одам ман-суб бўлган халққа етказиладиган катта зарар деб биламан.

**ГуРУР<sup>и</sup> бор одамнинг қадди рост, боши баланд бўлади.**

**Олдимиизда турган улкан, жуда оғир вазифаларни бажариш, муаммоларни ечиш, катта синовлардан ўтиш - буларнинг ҳаммаси халқимизнинг рухини, миллий ғурурини тиклаш билан боғлик-дир.**

Адолатни, ҳақиқатни тиклаш ҳақида гапириш осон. Лекин буларни амалга ошириш ҳам қийин, ҳам жуда мураккабдир. Буни ҳаммангиз ўз тажрибала-рингизда кўргансиз, албатта.

Кейинги вактда бу борада анча ишлар қилинди. Турли йилларда ноҳақ жабр кўрган, қамалган ки-шиларни оклаш мақсадида 30 — 50-йилларда ўрин-сиз айбланган кўплаб одамларнинг ишлари қайта кўриб чиқилди. Сталин қатағонига учраган кишилар окданяпти. Уларнинг сони ҳозирги кунгача 3 минг 500 кишига етди.

«Пахта иши» деб ном олган қисматимизга кел-сак, окданганлар сони ҳозир 2 минг кишига етди. Бунга чуқурроқ назар ташланса, ана шу рақамлар замирида қанчадан-қанча шикастланган қисматлар, қанчадан-қанча азоб чеккан такдирлар бор. Ноҳақ-лик, адолатсизлик жабрдийдаларини ҳаммамиз бир тасаввур қилиб кўрайлик. Буни яна

шунинг учун айтяпманки, энди ҳеч қачон бундай ноҳақликлар, адолатсизликлар такрорланмасин, бунинг учун эса Ҳаммамиз курашишимиз керак.

**Ўзбекистон мустақиллик йўлига ўтар экан, ав-валамбор мана шундай масалаларни ечишда ўзини кўрсатиши керак. Четдан келиб халқимиз тақди-рини ҳеч ким ҳал қилмасин. Ўзимизнинг Олий Кенгашимиз бор, ўзимизнинг Олий судимиз бор.**

Сизга маълумки, Президент фармойишлари билан унча оғир бўлмаган жиноятлар бўйича маҳсус комиссия тузилган эди. Наврўз байрами арафасида бу ко-миссия кўриб чиқкан ишлар бўйича 1000 киши афв этилди.

Бундай хайрли, халқимизнинг рухини кўтарадиган ишларни давом эттирамиз, албатта. Бундай са-вобли ишларни республикамиз раҳбарлари учун ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Маълумки, Ўзбекистонда серфарзанд оиласлар кўп. Шуни эътиборга олиб, аёлларимизнинг меҳнатини, авлоддаримиз тарбиясидаги аҳамиятини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Агар қарз тўғрисида гап кетса, авваламбор ҳам-мамизнинг аёлларимиз, оналаримиз, опаларимиз, сингилларимиз олдида бўлган қарзимиз тўғрисида сўзлашимиз лозим. Лекин, минг афсуслар бўлсин-ки, биз бу масалага етарли эътибор бермаяпмиз. Қишлоқ жойлардан тортиб то шаҳарларгача уйла-рида ўтирган аёлларни иш билан таъминлаш, уларга меҳнат дафтарчалари очиш, нафака белгилаш, ёрдам бериш, керакли имтиёз ва шарт-шароитлар яратиш зарур.

Хотин-қизларни оғир меҳнатдан холи қилиш, уларга қисқартирилган иш куни белгилаш, кунда-лик турмуш учун бекаму кўст маданий-маиший ша-роитлар яратиб, бу борадаги камчиликларга тезроқ барҳам беришимиз лозим.

Бу масала ҳаммамизнинг биринчи галдаги вази-фамиз бўлиши керак. Худди шу мақсадда яқинда хо-тин-қизлар ва оила масалалари билан шуғулланадиган республика кўмитаси ташкил қилинди. Бу таш-кilotдан умидимиз катта. Лекин шуни ҳам айтиб қўяйки, бу кўмитага республикамиздаги барча таш-кilotлар, хуллас, ҳаммамиз ёрдам беришимиз керак.

**Хурматли курултой қатнашчилари!**

**Диккатингизни яна бир марта инсон омилига қаратмоқчиман.**

Нимаики иш қилаётган бўлсак, ин-сон турмушини яхшилаш учун қилингапти. Одамла-римизнинг корни тўқ, усти бут, кайфияти яхши бўлса, улар бошини баланд тутади, қаддини ростлаб юради. Каттакичик барча раҳбарлар биринчи галда мана шу ҳақда бош қотириши керак.

Республикамизда камбағал, нафақа оловчи ва қўп болали оилаларнинг оғирини енгил қилиш учун та-лайгина ишлар амалга ошириляпти.

Андижон вилоятида 8 минг камбағал оила турли корхоналарга бириктириб қўйилган. Бу корхоналар доим уларнинг ҳолидан хабар олиб, ёрдам бериб ту-ради. Наманган вилоятида эса бева-бечораларга ёрдам бериш фонди 600 минг сўмни ташкил қиласди. Бундан ташқари, ҳар бир районнинг ҳам ўз фонди бор. Жиззах вилоятининг Зомин районида худди шу мақсадда 50 минг сўм атрофида маҳсус жамғарма вужудга келтирилган.

Биз мана шундай янги инсоний ташаббусларни, интилишларни қўллаб-қувватлаймиз, биз бу хайр-ли ишларни кенг ёишимиз керак.

Умуман олганда, ислоҳотларимизнинг негизига чу-курроқ назар ташласак, улар инсоннинг турмуш да-ражасини яхшилашга, ҳалқ фаровонлигини ошириш-га йўналтирилганини қўрамиз. Ана шу олий мақсад-ни рўёбга чиқариш учун тер тўкиб ишласак арзиди.

**Инсон - бизнинг энг катта бойлигимиздир. Дех-қон - ер юзидағи**

**чиdir, табиатга ва заминга гўзаллик бағишловчи-дир.**

Зар қадрини заргар билади, деганларидек, ер қад-рини дехқондан сўранг. Республикаизда қадим за-монларда ҳам дехқончилик маданияти ғоят юксак даражада бўлган. Ернинг тилини биладиган, бир на-зар ташлаганда унинг ҳолатини айтиб берадиган миришкор дехқонларимиз бугунги кунда ҳам юз-лаб, минглаб топилади.

Шу фурсатдан фойдаланиб, мен бугун ана шун-дай дехқонларимиздан катта бир гурухини, ҳалол меҳнатлари учун берилган республикамизнинг юк-сак мукофотлари билан чин кўнгилдан табриклай-ман, уларга сиҳат-саломатлик тилайман.

**Азиз дехқонлар!**

Шундай қилиб, дилимдаги ҳамма гапларимни сиз, азиз дўст-биродарларга айтдим. Сўзимнинг охири-да яна бир мулоҳазани сизларга айтмоқчиман. У ҳам бўлса, дўст-биродар бўлган одамлардан

жудо бўлиб қолмасликдир. Эл назаридан, инсонлар назаридан қолмасликдир.

Кимки ҳаётда қандай чўққига чиқмасин, қайси вазифани эгалламасин, менимча, энг катта шараф ва энг катта ютуқ шу билан ўлчанмайди. Энг улкан ютуқ шундаки, бир пайтлар келиб киши хамма ва-зифаларидан озод бўлганида, кексайиб қолганида, сиз билан учрашган, сиз билан юзма-юз кўришган кишилар сиздан юз ўгириб кетмасин, балки сизга қўл узатиб, ҳол-аҳвол сўрасин. Мана шу боисдан халққа, эл-юртга ҳар қанча хизмат қилсак, арзийди.

Азиз дўстлар!

Сизларнинг чехрангизга қараб, мана шу катта минбардан туриб миннатдорлик билдиришим, раҳ-мат айтишим керак. Сизларнинг олижаноблигингиз, чин инсон бўлганингиз, баракали меҳнатингиз, сабр-бардошингиз учун, сизларнинг Ўзбекистон раҳба-риятига, шахсан менга билдирган ишончингиз учун ташаккур айтаман.

Улуғ айём — Наврӯз байрамига етиб келганимиз, табиат уйғонаётган ажойиб кунларга соғ-саломат, тинч-хотиржамлик билан етишганимиз учун шук-роналар билдираман.

Ҳаммамиз ахил, бир жону бир тан бўлайлик! Ҳам-корлик, ҳамжиҳатлик, бир-биримизга меҳр-мурув-ват ва меҳр-окибат орамиздан сира қўтарилемасин.

**Сизларни ишонтириб айтаманки, улуғ ўзбек ха-лқининг қаддини албатта ростлаб оламиз, рухи-ни қўтарамиз, ғурурини тиклаб, олдимизга қўйилган мақсадга эришамиз, албатта.**

Ана шу эзгу мақсад йўлида ақл-идрокимизни, бутун кучкувватимизни аямайлик!

Ҳар доим бирга бўлайлик, азиз дўстлар!

*Республика қишлоқ хўжалиги ходимлари қурултойида сўзланган*

*нумтқ*

*«Халқ сўзи» газетаси, 1991 йил 27 марта*

## **ЎЗБЕКИСТОН БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИГА АЪЗО БЎЛИШИГА АМИНМАН**

Хурматли депутат ўртоқлар!

Кейинги сессиядан буён тўрт ой вакт ўтди. Била-сизки, биз жуда тезкор ва ўзгарувчан замонда яша-япмиз. Шуни ҳисобга олган ҳолда, мен бугун мам-лакатимиз, республикамиз ва ҳар бир инсон ҳаёти-да жиддий роль ўйнаган энг сўнгги воқеаларга ўз фикрим ва муносабатимни билдиришим зарур, деб ўйлайман.

Менимча, гапни ҳалқимизни ташвишга солаётган, кундалик турмушимизда қийинчилик туғдираётган муаммолардан бошласак, маъқул иш бўлади.

Бугунги ахвол ҳаммангизга аён. Мен мавжуд қи-йинчиликларни қисқача санаб ўтаман, холос. Аҳоли-ни зарур моллар билан таъминлаш кундан-кунга оғирлашиб боряпти. Нарх-наво ортгандан ортиб, магазин пештахталари бўум-бўшлигича қолмоқда. Миллатлараро муносабатларнинг кескинлашуви оқибатида жанжаллар келиб чиқмоқда. Хўжалик алоқалари бузилган. Жамоат тартиби издан чиқ-қан. Бунинг натижасида оила ва шахс хавфсизлигига путур етятти.

**Биз, раҳбарлар ва депутатлардан одамлар биз қайга бораётганимиз ва қандай жамият қураёт<sup>ган</sup>имиз ҳақидаги, олдинда ёруғ кунлар борми ва агар бўлса, ўша кунлар қачон келиши тўғри**

**сидаги саволларга жавоб беришимиznи кутмок-да.**

Бизни ташвишга солаётган яна бир нарса — Итти-фоқ масаласи, яъни Иттифоқ сақланиб қоладими ёки тарқаб кетадими?

**Биз Ўзбекистонни мустақил ва суверен, деб эълон қилдик. Бу соҳада қандай қадамлар қўйил-япти?**

Барча саволларни бир жойга жамласак, уни қисқа ва лўнда қилиб қуйидагича ифода этиш мумкин: биз қачон бугунги хатарли ва хароб турмушдан қутула-миз? Қачон тинч ва осойишта ҳаёт кечира бошлаймиз?

Бу саволларга жавоб беришдан оддин бир нарса-ни унутмаслигимиз керак: ҳалқимизнинг бугунги сиёсий савияси, онги ва миллий ғурури шундай кўта-рилганки, эски, куруқ гаплар ва ташвиқотлар хозир ҳеч қаерда ўтмайди. Ҳаёт ўртага қўяётган ҳамма

масалани шуни ҳисобга олиб таҳлил этиш ва уларга ана шу нуқтаи назардан ёндашишимиз керак. Ким буни тушунмаса, хатога йўл қўяди.

Бугунги муаммоларнинг барчаси ва умумий кес-кинликнинг ортгани охир-оқибатда нарх-навонинг кўтарилиши масаласига бориб тақалади.

Нарх-навонинг ошиши республиканинг ташабbusи билан бўлгани йўқ. Нарх-наво фақат Ўзбекистонда эмас, балки бутун мамлакат бўйлаб ошди — шуни яхшилаб эсда тутайлик.

Биз олдинги сессияда бозор муносабатларига ўтиш учун овоз берган эдик. Нарх-навонинг ошиши — бозор муносабатига ўтишдаги дастлабки қадамлардан биридир.

Мамлакат бозор иқтисодиёти йўлини танлади. Биз ўтган сессияда бу йўлга ўтишни муҳокама этган пай-тимизда бозор муносабатлари қийинчиликлар кел-тиришини, шусиз ҳам камбағал халқимизни баттар эзиб қўйишини аниқ тасаввур этган эдик.

Айни замонда биз аввалги сессияда бозор иқти-содиётига ўтишга доир ўз шартларимизни ҳам қўйган эдик. Ўзбекистоннинг ўзига хос шарт-шароитлари-ни ҳисобга олишни талаб қилган эдик.

Республикамизнинг аҳолиси ночор кун кечиради, унинг накд ярми вояга етмаган ва ота-онасининг қўлига караган норасида болалардир. Ўзбекистонда серфарзанд оиласидар жуда кўп ва биздаги оила даро-мади Иттифоқ даражасидан икки марта кам, деб айтган эдик.

Ўтган сессияда бизда аҳоли жон бошига даромад энг паст даражада деб, одамларимиз гўшт, сут ва ҳатто, ҳўл мевани ҳам жуда кам истеъмол қиласиде деб, бизда касалхоналар, мактаблар етишмайди, бизнинг пенсионерларимиз оладиган нафақа жуда оз, бизда ишсиз юрган одамларнинг сони жуда кўп, деб ҳам айтган эдик.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида буларнинг ҳаммаси ҳисобга олиниши керак. Акс ҳолда, нарх-навонинг ошиши бизнинг ночор оиласидаримизга кул-фат келтиради.

Масала Иттифоқ миқёсида қўрилган пайтда биз ўртага қўйган талабларнинг бир қисми инобатга олинди. Компенсация миқдори оз бўлса-да, ортди, болаларга нафақа тўланадиган бўлди, компенсация ва нафақа пули фақат ишлайдиган кишиларга эмас, балки барча аҳолига тўланмокда.

Охирги гапга алоҳида эътибор беришингизни сўрай-ман. Негаки, Иттифоқ бўйича ҳар бир ишлайдиган одамнинг қарамоғида икки киши бўлса, Ўзбекистонда ҳар бир ишловчига 7 нафар боқиманда тўгри келади.

Афсуски, бозор иқтисодиётiga ўтиш йўллари ишлаб чиқилаётган вактда бизнинг барча истакла-римиз ҳисобга олинмади.

Эсингизда бўлса, бизга нарх-наво икки баробардан ошмайди, деб ваъда беришган эди. Аслида-чи? Аслида, нарх-наво 3 — 4 баробар ошиб кетди.

Майли, енгил машиналар, зеб-зийнат ва олтин-кумушнинг баҳоси ошсин — оддий халққа бунинг таъсири кам. Лекин болалар кийими ва озиқ-овқат махсулотлари нархи кескин ошиб кетди. Бу эса би-ринчи навбатда яна кўп болали ва кам таъминланган оиласларга кучли зарба бўлиб тушди. Бундай оиласлар эса Ўзбекистонда, айниқса, кўп.

Ўзингизга маълумки, Ўзбекистон халқ истеъмоли моллари ва озиқ-овқат махсулотларининг ярмидан кўпини бошқа республикалардан олиб келади. Мам-лакатда бугун кенг истеъмол молларини, энг зарур ашёларни ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг ўзи — хон, кўланкаси — майдон. Улар бизга молини ота-сининг нархини қўйиб сотишга ҳаракат қилишади.

Олдинги сессияда ўтиш даврининг мураккабликларини ҳисобга олиб, нон нархини оширмасликка қарор қилган эдик. Халқимиз учун, айниқса, қишлоқ аҳли учун бу чора анча енгиллик берди. Лекин умумий нархнинг ошиб кетишини тўхтатиш имкони бўлмади.

Нон нархини оширмаганимиз тўғри бўдди, тан-лаган йўлимиз, қабул қилган қароримиз тўғри экан-ки, бизни Ўрта Осиё республикалари қўллаб-қувватлади.

Иккинчи муҳим бир масала — компенсация тўлаш масаласи. Иттифоқ бюджетидан унча-мунча ёрдам талаб қилиб олдик. Бу йилги ёрдам камида 16 мил-лиард сўмга етади. Лекин бу барибир камлик қиляпти.

Нарх-навонинг кескин ошишига қараганда, ав-валамбор, қариялар, болалар, серфарзанд оиласларнинг аҳволини ҳисобга олсак, менинг фикримча, бериладиган компенсация микдорини кўпайтириш керак. Ишчиларга, қарияларга 60 — 65 сўм, болаларга 40 — 80 сўм озлик қиласди. Бу рақамларни 1,5 — 2 марта кўпайтирасак, одамларнинг талабини конди-ришни оз бўлса-да, яхшилашга ёрдам

беради.

Бу муаммони ечиш учун биринчи навбатда иш-лаб чиқариш самарадорлигини ошириш керак. Аммо корхоналаримизнинг, аввало, қишлоқ хўжалиги кор-хоналари, колхоз-совхозларнинг аҳволи ҳозир молиявий жиҳатдан оқсаб қолган. Улар одамларга ком-пенсация бериш у ёқда турсин, йил охирида ўз хисоб-китобини тўғрилаши ҳам амримаҳол. Шунинг учун биз уларнинг солиқ ва ажратмалар юкини енгил-лаштиришимиз керак.

Одамларимизга, ишчиларимизга муносиб турмуш шароитини яратиб бериш учун ҳар томонлама им-коният ва резервларни кидириш билан бирга ишлаб чиқаришда тартиб-интизом ўрнатишимиз, барча ишга яроқли кишиларни иш билан тъминлашимиз зарур.

Ҳозир одамларимиз, сиз раҳбарлар бизга шароит ва имкон беринг, пешана тери тўкиб, унумлироқ ишлаб, кўпроқ даромад топиб, тирикчилигимизни ўтказайлик, деб айтишяпти. Жуда ҳакди талаб.

Биз — раҳбарлар, қаерда бўлмайлик, ишчининг, қурувчининг, дехқоннинг ишини тегишли даража-да ташкил қилиб, моддий-техник тъминотини ях-шилаб, қулай вазият вужудга келтириб беришимиз керак. Лекин шуни очик тан олайлик, бу талаблар-ни тўлиқ бажаришга биз ҳали заифлик қиляпмиз. Мамлакатда тартиб-интизомнинг пасайиб кетиши, бошқа регионлардаги ташкилотларнинг айби билан биздаги корхоналар фоалиятининг издан чиқиши, хўжалик ва иқтисодий алоқалардаги тартибсизликлар — буларнинг ҳаммаси ишни самарали ташкил қилишда катта тўсиқ бўлиб турибди.

Яна бир масала шуки, ҳозир ишсиз юрганларга бериладиган нафака ҳам етарли эмас. Буни ҳам биз яхши тушунамиз. Қарияларимиз, болаларимиз, но-гиронларимизнинг тъминоти, уларга зарур бўлган имтиёзлар ҳақида гап кетганда, тиббий ёрдамнинг яхши эмаслиги, дори-дармонларнинг танқислиги бизни, айниқса, ташвишга соляпти.

Кўпчилик қатори фақат ойликка қараб яшаётган ўқитувчилар, врачлар, давлат корхоналарида ишла-ётганларнинг аҳволи кескинлашаётгани тезлик би-лан тегишли чоралар кўришни талаб қиляпти.

Озик-овқат маҳсулотларини аҳолига ўз вактида ва етарли

даражада етказиб бериш учун талон сис-темасини жорий қилишга мажбур бўлдик. Бундан асосий мақсад — халқ таъминотини узлуксиз ва адо-латли олиб бориш, таъминотни республика миқёси-да назорат қилиб туришдир.

Савдо соҳасидаги нопок кишилар тўғрисида ало-ҳида гап бўлиши керак. Уларнинг найранглари ҳақида халқ ғазаб билан гапирмоқда. Кимда-ким халқ таъ-минотида нопок йўлга қадам қўйса, уларга шафқат йўқ. Шуни ҳамма жойда очиқ-оидин айтиб қўяй-лик: халқ ризқига кўз олайтириб, бойлик орттириш ниятида бўлган кишиларни аяб ўтирумаймиз.

Бу борада депутатларимиз ўз нуфузидан фойда-ланиб, адолат ўрнатишса, ибратли иш бўларди.

Ўзбекистонда бошқа регионлардагига нисбатан кун кечириш бироз енгил экани бизни хотиржам-ликка солмаслиги керак. елкадош бўлайлик. Бизга бошқа нарса керак эмас. Халқ биздан шуни кутяпти.

Республикамизда қандай қийинчиликлар бўлмасин, муаммоларни ечиш учун анча-мунча ишлар қилиняп-ти. Шунга тан бериб, тўғри баҳолаш керак. Шу жум-ладан: нон нархини ўз ҳолида қолдириш; ёш оиласарга ёрдам пули бериш; студентлар ва ўкувчи ёшларнинг овқатини арzonлаштириш; мактаб формаси ва болалар пойафзалини арzonлаштириш учун респуб-лика бюджетидан маблағ излаб топилди. Ўзбекистонда яшаб турган кишилар яна кўпгина хайрли ишлар қилинганини яхши билишади. Улар бу ишларнинг са-марасини кундалик турмушида яққол ҳис этмоқда. Иттифоқда чиқаётган баъзи бир газеталар рес-публикада қилинаётган ижобий ишларни кўролмасдан, ҳар хил бўхтон гапларни тарқатишга уриняпти. Хўш, уларнинг даъволари нималардан иборат? Эмишки, гўё Президент Каримов «пахта иши» бўйича камалган кишиларни ғайриконуний тарзда турмадан чиқариб юбораётган эмиш. Гўё у ночор пенсионерларга тўлаётган ёрдам пули ноқонуний эмиш. Гўё у ноқонуний тарзда томорқа берган эмиш, гўё у одамларнинг шахсий чорвасига ноқонуний тарзда ем-хашак бераётган эмиш. Умуман олганда, Президент Каримов бу қолоқ ва камбағал респуб-ликада қаердан пул топади?

Бизнинг уларга берадиган жавобимиз шу: Ўзбе-кистон — мустақил республика, унинг ўзи танлаган йўли бор. Биз кишиларимизнинг турмушини енгил-латиш учун барча чораларни

ишга соламиз.

Ташаббус — биздан чикяпти, ишни халқимиз қиляпти, ўртоқлар. Халқимиз ўз пешана тери билан, ўз меҳнаткаш қўли билан қиляпти бу ишларни. Бу ишларни кўрмаслик — кўрлиқдир. 338

Сабр-тоқати, марддиги ва матонати учун халқи-мизнинг қархисида тиз чўксак арзиди. Халқимизнинг шаъни ва ор-номусини ҳимоя қилиш учун, унинг шуҳратини тиклаш учун, унинг анъаналарини ҳимоя этиш учун ҳеч нарсани аямаймиз. Йўлимиздан қайтмаймиз. Чунки биз ўзининг депутатлари этиб сайлаб, бизга ўз ваколатини топширган халқимизнинг иродасини бажармоқдамиз.

Энди энг долзарб иқтисодий вазифалар ҳақида гап-лашиб олайлик. Биз бугунги оғир аҳволдан қутулиш учун қандай ишларни амалга оширишимиз лозим?

Биз, аввало, одамларнинг нормал турмушини таш-кил этишимиз, уларнинг самарали ишлаши учун ша-роит яратиб беришимиз, уларнинг хавфсизлигини таъминлашимиз, уларнинг кадр-қімматини ҳимоя қилишимиз, ҳар бир шаҳар, қишлоқ ва ҳар бир хо-надонда осойишталиктин қарор топтиришимиз зарур. Корхоналар ва курилишларнинг моддий-техник таъ-минотини нормаллаштиришимиз, уларнинг бир меъ-ёрда ишлаши учун зарур бўлган ҳамма чораларни кўришимиз лозим.

Шахсий томорқадан унумли фойдаланиш керак. Шундагина бозордаги нарх-наво пастга тушади. Баъзи жойларда бир сотих ердан 3 минг сўмгача даро-мад олаётган бўлишса, бошқа жойларда бундай да-ромад 300 сўмга ҳам етмайди. Экинсиз қакраб ётган томорқаларимиз ҳам бор. Бунга чек қўйиш керак.

Жамоа хўжаликлари эски, қотиб қолган иш ус-лубини тутиб, фақат пахтадан даромад олиш билан чекланиб қолмасин. Даромаднинг бошқа манбала-ридан ҳам унумли фойдаланиш даркор. Айрим раҳ-барлар тадбиркорлик қилиб, жамоа хўжаликларида кичик-кичик корхоналар очишмокда. Гилам тўқиши, ғишт цехларини ташкил қилишмокда. Шундай раҳ-барларга оғарин деймиз. Ҳозир буйруқ кутиб ўти-радиган пайт эмас. Мустақил ҳаракат қилмоқ керак.

Бу йил кўклам фасли оғир келди. Республикамиз табиий оғатдан катта зарар кўрди. Шунча азобдан кейин деҳқонларимиз пешана тери билан етишти-раётган ҳосилни сотишга бефарқ карай олмаймиз. Маълумки, илгарилари маҳсулотимизни СССРнинг марказий

шахарларига жуда арzon, арзимаган ба-хога сотардик. Энди бу тартибни қайта кўриб чиқи-шимиз керак.

Москва ва Ленинград билан шартнома имзоладик. Шунга кўра, маҳсулотларимиз эвазига улар бизга гўшт, техника, асбоб-ускуналар етказиб беради. Пул қадр-сизланган ҳозирги шароитда бу жуда оқилона йўлдир. Бироқ Ўзбекистонни озиқ-овқат, гўшт ва сут маҳсулотлари ва айrim материаллар билан таъминлашда бундан бошқа реал йўлимиз йўқ. Барча жамоа хўжа-ликлари етиштирган ҳосилнинг 60 фоизини давлатга сотганидан кейин колган қисмини ўзи сотиши ло-зим. Шахсий хўжаликлар эса бундан бутунлай эркин, 100 фоиз маҳсулотни ўз хоҳишига кўра сотоверади.

Яқинда шахсий хўжаликлар уюшмаси тузилди, унга ёрдам тариқасида 1 миллиард сўм пул ажра-тилди. Маҳсулотни қайта ишлаш туфайли дехқонларга қўшимча даромадлар олиш имконияти туғи-лади. Бизнинг тавсиямиз шуки, пала-партиш, арzon-гаровга сотгандан кўра, шу уюшма орқали яхши баҳоларга сотиш жуда маъқул.

Кишлоқлардаги жамоа хўжаликларини айrim со-ликлардан озод қилишимиз лозим. Бу — мураккаб масала. Аммо бунга йўл топишимиз керак. Бу хўжа-ликларга қўшимча мадад беради.

Келинглар, ҳар бир меҳнат жамоасида унумли иш-лаб, ишни яхши йўлга кўйиб, даромадни қўпайтирай-лик. Бу эса ишлаётганларга тўланаётган конпенсация-ни ошириш, яъни тўлов пулини ҳозиргидек 60 сўм эмас, балки 100 сўмга етказиш имконини беради.

Тиббиёт ходимлари, ўқитувчилар, пенсионерлар-ни ижтимоий химоя қилиш тўғрисидаги масала Президентнинг алоҳида назоратида бўлиши керак, деб ҳисоблайман. Бизнинг шароитда бу энг мураккаб ма-салалардан биридир, чунки бу тоифа факат давлат бюджетидан бериладиган иш ҳақи ва тўловлар хисо-бига яшайди. Шунга қарамасдан, уларни ижтимоий жиҳатдан химоялаш зарур. Шунинг учун бюджетдан топилган ҳар бир сўм пул уларга аталиши керак.

Одамларнинг қўлида пул бўлиши билан бирга, ха-рид қиладиган товар ҳам бўлиши керак. Бу, аввало, қишлоқ жойларда энг зарур. Бундан 10—15 турдаги товарлар доимо сотувда бўлиши лозим.

Чет эллардан, айниқса, зарур озиқ-овқатлар, бо-лалар кийим-кечакларини сотиб олишга алоҳида эътибор беришимиз лозим. Бир неча кундан кейин Тошкент шахрида ишбилармонлар учрашуви иш

бошлайди. Унга 50 та мамлакатдан 500 нафардан ортиқ иштирокчи келиши кутилмокда. Бу тадбир чет эл савдо-саноат доиралари билан хамкорлик бора-сида келгусидаги катта ишларимизнинг дебочаси бўлишини истардик.

Жиноятчиликка қарши курашни янада кучайтири-шимиз, тартиб-интизомни ҳамма жойда тағин ҳам мус-таҳкамлашимиз керак. Ҳалқ бошига тушган бугунги қийинчилклардан ўзига бойлик қидирадиган нопок одамларнинг танобини тортиб қўйишимиз даркор.

Республикамизда шу йил май-июнв ойларида бўлиб ўтган табиий оғат оқибатларини тугатиш тўғрисида бир неча оғиз сўз. Етказилган умумий зиён 500 миллион сўмдан кўпроқ, деб хисобланмоқда.

## ДЕМОКРАТИЯ - ҚОНУНГА ВА ШАХСГА ҲУРМАТ ДЕМАКДИР

*«Рабочая трибуна» газетаси мухбери саволларига жавоблар*

Ислом Каримовнинг шахсиятига нисбатан у ўтказаётган сиёsatни бутунлай қабул қилмасликдан тортиб, унинг номи билан бевосита боғлиқ янгиликларни хайратланиб олқишилашгача - фоят хилма-хил фикрлар билдирилмоқда. Маълумоти-га кўра иктисодчи, тарбияси жиҳатидан «заводда суяги қотган», эътиқодига кўра, байналмилалчи бўлган Ўзбекистон ССР Президенти ўз сафдошла-ри билан биргаликда республика учун Иттифоқ доирасида у эришиш мумкин деб билаётган фаро-вонлик йўлини барпо этмоқда.

Бошқалар асрий алоқаларни намойишкорона ва бутунлай узган бир пайтда Каримов биринчи бўлиб янги Иттифоқ шартномасини тайёрлашда Марказ сусткашликка йўл қўяётганини баралла айтди. У ўзи раҳбар бўлгунга қадар ўт олган Фаргона можа-росига барҳам беришга, Ўш фожиасида муросага келиш йўлини қидириб топишга, миллатлараро бошқа можаролар манбаларини чеклашга эришиди.

М.С. Горбачев билан учрашувлардан тортиб энг олис қишлоқлардаги тез-тез бўлиб турадиган сух-батларгача - барча даражаларда ўз мавқеини қаттиқ туриб химоя қиласиган инсоннинг табиати ҳаммага ҳам маъкул бўлавермайди. Ўзбекистон Президентининг одамлар ва республика манфаа-тини узвий боғлашга, умуман, жамиятнинг маъна-вий негизларини сақлаб қолишга ҳамда иктисоди-ёт ва сиёsatда бошбошдоқликка йўл қўймасликка қаратилган йўлини тушунмаслик сабабли ёки қасдан бу йўлни тоталитар тузумни ва бир партияли хокимиятни сақлаб қолишга интилиш, деб кўрса-тишга уринмоқдалар.

Бу иш далил-исботларсиз, ниҳоятда жўн тарз-да амалга оширилмоқда. Оқни - қора, қорани -оқ дейишишгача борилмоқда. Яқинда «Мегаполис-экспресс» ҳафтаномасида «Ислом Каримовнинг ўзбеклар иши» деб аталган кўп маъноли сарлав-ҳа остида босилган мақола аслида ана шундай «сиёсий портрет»нинг қора бўёқдаги тасвири на-мунасиdir. Мақолада Ўзбекистон Президентининг республика аҳолисини, энг камбағал таба-қалар ва кўп болали

оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган фармонлари ҳам «хукмрон-лик тафаккури»нинг нишоналари деб кўрсатилади.

— Ушбу мақола эълон қилинишининг ўзи ана шундай фикрлаш намунаси эмасми, ахир, — дейди сухбатдошим. — Хорижий давлатларнинг бошлиқлари шаънига бирон ножоиз гап айтиш мумкин бўлмаган холда, нима учундир Иттифокдош республикаларнинг раҳбарлари шаънига осонгина тош отишга йўл қўйилмоқда. Кимдир хоҳласа, обрўйини тўқади, хоҳласа — елкасига қоқиб қўяди.

**Нима учун сиз тухматдан ҳимоя қиласидан қонунга мурожаат этмайсиз?**

— Қайда дейсиз, мижғов гапларга ўралашишнинг нима кераги бор, ишимиз бошдан ошиб ётибди. Жуда катта табиий бойликлар, битмас-туганмас меҳнат ре-сурсларига эга бўлган юртимиз энг камбағал республикалар категорида турибди. Республикани мамлакатнинг «пахта цехи»га, амадда эса хом ашё манбаига айлантириш ғояси амалга оширилиши натижасида оғир ахволга тушиб қолганимиз. Энди бу ахволни тузатиш керак. Кичик-кичик ва ўртача корхоналар, хорижий технологиялар, барча шакддаги мулкчиликнинг тенглиги, имтиёзли тарзда солиқ солинадиган қўшма корхоналар, илм-фан ютуқларини талаб эта-диган ишлаб чиқариш корхоналари, чет элларда кўплаб кадрлар тайёрлаш, хорижий инвестициялар учун кенг йўл очиб бериш, Иттифоқ ичкарисидаги алоқаларни ва умумий иқтисодий маконни сақлаб қолиш тўғрисида ўйлајапмиз, хуллас, биз ғоят тифиз муддатга мўлжалланган харакат дастурига эгамиз.

Бироқ жамият дучор бўлган маънавий буҳронни ҳам бартараф этиш, халқнинг кайфиятини, ватан-парварлик руҳини кўтариш, унинг ўз кучига бўлган ишончини оширишда ёрдам бериш керак. Бусиз бизнинг барча режаларимиз барбод бўлади.

**- Аммо сиёсий мухолифларингиз сизга аксин-ча таъна қилмоқда, сизни ўз халқига эркинлик беришни хоҳламаётган хукмдор сифатида кўрса-тишмоқда.**

— Мен фақат бир нарсани — халқларнинг бо-шига азоб-уқубат келтирадиган ва қон тўкилишига сабаб бўладиган бошбошдоқдик, ҳокимиётсизлик ва адоват бўлишини истамайман. Демократияни ҳамма нарсани қилиш мумкин деб, ўзбошимчалик билан талқин этиш ана шунга олиб келади. Мен демокра-тик жамиятни, энг аввало

қонунга кулоқ солиш деб биламан. Шахснинг ҳақ-хуқуқларининг бузилишига

И йўл қўйиб бўлмаслигини белгилаб берадиган ёзил-346 маган қонунлар, маънавий қоидалар тўплами за-рур. Яъни, одам жамиятдаги мезонлар доирасида ўзига эркинлик ва чеклашлар даражасини белгилаб олади.

Бу — ривожланиб борувчи узлуксиз жараёндир. Одам гап билан демократ бўлиб қолмайди. Тотали-тар тарбия билан издан чиқсан онгимиз у ёки бу томоннинг ҳақдигини исботлаш шакли сифатида куч ишлатишни ҳали узоқ вақт маъқуллаб туради. 1985 йилнинг апрелидан бошлаб биз ҳаммамиз демократлар бўлиб қолдик, деб ўйлаш соддадилликдир. Ҳоки-мият учун кураш ошкора тус олгани аён. Бу кураш-да ҳар бир киши демократияни ҳам, унинг пировард мақсадларини ҳам қандай тушунаётганини намоён этади. Мен демократияни барча соғлом кучларнинг ҳамкорлигига таяниб, халқни жипслаштириш, унинг бунёдкорлик куч-ғайратини рўёбга чиқариш, рес-публикамизни ижтимоий-иктисодий танг аҳводдан олиб чиқиш, деб тушунаман.

**- Лекин сизнинг мухолифларингиз ҳам худди шундай мақсадларни эълон қилишмоқда-ку?**

— Ана шу мақсадларга эришиш усуллари ва во-ситалари-чи? Ўтмиш аёвсиз танқид қилинмоқда ва уларнинг келгусига мўлжалланган режалари чалкаш-дир. Аммо қачонгача салбий муносабат билдириш, ўтмишда йўл қўйилган хатоларни қидириш мумкин. Бундай усул билан бунёдкорликни эмас, балки вайронгарчиликни, ҳамкорлик йўлларини излашни эмас, балки якин кишиларга нисбатан қаҳр-ғазаб тўлқи-нини осонгина юзага келтириш мумкин. Тўғри, пах-та яккаҳокимлиги қарор топди, Орол қурий бошлади, атроф-мухит заҳарланди, халқ эътиқоди ва анъ-аналари таъқиб этилди, феодализмдан социализмга «сакраб» ўтилгани тарғиб этилди.

Лекин Ғарбдаги ривожланган демократияларга бир назар ташланг — ҳар бир давлатда дарғалик қила оладиган қанча партия бор? Бармоқ билан санарли! Бу — тўғридир, чунки партиялар муайян синф ва табақаларнинг манфаатларини ифода этади, улар орасидан янги янги аъзоларни сафарбар қиласади.

Ўзбекистон Компартияси ўзининг бултур бўлиб ўтган XXII

сьездиде республикани ижтимоий-икти-содий янгилаш, аҳолини бозор мушкулотларидан ҳимоя қилиш, Ўзбекистонда яшовчи халқларнинг дўстлигини мустаҳкамлаш дастурини олға сурди ва у яқдиллик билан кўллаб-қувватланди.

Биз Республика жамоат ташкилотлари тўғриси-даги қонунни қабул қилдик. Шунга мувофиқ, муай-ян партиянинг рўйхатга олиниши учун бор-йўғи 3 минг аъзоси бўлса кифоя. Лекин негадир ҳозирча аризалар тушмаяпти. Халқ ким билан эканига энди ўзингиз баҳо беринг. Тўғри, Фаргона воқеаларидан кейин Компартиянинг обрў-эътибори жуда тушиб кетди, чунки вазият шу қадар кескин эдики, рес-публиканинг ҳар қандай бурчагида Фарғонадагидек алана авж олиб кетиши мумкин эди. Ўзбекистон Компартиясининг ўша пайтдаги раҳбарлари эса бил-масдан ағдариб юборилган бир тоғорачадаги кулуп-най тўғрисидаги сафсата билан халқни тинчлантир-моқчи бўлишди.

Биз ўшанда кабинетлардан одамлар ҳузурига чиқ-дик, улар билан ички қўшинларнинг, милтиқлар ва қалқонларнинг орқасида туриб эмас, балки бевоси-та сўзлашишни ўргандик.

Ўша пайтда кўпчилик шиорлардагидек силлиқ эмас, балки қийинчиликлар билан шуни англаб етиш-дики, агар сен партия аъзоси бўлсанг, муштарак манфаатлар билан яша, ишда бошқаларга караганда кўпроқ ғайрат кўрсат. Кўлингдан келмайдими, тинч бир жойни топ, ҳисобчи бўл, тонг сахарлари бема-лол балиқ тутиб юравер: фақат халқнинг ишончи билан ўйнашма, унинг ҳис-туйғулари билан чай-қовчилик қилма.

**- Дарвоҷе, ҳис-туйғулар тўғрисида. Гап-сўзлар-га, мишишларга қараганда, Сиз Ш. Рашидовга нисбатан алоҳида ихлос билан қарап эмишсиз, унинг раҳбарлик услубига амал қилишга урина-ётган эмишсиз. Ҳатто, «янгирашидовчилик» ибо-раси пайдо бўлди.**

— Бўлмағур гаплар, менинг назаримда, булар сиё-сий баҳсада ҳақиқий далилларнинг йўқдиги туфайли пайдо бўдди. Норасмий харакатлардаги ва бошқа баъзи оқимлардаги мухолифларимиз халқни ўтмишга қайтиш билан чўчитишни истарди. Аммо тарихан бу мумкин эмас. Рашидов — ўз даврининг фарзанди.

Республика Компартиясининг XXII съездиде унинг Ўзбекистон тарихидаги роли ва ўрни тўғрисида шун-дай катъий бир фикр

билдирилган: «Биз Рашидов номи билан боғлиқ барча салбий ишларни қоралай-миз. Бундай ишлар биз учун номақбулдир. Биз ўтмиш иллатларидан покланишимиз керак, шундай қилма-сак, олға харакат қила олмаймиз. Шу билан бирга, биз ўша даврда содир бўлган ҳамма нарсаларни ҳаётдан кўз юмган битта шахс билан боғлай олмаймиз».

Талабчанлик, қаттиқўллик, ишни бажариш топ-ширилган кишидан талаб қилиш эса ҳар бир раҳ-барнинг энг асосий фазилати, деб хисоблайман.

**- Атрофдагилар билан мулоқотда ҳаддан оши-риб юбориш, ўзингизни тутолмай қоладиган ҳоллар бўладими? Умуман, ўз-ўзини танқид сизнинг харакатларингизда қандай ўрин тутади? Хатоларин-гизни тан олиб, кейинчалик уларни тузатасизми?**

— Ўзимни ўзим назорат қилиб, ташқаридан ўзимга назар ташлаш туйғусига эгаман ва бу нарса ўйла-май-нетмай, шошма-шошарлик билан қилинадиган ҳаракатлардан сакдайди. Қизиқонлик қилиб, ўзимни тута олмай қолишим ҳам мумкин. Кейинчалик, эхти-мол, бу ҳакда мен кескин гапириб кўйган кишига қараганда анча кўпроқ афсусланиб юраман. Ҳар бир куннинг охирида воқеалар ва хатти-харакатларни хаёлдан ўтказаман. Ноҳақ бўлсан, узр сўрайман.

Ҳар бир кишида бўлгани каби хатолар бўлиб ту-ради. Мисолми? Биз янги нархларга ўтиш чоғида рес-публикамизда ун, макарон ва нон-булка маҳсулотларининг нархларини аввалгидек қодтирдик. Кўп болали оиласларни қўллаб-куватлашни истадик. Рес-публикамизда бундай оиласлар кўп ва шундай маҳ-сулотлар уларнинг асосий озиқовқат маҳсулоти хисобланади. Мувозанатни саклаш учун гўшт ва ёғ нархини Иттифокдагидан юқорироқ кўтардик, яъни, уларнинг таннархи даражасига етказиб, ҳар кило-грамм гўштни 10 сўм ва сариёғнинг килограммини 16 сўм қилиб белгиладик.

Иқтисодий жиҳатдан бундай чора тўғри. Қола-верса, биз бошқа маҳсулотлар, айникса, саноат маҳ-сулотларининг қиймати шу қадар ошиб кетади, деб ўйлаганимиз ҳам йўқ эди. Ҳалқ бизни қўллаб-куватламади ва эндиликда гўшт билан сариёғ Иттифоқ нархларида сотилмоқда. Биз хатони тузатдик, аммо ун ва ундан тайёрланган маҳсулотлар ҳали ҳам «ис-лоҳотгача бўлган» нархларда сотилмоқда. Бюджет учун бунга бардош бериш осон эмас, албатта, лекин шундай қилиш керак.

- **Бошқа чора-тадбирлар** - мактабларда бепул нонушталар, ҳомиладор аёллар ва эмизикли оналарга, ёлғиз пенсионерларга, уруш ва меҳнат фах-рийларига, талабалар ва ногиронларга, ўқитув-чилар ва кўп болали оналарга ёрдам, компенса-ция тўловлари бирга қўшилганида, бу нарса бюд-жетни «зўриқишига» мажбур қиласди. Республика иқтисодий «гиёҳванд», Марказнинг ёрдамисиз яшай олмайди, деган гап-сўзларнинг сабаби шунда эмасмикан? Сизнинг аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисидаги фармонларингиз гўё иқти-садий жиҳатдан асоссиз бўлиб, халққа тил-ёғламалик қилиш далили эмиш.

— Мана, сиз истаган фармонни танлаб олинг: кўпдан-кўп бирламчи хужжатлар устида иш олиб бо-рилган 12 тагача вариант ва пул билан таъминлашнинг аниқ манбалари кўрсатилган. Фармонлар халққа ёкиш истак-муддаоси билан дунёга келмаган. Бун-дай истак-муддаолар кимда бўлишидан катъи назар, мен уларни қабул қила олмайман. Бу фармонлар турмуш мантифи, энг камбағал табақаларнинг тур-мушини енгиллаштириш хоҳиш-истаги туфайли ду-нёга келиб, аниқ-равшан ҳисоб-китоблар билан мустаҳкамланмокда.

Иқтисодий «гиёҳвандлик» хусусида ким-кимдан қарздор экан? Аввалига бизни хўб ишонтиришди: пахта бўлса бас, қолган нарсаларни республикага мамлакат етказиб беради. Пахта толаси қайд этиб кўйилган паст нархларда Ўзбекистондан ташқарига жўнатилди ва ҳамон жўнатилмоқда. Бунинг эвазига нима берилмоқда? Пахта етиштиришда меҳнатнинг 84 фоизи бизнинг зиммамизга тушмоқда ва уни даст-лабки қайта ишлашдан тушадиган даромаднинг ати-ги 16 фоизи бизга тегмоқда. Пахтани олаётган бош-қа республикаларда нисбат аксинча бўлмоқда: ма-салан, айтайлик, Россияда тўқилган ва тикилган тайёр кўйлак ғоят катта фойда келтирмоқда. Меҳнати бизга, пули — бошқаларга. Мамлакатнинг «пахта цехи» бўлиш, мана, нимани англатади.

Биз ўзимизнинг қайта ишловчи қувватларимизни ривожлантира бориб, бу ишни тўғри йўлга қўяшимиз. Лекин шунгача асосий меҳнат харажатларини ўз зиммасига олган, ишчилар синфингизни хом ашё ва иш билан, аҳолини эса тайёр буюмлар билан таъ-минлаган кишилар билан даромадларни марҳамат қилиб баҳам кўринг.

- **Модомики биз республикаларнинг ўзаро му-носабатлари**

**тұғрисида ғап очған эканмиз, Сизнинг назарингизда, бундай муносабатлар яқын келажақ-да қандай бўлиши керак? Янги Иттифоқ шартно-масида Марказнинг яккахокимлигига йўл қўймасдан, лекин Иттифоқни ҳам барбод этмасдан, бир-лик ва хилма-хиллик муаммосини қандай ҳал қилиш лозим?**

— Мен тенг ва хилма-хил республикалар итти-фоқи тарафдориман. Энг асосий, принципиал деб ҳисоблаётганим: Иттифоқни ташкил қилувчи рес-публикаларга мустақиллик ва суверенитет бериш керак. Қандай масалаларни ўзлари ҳал қила олиши-ни, қандай ваколатларни Марказга топшириб, куч-ғайратни бирлаштирган ҳолда, баҳамжиҳат ҳаракат қилиш ёки Иттифоқ тузилмалари конкрет ҳолларда республика тузилмаларидан яхшироқ ишлайдиган бўлса, улар орқали ҳаракат қилиш кераклигини фа-қат республикаларнинг ўзлари ҳал қиласди. Мана шуларни қонунлар урушини тўхтатиш калити деб биламан. Айни пайтда, Олий Кенгашдан бошлаб барча Иттифоқ тузилмалари мутлақ ўзгартирилиши керак.

Вижданан айтаман: Марказни Иттифоқ шартно-маси билан боғлиқ ишни тезлаштиришга чакираве-риб ҷарчадим. Энди эса бу масалада ўзимни умид-

вор деб ҳисобламаяпман. Шартнома ҳали узоқ вақт имзоланмай қолиши ҳам мумкин. Ўзаро тотув бўли-шимииз учун, бўлажак Иттифоқда ҳар бир республи-ка ўзини эркин, миллатлар ҳамдўстлиги олдида ўз хатти-ҳаракатларига масъул бўлган мустақил давлат деб ҳис қилиши учун буларни ҳаммамиз англаш етишимиз керак.

**- Модомики биз ҳар хил эканмиз, эркинликни ҳам ҳар хил англаймиз-да, тўғрими?**

— Тўғри. Шошма-шошарлик билан мустақиллик-ни эълон қилиш ва армияда хизмат қилишдан бош тортиш, аслида эса ёшларни Конституцияни бузиш-га ундаш мумкин. Бу — амалий ишлар билан тўлди-рилмаган қофоздаги эркинликдир. Биз бошқа йўлдан бордик: мамлакатда Қуроли Кучлар Бош штаби би-лан битим тузган яккаю ягона республика — биз-миз. Бу битим юртимиздан чакирилувчиларга ва уларнинг оилаларига қонуний манфаатларга риоя этилишини ва хизматни ўташ чоғида қулай шароит-ни таъминлайди.

Мустақилликни эркинлик тўғрисидаги шиорлар билан эмас, балки

сиёсий, иқтисодий, маънавий маз-мун билан тўлдириш керак. Виждон, дин, шахс, тил-ни танлаш, маданият ютукларидан фойдаланиш эр-кинлиги ва ҳоказолар бўлмаса, чинакам мустакил давлат бўлмайди. Илгари бизда эътиқод учун, аж-додларнинг урфодатларига риоя этилгани учун, кўпинча ҳалқ анъаналарига хурмат кўрсатилгани учун партиядан ўчиришар, лавозимдан бўшатишар эди.

Биз кўркув деворини емириб ташладик. Янги мас-жидлар, диний муассаса ва иншоотлар пайдо бўлди. Наврўз, Рўза ҳайити, Қурбон ҳайити каби ва бошқа умумхалқ байрамлари тикланди, салкам 50 та мил-лий-маданий марказ ташкил қилинди. СССР ҳалқларининг кўпгина тилларида янги нашрлар ва дарс-ликлар босиб чиқарилди, ҳозир Ўзбекистон мактабларида таълим 12 тилда олиб борилмоқда. Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Шарқнинг ноҳақ қатағон қилинган бошқа алломаларининг мероси ҳалқка қай-тарилди, уларнинг номлари тарихимизга қайтди. Аёлнинг обрўси ва шахси улуғланмоқда, оиланинг нуфузи мустаҳкамланмоқда, ижодкор зиёлилар ўз фикрини эркин изхор қилиш имкониятини олдилар.

Мана шулар ва санаб ўтиш қийин бўлган бошқа кўпгина нарсалар — жамиятда демократик рухнинг қарор топиши эмасми, ахир? Ҳалқимизда мевали да-рахтга тош отишади, деган накл бор. Ёппасига куруқ танқид ҳам айни ўша тошнинг ўзидир.

Баъзида ҳамма жойга «ўз кадрлари»ни жойлаш-тирмокда, деб айтилаётган айбларни ҳам бир йўла чиппакка чиқариб ўтмоқчиман. Агар шундай бўлга-нида, гапимга ишонинг, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг бўш турган икки ўринбосари, Давлат режа комитети раиси, бир қанча вазир лавозимлари ва шу кабилар аллақачон эгаллаб олинган бўлур эди. Бу лавозимлар ярим йилдан кўпроқ вақтдан буён бўш турибди: билимдонларни изляпмиз. Яккаҳоким бўлганида аллақачон «ёғли» жойларга қариндош-уруғларини, юртдошларини ўтказиб қўйган бўларди, бу эса унга уруғ-аймоқчилик мададини таъминлар эди.

### - Сизнинг шундай мададингиз борми?

— Бор, — дейди табассум билан Ислом Абдуғаниевич. — **Менинг уруғ-аймоғим - менга Президент бўлишни ишониб топширган ҳалқдир.** Мен ҳалқ билан маслаҳатлашаман ва ўз хатти-харакатларимни унга қараб тўғрилаб оламан. Ҳалқ мендан ҳамма нарсани талаб қилишга хақли. Мен эса унга факат битта илтимос

билан — тинчлик ва тотувлиқда яшайлик, деган илтимос билан мурожаат қила-ман. Ўзбекистон ватани бўлган ҳар бир киши бу ерда ўзини бой, эркин ва кучли республиканинг, улуғ ишларга қодир бўлган буюк халқ ршайдиган қади-мий маърифатли давлатнинг тўла хукукли фуқароси, деб ҳис қилсин.

*«Халқ сўзи» газетаси, 1991 йил 4 июль*

## ҲИНДИСТОНГА МЕХР БИЛАН

«Таймс оф Индия» газетаси мухбири саволларига жавоблар

- Сиз республикадаги сиёсий ва иқтисодий вазиятни қандай тавсифлаган бўлур эдингиз?

— Ҳозирги сиёсий ва иқтисодий вазиятимиз тўғри-сида гапиришдан олдин, афтидан, бугунги кунга қан-дай етиб келганимизни, нима сабабдан республика-миз иқтисодий жихатдан жуда оғир ахволга тушиб қолганини яхшироқ тасаввур этиш учун ўтмишга қисқача назар ташлаш керак. Тўғри, Иттифоқимиз-даги бошқа республикалар ҳам қандайдир иқтисодий ютуқлар билан мақтана олмайди. Ўзбекистон эса, айниска, оғир ахволга тушиб қолди. Гап шундаки, Совет ҳокимияти йилларида республикамиз иқтисо-диёти тўла-тўқис, мукаммал ривожланмади, у мамлакатимизнинг хом ашё етказиб берадиган ўлкаси бўлиб қолди, шу сабабли ҳозирги ахволимизга рес-публика иқтисодиётини шакллантиришнинг ана пгу стратегияси кўзгусидан қараш керак. Биз пахта, мева-сабзавот етиштиришимиз, коракўл, ипак беришимиз керак эди, биласизки, республикамиз табиий хом ашё ресурсларига жуда бой. Ўзбекистон тайёр маҳсулот олишга ёрдам берадиган дастлабки ишлар билангина шуғулланган, тайёр маҳсулот эса республика ташқа-рисида ишлаб чиқарилган. Бизнинг бугунги иқтисо-дий кўрсаткичларимиз, очиғини айтадиган бўлсак, ана шундан келиб чиқади. Аҳоли жон бошига тўғри ке-ладиган миллий даромад Иттифоқимиздаги ўртacha да-ражадан икки яrim баробар камдир. Ижтимоий ёрдамчи тармоклар етарли даражада ривожланмага-нининг сабаби ҳам мана шунда — биз соғлиқни сақ-лаш, маданият, халқ таълими иншоотларини, яъни одамларнинг кўнгилдагидек яшаши учун зарур бўлган инфратузилмаларни қуриш учун маблағ топа олмаяпмиз. Республика-мизнинг демографик хусусиятла-рини эътиборга олсак, бизда аҳоли мамлакатимизда-ги ўртacha даражадан уч яrim баробар тезроқ кўпай-моқда. Ижтимоий-маиший соҳада эришилган даражани сақлаб қолишимиш учун бизга уч яrim ба-робардан кўпроқ сармоя керак. Бюджетимиз ҳам жуда қарам ахволда. Даромад қисмининг учдан бири Итти-фоқ дотацияси ҳисобидан қопланмоқда.

Қисқасини айтганда, иқтисодиётимизнинг, ишлаб чиқарувчи

кучларнинг бирёқлама ривожланиши, энг аввало, одамлар турмуши билан боғлиқ соҳаларда қолоқликка олиб келди. Инсон эҳтиёжларини қон-дириш учун зарур бўлган молларнинг ярмидан кўпроғини Республика ташқарисидан ташиб келтираётга-нимизни хисобга олсак, юртимиз Иттифоқнинг қолган қисми иқтисодиётига қай даражада қарам бўлиб қолганини тасаввур этиш қийин бўлмаса керак, деб ўйлайман. Буларнинг ҳаммаси, назаримда, Марказ стратегиясида ва умумиттифоқ меҳнат тақсимотида бизга ажратилган ўрин олдиндан белгилаб қўйилган эди.

Бугунги кунда иқтисодий вазиятни сиёсий вазиятдан ажратиш мумкин эмаслигига, уларнинг диалек-тик узвий боғлиқлигини эътироф қилмаслик мум-кин эмаслигига ҳеч кимда шубҳа туғилмаса керак. Сиёсий тузилмалар, уларнинг обрўси халқ турмуш даражаси билан белгиланади. Агар, бутун мамлакат-да қабул қилинган «қонунлар уруши»га бархам бе-ради. Иттифоқ шартномаси жуда кўп муаммолар — мулкни чеклаш, хусусийлаштириш, мамлакат ташки карзига алоқадор масалаларни ҳал қиласди.

### **Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий ва ташқи сиёсий алоқаларининг истиқболлари ҳақида нима дея оласиз?**

— Биз жуда узоқ вақт мобайнида мафкуравий бидъат, янгилишишлар, ақидалар ва ҳаётдан узилиб қолган чақириқ ҳамда шиорлар, эртанги ёрқин ҳаёт тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар остида қолиб кет-дик. Иттифоқ шартномасини тайёрлаш чоғида республиканинг ташки бозорга мустақил чиқиш ҳуқуқини олиши биз кўйган шартлардан бири эка-нини таъкидламоқчи эдим. Бусиз биз тангликтан чиқиш йўлида режалаштирилган дастурни амалга ошира олмаймиз. Мен Ўзбекистон яқин келажакда биз билан ҳамкорлик қилишга тайёр турган кўпгина мамлакатларда ўз консулхоналарини очишига ишо-наман.

Мамлакатимиздаги, пгу жумладан, республикамиз-даги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт шу қадар мураккаб-лигига қарамасдан, аҳолининг турли табакаларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини ишлаб чиқдик ва уни аниқ мазмун билан бойитдик. Дарвоке, бизда саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг аввалги йилларда эришилган даражаси сақлаб қолинди, иқтисодий ва сиёсий ўзгартишлар учун ҳуқуқий замин вужудга келтирилди. Жумладан, бизнинг пар-ламентимиз ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга

келтирадиган ва хорижий сармояларга кафолат бе-радиган бир қанча муҳим қонунларни қабул қилди. Ҳукумат ишбилармонликнинг иқтисодий эркинли-ги, шунингдек, бизда қўшма корхоналар очиш ниятида бўлган ҳамда сармоя олиш ва воситачилик фао-лияти билан шуғулланишни истайдиганлар учун кенг имтиёзлар кўзда тутилган бутун бир меъёрий хуж-жатлар мажмуасини тасдиклади. Бизда мулкчиликнинг барча шакллари эътироф қилиниб, ривож то-паётганини таъкидламоқчиман. Ўзбекистонда хусу-сий ҳамда акциядорлик мулкига нисбатан ҳеч қандай қаршилик йўқ.

**- Агар иложи бўлса, Ўзбекистоннинг Ҳиндистон билан муносабатлари тўғрисида икки оғиз гапириб берсангиз.**

— Ўзбекистон Ҳиндистон билан анъанавий тари-хий алоқалар орқали боғланган. Айни пайтда маз-кур мамлакат билан муносабатларда нимагаки эга бўлсақ, у биздаги мавжуд имкониятлар даражасида эмаслигини айтиш жоиз.

Ўзбекистон делегациясининг Ҳиндистонга кила-диган расмий ташрифи иқтисодий ва сиёсий ҳам-корлигимизнинг жадал ривожланиши учун туртки беришига умид қиласман.

Мен кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган кичик ва ўртacha фирмалар, компаниялар билан ҳамкорлик қилишга катта умид боғлаяпман. Биз ўзи-мизда ҳалқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган ихчам, йўналишини тез ўзгартира оладиган қўшма корхоналар курилишини авж олдиришга тайёрмиз. Ҳиндистон билан ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш давр тақозосидир.

Ўзбекистон Осиё — республикаси эканини ҳисобга олиб, Осиё — Тинч океани минтақасидаги бошқа мамлакатлар билан ҳам савдо ва иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишни режалаштиряпмиз. Биз ўзаро манфаатли асосда иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳамкорликни йўлга қўйишга тайёрмиз.

Суҳбатимиз охирида ўзбек ҳалқи Ҳиндистон ҳал-қига катта хурмат билан қараётганини, бизнинг дўстлигимиз ва ҳамкорлигимиз аниқ-равшан маз-мун билан бойиб боришини хоҳдаётганини айтмоқчиман. Ҳиндистон ҳалқи билан раҳбарларига тинч-лик ва фаровонлик тилайман.

*«Ҳалқ сўзи» газетаси, 1991 йил 16 август*

# Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти Ислом Каримовнинг республика аҳолисига **МУРОЖААТИ**

Азиз дўстлар!

Ўртоқлар!

СССР вице-президенти Г.И. Янаевнинг фармони, совет раҳбариятининг баёноти ва СССРда Фавқулодда ҳолат давлат комитетининг совет халқига мурожаати ва қарорлари муносабати билан республикамизда ис-тиқомат қилувчи ҳамма фуқароларни, катта-кичик барча ҳамюртларимизни шу мураккаб вазиятда акд-идрок билан иш тутишга, тинчлик-осойишталикни сакдашга, сабр-тоқатли бўлишга даъват этаман.

Содир бўлган вазиятдан қандай хulosалар чиқа-риш мумкин?

**Биринчидан**, ҳар биримиз оғир ва вазмин бўли-шимиз керак. Бошимизга тушган бу синовлар, но-аник давр ва шароитдан авваламбор акл ва идроки-мизни бир жойга йиғиб, инсоф ва виждонни йўқот-масдан, саросимага тушмасдан чиқишимиз керак.

**Иккинчидан**, Ўзбекистон Республикаси, унинг раҳбарияти қайта куриш даврида ҳам ҳеч қачон би-ровнинг гапига кириб иш тутган эмас. Марказдан, бошқа баязи бир республикалардан қандай қарорлар чиқмасин, ваъдалар берилмасин, ҳар қандай чақи-риклар, даъватлар, йўл-йўриқ кўрсатишга ҳаракатлар бўлмасин, биз ўзимиз танлаган йўлимииздан ва белгилаб олган мақсадларимиздан қайтганимиз йўқ.

Бу йўл — бизнинг халқимиз тарихига, урф-одатларига, табиатимиз шарт-шароитларига, хуллас, хал-қимиз манфаатларига мос йўлдир.

Бу йўлни бир нарса билан солиштириш мумкин. У ҳам бўлса ўткир, киррали тоғ устидан йўл топиб юриш билан баробардир. Бу йўлда қанчалик оғир ва мураккаб шароит бўлмасин, на чапга, на ўнгга ўйла-масдан, акдимизни ишлатмасдан, бирор қадам таш-лаб бўлмайди. Бу — ниҳоятда хавфлидир. Агар шун-дай қадам ташламоқчи бўлсак, биз ўз йўлимиизни, халқимиз кўллаб-кувватлаган йўлимиизни йўқотиб қўйишимиз мумкин.

**Учинчидан**, бизнинг тарихимиз, халқимиз бошидан кечириб ўтган даврлар қандай бўлмасин, бу — бизнинг тарихимиздир.

Биз бирорларга ўхшаб бу муқаддас тарихга тош отганимиз ва уни хўрлаганимиз йўқ. Яъни, бошқача қилиб айтганда, ҳатто кейинги йилларнинг ўзини олганимизда ҳам, бу даврда мамлакатдаги турли кучли оқимлар биринчи қўринишда қанчалик ёқимли бўлма-син, бизларни йўлдан урмокчи бўлган кучларнинг сиё-сати қанчалик кучли бўлмасин, Марказга ёкиш-ёқмаслик масаласи қанчалик кўндаланг бўлиб тури-шига қарамасдан, биз ўз йўлимидан қайтганимиз йўқ.

Оддий тил билан айтганда, биз ўзлигимизни йўқот-масдан, ўз сиёсатимизни олиб боряпмиз ва кела-жакда ҳам шу сиёсатга кодирмиз.

**Тўртинчидан**, бизларга қандай кучлар қарши чик-масин, бизнинг фаолиятимизни диктатура деб атама-син, биз ҳар доим — буни ҳеч ким рад эта олмай-ди — мустаҳкам тартиб-интизом тарафдори бўлган-миз ва ўз сиёсатимизга тартиб-интизомни пойdevor қилиб олганимиз. Яна бир марта қайтараман: буни ҳеч ким рад эта олмайди.

Қаерга боришим, қаерда сўзга чиқишимдан қатъи назар, мен доим одамларимиздан, халқимиздан, раҳбарларимиздан интизомнинг жиловини қўлдан бермаслик тўғрисида ўтиниб сўраганман, талаб қилганман.

Нега деганда, тарихимиз, ҳаётимиз шуни кўрса-тиб турибдики, тартиб-интизомни қўлдан чиқарган раҳбарият уни ҳеч қачон қайтариб ололмайди ва ўз халқини, унга ишонган фуқароларини ҳимоя қилишга заиф бўлиб қолади.

Тартиб-интизомни бўшаштириш сиёсати оқиба-тини ва таъсирини мамлакатимизда яшаб турган ҳар қайси оила ва ҳар бир инсон ўз ҳаётида яққол сезиб турибди. Бундай ҳолатни, бундай вазиятни аввалам-бор мамлакатимиздаги миллатлараро ва республи-калараро муносабатларнинг кескинлашаётганида, халқнинг турмуш даражаси пасайиб кетаётганида, одамларнинг нотинч ва норози бўлаётганида ҳам яққол кўришимиз мумкин.

**Бешинчидан**, шуни ҳам халқимизга очикдан-очик, рўйирост айтишимиз керакки, қайта қуриш бошланганига олти йил бўлди. Қуруқ гаплар, дабдабали ваъ-далар одамларимизнинг жонига тегди. Бугун-эрта ҳаётимиз яхши бўлади, деган, озгина чиданглар, деган гапларга ва ваъдаларга ҳеч кимда ишонч қолмади. Бу ҳам ахволнинг кескинлашувига, одамларнинг ғазабланишига асос бўлди.

Азиз дўстлар!

Бу гапларни айтиб, мен сизларга ҳеч қандай ян-гиликни очиб беряётганим йўқ. Бунинг ҳаммаси кўпчиликка маълум ва бу гаплар аксарият халқимиз орасида кўпдан бери бўлиб келяпти.

Халқимиз амалий самара ва натижаларни кутяп-ти.

Кўпчилик билан гаплашсангиз, улар қайси ёшда, қайси ишда бўлишидан қатъи назар, бошимизга тушган савдолар қачон тугайди, яхши кунлар қайтарми-кан, деб савол бериши ҳаммамизга маълум. Бундай саволларга жавобни халқимиз кўпдан бери кутяпти. Лекин бундай оғир саволларга жавоб беришда СССР раҳбариятининг заифлиги маълум бўлиб қолди.

Бугун мамлакатимизда бўлаётган ўзгаришлар тўғрисида гап борар экан, ҳаммамиз ҳам амалий ишлар билан халқимизга, Ўзбекистонимизга қандай ен-гиллик, фаровонлик ва тараққиёт йўлида қандай ях-шилик бўлади, деган саволлар беряпмиз. Лекин ҳозирча мамлакатнинг ҳокимият доиралари қандай йўл билан, нималар орқали бу мақсадларга эришиш мумкинлиги ҳақида тўлиқ, батафсил маълумот берганича йўқ.

Бу маълумотлар билан чукур танишганимиздан ке-йингина бўлаётган ўзгаришларга ўзимизнинг муно-сабатимизни албатта билдирамиз.

Лекин, ишонтириб айтамизки, биз ўз халқимизнинг, Ўзбекистонда яшаётган барча ахолининг туб манфаатлари, осойишталиги ҳисобга олинган ҳол-дагина янги сиёsatни қўллашимиз мумкин.

**Бизга тинчлик ва осойишталик керак. Биз ҳар бир оиланинг тинч-тотув яшashi тарафдоримиз ва шунга интилаётган, шуни таъминлайдиган сиёsat-ни қўллаб-қувватлаймиз.**

Азиз юртдошлар!

Яна бир бор сизларга мурожаат қиласман. Шун-дай оғир синовдан ўтаётган бир пайтда халқимиз сабр-тоқат ва бардош билан, вазмин бўлиб, тинч-ликни сақлаш мақсадида жипслashiши керак. Бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиш керак. Тинч-ликни бузაётган, ўз манфаатини қўзлаётган ҳар хил шахсларга, муттаҳамларга қулоқ солмасдан, халқимиз ўзи танлаган йўлдан қолмаслиги керак.

Юртимиз, халқимиз тарихда жуда кўп синовлардан юзи ёруғ бўлиб чиққанмиз.

Ишонаманки, бу оғир синовлардан ҳам эсон-омон ўтамиз.

*1991 йил 20 август*

**Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси**  
**Президентиниң**  
**ФАРМОНИ**

Мамлакатда вужудга келган аҳволни эътиборга олиб ва республика манфаатларини химоя қилиш максадида:

**1. Республика Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлиги комитети Ўзбекистон ССРининг қонуний тасарруфига олинсин.**

2. Мазкур идораларнинг раҳбарлари икки ҳафта муддат ичидаги Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавф-сизлиги комитети органларининг мақоми ҳамда Ни-зомини қайтадан кўриб чиқиб, биринчи навбатда республика ва унинг фуқаролари хавфсизлигини, манфаатларини муҳофаза қилишни назарда тутсинглар.

**3. Республика ҳудудида жойлашган СССР Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлари бевосита Ўзбекистон ССР Президентига бўйсундирилсин.**

4. Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатига жуда қисқа муддатда республиканинг Давлат мустақил-лиги тўғрисидаги Қонун лойиҳасини тайёрлаш ва уни Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан таш-қари сессияси муҳокамасига тақдим этиш таклиф қилинсин.

5. Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлиги комитети, прокуратураси ва адлия органлари, шунингдек, республика ҳудудида жойлашган ички қўшинлар, Туркистон ҳарбий округи қисмлари ва қўшилмалари партиядан холи қилин-син.

Белгилаб қўйилсинки, бундан бўён юқорида қўрсатилган органлар ва муассасаларда сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг янги ташкилий тузил-маларини вужудга келтиришга йўл қўйилмайди.

6. Мазкур маҳкамаларнинг раҳбарлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари билан бирга-ликда ушбу Фармон муносабати билан ишдан бўшай-диган шахсларни ишга жойлаштириш учун барча чораларни қўрсинглар.

Ушбу Фармон имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради.

Ўзбекистон Совет Социалистик  
Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1991 йил 25 август

## **ХАЛҚИМИЗНИНГ ФИКРИ -БИЗ УЧУН ОЛИЙ МЕЗОН**

**Хурматли ўртоқлар!**

Шу кунларда мамлакатимизда содир бўлган ва со-дир бўлаётган воқеаларни мушкул воқеалар деб аташ учун барча асослар бор. Мазкур воқеалар мамла-катнинг барча тузилмалари учун жуда жиддий оқибатларни келтириб чиқарди. Фавқулодда ҳолат давлат комитети, СССРдаги олий даражадаги амал-дорларнинг бир гурухи томонидан 19 — 21 август кунлари амалга оширилган жинояткорона давлат тўнта-ришининг барбод бўлиши мамлакатдаги барча ижтимоий-сиёсий кучлар нисбатининг зуддик билан ўзгаришига олиб келди.

Қандай воқеалар содир бўлгани ва содир бўла-ётгани ҳақида ахборот жуда кўп. Уларни такрорлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак, деб ўйлайман. Сиз буни оммавий ахборот воситаларининг хабарларидан яхши биласиз. Мамлакатда содир бўлаётган воқеалар Ўзбекистонга, ўлкамиз ҳалқининг тақди-рига бевосита дахлдор десам, сиз менинг бу фик-римга қўшиласиз, деб ўйлайман.

Шуларнинг ҳаммаси ва доимо ўзгариб турган ва-зиятлар бизни ушбу пленумни чакиришга ва сиз билан фавқулодда муҳим масала юзасидан масла-ҳатлашиб олишга даъват этди. Бу — Ўзбекистон Ком-партиясининг тақдирига бевосита дахлдор масаладир. Қарор қабул қилишдан аввал, ҳалқ мақолида айтилганидек, етти ўлчаб бир кесишимиз керак бўлади.

Мамлакат учун таҳликали шу кунларда Марка-зий Комитет Бюроси, хукумат, Олий Кенгаш ва республика Президенти сифатида мен воқеалардан ҳамиша боҳабар бўлиб турдик, ўз ишимизни бир соатга ҳам тўхтатганимиз йўқ. Биринчи кундан, во-қеалар бошланган дақиқаларданоқ биз партия ко-митетлари ва ташкилотларини, маҳаллий советлар-ни сабр-бардошли ва вазмин бўлишга, барқарор ижтимоий-сиёсий вазиятни сақлаб қолиш учун ўз обрў-эътиборидан фойдаланишга ва ўз таъсирини ўтказишга, республика худудида фавқулодда ҳолатнинг жорий этилишига йўл қўймасликка, КПСС Марказий Комитети Котибияти номидан ташкил этилган давлат тўнтаришини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги Конституцияга зид иғвогарона чақи-риқларга учмасликка даъват этдик.

**Фаоллар билан учрашувларда республика Давлат мустакиллиги**

тўғрисидаги декларация қоидаларига, Конституцион тузум қоидаларига қатъий риоя этиш тўғрисида жамоа бўлиб ишлаб чиқилган йўлни из-чил ва қатъият билан ўтказдик.

Республика Президенти, Марказий Комитет би-ринчи котибининг халққа қилган мурожаатномаси-да айтилганидек, Марказдан қандай кўрсатмалар ке-лишига, қандай ваъдалар берилишига, қандай чақириклар янграшига қарамай, ҳар қандай шароитда ҳам биз ўз қадр-кимматимиз ва виждонимизни йўқот-мадик, ўз сиёсий йўлимизни ўзгартирмадик. Бизнинг фикримизча, аксарият аҳолининг эҳтиёжи ва умиддарига ҳамоҳанг бўлган қарорларни ўзимиз мус-тақил қабул қилдик. Барқарорлик, тартиб-интизом, фуқароларнинг тинчлиги ва миллий тотувликни сак-лаб қолишга ёрдам бердик, буларсиз республиканинг ҳозирги куни ва келажагини тасаввур қилиб бўлмайди.

Турли ижтимоий ва сиёсий групкалар ўртасидаги ихтилофларни тинч даврда ҳал этиш учун куч ишлатиш, аввало, ҳарбий куч ишлатишга қатъяян каршилиги-мизни билдиридик. Ўзига «Фавқулодда ҳолат давлат ко-митети» деб ном қўйиб олган машъум комитетнинг Конституцияга зид ва ғайриқонуний фармонлари ҳамда қарорлари Ўзбекистон ҳудудида Президент Фармони билан хақиқий эмас, деб эълон қилинди.

Бизнинг позициямиз ҳалол ва очиқ-ойдин бўдди. Биз ҳеч нарсани халқдан яширганимиз йўқ. Шар-мандали сиёсий иғвогарликка учмагани ва республикада осойишталик ва аниқ меҳнат маромини сак-лаб қолиш борасида ҳамма ишларни қилгани учун биз халқимиздан бенихоя миннатдормиз... Бугун биз сира уялиб қолганимиз йўқ. Фаолларимиз, барча софдил кишиларнинг қўллаб-куватлашига таяниб, халқнинг турмуш даражасини яхшилашнинг долзарб муаммоларини кўчаларга танклар чиқариб ҳам, майдонлардаги баландпарвоз даъватлар билан ҳам ҳал қилиб бўлмаслигини обдан уқиб олишди. Республика фаоллари халқ билан бирга бўлди ва бугун халқ-қа ёруғ юз билан қараши мумкин.

Шу кунларда республика партия комитетлари, совет ва давлат идоралари, оммавий ахборот воси-таларига меҳнаткашлар, аҳоли турли табақаларининг вакилларидан кўплаб мактублар келмоқда, уларнинг аксарияти Ўзбекистон Компартияси Марказий Ко-митети Бюроси ва Марказий назорат комиссияси раёсатининг 23 август куни

эълон қилинган Баёно-тида берилган баҳолар ва чиқарилган хулосаларга қўшилмоқда. Бу мактубларда меҳнаткашларнинг Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида республика тақдири учун хавотирланаётгани баён этилган. КПСС Марказий Комитети раҳбариятининг ортодоксал қисми қўрқоқлиги, жинояткорона ва бебурд харакатлари оқибатида минг-минглаб соф-дил кишилар тушиб қолган вазиятга ҳеч ким бефарқ қараб тургани йўқ.

Биз принципиал позициямизни астойдил қўллаб-қувватлаган барча кишилардан миннатдормиз. Бу ма-дад ишончимизга ишонч, кучимизга куч қўшади, мус-тақил сиёсий йўлимизни изчил ўтказишимиз учун мустаҳкам замин яратади.

Бугун ишонтириб айтмоқчиманки, биз бундан буён ҳам одамлар билан маслаҳатлашмай, Марказий Ко-митет пленуми аъзоларининг фикрини инобатга ол-май, ҳеч қандай кескин қарорлар қабул қилмаймиз...

Ўтган куни Марказий Комитет Бюроси ва Ўзбе-қистон Компартияси Марказий назорат комиссияси раёсатининг кенгайтирилган мажлиси бўлди, бу маж-лисда вилоятлар, бир қанча шаҳарлар партия ва на-зорат ташкилотларининг раҳбарлари, республикадаги йирик корхоналар партия комитетларининг котиблари иштирок этди. Биз жамоа бўлиб ишлаб чиқилган позициямиз ҳақида сизларга сўзлаб беришга қарор қилдик.

Сизларга, Марказий Комитет ва Марказий назо-рат комиссияси аъзоларига, барча фаолларимизга му-рожаат этиб, пгуни таъкиддашни истар эдимки, сўнгги йилларда оғишмай амалга оширилаётган йўлимиз, бизнинг сиёсатимиз ҳеч қачон пала-партиш ва ман-фаатпараматлик тусида бўлмаган. Партиямиз қандай бўлиши лозимлигини, унинг асосий мақсадлари ни-малардан иборат бўлиши кераклигини ва истиқбол-ни биз қандай тасаввур этаётганимизни, халқимиз-ни, республикамизни қайси йўлга даъват қилаётга-нимизни аниқ-равшан белгилаб олганмиз.

Келинг, XXII съездга қилинган ҳисобот доклади-га, шу съезд қарорига, Марказий Комитетнинг сўнгги пленумлари қарорларига, республика раҳбариятининг жамоатчилик олдидаги нутқларига яна бир кар-ра назар ташлайлик. Ниҳоят, КПСС XXVIII съезди-да мен сўзлаган нутқ матнига назар ташлайлик. Шундай қилиб, позициямиз аниқ-равшанлигига тўла қаноат хосил қилиш мумкин.

**Биз, Ўзбекистон Компартияси ўзининг бутун та-рихи мобайнида аслида партиянинг стратегик йўли-ни белгилашга яқин йўлатилмагани, кўп ҳолларда у КПСС марказий органларининг қарорлариға қарам бўлиб қолганини рўйирост айтган эдик. Худ-ди шу боисдан биз партиямизга ҳақиқатан ҳам му-стакиллик берилиши лозимлигини, теран сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни изчиллик билан ўтка-зишда республика халқининг манфаатларига мос бўлиб тушадиган ўз йўлимизни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш хукуки берилишини қатъият би-лан талаб қилган эдик.**

Хозир бутун мамлакатда бўлаётганидек, халқи-мизни чалғитишга, ўзининг мутлақо асоссиз уйдир-малари билан одамларни гиж-гижлашга уринаётган кимсаларга, ҳозирги пайтда айрим масъулият-сиз арбобларга эргашиб, бизнинг ўтмишимиз, бугунги кунимиз ва мақсадларимизни оёқ ости қилаётган барча кимсаларга мен шуни қатъият би-лан айтмоқчиманки, биз ҳамиша республикамиз Компартиясига тўла мустақиллик берилишини та-лаб қилиб келдик (амалда буни рўёбга ҳам чиқар-дик), бундан кузатилган мақсад ўз худудида партия барча масалаларни мустақил ҳал этиши, ўз стратегия ва тактикасини аксарият ахолининг фикрига таяниб, мустақил белгилаши лозим эди. Бизнинг сиёсатимизга таъсир эта оладиган ва уни белгилаб радиган олий мезон бор — у ҳам бўлса халқимизнинг фикридир.

Сизга маълумки, биз ўз позициямизни КПСС XXVIII съездиде принципиаллик билан баён этган эдик ва химоя қилдик. Аммо бизнинг фикримизни тўла-тўкис тушунишмади ва қўллаб-куватлашмади. Шундай қилиб, биз ана шу барча масалалар юзасидан йўлимизни мустақил белгилаб олишни, бунинг учун республика коммунистларининг XXII съезди иккинчи босқичини чакиришни, ушбу анжуманда ҳаракат дастуримизни ва уставимизни қабул қилиш-ни ўз бурчимиз, деб билдик. КПСС Марказий Ко-митети раҳбариятининг консерватив қисми жиддий тазийиқ ўтказганига қарамай, биз конунда кўзда ту-тилганига риоя этиб, Ўзбекистон Компартияси Ус-тавини рўйхатдан ўтказдик, мустақил сиёсий ташкилот хуқуқий мақомини олдик.

Яна бир карра шуни таъкидламоқчиманки, XXII съезд иккинчи босқичининг жами хужжатларида хал-кимизнинг тарихи, унинг урф-

одатлари ва анъанала-ри, маҳаллий шароитлар, халқнинг туб манфаатла-рига мос бўлиб тушадиган мустақил сиёсий йўлимиз тўлатўкис ўз ифодасини топди. Бу, аввало, Ўзбекис-тон Компартияси Ҳаракат дастурида, унинг Уставида акс этди, кези келганда айтиш керакки, ушбу ҳужжатлар КПСС XXVIII съездидаги қабул қилинган устав ва дастурий баёндан тубдан фарқ қиласди.

Журъат билан айтмоқчиманки, халқимиз, аҳолининг ҳамма табақалари томонидан қабул қилинган ва маъкулланган дастуримизда куйидагилар баён этилди: ўзбек халқининг фаровонлиги, миллатидан, диний эътиқодидан ва мавқеидан қатъи назар, рес-публика ҳудудида яшаётган барча кишиларнинг фа-ровонлиги шундай олий мақсаддирки, бу йўлда биз ҳар қанча жон куйдиришга тайёрмиз. Бу мақсадга

эришигднинг асосий йўли, бизнинг назаримизда, фукароларнинг осойишталиги, миллий тотувлик, тад-биркорликнинг тўла иқтисодий эркинлиги шарои-тида республика ҳаётининг барча соҳаларида қатъий интийзом ва тартибдир.

Ана шу мақсадлар ва усувлар, уларга эришиш йўллари вилоят, шаҳар, район ташкилотларида қабул қилинган жами ҳужжатларда тасдиқланди. Бугун ана шу олиjanоб мақсад партиянинг республика аҳоли-си қўллаб-куватлашини таъминлайдиган бош маф-кураси бўлиб қолиши керак, деб айтиш учун бизда тўла асослар бор.

Ишончимиз ҳамиша шунга комил эди ва ҳозир ҳам шу фикрда собит турибмизки, ана пгу мақсадга эришмок учун жами иқтисодий алоқаларни, уму-ман, республика иқтисодиётини мафкурадан холи қилиш, ҳар қандай «изм»лардан ва бошқа ҳамиша оёқ-қўнимизни чандиб ташлаган, умрини яшаб бўлган сафсатабозликдан иборат мафкуралардан воз кечишимиз керак.

Мен бу хусусда шунинг учун батафсил тўхталиб ўтмоқчиманки, замирида жозибадор бўлиб кўринган куруқ баёнотлар, сиёсий тусдаги шиорлардан бошқа на бир мустахкам замини, на иқтисодий дас-тури бўлган партия ва ҳаракатлар бор. Ана шу да-лиллар, бизнинг муҳолифларимиз билан одамларни ҳаяжоғтга солиб турган масалалар хусусида бўлиб ўтган барча учрашувларимиз, барча мунозараларимиз мазкур ҳақиқатни тасдиқлаб турибди.

Бизнинг фикримизча, ҳар қандай партия, ҳар қан-дай ижтимоий ҳаракат етакчилик ролига даъво қил-моғи учун у халкни даъват

этаётган сиёсий мақсадлар, шиорлар, хуллас, буларнинг ҳаммаси амалий ҳаракатлар, аниқ-равшан иқтисодий дастур билан тасдиқланиши керак.

Ана шундай фавқулодда мураккаб шароитда, бе-сўна^қай иқтисодиёт шароитида, у фақат ҳом ашё етка:зид бераётган бир шароитда, республикамиз боппқа минтақалар ва Марказга тўла қарам бўлиб қолгсан бир вактда ҳаётий муаммоларимизни қандай қилигб ва ниманинг эвазига ҳал қилиш лозим? Шу мунсосабат билан мен куйидагиларни айтмоқчиман: 1917 йил инқилобга қадар ҳам, ундан кейин ҳам ана пгуцдай ҳукмронлик стратегияси юқоридан Ўзбекистонга юборилаётган барча қонунлар, режалар, қўрсаатмаларнинг негизини ташкил этган эди. Гап пгуцдаки, бизнинг жуғрофий ахволимиз, коммуни-кацшяларимиз, ҳаво йўлларимиз, темир йўл транс-портгимиз — буларнинг ҳаммаси бутунлай Марказд^агиларнинг хоҳиш-иродаси ва қарорларига боғ-лиқдир. Хўш, ана шундай мураккаб шароитда Ўзбекистонда барқарорлик, осойишталиқ, тинчлик, миллатлараро тотувлик ва фуқароларнинг ахилли-гинй қандай сақлаб қолиш мумкин? Энг асосийси — одамгларнинг қорнини тўйдириш, уларни кийинти-риш, энг кам микдорда бўлса ҳам ҳар бир оила, ҳар бир кишининг яшashi учун зарур бўлган барча нар-салар билан аҳолини узлуксиз таъминлаб туришдир. Худди ана шу долзарб масала хусусида биз му-холифлар билан ва ҳозир ҳалқни бошқа йўлдан бош-лаб боришга даъвогар бўлган барча кишилар билан ҳар қандай мунозарани бошлашимиз мумкин.

Яна қайтариб айтмоқчиман. Биз ҳалқнинг қис-матй- унинг истиқболи тўғрисидаги фикр-мулоҳа-залар орасидан ҳалқ манфаатига хизмат қиласидиган барча амалий ва ижобий таклифларни қабул қилишга тайёрмиз, эртага ҳар бир оилада, жамиятимизда тин^лик ва осойишталиқни бузишга, ҳалокатга олиб борг^айдиган барча фикр-мулоҳазаларни қабул қилпашга тайёрмиз.

Иттифоқ шартномасини тайёрлаш ва уни имзо-лашга бизнинг муносабатимиз аввал-бошданоқ худ-ди шу фикрга асосланган эди. Биз аниқ ҳисоб-китоб қилиб чиқкан эдик. Биз Ново-Огареводаги ва бошқа жойлардаги барча расмий учрашувларимизда нгу ҳақда гапирдик. Биз бу ҳақда одамларимизни, ҳалқимизни ошкора хабардор этдик, биз дабдабали ва қуруқ ва-танпарварлик тарафдори эмасмиз,

биз келажакни ўйлаб иш юритмокдамиз, биз одамларни зарур нарсалар билан таъминламоқчимиз, биз Ўзбекистонда яшаётган барча кишиларнинг фаровон яшали ва осой-ишта бўлиши учун харакат қилмокдамиз.

Агар Иттифоқ шартномасининг матбуотда эълон қилинган сўнгги вариантини танқидий нуқтаи на-зардан яна бир карра идрок этадиган бўлсак, у бизнинг бош мақсадимиз бўлган масалаларни, биз узоқ вактдан буён ўйлаб юрган масалаларни, бизнинг сиёсатимизга ҳамоҳанг бўлган, одамларимизнинг эҳтиёжи ва интилишларига мос келадиган масалаларни ҳал этишнинг муросали, келишиб олинган йўлларини ифода этишини назарда тутган эдик.

Гап нима ҳакда бормокда?

**Биринчидан.** Биз бу шартномани шунчаки Итти-фоқ шартномаси деб эмас, айни вактда Суверен дав-латлар шартномаси, деб атадик, бунда ҳар бир рес-публика, шу жумладан, суверен давлат ҳисобланган Ўзбекистон ҳам миллий давлат тузилиши масалала-рини ўз худудида сиёсий, иқтисодий масалаларнинг ҳаммасини мустақил ҳал этиб, ўз ҳоҳишига, респуб-лика ҳоҳишига қўра янгитдан тузилиши мўлжалла-наётган, янгилangan Иттифоқда оқилона ва мақсадга мувофиқ тарзда ҳал этилиши лозим бўлган ваколатларини кўнгилли равишда Иттифоққа топширади.

Очиғини айтганда, ҳар биримиз — ана шу барча музокаралар катнашчиларининг ҳар бири, мен ўзим ҳакимда айтишим мумкин, мазкур шартнома феде-рация эмас, балки конфедерация тусида ва мақса-дида тузилгани хусусида анчадан бери ўзига хисоб берар ва буни аниқ кўриб турар эди.

**Иккинчидан.** Биз учун Иттифоқни федерация ёки конфедерация деб аташ асосий масала эмасди, балки мазкур шартнома олдимиизда қандай истиқболлар очади, қандай мустақиллик беради, қандай озодлик келтира-ди — ана пгу нарса муҳим эди. Бу — бизнинг иқтисо-дий стратегиямизга жавоб бериши муҳимдир. Шун-дай катта республика, табиий, моддий, хом ашёвий ре-сурсларга бой, ҳалқи меҳнатсевар республика, 20 миллионли эмас, балки ундан икки баробар кўп аҳолини боқа оладиган республика — мен бу ҳакда кўп марта айтганман — ўз мақсадига эришиши учун ташки ало-қалардан тўла фойдаланиши, жаҳон бозорига муста-қилчилиши, хорижий сармояларни жалб этиши, кўшма корхоналар тузиши, Ўзбекистон

зарур деб ҳисоблаётган барча мамлакатлар билан консуллик ва диплома-тиқ муносабатларни ўрнатиши ва истиқболда БМТнинг тўла хукуқли аъзоси бўлиши зарур.

Биз учун республиканинг ички ҳаёти, энг аввало, маданияти ва маорифининг ривожи, анъаналаримиз, маънавий ҳаётимиз барча жиҳатларининг ривожи ташкаридан ҳеч қандай зўравонликсиз ва аралашув-сиз, фақат биз томонимиздан ҳал қилиниши ҳам муҳим эди.

**Учинчидан.** Яна шу нарса ҳам муҳимки, Итти-фокда давлат ҳокимиятининг янги тузилмаларида, энг аввало, Олий Кенгашда Республикалар Кенгаши қатъий ва ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бу teng овозга эга бўлган ва моҳияти билан янгиланган Иттифоқнинг жуда муҳим масалаларини ҳал этадиган, Иттифоқни ташкил қиласидан барча республи-каларнинг вакиллигидир.

Бугун мен айтган, Иттифоқ шартномасида кўзда тутилган кўпгина масалаларни унинг имзоланиши-ни кутиб ўтирасдан, амалга ошира бошлаганимиз-ни ҳам таъкидлаш зарур.

Келинглар, сизлар билан биргаликда мустақил сиёсий йўлимизни амалга ошириш борасида кўрса-таётган сайд-харакатимиз ҳамда аниқ бир мақсад-га қаратилган ишларимиздан айrim мисолларгаги-на тўхтаб ўтайлик. Бундай мисоллар етарли бўлиб, масалаларнинг кўпчилиги сизнинг бевосита ишти-роқингизда ҳал қилинмоқда. Буларнинг ҳаммаси бизники, уларни биздан ҳеч ким тортиб ололмайди.

Одамларнинг ижтимоий ҳимояланиш даражаси-ни оширишга алоқадор кўп вазифалар ҳал қилинди. Уларнинг анчаси қонун хужжатлари билан мустах-камланди. Президент фармонлари ҳамда хукумат қарорларида мужассамланди. Бу ўринда гап ер участ-калари ажратиш, одамларни ўз ёрдамчи хўжаликла-ри ҳамда якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун барча зарур нарсалар — уруғлик ва кўчатлар, бузоқ ва парранда, бинокорлик материаллари билан таъминлаш тўғрисида бормоқда. Одамлар ўз оиласидарни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш, хўжаликлар билан ортиқча маҳсулотларни харид қилиш тўғрисида меҳнат битимлари тузиш имкониятига эга бўлди.

Ўқитувчиларнинг пенсияси, маоши, талабаларнинг стипендиялари оширилди. Бошланғич синф ўқувчилари учун бепул нонушталар ташкил этилди, хоми-ладор, камқонли аёлларнинг

имтиёзли овқатланиши учун имконият яратилди. Уруш қатнашчилари, ўқитувчилар яшаётган давлат ва идораларнинг уйлари уларга шахсий мулк қилиб берилиши тўғриси-да қарорлар қабул қилинди.

Бозор инфратузилмасини шакллантириш юзасидан ташланган дастлабки қадамлар сезиларли бўлмоқ-да. Республика марказий иқтисодий идоралари ислоҳ қилиниш босқичида турибди. Улар ўз фаолиятида тақ-симвлаш принципидан тобора кўпроқ воз кечмоқда, Марказнинг буйруғидан халос бўлмоқда ва мулк шак-ли ҳамда кимга тобелигидан қатъи назар, республи-када жойлашган барча корхона ва ташкилотлар иши-ни мувофиқлаштиришга тобора кўпроқ аҳамият беришмоқда. Молия-кредит соҳасида чуқур ўзгаришлар рўй берди. Ишга жойлаштириш хизмати мутлақо янги асосда қайта ташкил этилмоқда.

Кичик мулкни хусусийлаштириш соҳасида сезиларли силжишлар бўлди. Савдо, матлубот коопера-цияси, майший хизмат, маҳаллий саноат тизимида мулкчиликнинг бошқа шакллари билан бир қаторда хусусий корхоналар фаолият кўрсатмоқда, коопе-ративлар ва кичик корхоналар тармоғи кенгайди.

Ташки иқтисодий фаолиятимиз анча ривожланди. Тошкент ишбилармонлар учрашуви ташки бо-зордаги ишларимизни жадаллаштиришга, хорижий компаниялар, фирма ва банклар билан бевосита, ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатишга туртки бўлди. У хориждаги кўплаб бизнесменлар учун Ўзбекистон мисолида истиқболли ва ишончли шерикни топиб берди. Учрашув чоғида ва ундан кейин имзоланган битим ва шартномалар республикамизнинг ташки иқтисодий имконияти катта ва хорижий шериклар билан мустаҳкам алоқалар ўрнатишдан манфаатдор эканидан далолат беради.

Биз буларнинг ҳаммасини мустақил равища, етилган масалаларни ҳал этишда Иттифоқ идорала-ридан анча ўзган ҳолда қиляпмиз ва Марказда ҳеч ким бизни бу масала юзасидан табриклагани йўқ. Аксинча, буларнинг ҳаммасини Президент Каримов-

383нинг ўзбошимча иш тутишидир, деб ҳисоблашди. Буларнинг ҳаммаси Иттифоқ кўрсатмаларига жавоб бермайди ёки уларга зиддир, буларнинг ҳаммаси вакти келиб тугатилади, деб айтишди.

Бунинг ажабланадиган жойи йўқ. Марказ ўтка-заётган сиёсат чор Россияси ўтказган сиёсатдан кам фарқ қиласди, республикамиз хом ашё базаси бўлиб қолган эди ва бундай ҳолга барча ташкилотлар, энг аввало, КПСС Марказий Комитети билан Иттифоқ раҳбар органлари асосий масала, деб қарап эди. Улар фақат бир нарсани билишарди — мазкур миңтақа пахта, хом ашё билан таъминлаши керак, қолгани эса сувга чўкаётганларнинг ўз ихтиёридадир, деб ўйлашарди. Бизга кўп нарсалар ваъда қилинди. Рес-публикамиз мамлакат пахта мустақиллиги йўлида анча курбонлар берди. Биз, энг аввало, ахолини гўшт, сут, бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан, халқ истеъмоли моллари билан таъминлаш масалаларида қарам бўлиб қолдик. Экология тўла бузилгани тўғри-сида гапирмай қўяқолайлик. Бу ўринда кишиларнинг заҳарлангани ва улар умрининг қисқарганини ай-тиб ўтиш кифоя. Буларнинг барчаси КПСС Марка-зий Комитетининг партия шиори остида олиб борган сиёсати оқибати эди. Буларни тўғридан-тўғри ва ошкора айтиш керак, бу сиёсат Ўзбекистонни жар ёқасига олиб келди, уни қашшоқлаштириб юборди. Бизни, ўзингизни ўзингиз бўка олмайсиз ва сизга берилаётган хар бир садақа учун Марказга миннат-дорлик биддиришингиз керак, деб ишонтиришарди.

Келинглар, очиfinи айтайлик. Съезд қарорлари-га хеч бўлмаса бирорта керакли сатр киритиш учун қанчадан-қанча қийинчиликларга дуч келинар, азоб тортилар эди. XXVIII съездни олиб кўрайлик. Беш республика вакиллари Орол фожиасига доир резо-люция қабул қилиниши учун қанча уринганини эсга олинг. Съезд жуда кўп қарорлар қабул қилди. Ле-кин бизнинг, айтиш мумкинки, Орол бўйидаги одамлар аслида ўлиб кетаётгани, генофондимиз ҳалокат-га йўликаётгани тўғрисидаги қалб ҳайқириғимизни ҳеч ким эшитмади, пешонамиз метинdek қалин де-ворга бориб урилаверди.

КПСС Марказий Комитетининг менсимаслиги ва буйруқбозлиги шу даражага бориб етдики, Марка-зий Комитет котиби ёки вилоят комитетининг би-ринчи котиби ҳақида гапирмай қўяқолайлик, ҳатто, обком котибини тавсия этиш учун келишиб олишга яқин-яқингача мажбур бўлиб келдик. Ким билан келишардик денг? Қандайдир сектор мудири ёки йўриқчи билан, унинг хонаси олдида қабул қилишини кутиб навбатда турардик. Барча даражадаги партия ходимларининг такдири пгу кишиларга, КПСС Марказий Комитети

аппаратининг оддий амаддорларига боғлиқ бўлиб қолганди.

Могильниченко, Бессарабов ҳамда уларнинг энг фаоли Пономаревни бир эсланг. Уларнинг бу ерга келиши қандай таърифланган эди? Бу бутун бир воқеа бўлган эди. Лекин улар ўзларидан яхши хоти-ра қоддиришмади. Улар биринчи котиб хонаси эши-гини чап оёғи билан очиқ айтишим керакки, аввалига Пономарев, Аниш-чев, Огарок ва уларнинг тўдаси таҳрир қиларди, сўнг Усмонхўжаев минбарга чикиб, ана шу тайёр нарсаларни ўқишга тушарди. У кўпинча маърузада гап нима ҳакда бораётганини билмаган ҳолда ўқирди.

Ана шу кишиларнинг хоҳиш-иродаси билан қан-чадан-қанча одамларнинг, шу жумладан, коммунистларнинг, қанчадан-қанча раҳбарлар ва уларнинг оиласлари тақдири бузилди. Ўзбекистонни ҳеч қачон билмаган, унинг тили, маданияти, бугунги куни ва

ўтмишини билмаган, умрида Ўзбекистонни кўрмаган бу одамлар унинг факат кулларча таъзим қили-шини хоҳлашарди. Шундай кишилар сиёsat юрги-зишарди. Юқорида ўтирганларнинг ҳаммаси уларнинг амалдорлари тайёрлаган карорларгагина имзо чекишарди.

Факат 1989 йилда, Ўзбекистонда Гдлян ва Иванов «фаолиятига» карши қаттиқ қураш авжига чикқан вақтдан бошлаб хушимизга келдик. Халқ ҳақорат-ланган эди, қадимий цивилизация, жуда бой мада-ниятга, буюк меъморлар ва мутафаккирларга эга бўлган бу халқни тиз чўқтиришни хоҳлашарди. Ана ўшанда, халқимиз уйғона бошлаган пайтда тўғонлар очилиб, жилла бўлмаса ҳаддидан ошган прокурор ва терговчиларни тийиб қўйишга харакат қилинди.

Мен Гдлян билан Ивановнинг зиммасига керагидан кўпроқ айбларни юклаётганимизга ишонаман. Улар олий даражадаги раҳбарларнинг кўлларида ито-аткор курол бўлган эди, холос.

Бу ишнинг бошида турган Лигачев қаерда? У шу кунгача ўзини жуда яхши ҳис қилмоқда, эсадаликлар ёзмокда, қолганларнинг ҳаммаси ҳам дам олиб юри-шибди. Ўзларига ёқмайдиган барча кишилардан ана шу баҳонада ўч олиш имкониятини берадиган рўйхатларни Тошкентдан юбориб турган ва хушо-мадгўйларча ахборот билан таъминлаган ювиндихўрлар қаерда қолди? Бу кишиларга ҳеч қандай раҳм-шафқат бўлиши ва уларни кечириш мумкин эмас.

Хўш, КПСС Марказий Комитетида Гдлян билан Ивановни тўхтатиб қолишга ким уринди? Қанчадан-қанча хатлар, адолат сўраб ёзилган илтимосномалар... Уларни тўхтатишга ким харакат қилди? Барча қишлоклар, районлардан юборилаётган бу илтижоларда акс этган халқ қайгуси, унинг нидоларини ҳеч ким эшифтади.

Бу — бизнинг кечаги кунимиз. Лекин, очигини айтадиган бўлсак, унинг оқибатлари ҳозир ҳам се-зилиб турибди. Биз бу масалаларни унута олмаймиз. Халқ буни ҳеч қачон унутмаслигига ишончим комил. Ўн йиллар ўтади, лекин халқ буни ҳеч қачон эсдан чиқармайди ва кечирмайди.

Агар олий даражадаги адолат бўлса, бу одамларнинг ҳаммаси шу ерда, Ўзбекистонда виждон суди олдида жавоб бериши керак. Ушбу тўданинг ташки-лотчиси ва илҳомчиси сифатида Лигачев ҳам жавоб бериши зарур. Файриқонуний қатағонларга қарши-лик кўрсатиши учун иродаси ҳам, мардлиги ҳам етишмаган бекарор раҳбарлар ҳам виждон суди ол-дида жавобгардир.

Мен шу кунга қадар ҳам империячилик руҳияти бартараф этилмаганини қатъий айтаман. Иттифоқ шартномаси устида олиб борилган музокаралар чо-ғида суғурта жамғармасини тузиш тўғрисида мутта-сил баҳс бўлмоқда. Бу суғурта жамғармаси ҳаммани ва энг аввало, Ўрта Осиёдаги барча республикалар-ни теппа-тенг бошланғич шарт-шароитга қўйиш учун керак. Хрзир ҳам бу масала хал этилганий йўқ.

Ахир, мусбатли бюджети бўлган республикалар ҳам бирон нарсада ён босмоқчи эмас. Улар ҳали ҳам чўкаётганлар ўзларини ўзлари кутқариши керак, деган эски ашулади такрорлашда давом этмоқда. Яъни, биз қандоқ қашшоқ кун кечирган бўлсак, шундай ахволда қолаверишимиз керак.

Беш республика раҳбарлари билан учрашувимиз, энг аввало, ўз олдига қандай мақсадни қўйган эди? Чунки, олти йил мобайнида ҳеч нарса қилинмади ва биз халқларимиз йўлиқкан бундай ахволга ортиқча тоқат қила олмаймиз. Биз ўз куч-ғайрати-мизни бирлаштиришимиз керак, шундай қилишга мажбурмиз. Курашсиз, аниқ ва равшан, мустақил сиёсатсиз ҳеч нарсага эриша олмаслигимизни так-рорламоқчиман.

Вазият жуда тез ўзгармоқда. Сиёсий ҳаёт марка-зининг «Марказдан» амадда Россияга ўтганидан сўнг, Украина ўз

мустақиллигини эълон қилганидан сўнг, Болтиқбўйи республикаларининг давлат мустақил-лигини тан олиш сари сезиларли силжиш бўлганидан сўнг биз республика суверенитети тўғрисидаги декларация принципларини ривожлантиришда янги қадамлар қўймасдан тура олмаймиз. Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги билан республика Давлат хавфсизлиги комитетини Ўзбекистон тасарруфига ўтказиш, СССР Ички ишлар вазирлигининг ресгуб-ликада жойлашган ички қўшинларини Ўзбекистон ССР Президентига бўйсундириш, хуқуки мухофа-за қилиш органларини, Ички ишлар вазирлиги қўшинларини ва Туркистон ҳарбий округининг Ўзбе-кистонда жойлашган қисмлари ва муассасаларини партиядан холи қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон ССР Президенти Фармони ана шу тадбирларнинг даст-лабкиси бўлди. Мазкур Фармонга мувофиқ, Олий Кенгаш Раёсатига Ўзбекистон мустақиллиги тўғри-сидаги қонун лойиҳасини қисқа муддат ичida иш-лаб чиқиш ва яқин орада бўладиган сессияга кири-тиш таклиф этилди.

Булар жуда зарур тадбирлардир. Бу тадбирлар тўғри тушунилишига умид қиласиз. Бу тадбирлар одамларнинг миллий мансублигига қараб бирон-бир камситилишига хеч қандай йўл қўймаслиги хусуси-да Президент сифатида сизларни яна бир марта ишонтиришни ўз бурчим деб хисоблайман. Респуб-ликада яшаётган барча миллат ва элатлар вакилла-рининг конституциявий хукуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳакиқий тенг хукуқийлигини таъминлаш, улар ўз она тилида ўқишлири ва муомала қилишла-ри учун тенг имконият яратиш, миллий маданий анъ-аналарни саклаш ва ривожлантириш учун ҳамма ишлар қилинади. Бизнинг сиёсатимиз фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлик сиёсати бўлган ва шун-дай бўлиб қолади.

Буларнинг ҳаммасини сизнинг эътиборингизга ҳавола қилинаётган масалаларни мухокама қилиш чоғида ҳисобга олишингизни сўрайман.

Биринчи. Биз Марказий Комитет Бюроси ва Марказий назорат комиссияси Раёсатининг баёно-тида давлат тўнтариши содир этишдек жиноятко-рона уринишга ўз баҳомизни қатъий баён этган-миз. Фавқулодда ҳолат давлат комитети деб атал-миш комитет пайдо бўлган дастлабки соатларданоқ биз ўз сиёсатимизга асосландик ва

кимларнингдир қандайдир қўрсатмаларига амал қилишга эҳтиёж сезмадик. Буларнинг ҳаммаси қабул қилинган қарорлар, Ҳиндистондан қайтиб келгач, икки соат ўтгандан кейин Тошкент шаҳар фаоллари билан уч-рашган дастлабки кунимдаёқ берган баёнотим би-лан тасдиқланади. Кейин ҳам биз бу ҳақда аниқ ва равшан айтдик.

Пленум биз тутган йўлни, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши ва Ўзбекистон ССР Президенти ҳузурида-ги Вазирлар Маҳкамасининг Қоракалпогистон, ви-лояtlар ва Тошкент шаҳар раҳбарлари иштирокида 19 — 21 август кунлари юзага келган вазият юзасидан ўtkазилган қўшма мажлисининг баёнотини қўллаб-кувватлашига ишонамиз.

Биз пленум номидан бу вазиятда гангиб қолмаган кишиларга, сабр-тоқат, оқиллик, вазминлик қўрсатган ва турли иғволарга учмаган кишиларга — бун-дай одамлар халқимизнинг кўпчилигини ташкил этади — миннатдорлик билдиришимиз ва раҳматлар ай-тишимиз керак.

**Иккинчи.** Бир хил фикрлайдиган ва доктриналарнинг йўлини кувватлайдиган КПСС Марказий Комитети раҳбарларининг ҳам ўтмишдаги, ҳам ҳозирги вақтдаги барча ёвузиликлари, барча бузгунчиликлари, барча жинояткорона хатти-ҳаракатларининг баҳридан тўла ўтишимиз керак. Ўзбекис-тон ҳамма вақт ўзига хос маданиятга, ҳамма вақт соғлом фикрловчи кишиларга эга бўлганини, энг оғир вазиятларда ҳамма вақт халқимизнинг доно-лигига, ақл-заковатига, калб саховатига таянган ҳолда керакли ва тўғри қарорлар топа олганини бутун дунёга айтиш керак.

**Учинчи.** Биз пленумимизда Ўзбекистон Компар-тияси КПСС Марказий Комитети билан ҳар қан-дай алоқаларни тўла тўхтатаётганини, КПССнинг барча тузилмаларидан чиқиб, унинг марказий органларидан ўз вакилларини чақириб олаётганини айтишимиз ва буни навбатдан ташқари съезд-да тасдиқлатиб олишимиз керак. Биз ўз партия аъзоларини ўз қўлига тўла олаётган мустақил сиё-сий ташкилот сифатида ташкил топганимизни бутун масъулият билан айтамиз.

**Тўртинчи.** Мен партиямизнинг навбатдан таш-қари XXIII съездига тайёргарлик қўриш учун Марказий Комитет комиссияси тузилиши тўғрисидаги таклифни сизнинг муҳокамангизга қўяман.

Биз бугунги кунда КПССда вужудга келган ва-зият тоталитар давлатнинг мафкуравий асосини таш-кил этган бутун бир ақидалар тизими ҳамда турли хилдаги «измлар»нинг барбод бўлганини билдири-шини ва улар тоталитар тузумлар билан биргаликда тарих бўлиб қолиши кераклигини англаб етмоғимиз лозим. **КПССнинг жамиятда рўй берадиган жара-ёнлардан шу қадар орқада қолиши, аллақачон етилган ислоҳ қилиш жараёнининг консерватив кучлар томонидан тўхтатиб қўйилиши унинг амал-да парчаланиб кетишига олиб келди.**

Бундан тўғри сабоқ чиқариб олиш керак. Мафку-рамизни, дастурий мақсадларимизни, партия тузил-маларини, унинг жамиятдаги фаолияти шакллари ва услубларини тубдан қайта кўриб чиқиш, **Дастуримиз ҳамда уставимизга тегишли ўзгартишлар киритиш**, биз съездда қабул қиласиган дастурий ҳужжатларга мувофиқ партия номини ўзгартиш тўғрисидаги ма-салани қўйишимиз зарур. Агар буни қилмасак, КПССга ўхшаб бир чеккага чиқиб қоламиз.

Пленумимиздан сўнг бугун биз қабул қиласиган қарорларга мувофиқ ана шу ва бошқа масалалар бўйича барча фаоллар, республика халқи билан яхши маслаҳатлашиб олсак тўғри бўлади, деб ўйлайман.

Биз бир ёқадан бош чиқарган ҳолдагина тўғри сиёсий йўлни ишлаб чиқишимизга аминмиз. Бугун-ги кунда фаолларимиз саросимага тутнмай, иғволар-га учрамай, партиямизни демократик йўл билан чу-кур ислоҳ этиш учун барча ишларни қилишлари керак, деб хисоблаймиз. Бизда меҳнаткашлар ва бу-тун аҳолининг кенг ҳамда мустаҳкам қўллаб-қув-ватлашига, олижаноб мақсадларига эришиш йўлини — хукуклари, ижтимоий ҳолатни таъминлаш, республикамида истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг яشاши учун муносиб шарт-шароитларни яратиш, уларнинг маънавий инсонпарварлик асоси-да ахлоқий жиҳатдан янгиланишини таъминлаш ва бундан кейин ҳам изчил оғишмай амалга ошириш борасида барча зарур шарт-шароитлар мавжуд.

*Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Марказий  
назорат комиссиясининг қўйма  
plenumi dagi maъruza  
1991 йил 28 август*

# **ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ КПССНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССР ҲУДУДИДАГИ МУЛКИ ТҮҒРИСИДА**

Республика меҳнаткашларининг кўпдан-кўп ис-так ва талабларини, жамиятда содир бўлаётган яна-да демократиялаш жараёнларини эътиборга олиб, Ўзбекистон ССРнинг давлат мустақиллиги тўғриси-даги декларацияга ва СССР Президентининг «Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг мулки тўғри-сида» 1991 йил 24 августдаги фармонига амал қилиб:

**1. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Ўзбекистон ССР ҳудудидаги бутун мулкини рес-публика мулки, яъни умумхалқ мулки деб эълон қиласан.**

2. Ўзбекистон ССР Президенти хузуридаги Ва-зирлар Маҳкамаси ва жойлардаги халқ депутатлари кенгашлари ушбу фармонни рўёбга чиқариш бора-сида зарур ишларни амалга ошириб, республика мулки деб эълон қилинган партия мулкининг сақла-нишини ва бундан бўён шу мулқдан Ўзбекистон ССР қонунларига мувофиқ фойдаланишни таъминласин.

Мазкур фармон имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради.

Ўзбекистон Совет Социалистик  
Республикаси Президенти *И. КАРИМОВ*

*Тошкент шаҳри, 1991 йил 29 август*

# МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДАВЛАТ СИЁСАТИ ИНСОНИЙЛИК ВА ЭЗГУЛИК ҚОНУНЛАРИГА АСОСЛАНАДИ

Хурматли ўртоқлар! Юртдошларим!

19 — 21 август кунлари рўй берган давлат тўнта-риши сабабли мамлакат даҳшатли ҳалокат гирдобига ғарқ бўладиган ҳолатга келиб қолди. Ўзларини СССРда Фавқулодда ҳолат давлат комитети деб эълон қилган бир гурух кимсалар миллионлаб одамларнинг бошига янгидан мисли кўрилмаган азоб-уқубатлар солмоқчи бўлишди. Бутун-бутун халқларнинг озод-лигини, республикалар мустақиллигини яна кишан-ламоқчи бўлишди. Улар Иттифоқдаги оғир, мурак-каб вазиятдан фойдаланиб, ўз нопок мақсадларига эришмоқчи бўлишди.

Нега деганда, **Марказнинг бошқаруви мутлақо заифлашиб, парокандалик ва саросимада қолди. Мамлакатни идора қилишга унинг қурби қолмади.** Республикаларнинг мустақил давлат бўлишга ин-тилаётгани Марказда ўтирганларни қўрқитиб юборди. Ҳокимият қўддан кетса, ўзларининг ҳеч кимга керак бўлмай қолишини англаб қолишди.

Хуллас, улар унитар, ўзбекча қилиб айтсак, мар-казлаштирилган бутун ҳокимиятни, хукмронликнинг ҳаммасини ўзининг, яъни Марказ раҳбарларининг қўлида сақлаб қолишга ҳаракат қилишди.

Бўлиб ўтган бу воқеалар халқ хўжалигига, одамларимиз хаётига катта зарба берди. Шусиз ҳам жар ёқасига келиб қолган мамлакат канчалик алғов-далғов бўлиб кетганига Москвада ўтаётган сессиялар, улардаги тортишув ва можаролар яққол мисолдир.

Давлат тўнтариши устидан қозонилган ғалаба ай-рим гурухларнинг бошини айлантириб қўйди. Айни вактда ақл-идрок поймол қилинган умидларни тик-лади. Лекин шу билан бирга, мулоҳаза, ўзаро хур-мат ўрнини яна қонунсизлик, буйруқбозлик, бошқаларни менсимаслик, баъзан эса очиқдан-очиқ фитна ва қатағон аломатлари эгалляпти. Мамла-катда ҳамма хукмронлик, энг муҳим давлат лаво-зимларининг фақатгина битта, энг катта республика кўлига берилаётганининг гувоҳи бўляпмиз.

Бундай ҳаракатлар ҳеч қачон яхшиликка олиб кел-маган ва олиб келмайди ҳам.

Мамлакатда яна қарама-каршилик кучаяди, ту-шунмовчиликлар,

низо кўпаяди. Оқибатда яна халқ азоб чекади, тинчлигини йўқотади.

Ҳар қандай оғир шароитдан фақат ҳамжиҳатлик, муроса, бирбирига ишонч ва бардош билан чиқиб олиш мумкин. Бу — менинг катъий фикрим.

Мамлакатда бугун мавжуд бўлган кескин қара-ма-қаршилик вазияти бир кунда пайдо бўлгани йўқ.

Ново-Огарёвода Иттифоқ шартномаси устида иш олиб борилаётган бир пайтда СССР Олий Кенгаши раҳбарларининг позицияси маълум бўлди. **Улар ҳар хил сиёсий никоблар остида давлатни, марказий бошқарувни эски ҳолича сақлаб қолишига, Итти-фоқ шартномасини тайёрлаш ва имзолашда эса, Иттифоқ Олий Кенгашига энг олий, яъни ҳал қилувчи хукуклар берилишига ҳаракат қилишди.**

Биз эса Иттифоқни факат унинг таркибига ки-рувчи давлатларнинг тўлиқ мустақиллиги ва тенг хукуклилиги билан янгилаш мумкин, деган фикрда

катъий турдик. Асосий келишмовчилик мана шундан иборат эди.

Республикалар ўzlари хоҳлаган ваколатларни Иттифоққа эмас, балки Иттифоқ хоҳлаган ваколатларини республикаларга берармиш.

Иттифоқ органларини янгилашнинг бирмунча қониқарли йўлларини таклиф қилган «9 плюс 1» му-рожаатига бўлган хужумларни эсланг. Ахир, ўша пайтда бу таклифлар ўзаро келишувни таъминлай-диган тўғри ийл эди.

Менга Ҳиндистонда, тўнтаришдан бир кун олдин, мамлакатингизда ҳарбий тўнтариш бўлиши мумкин-ми, деб савол беришди. Ўшанда мен, бизда ўнгдан ҳам, сўлдан ҳам хавф ва дўқ-пўписа бор, деб жавоб қайтардим. Бизни кутқарадиган ягона чора — тезроқ мустақил давлатлар шартномасини имзолаш, дедим.

Консерваторлар, эскича фикрловчи кишилар ўз мақсадларига етолмагач, давлат тўнтаришидек муд-хиш йўлга ўтишли. Бу қадам аввало Иттифоқ шарт-номаси имзоланишини барбод қилишга қаратилган эди. Бу — мамлакат халқларини яна сиёсий ва ижти-моий парокандаликка, тўқнашувларга рўбарў қилиш деган гап эди. Шунинг учун менга бу ҳақда Ҳиндис-тонда хабар беришганида, хаёлимга келган биринчи фикр бу тўнтаришнинг умри қисқа, у — қаллоблик, авантюра, деган фикр бўлди.

Тўнтаришнинг дастлабки соатлари ва кунларидан Ўзбекистон ва

**унинг раҳбарияти ўз муносабатини қатъий маълум қилди: бизнинг ўз мақсадимиз ва ўз йўлимиз бор. Бу йўл - халқимизнинг манфаатига мос йўлдир ва биз унга, нима бўлмасин, қатъ-ий амал қиласиз.**

Шунга асосланиб, биз умумхалқ муҳокамасидан ўтган республикамиз Давлат мустақиллиги деклара- жой қуриш учун одамларни барча зарур нарсалар — уруғлик ва кўчат, чорва моли ва паррандалар, қурилиш материаллари билан таъминлаш тўғрисида боряпти.

Пенсиялар, ўқитувчиларнинг иш ҳақи, талабаларнинг стипендиялари оширилди. Бошлангич синфларнинг ўқувчилари учун белул нонушталар, ане-мия, яъни камқонлик касалига мубтало бўлган ҳомиладор аёллар учун имтиёзли овқатланиш жо-- рий қилинди. Уруш қатнашчиларига, ўқитувчиларга ўzlари яшаб турган, давлат ва идораларга қараш-ли квартиralарни шахсий мулк қилиб топшириш тўғрисида қарорлар қабул қилинди.

Бозор иқтисодиётининг таркибий қисмларини шакллантириш йўлида қўйилган дастлабки қадамлар амалда сезиларли бўлиб қолди.

Республиканинг марказий иқтисодий идоралари ислоҳ қилиниш босқичида турибди. Бу идоралар ўз фаолиятида тақсимлаш принципларидан тобора воз кечмокда, Марказнинг хукмидан холос бўлмокда ва мулкчилик шаклларидан, кимга бўйсунишидан қатъи назар, республикада жойлашган барча корхона ва ташкилотларнинг ишини мувофиқлаштиришга кўпроқ эътибор бермоқда.

Молия-кредит соҳасида чукур ўзгаришлар рўй берди. Иш билан таъминлаш муассасалари принци-пиал янгича асосда қайта ташкил этилмокда. Кичик корхоналарни хусусийлаштириш соҳасида ҳам сезиларли силжишлар бўлди. Савдо, матлубот коопе-рацияси, майший хизмат, маҳаллий саноат соҳасида ҳозирданоқ бошқа мулкчилик шакллари билан баб-баробар хусусий корхоналар ҳам ишлаб турибди. Кооперативлар ҳамда қўшма корхоналар кўпайди ва кенгайди.

Бизнинг ташқи иқтисодий фаолиятимиз сезилар-ли равишда ривожланяпти. Бунинг учун қулай хуқуқий негизни яратадиган қонунлар қабул қилинди. Ишбилармонларнинг Тошкентдаги учрашуви таш-қи бозордаги ишларни кучайтиришга, чет эл компаниялари, фирма ва банклари билан тўғридан-тўғри, ўзаро фойдали алоқаларни ўрнатишга туртки бўлиб хизмат қилди.

Учрашувда чет эллардаги қўпгина ватандошлари-миз ҳам хозир бўлдилар, уларнинг кўпчилиги би-ринчи марта она юртига келишга муваффак бўлди. Улар бизни қўллаб-кувватлаш ва ҳар қандай ёрдам беришга тайёр эканини билдиришди. Тошкент уч-рашуви қўпгина чет эллик сармоядорлар учун Ўзбекистон истиқболли ва ишончли шерик эканини на-моён қилди. Учрашув давомида ва ундан кейин имзоланган шартнома ва битимлар республиканинг ташқи иқтисодий имкониятлари катталигини, чет эл-лик шериклар билан барқарор алоқаларни йўлга қўйишдан ҳамманинг ўзаро манфаатдорлигини кўрсатди.

Узбекистон ҳукумат делегациясининг Ҳиндистонга биринчи мустақил, расмий ташрифи ҳам танлаган йўлимиз тўғри эканининг яққол далилидир.

Ташриф давомида бу буюк қўшни давлат раҳба-рияти билан имзоланган хужжатлар асосида мен шуни ишонч билан айта оламанки, бу тарихий би-тимлар биз учун жуда катта аҳамиятга эга бўлади.

Биз буларнинг ҳаммасини мустақил равища ҳал этиб, етилган масалаларни ечишда Иттифоқ идораларидан сезиларли равища олдинда боряпмиз. Бу хусусда Марказдагиларнинг бирортаси ҳам бизни олқишлиб қабул қилаётгани йўқ. Аксинча, гўё бу — Ўзбекистон Президентининг ўзбошимчалиги деб ҳисоблашмоқда. Буларнинг ҳаммаси Иттифоқ кўрсатмаларига мувофиқ келмас ёки уларга зид эмиш. Гўё буларнинг ҳаммаси вақти келиб тугатилар эмиш.

Бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Марказ ўтказиб келган сиёsat республиканинг ривожланишига, ав-вало, унинг мустақиллигига, миллий тикланишига зиён етказди, холос. Бу сиёsat республикага хом ашё базаси ролини ажратиб қўйган бўлиб, чор Россия-сининг сиёсатидан деярли фарқ қилмасди.

Иттифоқнинг барча бошқарув идоралари мана шуни асосий ўринга қўйишган эди. Улар факат битта нарсани билишарди — бу минтақа пахта, хом ашё билан таъминлаши лозим, қолгани эса ночор ҳалқнинг ўзига ҳавола эди. Бизга кўп нарса ваъда килишганди. Мамлакатнинг пахта мустақиллиги йўлида республика кўп курбонлар берди. Ҳалқи-миз тақдири гўшт, сут ва хаёт учун энг зарур бўлган бошқа маҳсулотларнинг факат четдан олиб кели-нишига боғлиқ

қилиб қўйилди.

Мана шуларни очиқ айтиш пайти келди, акс ҳолда биз халкни ишонтира олмаймиз. Шуни рўйирост ай-тиш керакки, бундай сиёsat Ўзбекистонни ҳалокат ёқасига, қашшоқ, ночор ахволга олиб келди. Бюд-жетда эса молиявий қарамликка олиб келиб қўйди.

Сарф-харажатларимизнинг етишмаётган қисми-ни қоплаш учун Марказ бир оз қўшимча пул — са-дақа беради, деган умид билан яшашга бизни маж-бур қилишди, ҳар бир арзимаган нарса учун биз Марказга бўйин эгиб борар эдик.

Бу вакт ичидা бизга ким дўсту ким душман, ким бизга яхшилик, тинчлик, хотиржамлик тилайди-ю, кимнинг қўинида тоши борлигини ҳам аниқ билиб олдик.

Биз юртимизни чин юракдан севиб, унга кўнгил қўйганларни ҳам ва аксинча, бизнинг тарихимизни, тилимизни, урф-одатларимизни, улуғ маданиятимиз-ни хеч қачон билмаган ва билишни истамайдиганларни ҳам тушуниб етдик.

Сиёсий, иқтисодий ва маънавий эркинликка эришиш, республикамизнинг озодлиги ва муста-қиллиги йўлида гуноҳсиз жабр тортган авлодла-римиз, одамларимиз шаънни, номини, ор-ному-сини тиклаш борасида сўнгги йилларда қилинган ишларни халқимиз қўллаб-қувватлади. Аҳолининг барча табақалари вакиллари бундан руҳланди, халқнинг сиёсий ва маънавий онги юксалди, хул-лас, одамларнинг қадди ростланди.

Буларнинг ҳаммасига халқимиз не азоблар би-лан, ўзининг бутун тарихи ва мисли қўрилмаган меҳ-нати билан эришди. Шунинг учун биз бу йўлдан қайт-маймиз. Бу — бизнинг халқимиз, унинг келажаги олдидаги бурчимиз, жавобгарлигимиздир.

**Бугун халқимизга шу нарса аниқки, ўз олди-мизга қўйган мақсад ва вазифаларга эришишнинг ягона йўли бор. У ҳам бўлса - республиканинг мустақиллигига эришишдир.**

Мамлакат катта фалокат ёқасига, жар ёқасига келиб қолганини кўриб турибмиз. Халқ ўзининг эр-танги кунига ишончини кундан-кунга йўқотяпти. Одамлар ўзининг, оиласининг, бола-чақасининг тинчлигига кафолат истайди. Тўқис хотиржам хаёт талаб қиляпти. Бу истаклар, бу талаблар сафсата-бозлик ва ваъдабозликлар остида кўмилиб кетяпти.

Бизнинг халқимиз сабр-бардош, яхшилик, осо-йишталик, бошқа

халқдарга нисбатан хайрихохдик ру-хида тарбияланган. Бу халқ бугун биздан ҳимоя та-лаб қиляпти, тинч-тотув ҳаёт, оғир меңнатига яраша турмуш шароитлари талаб қиляпти. Бу — ҳаққоний талабдир.

Хабарингиз бор, биз сўнгги пайтда Иттифоқ шарт-номасини имзолашни тезлаштириш тарафдори бўлиб келдик. Агар бу Иттифоқнинг конфедерация асоси-да ҳақиқатан ҳам teng, Мустақил давлатлар итти-фоқи бўлишига ишонч бўлгандা, биз бугунги кунда ҳам бу фикримиздан қайтмас эдик.

Аммо яна қайтариб айтаман, вазият жуда тез ўзга-риб бормоқда.

Мен бугун мазкур сессия иштирокчилари гагина эмас, бутун халқимизга ҳам мурожаат қилиб айт-моқчиман: **Ўзбекистон раҳбарияти ҳеч қачон, қан-дай иттифоқ бўлмасин, ким билан иттифоқ бўлма-син, қандай шароит бўлмасин, иккинчи даражали ролга рози бўлмайди, бунга йўл ҳам қўймайди. Тенглар ичиде teng бўлиш - халқимизнинг асрий орзусидир.**

Шунинг учун биз ўз мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш ўйлида янги қадамлар қўйишимиз шарт. Ўзбекистон давлат мустақиллиги декларация-си қабул қилиниши қаторида Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлиги комитетининг республика қарамогига ўтиши, СССР Ички ишлар вазирлигининг юртимиздаги қўшинлари республи-ка Президентига бўйсундирилиши, хукуқ-тартибот органларида, Ички ишлар вазирлигининг ҳамда Тур-қистон ҳарбий округининг Ўзбекистонда жойлашган қўшинларида партия ташкилотларининг тугати-лиши ана шундай биринчи қадамлардир.

Биз билан самимий дўстлик алоқаларини, teng ва ўзаро фойдали ҳамкорликни ўрнатмоқчи бўлган бар-ча кишилар бу тадбирларимизни тўғри тушунишини хоҳлайман.

Бу мамлакатимиздаги бошқа халқлар билан ало-қаларни мутлақо узиш деган гап эмас. Хусусан, бир-бирига пайванд бўлиб кетган халқдар яшайдиган Ўрта Осиё шароитида буни тасаввур қилиб ҳам бўлмайди. Ўзбекистоннинг Қозогистон, Туркменистан, Тажикистан, Қирғизистон халқлари билан минг йиллик муштарак тарихи ва маданияти, қавм-қарин-дошлиги, умумий орзу-умидлари бор. Уларни ҳеч қандай куч бир-биридан ажратолмайди.

Биз бу алоқаларни, бу ҳамкорликни бундан ке-йин ҳам мустақил давлатлар ҳамкорлиги сифатида ривожлантирумокчимиз. Беш

республика раҳбарла-рининг Тошкентда бўлиб ўтган учрашуvida қабул қилинган қарорларини оғишмай амалга оширамиз. Минтақада яшовчи барча халқларнинг хаётига ва тинч-тотувлигига таъсир қилувчи мураккаб эколо-тик, иқтисодий, ижтимоий муаммоларни фақат бир-галикда ҳал эта олишимизга ишончнимиз комил...

Мана шу шароитга, сабабларга асосланиб, халқи-миз хоҳиширодасини бажо келтириб, Олий Кен-гаш дикқатига фақат бир масалани қўймокчиман: Ўзбекистоннинг мустақиллиги ҳақидаги қонунни мухокама этиш ва уни қабул қилишни таклиф эта-ман.

Бу қонунда қадимий ва янгиланаётган диёrimиз-да истиқомат қилаётган барча кишиларнинг хоҳиширодаси ўз ифодасини топган. Халқимизнинг бу эзгу хоҳиширодаси биз учун мукаддасдир.

Сўзимнинг охирида Ўзбекистоннинг мустақиллиги эълон қилиниши муносабати билан унинг ҳудудида яшовчи бирон-бир фуқаронинг миллатига қараб кам-ситилишига йўл қўйилмаслигини яна бир карра ишонтириб айтишни ўзимнинг Президентлик бур-чим деб биламан. Республикамизда истиқомат қилувчи барча мил-лат вакилларининг конституциявий хуқуқларини муҳофаза этиш, уларнинг маданияти, миллий урф-одатлари ривожланишига, она тилида сўзлашиши ва ўқишига барча шароитларни яратиш учун бор им-кониятлар ишга солинади.

Мустақил Ўзбекистоннинг сиёсати — инсоний-лик, эзгулик қонунларига асосланади ҳамда фуқа-ролар осойишталиги ва миллий муроса сиёсати бўлиб қолади.

Мен шу бугундан эътиборан 1 сентябрни рес-публикамизда Мустақиллик куни, умумхалқ бай-рами деб эълон қилишни таклиф этаман.

Бу байрам, сизга, халқимизга муборак бўлсин, азиз юртдошларим!

Бу байрам абадулабад бўлсин!

*Ўн иккинчи чакириқ Ўзбекистон Республикаси  
Олий Кенгашининг навбатдан ташқари  
олтинчи сессиясида сўзланган нутқ  
«Халқ сўзи» газетаси, 1991 йил 31 август*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҚОНУНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИ АСОСЛАРИ ТҮГРИСИДА

Ўзбекистон ССРнинг Мустақиллик декларация-сига ва Ўзбекистон Республикасининг давлат мус-тақииллиги тўғрисидаги баёнотига асосланиб, Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши ушбу қонунни қабул қилди.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикаси ўз таркиби-даги Қорақалпоғистон Республикаси билан бирга, мустақил, демократик давлатdir.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг халқи су-верендир ва у республикада давлат ҳокимиятининг бирдан-бир соҳибидир. У ўз ҳокимиятини ҳам бе-восита, ҳам вакиллик идоралари тизими орқали амалга оширади.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси тўла давлат ҳокимиятига эга, ўзининг миллий-давлат ва маъму-рий-худудий тузилишини, ҳокимият ва бошқарув идоралари тизимини мустақил белгилайди.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг давлат че-гараси ва худуди дахлсиз ва бўлинмас бўлиб, унинг халқи ўз хоҳиш-иродасини эркин билдирамасдан ту-риб ўзгартирилиши мумкин эмас.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва унинг қонунлари устундир. Ўзбекистон Республикаси Давлат идо-раларининг тизими ҳокимиятни қонун чиқарувчи, дан, қайси динга мансублигидан ва эътиқодидан катъи назар, бир хил фуқаролик хуқуқларига эга-дирлар, республика конституцияси ҳамда унинг қонунлари химоясида бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари рес-публикандан ташқарида ҳам Ўзбекистон Республикасининг химоясида бўладилар.

**16-модда.** Ўзбекистон Республикаси ўз тараққи-ёт йўлини, ўз номини аниқлайди, ўз давлат рамзла-рини: герби, байроғи, мадҳиясини таъсис этади, ўз давлат тилини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг рамзлари мукаддасдир ва уларни ҳар кандай тахкирлаш қонун билан

жазоланади.

**17-модда.** Ўзбекистон Республикаси ўз таркиби-даги Қорақалпогистон Республикасининг ҳудудий бу-тунлигини ва мустақиллигини эътироф этади. Ўзбе-қистон Республикаси билан Қорақалпогистон Рес-публикаси ўртасидаги ўзаро муносабатлар тенг хуқуқлилик асосида улар ўртасидаги икки томонла-ма шартномалар ва битимлар воситасида курилади.

Қорақалпогистон Республикаси Ўзбекистон Рес-публикаси таркибидан тегишли қонунлар асосида эркин чиқиш хуқуқини сақлаб қолади.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти И. КАРИМОВ

*Тошкент шаҳри, 1991 йил 31 август*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар  
Маҳкамасининг ҚАРОРИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР  
АКАДЕМИЯСИННИНГ АДАБИЁТ ИЛМГОҲИГА АЛИШЕР  
НАВОИЙ НОМИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбек адабиётининг асосчиси, буюк олим, мута-факкир ва давлат арбоби Алишер Навоий таваллу-дининг 550 йиллиги муносабати билан, республика жамоатчилиги хоҳиш-истакларини инобатга олиб Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг адабиёт илмгоҳига Алишер Навоий номи берилсин.

Вазирлар  
Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

*1991 йил 19 сентябрь*

## **НАВОЙ РУХИ МАДАДКОР БЎЛГАЙ!**

Азиз юртдошлар!

Узоқ-яқиндан келган меҳмонлар!

Хурматли дўстлар!

Авваламбор, улуг бобомиз, миллий ғуруримиз, буюк мутафаккир Мир Алишер Навоий қунларида қатна-шиб, шодлигимизни баҳам кўраётганингиз учун са-мимий миннатдорлик билдиришга рухсат бергайсиз.

Мана, салкам бир йилдирки, Ўзбекистонимизда, Ўрта Осиёда, барча Шарқ халқлари томонидан ни-шонланаётган Алишер Навоийнинг умр ва ижод тўйлари — кутлуғ маърака давом этмоқда. Бу тўй миллат байрамидир. Қадриятимизни яна бир бор улуг-лайдиган байрамидир.

Бу тўй халқимиз, Ўзбекистонимиз ҳаётига ало-хида файз, тароват баҳш этди.

Алишер Навоий йили деб эълон қилинган 1991 йил юртимиз, элимиз тарихида кутлуғ келди, уну-тилмас сана бўлиб қолди.

Бу йил халқимизнинг асрий орзу-умиддари амалга ошиди. Ўзбекистонимиз давлат мустақиллигини эълон қилди ва ўз тақдирини энди ўзи ҳал қиласиган бўлиб қолди.

Сизларни, Ўзбекистоннинг барча фуқароларини, барча ватандошларимизни ана шундай қўшалоқ бай-рам билан республикамиз раҳбарияти номидан, шах-сан ўз номимдан чин юракдан табриклайман ва юр-тимизда ҳакиқий мустақиллик ўрнатиш йўлида ҳам-мангизга куч-куват, мардлик, омонлик, ишларин-гизда ва ҳаётингизда омад тилайман!

Бизнинг тарихимиз, бугунги ҳаётимиз шуни кўрсатдики, озодлик йўли, мустақиллик йўли машақ-қатли ва ғоят оғир бўлади. Ҳали кўп синовлардан ўтишга тўғри келади.

Истиқлол йўлида биринчи кадам қўйганимиздан бошлаб, Ўзбекистон диёрига, унинг раҳбарияти ва сиёсатига маломат тошларини отиш ва тутаётган йўлимизни тўсиш ҳаракатлари кундан-кунга куч-айиб кетяпти.

Албатта, бизлар яхши тушунамизки, ҳозирга қадар мустамлака даражасида турган, шундай бой ва меҳ-натсевар халқقا эга бўлган юртни ҳеч ким ўз хоҳи-ши билан кўлдан чиқариб юборишни

истамайди, жон-жаҳди билан, тиш-тирноги билан ёпишиб олиб, уни қарамлик чангалида сақлаб қолишга интилади.

Мустамлакачилик сиёсати осонлик билан жон бер-майди. Шуни ҳаммамиз яхши эсда тутишимиз керак.

Шу сабабдан бутун ҳалқимизни доим бирдамлик-ка, бир-бирига ҳамнафас ва ҳамдард бўлишга ча-қирган улуғ бобокалонимиз сиймоси олдида, келинглар, бир-биришимизга сўз берайлик: озодлик ва Ис-тиқлол йўлида, бу эзгу ниятларни ҳаётимизга амалий татбиқ этишда бир жон, бир тан бўлайлик! Ҳеч качон танлаган йўлимиздан қайтмайлик!

Агар ҳалқимиз жисплашса, хоҳиш-иродамиз бир бўлса, бизларни ҳеч қандай куч енголмайди! Буни ҳам ҳаммамиз яхши билишимиз зарур.

Қадрли дўстлар!

Биз бугун унтилмас, тарихий воқеанинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Мустакил Ўзбекистоннинг пойтахти — азиз ва жо-нажон Тошкентимиз бағрида Низомиддин Мир Али-шер Навоий ҳайкали ва улкан ҳалқ миллий боғининг очилишида қатнашмоқдамиз.

Мана шу фурсатдан фойдаланиб, Алишер Навоий ҳайкалини яратган ҳайкалтарош, меъмор ва қурув-чиларимизни, боғни безатувчи қўли олтин меҳнат-чиларимизни сизларнинг, азиз дўстлар, номингиздан кутлашга ва миннатдорлик билдиришга рухсат бергайсиз.

Чиндан ҳам, қурувчилар самарали меҳнат қилдилар, тўрт-беш ой мобайнida тўрт-беш йиллик оли-жаноб ишни адо этдилар.

Бунда мен ҳалқимизнинг ўз улуғ фарзандига бўлган улкан меҳроқибатини кўраман.

Алишер Навоий юртни, диёрни кўркам, ҳосилдор боғлар оғушида кўришни орзу қиласа эди:

*Ким бу боз ичра хиромон эрур,*

*Барчаси бир-бирига меҳмон эрур, — деб*

одамларни бир-бирига меҳрибону шафиқ бўлишга, умр, ҳаёт қадрини билишга, дўст-биродарликка ча-қирган эди.

Мен ишонаманки, Навоий ҳайкали, Навоий боғи шахримизнинг, диёrimiznинг энг гўзал ва асосий зиёратгоҳи бўлиб қолади.

Бу ер йиллар, асрлар давомида катта ҳалқ танта-налари, қарияларимизга, ёш авлодимизга, ҳалқимизга малҳам, руҳий мадад

бераdigан севимли ва мароқли бир оромгоҳга айланади, деган катта умидим бор.

Бу боғ ижод аҳли учун илҳом ва камолот маска-нига айланиб кетса, ажаб эмас.

Азиз дўстлар, ватандошлар!

Юртимизнинг азиз меҳмонлари!

Алишер Навоийнинг муҳтарам ихлосмандлари!

Бугун биз бобомиз руҳи оддида чуқур таъзим бажо келтирас эканмиз, ундан аввал ва ундан кейин ўтган улуғ зотларнинг руҳлари ҳам шод бўлади, деб умид қиласиз.

Ўз тарихи ва аждодларини сийлаган ҳалқнинг ке-лажаги албатта порлок бўлади. Ишонамизки, Ўзбе-қистонимиз тез орада дунё ҳамдўстлиги ўртасида ўзига муносиб ўринни эгаллайди, иншоолло. Ана ўшанда ҳам Алишер Навоийнинг қуттуғ номи бизга мададкор бўлади.

Бу кўшк, бу ҳайкал, бу сўлим боғ ҳаммамизга му-борак бўлсин, азиз дўстлар!

Ўзбек ҳалқимизнинг улуғ сиймоси Алишер Наво-ий номидек абадулабад сақлансан, обод бўлсин!

*Ўзбекистон Миллий бобига буюк шоир ва мутафаккир*

*Алишер Навоий тавалудининг 550 йиллиги муносабати*

*билин барпо этилган ҳайкалнинг тантанали очилиши*

*маросимида сўзланган нутқ,*

*«Ҳалқ сўзи» газетаси, 1991 йил 1 октябрь*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОЛАРИГА МУРОЖААТИ

Азиз ака-укалар, опа-сингиллар!  
Мухтарам биродарлар, ўртоқлар!  
Ардоқли дўстларим, ватандошларим!  
Бугун республикамиз жуда оғир ва мураккаб, шу билан бирга, энг масъулиятли ва шарафли даврни бошдан кечирмокда.

Шарафли давр деганимнинг маъноси шуки, биз она Ватанимизни мустақил деб эълон қилдик.

Мустақиллик дегани биз учун энг аввало:

она заминга эгалик, ер ости ва ер усти бойликла-римизни ўзимиз, аввалимбор, республикамида яшаётган аҳоли учун ишлатиш, бошқача айтганда, ўз тақдиримизни ўзимиз ҳал қилишимиз;

миллий демократик давлат тузумини халқимизнинг мустақил иродаси билан ташкил этиш. Ўзбекис-тон тупроғида яшайдиган ҳар бир инсон учун, унинг миллати, дини ва эътиқодига қарамасдан, муносиб ҳаёт яратиш, инсон ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилиш;

халқимизнинг, эл-юртимизнинг келажагини мус-тақил белгилаш, бўлғуси авлодларга тўқис тақдирлар яратиш ва хориж билан, у ёқдаги ватандошлар билан ҳеч қандай воситачиларсиз муносабат ўрна-тиш демакдир.

Даврнинг мураккаблиги эса ана пгу улуғ мақсадлар — ҳақиқий мустақиллик йўлида турган катта қи-

йинчиликлар билан боғлиқ. Бу йўлда мушкул ва ма-шаққатли синовлардан ўтиш учун катта мардлик ва фидоийлик, сабр ва қаноат керак. **Ҳеч ким, ҳеч қачон ўз хоҳиши билан бирорвга эркинлик берган эмас. Шу нарсани ҳаммамиз тушуниб олсак, бир жон, бир тан бўлиб курашсак, халқимизнинг азалий орзусини амалга оширсак - марра бизники.**

Ўзбекистоннинг ери, бойликлари нафакат ўзимизни, замондошларимизни, балки келажак авлодларни, невара-чевараларимизни, бугунги Ўзбекистон халқининг ягона байналмилал оиласини ташкил этув-чи барча инсонларни боқиш ва уларнинг баҳтиёр ҳаётини таъминлаш учун бемалол етиб ортади.

Бу чексиз имкониятларни ишга солиш учун одамларимизга —

ищчиларга, дәхқонларга, хизматчиларга, зиёлиларга, меҳнат жамоалариға, хуллас, ҳар бир шахсга шундай шарт-шароит ва эркинликлар яра-тиб бериш керакки, улар аввало, ўз манфаатлари йўлида ва айни замонда жамият равнақи, давлат бар-қарорлиги йўлида меҳнат қиссинлар.

Демак, ҳаётнинг ўзи жамиятимизни озодлик, де-мократия ва ошкоралик асосида бошқаришни тақо-зо этади.

Ишни республика маънавий бойлигини тиклаш ва камол топтиришдан бошламоғимиз керак.

Халқимизнинг ўтмишини чин маънода эслаш, қадр-қимматига етиш, урф-одатларини, удумларини, ўтган не-не улуғ зотларнинг муборак номларини тиклаш ва уларнинг иззат-хурматини бажо келтириш — сизу бизга насиб этганидан фахрланишимиз керак.

Бугун биз Ўзбекистоннинг ҳар бир фукаросини буюк халқнинг муносиб фарзанди эканини тўла-тўқис англашга ва шу юксак туйгуга яраша амалий ҳаракат қилишга даъват этамиз.

Бошқа миллатларнинг эзгу орзуларини хурмат қилган ва тан олган ҳолда, ўз миллий ғуруримизни юксак даражага кўтариб, олдимизда турган олижа-ноб ниятларимизга эришмоғимиз мумкин.

Максадимиз — одамларнинг кўнглини кўтариб, илму фанимизни, адабиётимиз ва санъатимизни умумбашарий майдонга қайтадан олиб чиқишидир.

**Халқимизнинг хақиқий маънавий бойликлари бўлмиш имон, инсоф, меҳр-оқибат, андиша, ор-но-мус, каттага хурмат, кичикка иззат, меҳмондўст-лик, юрга ва халқقا садоқат** каби фазилатларни асраб-авайлаб, фарзандларимизнинг қон-қонига сингдиралилк, жамиятимизнинг кундалик ҳаётида доимо устувор қилайлик.

Бу ажойиб фазилатлар тўғрисида сўз кетар экан, аввалимбор, диндорлар, дин пешволари билан яқиндан ҳамкорликда, ҳамжиҳатликда иш олиб бориши-миз зарур. Инсон рухи покланишида, ахлоқий тар-бия, эл-юртимизда тинчлик, осойишталик ва мил-латлар тотувлигини сақлашда дин ахли хизматига тан беришимиз лозим.

Бугунги Ўзбекистон — суворен, ўз фуқароларининг ҳақ-хуқуқини, туб манфаатларини таъминлай-диган, ташқи ва ички сиёсатини мустақил олиб бо-раётган давлатdir.

Бу — биз ўз қобигимизга ўралып қоламиз, деган гап эмас. Тенглик ва манфаатдорлик асосида бошқа суверен ва мустакил давлатлар билан — Россия, Украина, Беларусь, Қозогистон, Ўрта Осиё республикалари ва бошқа минтақалар билан алоқани мус-таҳкам қылган холда иш юритишимиз керак.

Мана шунда ягона иқтисодий макон юзага келади, мустакил давлатлар ўртасида ҳалол муносабатлар ўрнатилади.

Шу билан бир каторда биз хорижий мамлакатлар билан ҳам Ўзбекистоннинг манфаатини кўзлаб, ҳар томонлама: сиёсий, иқтисодий, маданий ҳамкорликни ривожлантириш тарафдоримиз.

Эндиgi долзарб вазифа — миллатлар ҳамдўстли-гига teng хукуқли аъзо бўлиб киришдир.

Чет эллардаги сиёсатчилар ҳам, иқтисодчилар ҳам Ўзбекистоннинг қай даражада иқтисодий ва маъна-вий салмоғи борлигини англай бошладилар. Бизнинг мустакил давлатимизни расман тан олиш ва у билан teng хукуқли муносабатлар ўрнатиш жараёни бош-ланди.

Ҳозирги иқтисодий вазият, қимматчилик, тақ-чиллик, нарх-наво ўсиб бораётгани, моддий таъ-минотнинг эса кун сайин пасайиб кетаётгани, шу сабабли чайковчилик, қонунбузарлик ва жиноят-чилик кўпаяётгани ҳалқимизни ташвишга солмоқ-да. Бундай аҳвол бутун мамлакатда мавжуд бўлиб, Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Эски маъму-рий-буйруқбозлик ҳокимиятининг емирилиб кетиши, Марказнинг вазиятни идора этолмай қолгани, бошқача қилиб айтганда, янги иморатнинг пойдевори қурилмасдан, эскисининг бутунлай қулатиб юборилгани - бунга асосий сабаблардан бўлди.

Аҳволни кескинлаштираётган сабаблардан яна бири — ўтмишда Иттифоқни бошқарган ва ундан олдин Россия империясини бошқарган кимсалар олиб борган сиёсат оқибатида бугун Ўзбекистон арzon хом ашё манбаига айлангани, ўз фуқароларини тайёр маҳсулот — биринчи навбатда, кенг истеъмол моллари билан таъминлашда заиф бўлиб қолгани.

**Фақат хом ашё чиқарган ва хом ашё сотган элнинг косаси оқармайди. Бу - оддий ҳақиқат.** Мана шунинг учун ҳам бизнинг бугунги асосий вазифамиз — қаддимизни ростлаб, бутун имкониятларимиз ва ре-зервларимизни тўғри хисоблаб чикиб,

келажак йўлларимизни тўғри тушуниб, ўзимизнинг мустақил иқтисодий сиёсатимизни юритишидир.

Биринчи навбатда, тараққиётнинг энг керакли манбаи бўлмиш мўл-кўл хом ашёмизни ва минтақа-мизда мавжуд иш қучларини ўз тупроғимизда, ўз эл-юртимизда тайёр маҳсулот чиқаришга жалб этиш лозим.

Шу йўлда илгор замонавий технологияларни чет элдан олиб келиб, қишлоқ жойларда ва ишчи кучи ортиқча бўлган районларда ихчам корхоналар таш-кил этиш мақсадга мувофиқдир.

Чет эл инвестицияларини манфаатли тарзда рес-публикага жалб этиш, қўшма корхоналар сонини кўпайтириш, етишиб чиқсан тадбиркор-ишбилар-монларга кенг имконият яратиб бериш, ташки бо-зорга чиқиш ва ички бозорни товарлар билан бойи-тиш зарур.

Мулкчиликнинг барча турларига йўл очиш, ай-никса, хусусий мулкчиликни ва колхоз-кооператив мулкчилиги шаклини замон талабларига мос тарзда кучайтириш керак.

Бу сиёсатни амалда татбиқ қилишда, авваламбор, қишлоқ хўжалиги ва у билан боғлиқ соҳаларнинг ривожи, энг муҳими, қишлоқ жойларда яшайдиган халқимизнинг манфаатлари устун бўлиши лозим.

Нега деганда, юртни боқадиган ва халқ хўжали-гининг барча тармоқларини хом ашё билан таъмин-лайдиган - дехқон аҳлидир. Бошқа халқ хўжалиги тармоқлари қаторида қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаётган, меҳнат қилаётган кишиларга кўпроқ эр-кинлик ва имтиёзлар берилиши шарт.

Дехқон аҳли бизни асло доғда қолдирмайди. Би-римизни, албатта, юз қилиб кайтаради.

Бозор муносабатларига ўтиш ўз-ўзидан бўлмайди. Ўтиш даврининг қийинчиликларини бугун ҳам-мамиз кўриб турибмиз. Шундай бир оғир шароитда аҳолининг иқтисодий заиф табақаларини ҳимоя килиш — давлат раҳбарлари, хусусан, республика Президентининг диққат марказида бўлмоғи керак.

Кам даромадли кишиларни қийинчиликлардан соғ-омон олиб ўтиш, уларга ёрдам бериш, имтиёзлар яратиш, турли нафака ва бошқа иқтисодий ен-гилликлар микдорини ошириш — энг савобли мақсаддир.

Пул-кредит тизимини мустаҳкамлаш, одамларнинг ойлигини

ошириш, нарх-навони жиловлаб туриш — бизнинг биринчи гаддаги вазифамиз бўлмоғи шарт.

Албатта, ишнинг кўзини билган одамлар меҳна-тига яраша ҳақ олиши зарур. Бунга ҳаммамиз тан беришимиз керак. Лекин айни замонда жамияти-мизни иккита қарама-қарши қисмга — ўта бойлар ва ўта ғариб-камбағаллар тоифасига ажратиб қўймаслик керак. Ҳукумат ва Президент кўрадиган асосий ҳимоя чоралари, энг аввало, **ногиронлар, етим-есирлар, қариялар, кўп фарзандли оналар, талабалар ва мактаб ўқувчилари** манфаатларига хизмат қиласди. Агар бирорларнинг чексиз бойиши-га йўл очиб бериб, бошқаларнинг гадоларча ҳаёт ке-чиришига чидаб қараб турса, бундай давлатнинг ҳам, бундай салтанатнинг ҳам умуман ҳеч кимга кераги йўқ.

Ўзбекистон диёрида яшаётган миллионлаб оиласлар бадавлат бўлмасдан туриб давлатимиз бой бўлол-майди — бизнинг шиоримиз шу. Бундай сиёсат жа-миятимизнинг етакчи сиёсати бўлиб қолади.

Иқтисодий мустақиллик дастурининг яна бир му-ҳим жиҳати борки, бу — ёшларга эътибор. Афсус-ки, яқин-яқин даврларгача ёшларга нисбатан ишонч-сизлик мавжуд эди. Биз бу иллатни тугатишга ки-ришдик. Савдо-тижоратда, иқтисодиёт ва гуманитар соҳаларда орттирилган билим ва тажрибаларни ўрга-ниш учун ёш олим ва мутахассисларни чет элларга юбориш кенг қўламда жорий қилинди.

Бизга юксак маърифатли, энг мураккаб ускуналарни бошқара оладиган малакали, замонавий иш-чилар ҳам сув билан ҳаводек зарур.

Инсон тинч ва бехавотир яшаётганида тинчлик-тотувликнинг қадрига етмаслиги ҳам мумкин. Ке-йинги икки-уч йиллик ҳаётимиз шуни кўрсатдики, ҳар бир тинч ўтган қунимизнинг ўзи катта бир давлат экан. Фаргона ва Ўш воқеаларини эслаб кўрай-лик. Ўша фожиали ва қайгули қунларни ёдга олсақ, бугунги тинчлигимизнинг ҳар бир дақиқаси нақа-дар қадрли экани очиқ-ойдин намоён бўлади.

Ўзбекистонда яшаётган кимки бўлмасин, ҳар қайси оиласин, ҳар бир фуқаронинг, меҳрибон оналаримиз ва муnis аёлларимизнинг, гулдек бо-лаларимизнинг тинчлиги, осойишталиги ва тотув-лиги учун бутун борлигимизни баҳш этсак ҳам ар-зиди.

Халқимизнинг ажойиб гапи бор: бир кун жанжал чиқкан уйдан кирқ кун барака кетади. «Барака» деган сўзнинг маъносини, мохиятини чукурроқ тушу-нишга ҳаракат қилсан, савоб бўлади.

Халқ хотиржамлиги, эл-юрт осойишталиги — сизү бизнинг кўлимиизда.

Агар аҳил бўлсак, хотиржам ва ҳамжиҳат бўлсак, олижаноб интилишларимиз йўлида, халқ тили билан айтганда, бир ёқадан бош чиқарсак, турлича қарашларда бўлишимиз мумкинлигидан қатъи назар, улуғ мақсадимиз — ҳақиқий мустақилликка эришмоғи-миз муқаррар.

Юртимизда тинчлик ва аҳиллик барқарор бўлсин.

Барча эзгу ниятларимиз рўёбга чиқсин.

«Халқ сўзи» газетаси, 1991 йил 3 декабрь

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИННИГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ IX СЕССИЯСИ ҲАҚИДА АХБОРОТ**

1992 йил 4 январь куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқа-ри тўққизинчи сессияси очилди.

Марказий сайлов комиссиясининг раиси Қ.А. Ахмедов Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Республика давлат мустақиллиги тўғри-сидаги референдум якунлари ҳақида ахборот берди.

Сўнгра И.А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимини бажаришга киришиш тантанали маросими бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавози-мини бажаришга киришар экан, Ўзбекистон халқларига садоқат билан хизмат қилишга, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларига қатъий риоя этишга, зиммасига юклangan вазифаларни вижданан бажа-ришга қасамёд қидди.

И.А. Каримов Олий Кенгаш сессиясида нутқ сўз-лади.

Олий Кенгаш Президент И.А. Каримовнинг дас-турий нутқи хусусида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А. Каримов Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини тузиш тўғрисидаги битим ва протокол ҳақида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Республикаси ўртасидаги алоқаларнинг асослари ва мақсадлари тўғрисидаги шартнома ҳамда иқтисоди-ёт соҳасида уларнинг ўртасида тузилган битим тўғри-сида маъруза қидди.

Олий Кенгаш бу ҳужжатни тасдиқлади.

Республика парламенти Озарбайжон Республикаси, Арманистон Республикаси, Беларусь Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Молдова Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси, Туркманистон ва Украина давлат мустақиллигини тан олди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси давлат мус-тақиllibигини таниган мамлакатларнинг давлат бош-ликлари ва парламентларига Олий Кенгаш мурожаат-номасини қабул қилдилар.

Сессияда Республика Конституциясига ўзгарти-ришлар ва кўшимчалар киритилди. Қабул қилинган қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси вице-президенти лавозими тугатилади ва

Бош вазир ла-возими жорий этилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига қонун лойиҳаларини тақдим этиш ҳукуки берилади. Сес-сияда республика маҳаллий ҳокимият органларини қайта тузиш тўғрисидаги қонун қабул қилинди.

Олий Кенгаш Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил биринчи чораги фавқулодда бюджети тўғриси-даги қонунини қабул қилди.

Сессияда Олий Кенгашнинг «Ўзбекистон Республикасидан СССР Олий Кенгаши палаталари тарки-бига вакил қилиб юбориладиган СССР халқ депу-татлари ва Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари номзодлари тўғрисида»ги қарори бекор қилинди ва Ўзбекистон Республикасидан сайланган СССР халқ депутатлари ваколатларини тўхтатиш тўғриси-да қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи» газетаси, 1992 йил 5 январь

**МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ  
БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ  
КАРИМОВ  
ҚАСАМЁДИ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимини бажаришга киришар эканман, республикамиз халқига садоқат билан хизмат қилишга, фуқароларнинг хукуқ ва эркинликларига кафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига қатъий риоя этишга, зиммамга юкландиган юксак вазифаларни вижданан бажаришга қасамёд қиласман.

## **ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁ ХАРИТАСИДА ЎЗИГА МУНОСИБ ЖОЙ ОЛДИ**

Азиз дўстлар, биродарлар!

Авваламбор, сиз азизларга, сизлар орқали бутун халқимизга менга билдирган ишончингиз учун са-мимий раҳматлар айтаман.

Мана, 1992 йилга катта ишонч, умид билан қадам қўйдик. Ана шу умид ва ишончнинг замини нима? Бу саволга жавоб бериш учун босиб ўтилган йўлга, кечаги кунимизга назар солиш керак. Айниқса, 1991 йилдаги силжишлар, тарихий, унтилмас во-қеалар замирида Олий Кенгаш билан биргаликда иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва сиёсий соҳаларда қилган айрим ишларимизни эслатиб ўтмоқ-чиман.

**Биринчи.** Маънавий ҳаётимизда уйғониш юз берди. Тарихни тикладик. Она тилимизни англадик. Улуғ боболаримиз руҳини шод этдик. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир сингари халқ жигар-бандларининг номи, иззат-икроми, хурмати ўз жойи-га қўйилди.

Удумларимиз, қадриятларимизга қайтдик. Юрти-мизга Наврӯз кириб келди. Рамазон, Курбон ҳайитларига етдик.

Динга муносабатимиз ўзгарди. Ўртадаги тушун-мовчилик, қарама-қаршилик йўқолди. Бунинг ўрнига ҳамкорлик, ҳамжиҳатликка ўтдик

Ошкоралик, демократия йўлида биринчи, лекин дадил қадамлар қўйдик.

Бир сўз билан айтганда, ўзлигимизни англадик. Аниқроқ қилиб айтсан, ўзлигимизга қайтдик. Халқи-мизда миллий ғурур учун белни боғлаб, дўппини дол қўйиб юриш учун замин яратдик.

**Иккинчи.** Сиёсий йўлда бурилиш бўлди. Неча йил-лик орзу-умидларимиз рўёбга чикди. Мана шу ерда сизлар билан Мустақиллик декларациясини қабул қил-дик. Кейин Мустақиллик қонунини эълон этдик. Ўшан-да халқимизнинг хоҳиш-иродаси ифода қилинганини 29 декабрда ўтказилган референдум исботлаб берди.

**Мустақиллик бизга нима беришини билардик.** Ўз тақдиримиз, фарзандларимиз келажагини ўзимиз ҳал этиш имконига эга бўлдик. Ўз еrimиз, бойликларимизга соҳиблик қила бошладик. Қисқа вакт ичida мустақилликнинг неъматларини

**татиб кўрдик.**

**Мустақиллик туфайли дунёга, жаҳонга чиқдик. Қарийб юз йилдан бери ёпиб қўйилган чегаралар очилди, ватандошларимиз билан юз кўришдик.**

Қисқа қилиб айтганда, жаҳон жамоаси Ўзбекис-тонни, бизнинг Ватанимизни қучоқ очиб қабул қилди.

**Дунё харитасида энди катта ҳарфлар билан «ЎЗБЕКИСТОН» деб ёзиб қўйиладиган бўлди.**

Ҳозиргача дунёнинг ўттиз мамлакати Ўзбекистон Республикасини таниди, тан олди. Туркия, Америка Қўшма Штатлари, Канада, Япония, Буюк Британия, Саудия Арабистони, Эрон, Покистон, Хиндистон, Хитой сингари йирик давлатлар ана шулар жумла-сидандир. Бу ишонч руҳимизни кўтарди, келажакка йўлимизни очиб берди.

Собиқ Иттифоқ доирасидаги мустақил республикалар билан ҳам қайта куриш даврида узилган ришталарни боғладик. Яхши муносабатлар ўрнатдик.

Россия, Украина, Беларусь ва бошқа давлатлар би-лан дўстона алоқаларни мустаҳкамладик.

Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон — қон-дош-қариндош қўшниларимиз билан янада яқинроқ бўлдик.

Бугун шуни комил ишонч билан айтишим мум-кинки, мустақил давлатлар даврасида Ўзбекистон ўзининг ўрнини эгаллади. **Ўзбекистон тенглараро тенг бўлди.** Ана шунинг ўзи ҳам умид юлдузидир.

**Учинчи.** Иқтисодий соҳада бурилиш бошланди. Факат 1991 йилнинг ўзида бозор иқтисодиётiga ўтиш учун бир қанча иш қилдик.

Сизларнинг иштирокингизда мулкчилик, тадбир-корлик, чет эл мамлакатлари билан савдо-сотик ҳамда инвестициялар ҳақида ва бошқа қанчадан-қанча қонунлар қабул қилдик. Иқтисодий эркинлик, корхоналар, хўжаликларга эркинлик, фермерларни кўллаб-кувватлаш, шахсий томорқа эгаларига ёрдам бериш бўйича фармонлар чиқардик.

Қаранг, шахсий мулк пайдо бўлди. Тижорат ри-вожлана бошлади. Хорижий мамлакатлар кўмагида қўшма корхоналар кўпаймоқда. Банк системаси бўйича ҳам жаҳонга чиқилди.

Дунё ишбилармонлари учун юртимизда шароит яратдик. Ўзбекистон ўзининг олтин хазинасига эга бўлди. Халқини ўзи

бошқариш ва боқиши масаласи-ни Ўзбекистон ўзи ҳал қила бошлади. Оддий фуқа-роларга, ҳар бир оиласига ўз ризк-рўзини таъминлашга кўмак беришда биринчи қадамларни қўйдик. Бугун республикамизда, шахарда ҳам, қишлоқда ҳам да-дил ҳаракат йўли очилди. Эртанги кунга умид бор. Бу эса ўз самарасини албатта беради.

**Тўртинчи.** Ижтимоий адолат ўз жойига туша бош-лади. Одамларни меҳнати натижасидан рози қилиш йўли тутилмоқда. Мухтож, кўпболали, каровсиз қолган оиласига, кариялар ва ёшларимизга ёрдам қўли чўзилди. Фақат куни кечага қабул қилинган фармон би-лан қанча талабалар, саломатлик посбонлари, заҳмат-каш муаллимларнинг ташвишларини бир оз бўлса-да, енгил қилдик. Одамлар ер олди. Қурилиш учун имко-ният берилди. Бир йилда 700 минг янги оила, хонадон пайдо бўлди. Буни фаҳрланмасдан айтиш мумкин эмас.

**Ўзини адолатли деб келган, лекин ўта адолат-сиз бўлган Марказ Ўзбекистонга, ўзбек ҳалқига қанча тамға босмади, қанча маломат тошлари отил-мади.** Лекин маҳкам туриб адолатга эришдик. Ўзбек номини бадном қилиш ҳаракатларига зарба бердик. Бугун мана шу минбардан сизларга ёруғ юз билан айтаманки, «пахта иши» билан қамалғанларнинг ҳаммаси афв этилди!

Менга ана шу хайрли, хосиятли ишлар умид ба-фишлайди.

**Бешинчи.** Халқимизга минг раҳмат айтмоқчиман: фуқаролар ва миллатлар ўртасидаги тотувлик, тенг-лик, осойишталикни сақлаб, мустаҳкамлаб турибди. Дини, эътиқоди, миллатига караб ажратиш фалокат эканини, офат эканини, у ҳаммани жарга қулати-шини одамлар тушуниб олишди. Шунинг учун ҳам уларга яна бир карра раҳмат дейман.

Азиз дўстлар, қилинган ишлар ҳақида сиз — ҳалқ вакиллари, бутун эл-юртимиз олдида ҳисоб берар эканман, бошлаган хайрли қадамларимизга асосла-ниб, авваламбор, халқимизни ҳозир бошидан кечи-раётган катта қийинчиликлар, синовлардан чиқара-диган йўл тўғрисида, одамларимизнинг умидини, ишончини окладиган фаровон ва эркин ҳаётга эри-шиш учун энг муҳим чора-тадбирлар ҳақида бугун гапиришимиз керак.

Мен масъулиятни ҳис қилиб, ҳалқим олдидағи, унинг келажаги олдидағи жавобгарликни англаб, ўз сиёсатимни яна бир марта сиз

билин келишиб ол-моқчиман. Хўш, биз қайси йўлдан борамиз? Унинг йўналишлари нималардан иборат?

**Биринчидан.** Юзага келган вазиятни, бугунги ҳаётни ҳисобга олиб, халқимиз иқтисодий барқа-рорликни таъминлаш чорасини кутяпти. **Эски ту-зум асорати, касофати туфайли бугун халқимиз оғир ахволга тушиб қолди. Уни ёруғ ҳаётга етка-зиш ҳозирги кундаги энг асосий ва долзарб вази-фаларимиздан биридир.**

Адолат нуқтаи назаридан караганда ҳам кўпбо-лали оиласлар, ногиронлар, бозор иқтисоди зарбаси остида қолганлар, ўзини ўнглаб ололмаётганлар, хул-лас — ёрдамга, мададга муҳтоjlарни Президент ўз паноҳига олиши шарт, деб ҳисоблайман.

Халқни озик-овқат маҳсулотлари билан таъмин-лаш чоралари кўрилади. Бу соҳада талон тизими сак-лаб турилади. Унга риоя қилиш устидан қаттиқ на-зорат ўрнатилади.

Ички бозорни ҳимоя қилиш мақсадида купондан фойдаланамиз. Сир эмас, айрим республикаларда эр-кин нархларга ўтилиши, чегаралар йўқдиги туфайли бизда ҳам нарх-наво осмонга чиқиб кетяпти. Шунга қарамасдан, биз кун кечириш учун энг зарур маҳсулотлардан 12 хилининг нархини аввалги ҳолида уш-лаб туришга карор килдик. Нон, ун, шакар, мой ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Болаларимиз учун энг керакли кийим-кечаклардан етти хилини эса талон тизимиға киритдик ва бюд-жет ҳисобидан кўмак берадиган бўлдик. Албатта, булар — биринчи қадамлар. Гап шундаки, ана шу ту-тумни йўқотмаймиз ва давомини кўрамиз, давлат ка-фолатини берамиз. Лўнда қилиб айтганда, Ўзбекис-тон бозор иқтисодига ўтишда ўз йўлини танлаб олган ва бу йўлдан қайтмайди.

Унинг асосий мазмуни ва шиори: халқимизни, би-ринчи навбатда камбағал ва муҳтоj кишиларни, оиласларни ҳимоя қилмасдан, бунга давлат кафола-тини бермасдан бозор иқтисодига ўта олмаймиз!

Бир тоифа одамларнинг чексиз бой бўлиб, яна бир тоифадагиларнинг ғариб, гадо, қашшоқ бўлишларига йўл кўймаслигимиз керак.

Нарх-наво сиёсатини ойлик маош билан чамбар-час боғлаб кўймиз. Мақсадимиз яқин кунларда ўртача ойлик маошни минг сўмга етказишидир. Шунинг учун ҳамма имкониятларимизни ишга солишимиз зарур.

**Иккинчидан.** Тинчлик, тотувлик, осойишталикни саклаш Президентнинг бош вазифасидир. Президент тинчлик, тотувлик кўргонининг меъмори бўлиши ке-рак, деб ҳисоблайман.

Қаердаки тинчликка путур етса, халқ осойишта-лиги хавф остида қолса, ўша жойда Президент пос-бон бўлиши даркор.

Ҳозирги даврда халқимизни катта ташвишга со-лаётган нарса — бу жиноятчиликнинг ўсишидир. Шу сабабли бугун Ўзбекистоннинг бу иллатга қарши ку-раш дастури устида ишляпмиз. Одам ўлдириш, та-лон-торожлик, ўғрилик, порахўрлик, чайковчиликнинг ҳар қандай кўринишига барҳам бериш чораларини кўрамиз. Бунинг учун қатъий интизом талаб этилади.

Хукуқ-тартибот маҳкамаларини мустаҳкамлаш билан бирга, уларга кўмак бериш ҳам керак. Уларнинг меҳнатини қадрлаш йўли билан бирга, обрўси-ни ошириш лозим. Халқ депутатлари, жамоатчилик, маҳалла комитетлари уларга жиноятчилик йўлини тўсишларида ёрдам беришларига муҳтоjmиз.

Халқ очликка, ночорликка ҳамма нарсага чидаши мумкин, лекин билиб қўйинглар, адолатсизликка чи-дамайди!

**Учинчидан.** Фуқаролар ва миллатларо тинчлик-ни сакдаш.

Миллати, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар бир кишининг шахс ва виждан эркинлиги таъминланади. Унинг миллатига, тилига ва маданиятига хурмат кўрсатилади. Худо кўрсатмасин, бир йигит йиқилса, она йиқилади, ота йиқилади, оила мотамга ботади, қишлоқ йиғлайди. Ўн йигит йиқилса-чи? Юз йигит йиқилса-чи? Ахир, баъзи минтақаларда миллий ни-золар туфайли келинчаклар бева қолмокда, оналар «болам!» деб фарёд чекяпти. Йўқ, бунга йўл қўйиш мумкин эмас ва йўл қўймаймиз ҳам!

Азиз дўстлар!

Нима керак бўлса, айтинг, ҳаммасини қилиб бе-рамиз. Лекин, азиз оналар, опа-сингиллар, отахонлар, дўстлар, укажонлар, мен Президент бўлсан ҳам сиздан тиз чўкиб сўрайман, илтимос қиласман: шу масалада ёрдам қилинг!

Ахир, Куръони карим ҳам дўстликка, биродар-ликка чақиради, низо чиқаришни қоралайди.

Жанжал чиққан юртдан худо ҳам юз ўгирап экан. Шу сабаб барака ҳам, ризк-рўз ҳам насия бўлиб қоларкан.

Бу йўлда тинчлик, тотувлик йўлида бизни Аллоҳ таолонинг ўзи

кўлласин, мададкор бўлсин!

**Тўртингидан.** Оёқ-кўли боғланган киши қаноти синган күшдир. Эркинлик эса тараққиётнинг яккаю ягона йўлидир. Шу сабабдан менинг яна бир муҳим мақсадим — эркинлик бериш ва ана шу эркинликни муҳофаза қилишдир. Биринчи галда тадбиркорликка, корхоналар ва хўжаликларга эркинлик беришдир.

Уларни ҳар қандай тазийқдан кутқарамиз. Мулк-чиликнинг барча шаклларига тенг шароит ва имкон яратилади. Хорижий шериклар билан ўзаро манфа-атли алоқалар ўрнатилади. Қўшма корхоналар кўпаяди. Юртимизга чет эл сармояси жалб этилади. Замо-навий технологияни олиб кириш йўлидан борамиз.

Халқимизни озиқ-овқат билан таъминлаш учун, умуман, халқ хўжалигимизни танглиқдан чиқариш сиёсатини татбиқ қилишда, авваламбор, қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришга устувор аҳа-мият беришимиз зарур.

Пировардида булар пештахталарни тўлдиради, дас-турхонимиз тўкин бўлади.

**Бешинчидан.** Маънавий хаётимизда бошланган ишларни давом эттирамиз. Ошкоралик таъминланади. Матбуот, радио, телевидение воситасида одамларнинг маънавий эҳтиёжларини қондиришга эришиш тадбирларини кўрамиз. Бу йўлдаги ҳамма тўсиқлар, тазийклар олиб ташланади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида маданият, санъат, адабиёт оғир ахволга тушди. Уларни иқти-садий зарбадан асраб қолишни Президент ўз бўйнига олиши керак, деб ҳисоблайман.

Тарихга, меросимизга муносабатни амалий изга кўчириш лозим. Яъни, дарсликлардан тортиб оддий ўқув китобларигача ҳақиқат ёзилиши шарт. Бу бизнинг ота-боболаримиз руҳи олдидаги қарзимиздир.

**Олтинчидан.** Келажак бугундан бошланади. Хрзир тарбия масаласига эътибор қилинмаса, келажак бой берилади. Тарбиядан ҳеч нарсани аямаймиз.

**Маънавий ва ахлоқий покланиш, имон, инсоф, диёнат, орномус, меҳр-оқибат ва шу қаби чина-кам инсоний фазилатлар ўз-ўзидан келмайди. Ҳам-масининг заминида тарбия ётади.**

Шу боисдан тарбиячиларга, ўқитувчиларимизга, ўқув юртлари домлалари, профессорларига моддий ва маънавий ёрдамимизни сира

аямаслигимиз керак.

Биз тарбия ҳақида ўйлар эканмиз, ёшларнинг кек-саларга хурмати юксак бўлиши таомилини йўқот-майлик. Шу нуқтаи назардан хукумат Иккинчи жа-хон уруши қатнашчиларини қарамоғига тўла оли-ши, химоя қилиши, уларнинг қадрини жойига қўйиши шарт, деб хисоблайман.

Шу ўринда соғлиқни сақлаш масаласини ҳам ай-тиб ўтмоқчиман. Давлат бу соҳани ўз қарамоғида сақлайди, моддий таъминот базасини мустахкамлайди. Биз бу соҳада болаларимиз, ота-оналаримиз тақдирни учун қайғураётган фидоий кишиларни хурмат қилишимиз, уларга кўмак беришимиз зарур.

**Еттинчидан.** Жаҳонга, бутун дунёга олиб чиқа-диган йўлимизни кенгайтирамиз. Сизларга маълум, тараққий этган мамлакатлар учта муҳим масалага эътибор беришмокда: инсон хуқуқлари, демократия ва сармоя учун кафолат масаласи. Биз ана шу маса-лаларни эътиборда тутиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиш чораларини кўряпмиз.

Сизларга маълумки, хорижда кўп ватандошлари-миз яшайди. Уларнинг келиб-кетишларини енгил-латиш зарур. Керак бўлса, уларга эркин келиб-ке-тиш хуқуқини берайлик. Уларга кўп масалаларда суянишимиз, хайриҳоҳлиги, бизга умид кўзи билан қараётганини ҳисобга олиб, уларнинг кўмагига тая-нишимиз керак.

Дунёга, жаҳонга чикадиган йўлимиз қанчалик яқин ва кенг бўлса, бугунги қийинчиликларимиз, ташвишларимиз шу қадар тез енгилади.

**Саккизинчидан.** Биз кўп партияйийлик тизимиға ўрганишимиз керак. Бу — юз, икки юзта партия дегани эмас, албаттa. Қолаверса, мақсад — партия-партия бўлиб халқни парчалаб юбориш эмас. Аксинча, партиялар тўртта бўлар, бешта бўлар, лекин улар кўча ва майдонларда жанжал қилмасдан, мана шу ерда, парламентда баҳслашиб, тортишиб, халққа фойдали фикрни кўллашга ўрганиши керак.

Биз онгимизни ана шунга мослаштиришимиз дар-кор, бу йўлда қандай тўсиқлар бўлса, олиб ташлайлик.

Бундан кейин кўп сайловлар бўлади. Аммо бизда сайлов пайтида гурухларга бўлиниш, сайловдан кейин эса бир-биридан ўч олишдек ярамас иллат бор. Бунинг охири яхшиликка олиб бормайди.

Аксинча бўлиши керак. Нима бўлса ҳам қиладиган барча

ишларимиз халқимизни бирлаштиришга, бир ёқадан бош чиқаришга, ҳамкорлик, ҳамжихат-ликка олиб келиши керак.

Биз энди ўзини ўзи бошқарув усулини кенг жорий қиласиз. Маҳалла, қишлоққача ўзини ўзи бошқариши, мустақил бўлиши зарур. Фақат бу — бебошлиқ, бўйсун-маслик дегани эмас. Ҳар қандай раҳбар, ҳар қандай мустақил киши халқ олдида, юрт олдида ҳисобдор, жавобгардир деган қоиддан келиб чиқиш шарт.

**Тўққизинчидан.** Эски тузумлардан бизга нураб, вайрон бўлган бошқарув тизими мерос қолди. Ана шу вайрона ўрнида ўзимизнинг бинони тезроқ тик-лашимиз зарур.

Бунда биз нимани кўзда тутамиз? Мақсадимиз қандай бўлади? Хўжалик, ташкилот, фуқароларга эр-кинлик берилди. Демак, уларни тепадан туриб бош-қариш ортиқча. Хўш, бошқарув ҳокимияти энди нима қиласи? Хўжалик ишларига аралашмасдан, ўз иши-ни бажариши керак. Яъни, ишлаб чиқаришда сама-рали шароит яратиб бериш, халқни ҳимоя қилиш, адолат, ҳақиқат ўрнатиш йўлини, етим-есирлар, но-гиронларнинг бошини силаш, келажак ҳаётимиз

ҳақида бош қотиришни ўзининг асосий вазифаси деб билиши лозим.

Шу ўринда яна бир муҳим масалани ўртага таш-ламоқчиман. Ҳуқуқий давлатнинг қуроли ҳам, ҳимояси ҳам, кўзи ҳам, сўзи ҳам конундир.

Минг афсуски, бизда конунларни менсимаслик-ка, уларни бузишга ўрганиб қолинган. Қонунни бу-зишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Чунки қонун — халқнинг хоҳиш-иродаси! Уни бузган, менсимаган одам халқнинг юзига оёқ қўйган кишидир.

Биз конунни хурмат қилиш, унга бўйсуниш, риоя қилиш йўлидан борсак, истиқболимиз порлок бўлади. Ана шунга эришиш учун Президент қонунларнинг энг асосий посбони, ҳимоячиси бўлиши керак, деб ҳисоблайман.

**Ўнинчидан.** Юқорида айтилган ва сайлов арафа-сида баён қилинган масалаларни амалга ошириш учун Сизларга, халқ ноиблари, миллат вакилларига суя-наман. Халқдан узоқлашмай, унинг орасида тез-тез бўлиб, дардини, ташвишини ўз юрагимдан ўтказиб туришим шарт, деб биламан.

Сизлар билан бирга бўлиш халқ билан бирга бўлишдир.

Халқ билан бирга бўлиш эса унинг ҳаёти, унинг турмуши, унинг

дарди билан биргә бўлишдир.

Халққа, юрга хизмат қилиш эр киши учун, мард киши учун,  
ўғлон учун шарафли ишдир.

Ана шу шарафга мени лойик деб билган халқим-га қуллук  
қиласман ва у билан биргаман.

Катта, масъулиятли йўлда Тангримиз бизга ма-дадкор бўлсин!

*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари*

*IX сессиясидаги маъруза*

*1992 йил 4 январь*

## МУНДАРИЖА

Сўзбоши ўрнида

БИЗ БУНДАН БУЁН ЭСКИЧА ЯШОЛМАЙМИЗ ВА БУНДАЙ ЯШАШГА ЗАМОННИНГ ЎЗИ ЙЎЛ ҚЎЙМАЙДИ. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Фарғона водийси областларини ижтимоий-иктисодий ривожлантиришни жадаллаштириш масалаларига бағишланган Кенгашида сўзланган нутқдан. 1989 йил 24 июнь

ЖАМИЯТНИ ЯНГИЛАШ УЧУН КУРАШАЁТГАН БАРЧА СОҒЛОМ КУЧЛАРНИ БИРЛАШТИРИШ ЗАРУР. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида сўзланган нутқдан. 1989 йил 19 август

ТИЛ ЭЛНИ БИРЛАШТИРИШИ ЛОЗИМ. Ўзбекистон ССР Олий Советининг ўн биринчи сессиясида сўзланган нутқдан. 1989 йил 25 октябрь

ИЛМ-ФАН ИМКОНИЯТЛАРИДАН ТЎЛАРОҚ  
ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида бўлиб ўтган учрашувда сўзланган нутқдан. 1989 йил 28 ноябрь

ТОШКЕНТНИ ЮКСАК ТАРАҚҚИЁТ ВА МАДАНИЯТ ШАҲРИГА АЙЛАНТИРИШМИЗ КЕРАК. Тошкент шахар фаоллари йиғилишида сўзланган нутқдан. 1990 йил 20 январь

ОДАМЛАР БИЗДАН АМАЛИЙ ИШЛАР, АНИҚ НАТИЖАЛАРНИ КУТМОКДА. Тошкентда СССР, Ўзбекистон ССР, маҳаллий советларнинг халқ депутатлари ва жамоатчилик вакиллари иштирокида бўлиб ўтган кенгашда сўзланган маърузадан. 1990 йил 24 февраль

ЎЗБЕКИСТОНДА ПРЕЗИДЕНТ ИНСТИТУТИНИНГ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА КПСС Марказий Комитетининг 1990 йил февраль ва март пленумларининг яқунлари ҳамда КПСС XXVIII съездига ва Ўзбекистон Компартияси XXII съездига тайёргарлик кўриш юзасидан республика партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисидаги маърузадан. 1990 йил 24 март

ХАЛҚ ИРОДАСИ БИЛАН ТАНЛАНГАН ЙЎЛ. Ўн иккинчи чакириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессиясида сўзланган нутқдан. 1990 йил 24 март

ЎТМИШДАН САБОҚ ЧИҚАРИБ, КЕЛАЖАККА ИШОНЧ

БИЛАН.

Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездида сўзланган маърузадан 1990 йил 5 июнь

МУСТАҚИЛЛИК ДЕКЛАРАЦИЯСИ. Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессиясида қабул қилинган. 1990 йил 20 июнь

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИГИ ХУСУСИДА 1990 йил 21 июнь.

АБУ ИСО МУҲАММАД ИБН ИСО АТ-ТЕРМИЗИЙ ТАВАЛЛУДИННИНГ 1200 ЙИЛЛИГИГА БАФИШЛАНГАН ХАЛҚАРО ИЛМИЙ АНЖУМАН ИШТИРОКЧИЛАРИГА. 1990 йил 14 сентябрь

«БОБУРНОМА»НИНГ 460 ЙИЛЛИГИ БАЙРАМИГА ТАШРИФ БУЮРГАН МЕҲМОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНИ ТЎҒРИСИДА АҲБОРОТ. 1990 йил 26 октябрь

ҲАММАСИГА ЎЗИМИЗ ЭРИШМОФИМИЗ ЗАРУР. «Известия» газетаси мухбири инг саволларига жавоблар. 1991 йил 29 январь

ИҚТИСОДИЙ ОМИЛЛАР АМАЛ ҚИЛСА, «ТЕМИР ҚЎЛГА» ҲОЖАТ ҶОЛМАЙДИ. «Правительственный вестник» ҳафтаномаси мухбири саволларига жавоблар. 1991 йил 2 февраль

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ. Республика Наврӯз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ҳақида. 1991 йил 12 февраль.

МУРАККАБ ВАЗИЯТДА ОҚИЛОНА СИЁСАТ ЮРИТАЙЛИК. Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўртинчи сессиясида сўзланган нутқ. 1991 йил 15 февраль

БИЗНИ КАПИТАЛИЗМДАН САКРАБ ЎТИШГА ЎРГАТИШГАН. «Комсомольская правда» газетаси мухбири саволларига жавоблар. 1991 йил 7 март

ЎЗБЕКИСТОН ФАҚАТ ИҚТИСОДИЁТДА ЭМАС, БОШҚА СОҲАЛАРДД ҲАМ ДДДИЛ ҚАДАМЛАР ҚЎЙМОҚДА. «Ди Цайт» немис ҳафтаномаси саволларига жавоблар. 1991 йил 12 март

МУСТАҚИЛЛИК - ЭНГ АВВАЛО ХАЛҚ БИРЛИГИ ВА ҲАМЖИХДТЛИГИДИР. Республика қишлоқ хўжалиги ходимлари курултойида сўзланган нутқ. 1991 йил 27 март.

ЎЗБЕКИСТОН БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИГА АЪЗО БЎЛИШИГА АМИНМАН. Ўзбекистон ССР Олий

Кенгашининг бешинчи

сессиясида сўзланган нутқ. 1991 йил 12 июнь

ДЕМОКРАТИЯ - ҚОНУНГА ВА ШАХСГА ҲУРМАТ  
ДЕМАКДИР. «Рабочая трибуна» газетаси мухбири саволларига  
жавоблар. 1991 йил 4 июль.

ҲИНДИСТОНГА МЕХР БИЛАН. «Таймс оф Индиа» газетаси  
мухбири саволларига жавоблар. 1991 йил 16 август

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКА-  
СИННИГ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ РЕСПУБЛИКА  
АҲОЛИСИГА МУРОЖААТИ. 1991 йил 20 август

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ. 1991 йил 25 август

ХАЛҚИМИЗНИНГ ФИКРИ - БИЗ УЧУН ОЛИЙ МЕЗОН.  
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Марказий  
назорат комиссиясининг қўшма пленумидаги маъруза. 1991 йил 28  
август

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ. КПССнинг Ўзбекистон ССР  
худудидаги мулки тўғрисида. 1991 йил 29 август

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДАВЛАТ СИЁСАТИ  
ИНСОНИЙЛИК ВА ЭЗГУЛИК ҚОНУNLARIГА АСОСЛАНАДИ.  
Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
навбатдан ташқари олтинчи сессиясида сўзланган нутқ. 1991 йил 31  
август

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИННИГ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИ АСОСЛАРИ  
ТЎҒРИСИДА- 1991 йил 31 август

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Вазирлар  
Маҳкамасининг қарори. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР  
АКАДЕМИЯСИННИГ АДАБИЁТ ИЛМГОҲИГА АЛИШЕР  
НАВОИЙ НОМИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА- 1991 йил 19 сентябрь

НАВОИЙ РУҲИ МАДАДКОР БЎЛҒАЙ! Ўзбекистон Миллий  
боғида буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 550  
йиллиги муносабати билан барпо этилган ҳайкалнинг тантанали  
очилиш маросимида сўзланган нутқ. 1991 йил 1 октябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА  
НОМЗОД ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН

ФУҚАРОЛАРИГА МУРОЖААТИ. 1991 йил 3 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИННИГ  
НАВБАТДАН ТАШҚАРИ IX СЕССИЯСИ ҲАҚИДА АХБОРОТ. 1992  
йил 5 январь.

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ БИРИНЧИ  
ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВ ҚАСАМЁДИ

ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁ ХАРИТАСИДА ЎЗИГА МУНОСИБ ЖОЙ  
ОЛДИ.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари  
IX сессиясидаги маъруза. 1992 йил 4 январь

**Каримов, Ислом Абдуғаниевич.**

Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида / И.А. Каримов.  
—Т.: «Ўзбекистон», 2011. — 440 б.